Уруш кўрган адиблар

НАБИ ЖАЛОЛИДДИН

УРУШНИНГ ДАВОМИ

2021/50 A6

НАБИ ЖАЛОЛИДДИН

УРУШНИНГ ДАВОМИ

Қисса, ҳикоялар ва роман

Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи
ТОШКЕНТ – 2021

Ўзбек адабиёти

УЎК 821.512.133-3
КБК 84(5Ў)6
Н 13

Лойиҳа раҳбари
Ҳабиб Абдуназар

Нашрга тайёрловчи
Санжар Турсунов

Жалолиддин, Наби
Урушнинг давоми: қисса, ҳикоялар ва роман / Н. Жалолиддин. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2021. – 336 б.

Сиз ёзувчи Наби Жалолиддинни “Хайём”, “Тегирмон” каби тарихий романлари орқали яхши танийсиз. Унинг ушбу китобга киритилган қисса ва ҳикояларида Афғон урушининг аянчли ҳамда изтиробли манзаралари тасвирланади. Шунингдек, ўзига хос услуб ва шаклда ёзилган “Қурб” романи ҳам сизни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз, азиз ўқувчи!

УЎК 821.512.133-3
КБК 84(5Ў)6

2021/50
A 6
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

ISBN 978-9943-6450-6-6

10 487 04
39 11

© Н. Жалолиддин, 2021
© Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2021

ҚИССА

ЎЛИМНИНГ РАНГИ

Сизларнинг энг яхшиларингиз – қилган гуноҳларингизга ўз вақтида тавба қилувчиларингиздир.
Ҳадис.

Афғон уруши ҳақида кўп ёзилмоқда ва ҳали яна кўп ёзилади. Менинг муродим эса мазкур уруш тўғрисидаги тикланажак ҳақиқатга озгина бўлса-да улуш қўшмоқлик, холос. Қолгани сизга ҳавола! Фақат мазкур қиссадаги воқеалар, гаплар анча илгари содир бўлганини унутмасангиз бас...

Сиздан ўлимнинг рангини сўрамоқчиман. Биламан, хаёлингизга дарров қора ранг келади. Лекин қора дейишга шошилманг. Аслида бу фақат сизнинггина фикрингиз эмас, кўпчилик шундай ўйлайди. Ўлим билан бир бор юзма-юз келганлар эса... мен ҳали сизга ўлиб тирилганлар ҳақида лом-мим деганим йўқ. Улар қора рангни сиз ўйлаганчалик қорага бўяшмайди. Ахир инсоннинг кўзи ҳам, айниқса, севган кишингизнинг кўзи ва тун ҳам қора бўлади-ку. Ўлимни кўрганлар эса қоп-қора кўзларни, ҳаловат тўла тунларни жуда-жуда яхши кўришади...

Айтгандай, сиздан ўлимнинг рангини сўраётувдим, а? Сиз эса барибир қора дедингиз. Йўқ, янглишаяпсиз, ўлим шафақ рангида бўлади. Асло тонгги шафақни хаёлингизга келтирманг. Ёз пайти қуёшнинг ботишини кузатганмисиз? Ўлим ана ўша рангда – шафақ рангида. Мен ўлим ҳақида гапираяпману сиз куласиз-а! Ёки ичингизда турган титроқни билинтирмаслик учун шундай қилаяпсизми?..

Ўлаётган одамнинг кўзларини кўрганмисиз?.. Ўлаётган одамнинг кўзлари аввалига шунақаям чақнайдики, бундайин қувватли нурни бошқа ҳеч қаерда кўрмагансиз. Ана шу чақнаш одам танасидаги ҳаётнинг борки қувватини олиб чиқиб кетади. Кейин унинг нигоҳи ўлим, яъни шафақ рангига тўлиб боради, қорачиқлари кўз косасининг туб-тубига чўка бошлайди. Чўкаверади-чўкаверади, нигоҳи шафақ рангига тўлаверади-тўлаверади, сўнг...

Ўлаётган одамнинг!... Ўлаётган одамнинг кўзлари жудаям чуқур бўлади...

Мен сизга ана ўша шафақ рангига тўлган кўзлар ҳақида гапирмоқчиман.

1

Рўпарадаги қир ва тоғларнинг туси тун қоронғисига қоришиб кетган, фақатгина осмоннинг бир оз очроқ қора аралаш кўкиш рангдалиги уларнинг шаклларини ажратишга имкон беради. Афғон даштларининг кўҳна ва мунтазам эсиб турғувчи шамоллари қулоқлар остида гувуллай, пишиллай ўтиб кетади. Даштнинг аллақачон қовжираган, лекин ҳозир шаклу шамойилини билиб бўлмас ўт-ўланлари шамолларга нималарнидир шивирлашади. Устларига оёқ тушганда эса жуссалари эгилиб, синиб, мискин-мискин инграшади. Мана, икки йилдан ошибдики, уларни тобора кўпроқ инграшга мажбур қилишмоқда. Сон-саноқсиз оёқлар зарбини қўйингу, ерни тешиб юборгудай зил-замбил техниканинг ғилдираклари, ҳатто, уларнинг инграшларини ҳам шовқинлари остида эзғилашмоқда.

Абдуқодир рўпарасидаги қир устида гумбази ва замбараги қорайиб турган танкни мўлжаллаб тахминан қадам ташлаб бормоқда. Баъзида оёғи ернинг чуқурроқ жойига тушиб, мувозанатини йўқотади-да, довдираб кетади. Ҳатто, гоҳида бир муддат кўзларини юмиб ҳам олади, ҳамма ёқ зимистон бўлгандан кейин фарқи нима, дея ўй-

лайди ўзича. Обдан тортилган «чарс»[1]нинг кучидан оғзи қуруқшаб, оғир-оғир тамшанади. Лекин манзилига етгач, ҳузур қилиб ичажак муздеккина сув хаёли уни олдинга етаклайди. Мана, ертўланинг тўртбурчак томи ҳам кўринди, демак, яқин қолди. Бир оз тиззалари букилганидан тепаликка чиқа бошлаганини англади. Шу пайт юқоридан ингичка овоз эшитилди:

– Тўхта! Ким у келаётган?

Абдуқодир овоз эгасини таниди – Сергей. У кайфнинг кучидан сархуш бўлдими ёки ўзи атайлаб «зелёнка» (янги келган аскар)га қитмирлик қилмоқчими, негадир таҳдидли саволга жавоб бермади. Сергей ҳалиги гапини яна қайтарди:

– Тўхта! Ким у келаётган?.. – энди унинг овози юмшоқроқ чиқди. Афтидан у Абдуқодирнинг келишини кутгану, ҳозир уни таниган эди. Буни Абдуқодир ҳам сезди. Аслида соқчи икки маротаба берган сўроғига жавоб қилмаган одамни отиб ташлаши мумкин. Кейинчалик Абдуқодир «зелёнка»нинг у каби «оқсоқол»лардан кўп азият чекканига қасд қилиб, отиб ташлаши ҳам мумкин эканлигини ўйлаб, юраги орқага тортиб кетганди. Ҳар ҳолда уруш кетаётган бўлса... Лекин ҳозир у бу ҳақда ўйламайди, бир оз энкайганича индамай, тепага кўтарилади. Ва ниҳоят, Сергейнинг қорасини у ҳам кўрди.

– Қодир!.. Сенмисан? – дея сўради Сергей мулойимлик билан.

Абдуқодир Сергейнинг олдига етиб келиб, унинг қўлидаги автоматини бир уриб ёнбошига буриб юборди-да, тўнғиллади:

– Нега отмадинг, манқа?

Сергей довдираб қолди.

– Сени танидим-ку, Қодир!

---

[1] «Ч а р с» – Афғонистонда кенг тарқалган гиёҳванд модда.

– Шунақами?.. Ҳай, бобонгни қўриқла! (охраняй дедушку) – дея ертўлага кириб кетди.

Ертўланинг ичини танкнинг аккумуляторига уланган чироқ одамнинг нафасини бўғар даражада хира ёритиб турарди. Икки томонга қўйилган иккита қўш қаватли каравотнинг бирида автоматчи йигит ётарди. Яна бир каравотнинг пастида экипаж командири молдаван Валера билан тошкентлик Олим гаплашиб ўтиришарди.

– Ҳа, жа кеч қоп кетдиз? – дея сўради Олим кирибоқ бурчакдаги сув идишига ёпишган Абдуқодирдан.

Абдуқодир тўйиб сув симиргач, энтика-энтика ғўлдиради:

– Боллярман ўтириб қолдик. Кетаман десам, Акбар қўймади. Ош қилишганакан... – у шундай дея, довдираб келиб, бўш каравотнинг бир чеккасига ёнбошлади. – Комбат[1] келмадими?

– Йўқ, – дея жавоб берди Валера ўзбекчалаб. Бу ердагиларнинг кўпчилиги ўзбеклар бўлганлигидан бошқа миллат вакиллари ҳам ўзбекчани оз-моз тушуниб қолишганди. Қолаверса, Абдуқодирнинг мастлигида шериклари унга иложи борича мулойим гапиришга ҳаракат қилишар, чунки уларнинг орасида Абдуқодир «оқсоқол» ҳисобланарди. Олим билан Валера ундан олти ой кейин хизматга чақирилган. Сергейнинг эса «союз»[2]дан келганига эндигина бир ойдан ошганди.

«Чарс»нинг кайфи сув ичилгандан кейин яна ҳам кучаяди. Ётган бўлса-да, Абдуқодирнинг боши айлана бошлади. У кўзлари юмилган кўйи пичирлашдан сал баландроқ овоз билан сўради:

– Валера, сен командирмисан?

– Ҳа, нимайди?

– Нега соқчимиз ёмон қўриқлаяпти?

---

[1] К о м б а т – батальон командири.

[2] «С о ю з» – собиқ Совет иттифоқи.

Валера Абдуқодирнинг бирор кўнгилсиз иш қилмоқчи эканлигини сезди. Шунинг учун ҳадиксираброқ сўради:

– Ҳа, нима қилди?

Абдуқодир кўзини очиб унга ўқрайди.

– Бор чақир, ўзи айтиб беради!

Командир ўтирган жойида ўшқирди:

– Ҳей, соқчи, бу ёққа кел!

Бир оздан сўнг Абдуқодирнинг рўпарасида кўзлари ола-кула бўлиб, Сергей турарди.

– Оғайни, нега хизматни ёмон бажаряпсиз? – пичинг билан сўради Абдуқодир ётган жойидан туриб ўтираркан.

– Тушунмадим...

– Шунақами? – у ўрнидан туриб, Сергейнинг қўлидан автоматни тортиб олди-да, мурватини суриб, ўқлади.

– Нега мени отмадинг?

– Ахир сени танидим-да!.. – энди ёш аскар қўрқувдан безовталана бошлади. Кайфияти бузилган «афғон оқсоқоли» билан тил топишиш анча мушкул эди.

– Менинг ўрнимда душман бўлганда нима қилардинг?

Сергей нима дейишини билмай ерга қаради.

– Сен отмасанг, мана, мен отаман! – Абдуқодир автоматни Сергейнинг пешанасига қадади. Унинг важоҳати ҳозир жуда қўрқинчли эди: кўзлари ёввойи тусга кирган, чамаси, нима қилаётганини ўзи ҳам яхши англамасди. Тепкини босса, тамом...

Бошқалар бир-бирларига хавотирли қараб қўйишди-ю, лекин юрак ютиб бир нима дейишолмади. Олим каравотнинг панжараси орасидан Абдуқодирнинг кўзларига ҳадиксираб тикиларкан, ўзбекчалаб пичирлади:

– Абдуқодир, отиб қўйманг!.. Отиб қўйманг!..

Сергейнинг ранги эса бутунлай оқариб, қўллари шалвираб осилиб қолган, жон талвасасида дир-дир титрарди.

– Отайми?! – автоматни силкиди Абдуқодир.

Сергей гапирмоқчи бўлиб лабларини қимтиди, лекин овози чиқмади. «Оқсоқол» бутунлай бегона овоз билан пичирлади:

– Онанг борми?!

– Ҳа! – Сергейнинг кўзларидан дув ёш оқди.

Абдуқодир автоматни унинг пешанасидан олди-да, яна бояги овоз билан гўё ўзига гапираётгандай шивирлади:

– Онангга қийин-да!.. – у қуролни Сергейга ирғитди. – Бор, жойингга чиқ!

Сергей кўзларини қўли билан артганча ташқарига чиқиб кетди. Нигоҳи ғалати олайиб қолган Абдуқодир бўшашиб, бошини тиззалари қадар энгаштириб пичирлади:

– Менинг эса онам йўқ!.. – ўзини ёстиққа юзтубан ташлади. Бир оздан сўнг елкаси титраб-титраб силкина бошлади, аммо овози чиқмасди...

Олим эса Сергейнинг олдига – ташқарига чиқиб кетди...

Аслида бунақа соқчилик нуқталарида кечалари бирорта аскар ухламаслиги керак. Ҳаммалари ташқарида – экипаж танкда, автоматчилар эса чуқурда тонг оттиришлари лозим. Лекин ҳаётлари ўзлари учун савил бу йигитлар ҳар лаҳзада хуруж қилиши мумкин бўлган хавфни ҳам назар-писанд қилмай, қисматларини Яратганга топширишиб, донг қотиб ухлашади. Уруш пайти учун мантиқсиз ва шунингдек, кулгили бўлган яна бир нарса шуки – булар душман ҳужумидан эмас, навбатчи зобитнинг ёки батальон командирининг текшириб келиб қолишидан кўпроқ қўрқишади, ҳадиксирашади...

2

Абдуқодир қуёш тиккага келганда уйғонди. Ғовлаган бошини аранг кўтариб, гандираклаб ертўладан чиқди.

Чиқаверишда ўнгдаги чуқурликда Олим, Валера ва автоматчи йигит қарта ўйнаб ўтиришарди. Сергей эса танкнинг ёнбошида автоматини қўлтиқлаганча мудрайди. Абдуқодир бирпас қуёшга дош беролмаган кўзларини уқалаб турди. Кейин эгнидан кителини ечиб, маза қилиб керишди. Ўзбек барибир ўзбек-да, ёнбошлаб қарта ўйнаётган Олим ундан ҳол сўраган бўлди:

– Ҳа, уйқучи, калла пишдими?

Абдуқодир билинар-билинмас жилмайди:

– Роса ухлабману-а?..

У рўпарадаги бочкадан чойнакка сув олиб, юз-қўлини ювди. Ювилаверганидан оҳори тўкилиб, қотиб кетган сочиққа бўйнию елкалари қизариб кетгунча артинди.

– Серёжа, чой борми?

– Бор-бор... Ҳозир... – Сергей автоматини танкка суяб, югуриб ертўлага кириб кетди. Бир оздан сўнг шиша банкада чой, қоғозда нон ва оққанд кўтариб чиқди. – Қаерга қўяй?

– Ҳов анови ерга олиб бор, – деди Абдуқодир йигитлар ўтирган чуқурни кўрсатиб.

Абдуқодир ювошгина бўлиб, беминнат хизмат қилаётган Сергейнинг орқасидан қараб қоларкан, кечқурунги воқеани эслади. Ҳа, у маст бўлса ҳам кўп нарсани эслаб қолганди. Нима деганлари ёдида бўлмаса-да, Сергейнинг пешанасига автомат тирагани эсида. У ўзини ёмон кўриб кетди: «Кучинг шу «зелёнка»га етдими, Қодир! Яшаворей!..» Қартабозларнинг ёнига ўтираркан, Сергейни беозор туртди:

– Серёжа, кечқурунги ишга хафа бўлмагин, кайфим ошиб қолган экан... Кечир!... – деди зўраки ялиниб.

«Оқсоқол»дан бунақа узрнамо гап эшитиш ҳар қандай ёш аскарга ҳам насиб этавермасди. Сергей ҳам Абдукодирнинг мулойимлик билан сўраган узридан эриб кетди:

– Эй-й, майли, аллақачон унутганман, – деди у қўлини силкиб.

– Кўнглини кўтариб яхши қилдиз, – деди Олим. – Бечора роса қўрқиб кетган экан. Сиз ётгач, чиқсам, ҳалиям қалтираб ўтирибди денг. У-ку майли, менам иштонни ҳўл қилишимга сал қолди-ю...

Қисм лагери томонда тушлик тарқатадиган «Урал» машинаси кўринди.

– Комбат бўлиши мумкин, – дея Валера ўрнидан туриб, пляжга келган дам олувчилардек яримяланғоч кўйи офтобда тобланиб ётган шерикларини ҳам туришга ундади. Бунақа ҳодисага ўрганиб кетган бўлсалар-да, сержантнинг гапидан сўнг ҳаммалари ўринларидан туришиб, ўзларини, ертўла ва танк атрофини тартибга келтира бошлашди.

– Серёжа, автоматни олиб, анови жойга тур! – деди сержант соқчилик жойини кўрсатиб.

Ҳадемай машина улар турган дўнгликка кўтарилиб, ертўланинг ёнига келиб тўхтади. Валера адашмаган экан – машина кабинасида комбат ўтирарди. У машинадан тушиши билан сержант унинг қаршисига югурди, қўлини чаккасига қўйиб, ҳарбийчасига ҳисобот берди.

Юмалоқдан келган, пакана, елкаси қунушгандай қисилган, лўппи юзида қизил томирлар отган, қўнғиз мўйловли комбат машинадан овқат олишга шайланган аскарларга қараркан, ёқимсиз жилмайди.

– Ҳа, ислом лашкари, бекор ётиб ҳам корин очдими? – деди бир четда турган Абдукодирда нигоҳини тўхтатиб.

Қисмда ўзбеклар ва умуман мусулмон миллатига мансуб аскарлар кўп бўлганидан баъзи зобитлар «ислом лашкари» деган жумлани ҳақоратомуз оҳангда айтишни яхши

кўришарди. Айниқса, манави комбат – подполковник Бундюков алоҳида урғу билан айтарди бу сўзни. Ҳозир ҳам нигоҳидан ғурур аралаш нафрат ёғилиб турган Абдуқодирга бир оз тикилиб қолди.

– Собиров, дам олиб чарчамадингми? – деди яна боягидай жилмайиб.

– Ҳозирча йўқ, – кесатди Абдуқодир ҳам.

Бундюковни нафақат Абдуқодир, бошқа кўпчилик жангчилар ҳам ёмон кўришарди. Чунки унинг ҳарбийча қаттиққўлликка ўхшаб кўринган барча ҳаракатлари аскарларни ҳақоратлаб роҳатланишдан иборат эди.

Сергей билан Олим тушлик овқатни ўз идишларига олиб бўлишгач, комбат сержантга буюрди:

– Жангчиларни сафлантир! – Ўзи эса чуқурда турган танкнинг атрофини бир айланиб, кўздан кечириб чиқди. Танкнинг орқа томонига ўтгач, энгашиб остига қаради. У ерда аскарларнинг қопчиғига кўзи тушиб, Валерадан сўради:

– Анови нима?

Валера унинг нималигини билса ҳам талмовсиради:

– Билмадим.

Комбат Серёжага буюрди:

– Қопчиқни ол бу ёққа!

Зобит шунчалик бўлгани билан «оқсоқол» аскарларга иш буюришга ҳайиқарди. Ҳозир ҳам атайлаб Сергейни танлади. Сергей буйруқни бажаришга тараддудланаркан, ҳадиксираб Абдуқодирга қаради. Абдуқодир нима қилсанг қилавер, дегандай юзини четга бурди.

Танкнинг остига кириш ноқулай бўлганидан Сергей қопчиқни жуда қийналиб олиб чиқди. Уни олиб келиб, комбатга тутган эди, у дўқ урди:

– Оч!...

Қопчиқда иккита америкоча «жинси» шим бор эди. Буни кўриб, комбатнинг кўзлари чақнаб кетди.

– Оббо-о чайқовчилар-ей, ҳали бу ерда дўконимиз ҳам бор, денглар. – У ўзининг ҳазилидан яйраб кулди.

– Уйга обкетиш учун олгандик, ахир биттадан мумкин-ку! – дея тўнғиллади Абдуқодир «жинси»дан ажралганига кўзи етиб турса ҳам.

Кўпинча зобитлар мана шунақа кузатув нуқталарида турган жангчиларнинг ертўла ва танкларигача титкилашиб, уларнинг асраган нарсаларини – арақ, кийимкечак, магнитофон ва бошқа нарсаларини тортиб олишарди.

– Сизларга умуман мумкин эмас, – комбат шундай дея Сергейга ўгирилди. – Ма, машинанинг кабинасига ташлаб қўй... Ҳа, айтгандай, – у энди Валерага қаради.

– Эртага эрталаб ҳамма нарса кўчишга тахт қилиб қўйилсин. Ўринларингизга бошқа ротанинг экипажи келади, сизлар қисмга қайтасизлар. Тушунарлими?..

Комбат машинага ўтирди-ю, жўнаб кетди.

– Ҳе, онангни!.. – дея Абдуқодир алам билан сўкинди. Сўкинади-да, ахир ҳадемай уйга кетиши керак. Уйда киярмиз, деб шу иккита «жинси»ни аранг топишганди. Энди Акбарга нима дейди?

Эртасига тушга яқин қўшни ротанинг бир экипажи уларнинг ўрнига келди. Кеча ва бугун ҳам алмаштирувчилар келгунича нарсаларини йиғиштириш билан овора бўлган Абдуқодиру унинг шериклари кайфиятида ғалати бир тушкунлик, норозиликка ўхшаш ҳолат пайдо бўлганди. Негаки, уч ойдан бери ҳарбий тартиб-интизомнинг кўпидан холи, ўзларига хон бўлиб яшаётган бу йигитлар учун қисм лагерига қайтиб, аскарча режимга тушиш оғир туюларди. Эрталаб эрта тур, фалон пайтда овқатга бор, чодирингни тозала, э қўйингки, тревога деганлари ҳам борки, улар ҳар қандай одамнинг ҳам жонига тегади. Ана шуларни ўйлаб, бу йигитларнинг тумшуқлари осилиб кетганди.

Улар тушдан кейин қисм лагерига қайтишди. Танкни белгиланган жойга қўйишиб, ҳамма қатори аскарга айланишди. Ўша тартиб-интизомлар Абдуқодирни норози қилса ҳам дўсти Акбарали билан яна бирга бўлишни ўйлаб хурсанд ҳам эди...

Кечки овқатдан сўнг икки-уч улфат чодирнинг бир бурчагида тўпланишди. Абдуқодиру Акбардан ташқари самарқандлик Жамолиддин ва яна Сурхондарёдан Расул деган йигитлар ҳам бор эди.

– Акбар, ўра энди, – деди Абдуқодир тамаки тутатаркан.

Акбар чўнтагидан қоғозга ўроғлиқ «чарс» чиқарди ва ёнидаги йигитга узатиб, деди:

– Жамол уста ўрашга.

Ҳақиқатан ҳам Жамол «чарс»нинг нўхатдегини бирпасда майдалаб, сигаретнинг тамакисига аралаштирди, ҳатто, лаб тегиб эгилмасин учун қаттиқ қоғоздан қўлбола фильтр ҳам тайёрлаб ташлади.

– Қани, ким тутатади? – сўради Жамол иш битгач, Акбарга ўгирилиб.

– Қодирга бер... Ол, тутат, Абдуқодир.

Абдуқодир гугуртни чақиб, юзи бужмайиб тутун тортаркан, қаттиқроқ тортиб юборди шекилли, ўхчиб йўтала бошлади.

– Ҳа, онангни-я!.. – дея нафасини бир оз ростлаб олгач, яна уч-тўрт марта тортиб, Акбарга узатди.

Ўзлари «тўппонча» деб номлашган «чарс» ўралган сигарет ўртани айлана бошлади. Абдуқодир иккинчи айланишни ўтказиб, қизариб сузилган кўзларини Акбарга қарата деди:

– «Жинси»ни урдирвордим, Акбар!

Акбарали парвосига ҳам олмади. У дўстининг хижолат чекиб гапираётганини сезганди. Агар индамаса, Абдуқодир хафа бўлишини ўйлаб, секингина:

– Кимга? – деди.

– Комбат обқўйди.

– Майли, хафа бўлма, яна топамиз-да.

Абдуқодир бир таскинланди, яна айланиб келган «тўппонча»ни тортаркан:

– Онангни эмгурга буюрмасин!.. – дея ғўлдираб қўйди.

Улфатлар «тўппонча»ни «отиб» бўлишгач, чодирда биринчи взвод – Абдуқодирларнинг командири катта лейтенант Степанов пайдо бўлди. Ўрта бўй, оқ-сариқ юзида кулгичи бор зобит кирибоқ хира чироқ шуъласида сузиб юрган тутунларга қаради.

– Роса тутатибсизлару-а? – унинг овозидан «чарс» чекувчиларни топиш, жазолаш нияти йўқлиги сезилиб турарди. Чунки аскарларнинг бунақа «касали» борлиги кўпчилик зобитлар учун ҳам сир эмас эди.

– Бунақада душман босганини ҳам билмайсанларку, – деди у ҳазиллашгандай, сўнг у ёқ-бу ёққа аланглаб, – Собиров қани? – дея сўради.

Бир четда ўтирган Абдуқодир «мен шу ердаман», дея ўрнидан қўзғалди.

– Тонгда эски танкларни алмаштиргани «союз»га жўнаймиз. Биздан – Соҳибов (Жамол), сен, – у яна бир неча кишининг номини айтди, – борасизлар. Тайёргарлик кўринглар...

– Экипаж биланми?

– Йўқ, фақат ўзинглар борасизлар. Бошқа взводлардан ҳам уч-тўрттаси бор.

Абдуқодирнинг ҳафсаласи пир бўлди.

– Тағин ажралишарканмиз-да, Акбар! – деди тушкун оҳангда.

– Майли, бир маза қилиб ўйнаб келасан. Ҳаммасидан ҳам қизларни кўрасан, ошна.

– Шунақа-ю... Менга қара, оғайни, мен йўғимда ўзингни эҳтиёт қилгин. Урушакан деб югуриб кетавермагин, бўптими! – дея у дўстига меҳрибончилик қилди.

– Бўпти-бўпти... Саҳар кетсанг, ётайлик энди...

* * *

Афғон ёзининг туни ҳам анча салқин бўлади, айниқса, тонгга яқин киши тузуккина совқотиши мумкин. «Союз»га борувчиларга бошлиқ қилиб тайинланган катта лейтенант Степанов уйғотган аскарлар танкчиларнинг қора пахталикларига ўраниб, уйқуга тўймаганликдан ва Абдуқодир каби кеча яхшигина «гўппонча» отган йигитлар эса бошлари ғовлаганидан гандираклаб тиканли симлар билан ўралган техника қўналғасига йўл олишди. Командир олиб кетилиши керак бўлган эски танкларни барчага тақсимлагач, пиёдалар ротасидан чиққан уч-тўрт аскарга ҳам ўзларининг «БТР»[1]ларини шатакка тайёрлашларини буюрди. Хуллас, тўртта танкка тўртта шалоғи чиққан «БТР» шатакланди. Жами ўнта танк бўлганидан Абдуқодир ўзига ортиқча юк – шатак тегмаганлигига хурсанд ҳам бўлди. Негаки, ҳали Кўҳна Ҳирот шаҳрини кесиб ўтиб, узоқдан-узоқ довонни ошишлари керак. Довонда шатаксиз ҳам сал чалғисанг, жарга қулашинг ҳеч гап эмас. Тағин остидаги «тулпорлари» улоқдан қайтган отдай бир аҳволда бўлса.

Бунақа сафарга бежиз эрта тонгдан отланишмасди, зеро, афғон халқининг ҳасратлари каби қат-қат бўлиб, улкан қабрлар янглиғ дўмпайиб ётган тоғ ва қирлар оралиғидан илонизи сингари юксалган довон йўлини босиб ўтиш жуда мушкул эди. Довондан сўнг ҳам қанча қишлоғу даштларни ортда қолдириб, чегарага етиб борилади. Унгача ҳали йўл азоби, қияликларнинг хавфли манзараларидан ташқари, душман ҳужуми-ю, қонли отишмаларнинг бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Йўл бошида сафланган машиналар чанг-тўзон кўтариб, ваҳимали гуруллайди. Хира чироқларнинг ёруғида у ёқдан-бу ёққа югураётган Степанов ҳайдовчиларнинг сафдаги ўринларини белгилайди, яна нималарнидир аскарларга бақириб тушунтиради. Сафнинг бошида пиё-

[1] БТР – жанговар машина.

даларнинг прапоршчиги ўтирган «Урал» машина, ундан кейин командирнинг танки, охирида эса Абдуқодир минган «пўлат фил» йўлга чиқишди. Бу танкларда на экипаж аъзолари, на снаряду пулемёт бор эди, ҳатто, механиклар автомат ҳам олишмади. Тағин бу машиналарнинг жуда кўп мурватлари йўқ бўлиб, носозликлар бисёр эди. Абдуқодир минган танкнинг олдинги катта чироғи ёнмас, сўнгги – бешинчи тезликка тушмас экан. Яхшики, орқада юрадиган бўлди, ҳар ҳолда олдинда кетаётганларнинг чироғини мўлжаллаб бориши мумкин.

Абдуқодир ҳамиша навбатдаги рейд (жанг)га чиқиб кетаётганда ёхуд мана шунақа сафарлар олдидан бисмиллони айтиб, «Ихлос» сурасини уч маротаба қироат қилиб, Худодан паноҳ тиларди. Дин тақиқланган ватанларида эътиқодига содиқ қолиб, бир неча сураю калималарни ёд олдирган опоқдадасидан баъзида миннатдор бўлар, у кишини эслаб, юраги орзиқиб кетарди. Ҳозир ҳам шлемафон кийиб олганидан қулоғи танкнинг шовқинидан бошқа нарсани эшитмай (аслида бу эски араваларда алоқа дастгоҳлари ҳам носоз эди), баланд овоз билан «қулҳуоллоҳ»ни уч марта ўқиб, Оллоҳдан паноҳ сўради-да, дилида калима келтира кетди. Бу кўздан уйқуни қувар, кишини сергаклантирарди.

Шундай қилиб сафар бошланди...

* * *

Тонг ёришганда шаҳар бўсағасига етиб боришди. Степанов жангчиларни тўплаб, шаҳар ичидан бошларини чиқармай – жанговар ҳолатда ўтишларини, тўхтамасликни, машиналар оралиғини бир хил масофада сақлашни уқтирди. Шундоқ ҳам жангчилар бунақа ишларга «пишиб» кетишганди, лекин нима қилса ҳам командир командир-да, бу қора кўзларнинг жонини омон сақлаш ўшанинг зиммасида.

2021/50
A 6
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

Шаҳар осуда эди. Йўл четида уймалашаётган биттаиккита кишиларни ҳисобга олмаганда шаҳарнинг ҳаёти ҳали бошланмаганди. Абдуқодирга эса шаҳар дўконларининг очилгани яхши эди. Кеча дўстлари унга бир неча минг афғон пули ва ёнғоқдан каттароқ «чарс» топиб беришганди. Пулга кўйлакларми ёки бирор матоҳ олволса, «союз»да нон ҳам, «дўст» ҳам топиш осон бўлади. Афғонда «сухой паёк» еяверіб ияклари тортилган бу аскарларнинг орзуси «жонлироқ» овқатдан тотиш эди. «Жонлироқ» овқатни бекорга беришмайди, яна ватандошлари боягидек нарсаларга ўч эканликларини улар яхши билишарди, қолаверса, арақ-парақ деганларидай...

Ҳиротликларнинг осуда тонгини ваҳшат шовқинига чулғаб, ниҳоят шаҳарни кесиб ўтишди. Шаҳардан чиқишгач, тепаликка ўрлай бошлашди. Худди мана шу ердан довон бошланарди. Довонда бешта кузатув нуқтаси бўлиб, ҳар бирида биттадан пиёдалар взводи соқчилик қиларди. Довондан ошиб ўтаётиб мушкул аҳволга тушган «шўравий»ларга тезроқ ёрдамга етиб бориш учун ана шундай қилинганди. Қолаверса, кеч қолганлар ўша нуқталарда тунаб қолишлари ҳам мумкин. Биринчи кузатув нуқтаси шаҳардан чиқаверишдаги қир устида бўлиб, сўнгги бешинчи нуқта довоннинг энг юқори қисмида жойлашган эди. Шатакчилар биринчи нуқтада нонушта қилиш учун тўхташди.

Кузатув нуқтаси тоғнинг бошланишида жойлашганди.

Битта ертўла, битта тоғ тошларидан қурилган қўлбола «штаб», яъни зобитлар хонаси, бир томонда овқат пиширіладиган ҳарбийча идишлар, овқатланишга мослаштирилган ўриндикдар кўзга ташланади. Икки томонга атрофи қум тўлдирилган қоплар билан ўралган соқчилар «шийпончаси» қурилган. Худди шундай шийпонча тоғнинг тепароғида ҳам кўринади, бу юқоридан бўладиган хавфнинг олдини олиш учун бўлса керак, қолаверса,

атроф юқоридан яхшироқ кўринади. Бундан ташқари, олтита «БТР» иккита-иккитадан турли томонга қаратиб териб қўйилган. Хуллас, зобиту аскар бўлиб олтмиш чоғли одам жойлашган бу «хонадон» ҳаётга тўла эди.

Жангчиларнинг кўпчилиги эндигина уйқудан туришиб, юз-қўлини ювишарди, баъзилари елкасида автомат билан нонушта тараддудида ғимирлашади. Зобитлар кўринмас, чамаси, туни билан ухлашмагану тонг отгач, хавф-хатардан холи дам олишарди. Степанов билан пиёдалар прапоршчиги зобитлар хонасига кириб кетишди. Икки-учтадан бўлишиб тамадди қилишга тутинишган аскарлар «сухпай»ларини олишиб, киройи овқатларининг темир «қаср»ларини бузишга тушишди. (Аскарларга «сухой паёк» қилиб буғдой, гуручдан тайёрланган каша, «тушёнка» ва қотирилган нон бериларди.)

Кузатув нуқтасидагиларнинг ҳам кўпчилиги ўзбеклар эди. Ўзбек ўз емишидан бировга илинмаса, қорни тўярмиди, нонушта тайёрлаётганлардан бир-иккитаси йўлдагиларни астойдил чойга таклиф қилишди. Мезбонлар баҳоли қудрат дастурхон тузаб, иссиқ овқат ва чой қўйишди. Гурунг устида мезбонлар туни билан довонда, яъни улардан юқорироқда шовқин-сурон, бақир-чақир бўлгани, балки душман уларни қўрқитишга уринган, хуллас, улар нимагадир тайёргарлик кўришганини айтишди.

– Автомат ҳам олмабмиз-а! – деди зўраки жилмайиб Абдуқодир.

– Қўрқманглар, биз кузатиб қўямиз. Командирлар ҳам барибир шунга келишишса керак, – дея далда берди мезбонлардан бири.

Бу орада Степанов билан прапоршчик чиқиб, аскарлар билан овқатланишди. Даврада бирпас ҳазил-ҳузул гаплар бўлиб, чой ичилгач, кетишга отланишди. Бояги йигитлар айтишганидай зобитлар иккита «БТР» экипажини қўшиб беришга келишишибди. Оқибат, сафбоши бўлган

«Урал»дан кейин битта «БТР», сафнинг охирида эса яна биттаси борадиган бўлди. Степанов ўз танкини орқа томонга олиб ўтди. Жангчилар ҳушёрликка чорлангач, оғир машиналар карвони ўрнидан жилди.

Илон изига ўхшаган бетон йўл аста судрала бошлади. Ўнг томон тик тоғ, аниқроғи, тўрт-беш газ пичоқда кесилгандай тикка бўлиб, у ёғи қиялаб кетган азим тоғлар. Ҳар бир тошнинг шакллари, ўйдим-чуқури бу қадим юртнинг кўз ёшларидан, юрак қонларидан ҳосил бўлгандай мағрур, аммо мунглиғ кўринади. Бу совуқ мағрурлигу мунглилик жабрдийда заминни топтаётган, алданган аскарларнинг юрагига қўрқув, ғулғула солади, гўё ҳар бир қоя уларнинг устига қулагудек қовоқ уяди. Чап томон жар, у баъзида тик келса, баъзан қияроқ. Қияликларда сарғайган ўт-ўланлар дардлари кун сайин ортиб бораётган афғон халқининг ҳасратларини сўзлаётгандек. Бу ҳасратлар ана шу қадамлари нохолис йигитларни ютиб, кўмиб юборадигандай. Зеро, ўша ҳасратларнинг домига тушган инсоннинг соғ-омон қолиши ҳам гумон эди. Ҳа, бу замин азали мана шундай мағрур ва енгилмас бўлган. Уни оёқости қилмоқчи бўлганларни тоғлари қуламас девор янглиғ улуғвор кўкракдай тўсиб, жарлари жаҳаннам сингари ўз комига тортган.

Карвонда бораётганларнинг хаёлига бу гаплар келмаса-да, юракларини қўрқув кемираётгани аниқ эди, улар улкан «қовоқ»ларнинг тепасига ҳадиксираб қараб боришарди. Беш чақиримча юришгач, қўққисдан отилган миномёт ўқи гувуллаб жарнинг оғзига келиб тушди. Душман мўлжални хато олганди чоғи. Сўнг кетма-кет турли милтиқлардан якка-якка ўқ отила бошлади. Карвон ўзини қоя остига олиб, тўхтаб қолди, чунки «Урал»дагиларга талафот етганди. Бу орада «БТР»дагилар замбаракларини юқорига қаратиб ўт очишди, автомати борлар ҳам тепага қараб ўқ ёғдира бошлашди.

Аммо душман кўринмас, отган ўқларининг визиллаганигина эшитиларди, холос.

Отишманинг бошланишидаёк «Урал»нинг ҳайдовчиси шикастланганди, ўлганнинг устига тепгандек прапоршчик кабинага қўйган бир қути автомат ўқига душман ўқи тегиб портлаганди. Прапоршчик кабинадан ўзини олиб қочишга улгурган, ҳайдовчи эса йўл четида базўр типирчилар, титилиб кетган кийим-боши аланга ичида қолган эди. Машина йўлга кўндаланг туриб қолгани учун орқадагилар ўтолмас, кетма-кет ёғилаётган ўқлардан ҳайиққан аскарларнинг бирортаси ҳайдовчига ёрдам беролмасди. Отишма узоққа чўзилмади, лекин тоғларнинг акс садоси ила ҳамма ёқ ваҳимага чулғанди. Улар шунақа – туйқусдан ҳужум қилишарди-да, туйқусдан ғойиб бўлишарди.

Жангчилар отишма тугаса ҳам анчагача қоя остидан чиқишмади. Душманнинг кетганига ишонч ҳосил қилишгач, бирин-кетин «Урал» томон югуришди. Куйиб, қоп-қорайиб кетган ҳайдовчи аллақачон «тинчиб» қолганди. Унинг кийимларию танаси тутаб, қўланса ҳид таратарди. Аскарларнинг баъзилари ўхчиб, ўзларини четга олишди. Кўз ёшларини тиёлмаганлар ҳам бўлди.

– Кетиш керак! – дея бақирди кўзлари ёшга тўлган Степанов. – Жасадни машинага ортинглар... Ҳамма машиналарга!..

Прапоршчик билан Абдуқодир ва яна бир аскар ҳайдовчининг жасадини адёлга ўраб, «Урал»нинг аравасига ортишди. Машинага прапоршчик ўтириб, ўнг йўлга тўғрилагач, карвон ўрнидан жилди. Энди жангчиларнинг кўнглини қўрқувдан ҳам кўра аянч, ачиниш ва ўксик бир туйғу эгаллаганди. Улар ёшсиз, овозсиз, барчаси ўзларича йиғлашарди, юраклари йиғларди. Жангчилар бунақа воқеага биринчи бор рўпара келишмаган бўлсалар-да, ҳар бир янги йўқотиш, ўлим уларни ана шундай ларзага соларди. Илло, ҳали улар ёш – йигирмага ҳам тўлмаган эдилар...

3

Улар узоқ ва заҳматли йўлни босиб ўтишарди. Довоннинг дам юқори, дам пастга ўрлайдиган йўли хизматини ўтаб бўлган «қаҳрамон» танкларнинг роса тинкасини қуритди. Айниқса, танкда бетон йўлдан пастга қараб тушиш қийин бўлади, балки ричаг ўрнида машинаникига ўхшаган руль бўлса осонроқ юрилармиди. Ҳартугул жарга қуламаслик учун танкнинг ричагини усталик билан тортиб, доимо тормозни босиб юришга тўғри келади. Натижада, унинг тормоз мурватлари тутаб, ҳатто, ёниб кетиши ҳам мумкин.

Жангчиларнинг бўлиб ўтган фожиадан кейинги тушкун кайфиятини жарда қулаб ётган, қачонлардир душман томонидан ёндирилган ва пачоқланиб, қорайиб кетган, кета-кетгунча онда-сонда кўзга ташланадиган турли ҳарбий машиналарнинг «жасади» баттар ваҳимага солиб эзади. Киши гўё тунда гўристон оралаб ўтаётгандай юракка ғулғула тушади.

Абдуқодир аскарларга текинга бериладиган «Охотничий» дея шоирона ном билан аталувчи тамакисини тутатиб, босиб-босиб тортаркан, хаёлини чалғитмоққа уринади. Бунақа йўлда хаёл чалғиши хавфли бўлса-да, ўксик кўнгилнинг ширин ҳиссиётларга чанқоқлиги устун келиб, тоғу дарёлар оша она-Ватанига учгиси келади. Ёнма-ён бораётган хавф кўнгилнинг майлини писанд қилмаса ҳам неча ойлардан буён ричагларга ошно бўлган қўллар ўз бурчини беихтиёр хатосиз ўтайди...

Наргиза ҳозир нима қилаётганийкин? Ҳар доимгидай арикда идиш ювaётганмикин? Абдуқодирнинг «ҳар доимгидай», дея ўйлаши бежиз эмас, негадир унинг хаёлида Наргизанинг идиш ювaётгандаги ўша ҳолати муҳрланиб қолган. Қиз ўнг елкасини бир оз ёнбошлатиб, чиннида арикдан сув олар, пешанасидаги сочининг бир тутами кўз-

ларига тушса, лабининг чеккасидан беозор пуфлаб, бошини аста силкиб қўярди. Тиззаларини ийманибгина букиб, кўйлагининг этагини ҳар замон-ҳар замонда тортиб қўйишлари Абдуқодирнинг юрагини орзиқтириб юборарди. Қизнинг юзи ёнбошдан ўзгача кўринар, тим қора қошлари остидаги ўсиқ киприклари гўё хушторининг нигоҳини сезгандай учиб-учиб қўярди. Айниқса, унинг қараб турганини билгач, бошини хиёл буриб, бир қошини озгина кўтариб, сузилиб қиё боқишлари йигитнинг унга бўлган муҳаббатини юз чандон оширар, тилини лол қилиб, довдиратарди.

– Наргиза, бугун чиқинг-а! – дерди у овози титраб, биров чиқмаяптимикин, дея қизнинг дарвозасига олазарак қараркан.

Аслида бу қизга ёқарди, аммо у ўзини қўполроқ кўрсатишга уриниб, дарвозаси томонга ҳадик билан қараб қўярди.

– Бўпти-бўпти... Кетинг энди!... – юзини тириштириб дерди у.

– Ростдан чиқасизми?..

– Ҳа... Дадам!.. – деб дарвоза томонга кўзларини олайтириб имо қилар, чўчиб кетган Абдуқодир қадамини тезлатиб жўнаб қоларди. Қиз эса унинг орқасидан пиқиллаб кулар, йигитни «боплаб» алдаганидан болалардай қувнаб кетарди.

Абдуқодирнинг қулоғида севгилисининг «Ҳа!» деган сўзи жаранглаб борарди. «Чиқади» дерди ўзига ўзи таскин бериб. Уларнинг аниқ манзилни, вақтини айтмай, учрашув белгилашлари бежиз эмасди, чунки ҳар доимги висол жойлари аниқ эди: маҳалладан чиқаверишда катта анҳор оқиб ўтади. Ана ўша анҳорнинг бўйида қари тол бўлиб, унинг орқасидаги одамни йўлдан ўтганлар кўрмас, сувнинг шилдираши эса шивирлашларини босиб кетарди. Қари тол уларнинг «паккаси», муҳаббатларининг тилсиз паноҳи эди.

Яқинда Наргизадан хат олди. Ўлим билан юзма-юз, диллари шикаста эркаклар орасида яшаб, дағаллашган, қалби зиндон каби зулумотга тўлган йигитнинг жону жаҳони гул исларига, муаттар бўйли саболарга йўғрилгандай бўлди. Севгилиси қизларга хос ҳаёси ила ҳолаҳвол сўрагач, хатининг сўнгида: «Ўзингизни эҳтиёт қилинг», деб ёзибди. Унинг кутгани шу бир оғиз сўз эди. Шу бир оғиз сўз замирига яширинган маънолар уни юксак орзу-умидларга, шодликларга чулғади. Уни ҳам кимдир кутмоқда, боришига интизор. Уни икки дунёга ҳам ишонмагувчи онаизори бўлмагач, қайтишини ким кутиши мумкин эди? Демакки, ёлғиз севгилисигина бу умидбахш, юракни орзиқтирувчи вазифага қодир экан.

«Ўзингизни эҳтиёт қилинг!..»

Туйқусдан олдиндаги танк четроққа чиқиб тўхтади. Ўзининг ширин хаёллари билан банд бўлган Абдуқодир унга бориб урилишига сал қолди, яхшики, тормозни босишга улгурди. Ҳамма нима гаплигини билиш учун олдинга югурди. Сафнинг бошроғидаги бир танк тепага чиқиб кетаётганда орқасидаги шатаги оғирлик қилганми, тормози ишламай, йўлнинг чеккасига келиб қолганди. Шатакдаги «БТР» эса жар томонга осилиб, қийшайиб ётарди. Бу туришида «БТР» танкни ҳам жарга тортиб кетиши ҳеч гапмас. Шунга ақли етган Степанов қийшайиб турган танкнинг ҳайдовчисига тормозни маҳкам босиб туришини буюрди, ўзи орқадаги танкка ўтириб, ярим осилиб турган «БТР»нинг «тумшуғи»га зарб билан урди. Қирқ тонналик юкнинг зарбига чидолмаган сим арқон узилди, «БТР» шарақлаб жарга қулади. Степанов танкдан тушар экан:

– Битта камроқ, – деб қўйди кулиб.

Улар қоронғи тушганда бешинчи нуқтага етиб боришди. Аслида кечгача чегарага ҳам боришлари мумкин эди, аммо йўлдаги отишма, эски танклар ва уларга уланган

шатаклар йўлларини узайтирганди. Степанов шу жойда тунашларини айтди. «Урал» билан олдиндаги иккита шатакли танк бешинчи нуқтадан ўтиб, анча илгарилаб кетишганди. Ўша бақувватроқ танкларнинг бирида Жамол борарди. Алоқа йўқлигидан Степанов Абдуқодирни чақириб, олдиндаги танкларга етиб, эрталаб қолганларга ёрдамга қайтиб келишларини айтишини тайинлади. Абдуқодир шалоғи чиққан «эски аравасида» уларнинг орқасидан тушди. Катта чироқнинг йўқлиги, бешинчи тезликнинг ишламаслиги унинг йўлини ундирмади. У олдинда бораётган машиналарнинг занжирли ғилдираклари остидан чиқаётган учқунларни элас-элас кўриб, етиб олишига умидвор эди. Мана, довон ҳам тугаб, текис дашт оралаб бормоқда. Абдуқодир энди ўз шерикларига чегарадагина ета олишига ишонди. Аммо танки бир-икки «порпор» қилди-ю, ўчиб қолди. Афтидан, ёнилғи келмасди, у ҳайдовчининг ёнбошидаги ёнилғи ҳайдовчи мосламани қимирлата бошлади. Машина ўт олмади. Абдуқодир шу кўйи ярим соатча овора бўлди, юз-кўзидан тер қуйилди, лекин эски арава юрай демасди. Энди машинанинг орқаси(трансмиссия)ни очиш, «ичак-чавоқ»ларини кўздан кечириш лозим эди. Бунинг учун эса чироқ керак, зимистонда нима ҳам қила оларди?..

Абдуқодир танкдан чиқиб, гумбазнинг бир четига ўтирди, тамаки тутатиб, атрофга назар солди. Не кўз билан кўрсинки, йўлнинг ўнг тарафида, Абдуқодирдан сал орқароқда қишлоқ бўлиб, итларнинг ҳуригани, одамларнинг бақир-чақирлари эшитиларди. Унинг юраги орқага тортиб кетди, энди бир пана жой излагандай чап тарафга назар ташлади. Бу ён дўнгроқ бўлиб, дўмпайган қабрлар, афғон қабристонларида кўп учрайдиган яшил байроқларнинг шабадада қимирлагани юлдузларнинг хира нурида билинар-билинмас кўринарди. Абдуқодир расмана қўрқиб кетди. «Мана, Қодир, ниҳоят манзилингга етиб

келдинг, гўристон ҳам тайёр!..» Юраги дукурлаб, атрофга олазарак қараркан, автомат олмагани алам қилди. Бунақада на ўзини ҳимоя қила олади, на бирор ёққа жилади. Анави қишлоқдагилар сезиб қолишса борми, тунда, тағин мана бунақа овлоқда ёлғиз қолган «шўравий» ҳар бир ўзини билган афғон учун тайёр «гўшт»-да. Хоҳласа, кабоб қилади, хоҳласа, бурдалаб, итларга ташлайди. Абдуқодир нима қилишини билмай, яна танкка кирди, ёнилғи ҳайдашга уриниб кўрди, бўлмади. У ёқдан-бу ёққа аланглаб, танкнинг ичини кўздан кечираркан, бирдан ёнбошидаги кутида ётган гранатага кўзи тушди, ҳар ҳолда кишига анча далда бўлади. У танкнинг юқоридаги туйнуклари(люклари)ни ичкаридан беркитди, ўз туйнугини ҳам ёпиб, бош томонидаги чироқчани ёқиб қўйди. Хуллас, тонг отгунча тақдирга тан бериб, Оллоҳнинг ёзиғини кутишга аҳд қилди.

Озгина ўтиб, элас-элас қадам товуши эшитила бошлади. Абдуқодир сергакланиб, гранатанинг ҳалқасини тортди-да, маҳкам сиқиб олди. Унинг мақсади мабодо душман ўраб олса, ўзини портлатиш эди, биттагина граната шундан бошқа нимага ҳам ярарди, нима бўлганда ҳам қийналмай ўлади-ю. Бу орада қадам товуши яқинлашиб, танкнинг атрофини айлана бошлади, қўрқувдан бутун вужуди қулоққа айланган Абдуқодир уни аниқ эшитиб турарди. У қўлидаги гранатани қаттиқроқ қисди.

– Ё Худо!..

Ана, қадамлар танкнинг устидан эшитила бошлади, ҳатто, юқоридаги туйнукларнинг «эшиги»ни тортиб ҳам кўрди. Чамаси, у ёлғиз эди, эҳтимол вазиятни ўргангани келган душман хуфиясидир. Абдуқодир ҳам танкнинг ичи дим бўлганидан, ҳам қўрқувдан терлаб, сув бўлиб оқарди... У ёғи эсида йўқ, ё қўрқувдан ҳуши оғган, ё қаттиқ энтикишдан боши айланиб ухлаб қолган. Бир пайт машинанинг гуруллагани-ю, одамларнинг овози эшитила

бошлади. Абдукодир аввалига нима бўлганини тушуна олмади, эндигина уйқудан уйғонган одамдай карахт эди. Одамларнинг овозига қулоқ солди, улар русча гаплашишарди.

– Ўзимизникилар!.. – дея пичирлади у энтикиб.

Кимдир танкни темир билан уриб, тақиллата бошлади. Кафтидаги граната Абдуқодирнинг ёдида йўқ эди, бармоқлари қотиб қолганди. У туйнукни очиб, бошини чиқарди, рўпарасидаги «Урал»нинг чироғида туйнук олдида турган Жамолни аниқ таниди.

– Жамол!..

Жамол танк ичидан чиқишга уринаётган Абдукодирнинг қўлидаги маҳкам қисилган ҳалқасиз гранатани кўриб, капалаги учди.

– Ҳей-ҳей, Қодир, эҳтиёт бўл! Сенга нима бўлди?! – Абдукодирнинг кўзлари бежо боқарди. Жамол унинг қўлига ёпишди. – Қўйиб юборма! – деди пичирлагандай. У дўстининг бармоқларини қийинчилик билан ёзиб, гранатани эҳтиётлик билан олди ва узоқроққа ирғитди. Граната анча нарида гумбурлаб портлади.

– Ма, мановини чеквол, – деди Жамол Абдуқодирга тамаки узатиб. – Ҳозир аравангни юргизаман...

Нарироқда бизга таниш прапоршчик ва яна икки аскар елкаларида автомат билан тамаки тутатиб туришарди.

4

Эрталаб иккита танк бешинчи нуқтага йўл олди. Бу аввало, командирнинг буйруғи бўлса, йигитларнинг ўзлари ҳам дўстларига ёрдам бермасдан туришолмасди. Шериклари кетгач, Абдуқодир чегара ёнида турган гарнизондаги ўзбек йигитлари билан гаплашиб, яқинроқдаги қишлоқдан иккита эркакларнинг хорижча кўйлагини олиб келди.

Чошгоҳда карвон яна жамулжам бўлгач, командир бошлиқ аскарлар ўз машиналарида чегарадан битта-битта ўта бошладилар. Чегарачилар ҳар бир машинани синчиклаб текширишарди, ҳатто, итларини ҳам ишга солишди. Ҳар бир зобиту аскар ҳужжатларини кўрсатар, қуроли борларни рўйхатдан ўтказишиб, қуролларини ўша ерда қолдиришарди. Минг синчков бўлишгани билан Абдуқодирнинг яширган нарсаларини чегарачилар топишолмади. Аслида-ку «ақлли» биргина Абдуқодир эмасди.

Чегарадан ўтаверишда йўлнинг ўнг томонидаги бетон кўрсаткичга герб тасвири туширилганди. Йигитлар кўҳна дарёдан ўтишаркан, она-Ватанига кираётганликларидан юраклари орзиқиб, кўнгли юмшоқроқларнинг кўзларига ёш ҳам келди. Бу ҳолни ҳамма ҳис қилиши мушкул, уни фақат бир неча вақт уруш олови ичида юриб, бегона заминнинг чангини ютганларгина англай олиши мумкин.

Улар ўз машиналарини оғир техникаларни поездга юклаш учун мослаштирилган темир йўл қўналғасига қўйишди. Бу ерда улардан аввалроқ олиб келинган турли эски машиналар қалашиб ётарди. Степанов аскарларга бугун шу ерда тунашларини айтиб, прапоршчик билан бирга тезда ғойиб бўлди. Афтидан улар ҳарбийлар меҳмонхонасига – тезроқ ювиниб-тараниб, кўзи қонга тўлган «афғони бўрилар»ни кутаётган илтифотли ойимчалар билан кайфу сафо қилишга ошиқишарди. Шўринг қурғур оддий аскарлар эса яна шу шалоғи чиққан эски араваларида тунаши керак.

Абдуқодир билан Жамол танк устида эндигина «сухпай»ларини очиб, тамадди қилишмоқчи бўлишаётганди, рўпараларида беш барзанги аскар пайдо бўлди. Башараларидан улар кавказлик эдилар, юзлари қизил, оппоқ ёқаларининг акси тушиб, янаям яшнаб кўринишарди.

Улар гўё хизматдаги аскарлар эмас, боқувдаги буқаларга ўхшашарди. Ўзларини тутишларидан ҳозир қиладиган ишларини аввал ҳам бажариб келишгандай эдилар.

Икковлон бирор кўнгилсизлик бўлишини сезишди, дилларида бир оз ҳадик ҳам уйғонди.

– Қани, бобойлар, бизга нималар обкелдинглар? – деди улардан бири тиржайиб.

«Афғонилар» уларнинг мақсадлари хорижча латта-путтаю «чарс» олиш эканлигини тушунишди.

– Ҳеч нарса йўқ бизда! – деди Абдуқодир қўпол қилиб.

– Шунақа дегин!.. – дея уларнинг иккитаси ирғиб, танкнинг устига чиқди. Бири дарров танк ичига кириб, тимирскилана бошлади. Жамол шундоққина оёғи остидаги асбоб-ускуналар турадиган қутини очиб, битта граната олди, шартта ҳалқасини суғуриб, уни боши узра кўтарди. Бу пайтда Абдуқодир ҳам лом билан қуролланган эди.

– Қани, бу ёққа чиқ-чи! – деди Жамол танк ичидаги йигитга гранатани кўрсатиб. – Ё ўлгинг келяптими?

Танк ичидаги аскар қўрққанидан тили калимага келмай, «эй-эй» дея ташқарига чиқиб, пастга тушмоқчи бўлди. Абдуқодир унинг орқасига тепганди, думалаб кетди. Жамол қўлини силкиб, кўзлари ола-кула бўлган аскарларга бақирди.

– Йўқолларинг бу ердан!

Чақирилмаган «меҳмонлар» Жамолнинг ҳазиллашмаётганини тушунишиб, бир-бирларини турткилашиб кочиб кетишди.

– Гранатани қаёқдан олдинг? – сўради Абдуқодир дўстининг ишидан ҳайрон қолгандай бошини силкиб.

– Ўзимизда манови қутига ташлаб қўювдим, нима бало чегарадагилар ҳам танкнинг ичи билан овора бўлиб, ташқарисига қарашмаганми, бирдан эсимга тушиб кетди-да... – деди Жамол тамаки тутатаркан жилмайиб.

* * *

То эски танкларини топшириб, янгиларини олишгунча икки кун ўша ерда тунашди. Мойи артилмаган танкларни қабул қилиб олишгач, янги тулпорларини минишиб, дарёнинг нариги қирғоғидаги «Яшил маскан» деб ном олган ерга ўтиб жойлашишди. Бу сўлим масканнинг атрофи сув бўлиб, кичик оролчага ўхшарди. Ҳамма ёқ дов-дарахт, ям-яшил ўт-ўланлардан иборат эди. Дарё саёз бўлганидан уни танкларда кечиб ўтишди. Ўн битта танкни ҳар ким ўзига ёққан жойга, гўё ўртани қўрғон қилиб жойлаштиришди. Атрофда дам олгани чиққан ноҳарбий эркагу аёллар яримяланғоч бўлишиб, баъзилари сувда, баъзилари майсалар устида ағанаб ётишибди. Улар танклари билан дарёни кечиб ўтган «афғони ёввойилар»га ҳайратланиб қарашарди, нигоҳларидан, ҳатто, бу йигитлардан ўзларича ҳадиксирашарди ҳам.

Янги нарса янги-да, улар ўз танкларига завқланиб боқишар, Афғонда чанг-тўзонга ўрганиб қолишганидан бу мусаффо ҳавони тўйиб-тўйиб симиришарди. Танкларининг ичига кириб-чиқишиб, яп-янги снарядларни, пулемёт ўқларини кўздан кечиришар, ҳар турли асбоб-ускуналарни саранжомлашарди. Дам олувчиларга ўхшаб яланғоч бўлиб олиб, хумордан чиққунча маза қилиб чўмилишди. Кечга томон ўтган икки кун давомида савдо-сотиқларидан топган пулларидан тўплашиб, икки кишини озиқ-овқат учун масаллиқ ва арақ олиб келишга дарёнинг нариги қирғоғига жўнатишди. Қолганлари қозон-товоғу дам олиш учун жой тайёрлаш билан овора бўлишди. Абдуқодир бу йигитларнинг жўрабошисига айланиб қолди. Бошқаларга Абдуқодир айтган иш ёки маслаҳат кўпроқ маъқул бўлар, барчаси ўз-ўзидан бир жону бир тан бўлишиб, қимирлашиб қолишарди. Ҳозир ҳам у кечқурун «қўрғон» атрофининг

икки ерига биттадан соқчи қўйиш кераклигини айтганди, барча рози бўлди.

Қоронғи тушгач, ҳаммаси бўлиб ўн тўрт киши дастурхон атрофига тўпланишиб, роса маишат қилишди, беш-олти шиша арақни бўшатишди. Урушда диққинафас бўлиб, расмана ҳазил-ҳузулни ҳам унутишган йигитлар ширакайф ҳолда роса аския қилишиб, бақириб-чақиришди. Маишат тугаб, ҳамма ҳар томонга тарқади. Абдуқодир билан Жамол дарё бўйидаги майсага ёнбошлаб, ўз она-Ватанларини, қишлоқларини, ёру биродарларини эслашиб, гурунглаша бошлашди...

* * *

Тонгга яқин қисмни шовқин-сурон босиб кетди. Афсонавий аждаҳонинг наъраси каби гувуллаган тревога овози аскарларнинг бақир-чақирлари-ю, сал ўтмай гуруллай бошлаган ҳар турли машиналарнинг «ялла»лари четдан қараган одамга жуда ваҳимали эди. Шу биргина овоз ҳамма нарсани англатар, барча қайси томонга югуришини-ю, нима қилишини жуда яхши биларди.

Тревога қаердадир нимадир бўлганини билдирар, жангчиларни навбатдаги рейд – урушга чорларди. Жангчилар машиналардаги ўз жойларини эгаллай бошлашди, алоқа мурватлари ишга тушди. Акбар танкини ўт олдириб, алоқа орқали бўладиган буйруқни кута бошлади. Танк командири Женя алоқанинг соз-носозлигини текшириб, зобитлар билан тиллашарди. Танк отувчиси Слава билан ўқловчи Расул ўзларининг зарур асбоб-ускуналарини текширишиб, буйруққа шайланишмоқда. Мана, қисм бошлиқларидан тортиб, ҳар бир машина командирларигача бўлган алоқа асбоблари кўздан кечирилгач, қўналғадан бирин-кетин чиқишга буйруқ бўлди. Оғир машиналар чироқларини порлатиб, чанг-тўзон кўтарганча катта йўлнинг бошида саф торта бошлади. Барча ма-

шиналар сафга тизилиб, экипаж командирлари ва механик-ҳайдовчиларни зобитлар чорлаб, тезда тушунтириш бердилар. Кўпчилик ҳайдовчилар «союз»га кетганлиги сабаб биринчи бор рейдга чиқаётган иккита ёш механикка алоҳида маслаҳат ва огоҳлантиришлар берилди. Уларнинг бири жуссаси кичкинагина чуваш йигити бўлиб, унинг танки Акбарнинг ортига қўйилган эди.

Сафар Эрон чегараси томонга эди. Сафнинг бошида қисм катталари, улардан сўнг разведка взводи, кейин сапёрлар, танкчилар ва пиёдалар бўлган карвон йўлга тушди. Акбар тамаки тутатаркан, алоқа орқали ўз командирига гап қотди:

– Женя, қалайсан?

– Зўр! – деди Женя ҳам ҳазилга мойил оҳангда, – фақат тепа совуқроқ-да.

– Гапириб тур, исиб кетасан. Мениям уйқу оляпти.

– Латифа айтиб берайми?

– Айтавер, – деди Акбар эрмак топилганидан хурсанд бўлиб.

– Аммо-лекин кўзингга қараб юр... Бир сенга ўхшаган ўзбек десантчилар қисмига хизматга тушибди. Кунларнинг бирида кечаси туш кўрибди. Тушида онаси:

– Эртага самолётдан сакрамагин, парашютинг очилмай қолади, – дебди.

Ростдан ҳам эртасига парашютдан сакрашадиган бўлишибди. Ҳамма сакрармишу бояги ўзбек жойида ўтирганмиш. Зобит сабабини сўраса, тушида онаси қилган башоратни айтибди. Зобитнинг жаҳли чиқиб: «Ма, менинг парашютимни ола қол», дея ўз парашютини унга берибди. Ўзбек сакрабди, парашюти очилибди ҳам, қўшиқ айтиб тушиб келаётса, тепадан бир нарса визиллаганча қулаётганмиш. Қараса, ҳалиги зобит экан. У қулаб бораркан, қичқирибди:

– Онангни ушлаб олсам...

Акбар маза қилиб куларкан:

– Ўша зобит хохол эмасаканми? – деди-ю, тағин шарақлаб кулиб юборди.

Акбарнинг камтарона лутфи командирини ранжитмади, чунки Женя украиналик эди. Уларнинг бир-бирларига қилаётган бунақа ҳазиллари на биринчиси, на охиргиси эди.

Уфқ оқара бошлади. Йўлнинг икки четидаги басавлат дарахтларнинг япроқлари қуёшнинг илк нурларини ҳис қилгандай тонгги шабадада тебрана-тебрана ялтирайди. Осмон ҳам гўё табассум этгандай лабининг икки чети қайрилиб, очилиб боради. Ҳалигина қорайиб турган бетон йўл кўзнинг оқи каби оқариб кўринади. Мана шу осуда, алланечук ғамгин гўзаллик оғушида уруш кетаётганига сираям ишонмайсан киши.

Бир оздан сўнг зерикди шекилли, Женянинг овози эшитилди:

– Латифа ёқдими, Акбар?

– Жуда! – деди Акбар овози жаранглаб.

– Агар ўлмай қайтсак латифа учун битта палов қилиб берасан, бўптими?

– Бўпти...

Бу сафарги сим орқали суҳбат узоққа чўзилмади. Карвон Ҳирот шаҳрига кириб қолганди. Энди барчанинг вужуди қулоққа айланади. Ҳартугул душманда ҳам хуфиялар бор бўлса, ҳайрон қоларли жойи йўқ, улар ҳам яширин маълумотлар олиб турсалар, сираям ғайриоддий ҳол бўлиб туюлмаслиги керак. Ахир буни уруш деб қўйибдилар! Уларнинг шундай катта карвондан бехабар қолишлари асло мумкин эмас. Ҳужум қилишга ҳаддилари сиғадими-йўқми – энди бу бошқа масала.

Карвон шаҳарнинг ўртароғидан чапга бурилди. Бу йўлни Акбар яхши биларди, ҳадемай Қандаҳор деган бозор келади. Кўчанинг икки бети кичкина-кичкина

дўкончалардан, турли ҳунармандчилик расталаридан иборат. Бозорнинг рўпарасида каттагина майдон ҳам бор, бу майдонда Акбар кўп бор бўлган. Албатта, ҳали дўконларнинг кўпи очилмаган, очилганларининг ҳам эгалари теварак-атрофни супуриб-сидириш билан овора. Улар даҳшат солиб ўтиб бораётган ҳарбий карвонга ҳадиксираб қарашади, «кофир шўравийлар»нинг дабдурустдан отиб қолишларидан қўрқишади. Бозордан озгина юрилгач, қишлоқ бошланади. Аслида-ку кўҳна Ҳиротнинг ҳам биз кўриб ўрганган шаҳарларга нисбатан олганда шаҳар дегулик аҳволи йўқ эди. Қишлоқлари эса... Пахсадан қурилган пастак уйлар, баъзиларининг болахонаси ҳам бор. Бу пастак уйларга кирган одамнинг адашиб қолиши ҳеч гапмас. Уларнинг эшиклари жуда кичкина бўлиб, баъзилари ер ости ҳужрасига олиб тушса, баъзилари томнинг тепасига олиб чиқарди: шунақа «серэшик» ва «серимкон» афғоний уйлар. (Ҳозиргача одамлар орасида юрган ва ҳайратга солган гаплар – шўролар афғонларнинг бир қишлоғини самолёту тўплардан роса ўққа тутишганидан сўнг қарашса, биронта ҳам ўлик чиқмабди, деган каби шов-шувлар ҳам асосли бўлиб, унинг сабабчилари афғонларнинг ўша «серимкон» уйларидир.)

Бир қанча қишлоқларни ортда қолдириб, ниҳоят карвон дашт оралаб ўтадиган йўлга чиқиб олди. Бу йўл ҳам торроқ бўлишига қарамай бетондан эди. Йўлнинг бир ёни пастак-пастак тепаликлардан, баъзан-баъзан учраб тургувчи икки тепалик ўртасидаги чуқур ўпқонлардан иборат эди. Чап томон эса текислик бир чақиримча нарида қатор уйлар, дарахтлар кўриниб турар, бу ён кета-кетгунча қишлоқ ва яна қишлоқ. Йўлнинг ҳар икки томонини ҳам қуёшнинг беаёв тафтида, туннинг илиқ шамолларида сарғайган даштнинг қаттиқ ўт-ўланлари босганди. Иккала тараф ҳам сайҳонлик, душман-

нинг яқинлашиши мушкул бўлганлиги сабабли танк ва «БТР»ларнинг командиру ҳайдовчилари «походний» ҳолатда боришарди. Бу дегани – командирлар ўз «туйнук»ларидан чиқишиб, танк гумбази устида ўтириб олишади, ҳайдовчилар эса ўриндиқларини кўтариб, бошларини чиқарган ҳолатда машинани бошқаришади. Ҳартугул жангчиларга «жанговар» ҳолатда димиқиб кетгандан кўра, дашт шамолига ошно «походний» деганлари қулайроқ эди.

Карвон бошидаги ғилдиракли машиналар қўққисдан тўхташди шекилли, орқадаги танклар бир-бирини «сузиб» юборишларига сал қолди. Акбар ҳам машинасини зўрға тўхтатди. Лекин шу пайт бир нарса ваҳимали тарақлади-ю, Акбарнинг танки олдинга силкиниб кетди. У ўз туйнугининг четига оғзи-бурни аралаш зарб билан урилди. Аввалига эсанкираб, оғзию бурнидан оқаётган қонни қўли билан арта-арта танкдан чиқиб, ортига қаради. Не кўз билан кўрсинки, ортидаги чувашнинг танки унинг танки устида тарозининг посангисидек ланғиллаб турарди. Чуваш ўз машинасининг ўнг ёнбоши билан олдиндаги танкнинг чап «қаноти» устига уни эгиб, синдириб, чиқиб кетганди. Бунақа «акробатик усул»ни атайлаб ҳам қилиб бўлмасди. Аммо Акбар ҳали энг даҳшатли манзарани сезмаганди. Атрофидаги кўзлари ола-кула бўлган одамларнинг ваҳимали чинқиришини эшитиб, ўз танкининг гумбазига қаради. Гумбаз қип-қизил қон эди. Командирнинг туйнугидан битта қўл чиқиб турар, у ҳам қонга бўялганди. Акбар саросима ичида туйнукка мўралади, у ердаги Женянинг бошсиз танасини кўриб, чинқириб юборди. Бу орада зобиту аскарларнинг бир қисми ёрдамга етиб келишди...

Ҳали ҳеч ким тузукроқ англаб етмаган бу ҳодиса шундай бўлганди: Акбар ўз танкини аранг тўхтатиб қолган бир пайтда ҳали «пишмаган» чувашнинг машинаси орқа-

сига келиб урилган ва тепасига чиқиб кетган. Тепасига чиқиш асносида гумбаз устида ўтирган Женянинг бошига танк замбараги тегиб, чўрт узиб юборган. Шўрлик Женянинг калласи учиб бориб, олдиндаги танкнинг устига тушган. Иккала танк ҳам қип-қизил қонга бўялган. Биз узоқ тасвирлаб берган бу воқеа жуда тезликда содир бўлди. Кўпчиликнинг бу мудҳиш манзарадан кўнгли беҳузурланди, танк устида тиззалаб қолган Акбар ҳам йиғи аралаш ўхчирди. Ўзларини тутиб олган бир-икки жангчи ва санитар Женянинг танасига бошини қўшиб ўрашди-да, аскарлар «таблетка» деб атайдиган пастак тиббиёт машинасига жойлашди. Латталар билан танкнинг устини артишди, табобатчилар Акбар ва чувашнинг жароҳатларига дори-дармон қилишди.

Бўлиб ўтган ҳодиса жуда даҳшатли эди, у жангчиларга, айниқса, Акбарнинг руҳиятига таъсир қилмай қолмади. Унинг бутун вужуди титрар, боши айланиб, кўнгли айнирди. Худди томоғига бир нарса тиқилиб қолгандай қайта-қайта ўхчирди. У қўлидаги шлемафонга ҳали эътибор бермаганди, ўз жойига ўтираркан, шлемафонни кияётиб унга сачраган қон юқларини кўриб, баттар кўнгли нохуш бўлди. Алоқа воситасисиз машинани бошқариб бўлмаганлигидан, ғалати олайиб қолган кўзларини қаттиқ қимтиб, ҳарбийча бош кийимини кийди.

Уларнинг экипажи бир кишига камайди, Женянинг ўрнига танк отувчиси Слава ўтирди, чунки командирсиз машинани бошқариш мушкул эди. Агар отишга тўғри келса, бу ишни ҳам Славанинг ўзи бажарадиган бўлди. Энди Акбарнинг танки гўё думи юлинган қушга ўхшаб қолганди. Чувашнинг «муруввати» туфайли Акбар шўрлик ўз машинасининг чап занжиридан отилган лойу тупроққа беланадиган бўлди. Танкнинг чап қаноти тузукина пачоқланганидан занжирдан отилган лойларни тўсиб қололмасди. Иккита тишидан айрилган, бир йигитнинг

ўлимига сабабчи бўлган, кўзи тўла ёш, оғзи-бурни қон чувашнинг ўрнига взвод командири ўтирди. Бечора кўркув ва зарбдан ўзини бутунлай йўқотиб қўйганди.

Тахминан саксон-тўқсон чақиримча йўл юришгач, пешинда манзилга етиб боришди шекилли, карвон тўхтади. Атрофи турли сабзавотлар экилган катта қишлоқни оғир машиналар билан ўраб олишди. Разведкачилар ва пиёдалар ўз машиналарида баъзилари қишлоққа яқинлашиб, баъзилари қишлоқ ичига кириб, берилган топшириқни бажариш билан овора. Акбар буюрилган нуқтага танкни ҳайдаб бораркан, пайҳон бўлаётган, танк занжирлари остида мажақланаётган экинларни кўриб, юраги ачишиб кетди. Бу манзара Женянинг ўлимидан сўнг бутунлай аянчли аҳволга тушиб қолган Акбарнинг бағрини баттар тилка-пора қилиб, ўз хонадонини, болалигини ёдга солди. Куз пайтлари бутун қишлоқ ўзининг мол-қўйларини ҳосили терилиб, қоп-қорайган ғўза ичига қўйиб юборарди. Шундай кезларда баъзан Акбарларнинг ҳовлисига чавра[1]нинг очиқ жойидан бир-иккита мол кириб олар, ҳали етилмаган сабзиларини эзиб-мажақлаб ея бошларди. Гоҳо отаси, гоҳида ўзи молларни жиғибийронлари чиқиб, сўкинишиб, калтаклашиб ҳайдашар, пайҳон бўлган сабзиларига ачинишиб қолишарди. Ҳозир ўша молларнинг ўрнида ўзини кўргандай бўлди, аммо уни, уларни ҳайдагувчилар кўринмасди. Йўқ, у ўзи қарши жанг қилаётган одамларни ватанпарварлар деб эмас, душман деб биларди, ҳақиқатни англагунича ҳали анча йиллар ўтади (унга эслатишади). Ҳозир у урушнинг офатини, даҳшатини, жароҳатларини ҳис қилаётгандай туюлар, бу туйғу анави экинларга жони ачишида кўринаётгандай эди. Шудгор оралаб бораркан, сув оқиб турган катта ўқариқдан ўтаётиб танки ботиб қолди. Танкнинг бир-икки силкинишидаёқ лойга айланган ер

[1] Чавра – шох-шаббалардан қилинган тўсиқ-девор.

анча юмшоқ эди. Акбар билан Слава танкдан тушишиб, унинг атрофини кўздан кечиришди, осонликча чиқариш мушкул эди, ёрдам келмаса бўлмасди. Слава алоқа орқали кўмак сўрамоқчи бўлиб турганида рўпарада комбатнинг танки кўринди. У етиб келиб, ўзининг ёқимсиз тиржайиши билан Акбарга қаради.

– Ҳа, ислом лашкари, нима бўлди? – дея сўради масхара қилгандай.

Акбарнинг ғаши келди, ўлганининг кунидан тишини тишига қўйиб:

– Ботиб қолдик, – деди, «кўриб турибсану» деган оҳангда.

– Кўз қаёқдайди, кўз?

– Атайлаб қилганимиз йўғу, ўртоқ подполковник!

– Шунақами?.. – комбат шундай деркан, одати бўйича лабини қимтиганди, кичкинагина қўнғизмўйлови баттар баракасини йўқотди. – Унда қандай ботган бўлсаларинг, шундай чиқаверасизлар энди! – деди-ю, танкига ўтириб жўнаворди.

Акбарнинг танк мўрисидан чиққан тутун, лой ва чанг қоришиқ қорайган озғин юзи аламдан тиришиб кетди.

– Ҳе онангни!.. – деди-да, четга туфлади. Славага ўгирилиб: тамакидан ол, – дея танкнинг ёнбошига чўккалади.

Экипажнинг учала аъзоси ҳеч нарсага ҳафсалалари бўлмай, хомуш тамаки тутатишаркан, ҳар замонда ғазаб билан хўрсиниб қўйишарди. Ҳадемай улардан эллик қадамча нарига бир танк келиб тўхтади, замбарагини тушириб, қишлоққа тўғрилаб қўйди. Чамаси, комбат душман ҳужум қилиб қолиши мумкинлигини ўйлаб, алоқа орқали уларга «қўриқчи танк» йўллаганди. Йигитларнинг баттар жаҳли чиқди, ичиқоралик ҳам шунчалар бўладими, ахир уруш кетаётганини билади-ку, ўша хунаса. Бир кўнгилари қисм командирига комбатнинг қилиғини хабар қилишмоқчи бўлишди, бироқ ҳарбийда чақимчилик йигит-

чиликдан эмаслигини ўйлашиб, фикрларидан қайтишди. Агар хабар беришса, подполковник Бундюковнинг номига чакана гап бўлмасди. Унинг ёш боладай қилган иши уруш ҳолатининг ҳеч қандай қонун- қоидасига тўғри келмасди.

Экипаж тамакини чекиб бўлгач, белкурак ва бошқа керакли буюмларни олиб, танкни ўқариқдан чиқаришга киришишди.

Кечгача ҳеч қандай ҳодиса рўй бермади, отишма ҳам бўлмади. Акбарлар лойдан чиқишгач, буюрилган нуқтага бориб туришди, кечгача дам олишди, тамадди қилиш билан овора бўлишди. Шом кирганда қишлоқ ичида отишма бошланди, ҳамма ёқ шовқин-сурон бўлиб кетгач, танкчиларга ҳам қишлоққа киришга буйруқ бўлди. Улар замбарак ва пулемётларидан ўт очишиб, қишлоққа ёриб кира бошлашди. Акбарлар қишлоқнинг дастлабки деворига яқинлашганда, уларга қишлоқни ўнг томондан айланиб ўтиб, душманнинг орқасидан зарба бериш ва чекинганларини йўқ қилиш топширилди. Тун қоронғисида, улкан машиналарнинг кўчишларида кўтарилган қуюқ чанг остида танкни жанговар ҳолатда бошқариш жуда мушкул эди. Аввало бурун ва оғзига тўлган чанг нафасни бўғса, зим-зиё қоронғилик одамнинг юрагини қон қилиб эзиб, сиқарди. Акбар шу аҳволда танкни ҳайдаб бораркан, қишлоқ четидаги тупроқ йўл тугаб, саёз, аммо энига кенгроқ бўлган анҳорга рўпара келди. Анҳор чеккасида бир оз тўхтади. Слава танк замбарагини орқага буриб олгач, (ерга тегиб қолмаслиги учун) сувни кечиб ўтиб, чапга бурилди. Бу йўл ҳам ўзимизнинг дала йўлларини эслатарди. Йўлнинг ўнг тарафида дўнгликлар, яъни адирларнинг бошланиши бўлиб, шерикларидан ажраб ёлғиз бораётган танк экипажининг юрагига ғулғула солар даражада совуқ нигоҳ каби хўмрайиб турарди. Танк яна озгина йўл босди, бу орада ўқловчи пулемётдан бир неча марта ўқ узди. Бу

отишлар душманни йўқотишдан ҳам кўра ўзларига қарши рўй бериши мумкин бўлган хатарнинг олдини олиш учун эди. Туйқусдан танк бир неча бор «пиқ-пиқ» қилди-ю, ўчиб қолди. Акбар жон ҳолатда ёнилғи ҳайдовчи мосламани қимирлата бошлади. Славанинг ҳарчанд шоширишига қарамай, бу ҳол ўн дақиқадан зиёд давом этди-ю, охири Акбар машинанинг орқасини очиш кераклигини айтгач, қўл чироқни олишиб, ташқарига чиқишди. Қишлоқ тарафда ҳамон тинимсиз отишма борар, ҳатто, булар томонга ҳам дайди ўқлар учиб турарди. Ўқловчи Расул автоматни ҳозирлаб, атрофни кузата бошлади. Машинанинг «ичак-човоғини» ковлаётган Акбарга чироқ тутиб турган Слава қўққисдан тиззасига шапатилаб, сўкинди:

– Командирга хабар қилмабмизу!..

Ҳақиқатан ҳар бир ҳодиса ҳақида аввало тезлик билан взвод ёки рота командирига хабар қилиш керак эдики, шу бугун командир бўлиб қолган Слава бунақа нарсаларга ҳали кўникмаганди.

Слава ўзларининг аҳволи ҳақида командирга хабар бераётганда Расул ўзбекчалаб бақирганча автоматини ҳам ташлаб, орқа томонга қоча бошлади:

– Акбар, қочинглар! Босмачилар!.. – деди у икки-уч бор қичқириб.

Акбар нишон бўлиб қолмаслик учун дарров қўл чироғини ўчириб, ёруғдан хиралашган кўзларини атрофга тикди. Ҳақиқатан тепалик томонда тўрт-бешта одам шарпаси кўринди.

– Слава, танкни ташлаб кетолмаймиз!.. Автоматни ол! – деди Акбар ўқловчи ташлаб кетган автоматни ўзи олиб, мурватини тушираркан.

Душман томондан кетма-кет ўқ узилди, кочиб бораётган Расул бир чинқирди-ю қулади. Акбар билан Слава танкдан ирғиб тушишиб, унинг панасига ўтишди, автоматларидан қаторасига ўқ қўйишди. Шу пайт орқадаги

девор устидан ошиб ўтган икки одам уларга ташланди. Уларга биринчи бўлиб кўзи тушган Акбар бақирди:

– Слава, орқада!..

Аммо Слава ўгирилишга улгурмади, елкасига тушган милтиқнинг қўндоғи зарбидан ҳушсизланиб, ерга йиқилди. Акбар уларнинг бирига автомат тўғрилади, аммо юзига урилган муштдан орқага гандираклаб, қўлидан автомати учди. Яна ҳамлага шайланган рақибининг зарбига чап бериб, унинг кўкрагига тепди. Рақиби ерга қулаган ҳамоно ўзи ҳам бўйни аралаш урилган оғир зарбдан ҳушини йўқотди, кўзлари тиниб, ҳатто, овоз чиқаришга ҳам мажоли етмади. Бу пайт тепалик томондаги шарпалар етиб келишиб, шерикларига кўмакка киришишганди. Боя Акбар бурилган муюлишда икки танк кўринган маҳал улар иккала «шўравий»ни кўтариб олишиб, югуришганча тепаликка ўрлашарди...

* * *

Акбар кўзини очиб, нима бўлганини, қаерда эканлигини эслолмади, тушунолмади. Ердан бошини кўтармоқчи бўлувди, бўйнию елкалари зирқираб, боши яна ерга қайтиб тушди. Шунда у ер дегани нам, лойга ўхшаш нарса эканлигини, ундан қўланса ҳид келаётганини сезди. Ҳиддан бир оз бўлса-да узоқлашиш ниятида чалқанча ётмоқчи бўлиб, қўллари маҳкам боғланганини фаҳмлади. Ана шунда юраги орқага тортиб, қўрқувга тушди, ҳатто, йиғлаб юборай деди.

– Ё Худо-о! – дея пичирлади, лабларини алам билан қимтиб. Шунда унинг нигоҳи ташқаридан туйнук орқали тушган оловнинг тўлғанаётган ёруғини илғади. У ердан одамларнинг овози келар, чамаси улар олов ёқишиб, унинг ёнида намоз ўқишарди. Чунки у ҳар замонда эшитилиб қолган «Оллоҳу акбар» деган жумлани тушунди, холос. «Наҳотки асирда бўлсам?! Наҳотки куним бит-

ган?!..» Унинг кўзлари ёшга тўлди, овоз чиқармаслик учун лабларию кўзларини қаттиқ қимтиди:

– Эй, Худо-о!..

У бўйнининг оғришига қарамай, атрофга аланглай бошлади, орқасида қўл-оёғи боғлиқ ҳолда чўзилиб ётган Славага кўзи тушди-ю дарров таниди. Ёнида шериги борлигидан, ҳатто, аввалига хурсанд бўлгандай ҳис қилди ўзини, аммо тутқунлик даҳшати барибир устун келиб, яна кўнглини ваҳм чулғади. Слава томонга чўзилиб, секин шивирлади:

– Слава!.. Ҳов, Слава!..

Слава индамади, у ҳамон ҳушсиз ётарди. Бу Акбарни баттар эзиб, ўлганнинг устига тепган бўлди...

Улар шу кўйи узоқ ётишди. Тонг ёришганда Слава ҳам ўзига келиб, қисматнинг палахмони отиб ташлаган азиз боши тушган манзилини идрок эта бошлади. Иккови бир-бирини сўроққа тутишиб, бўлиб ўтган воқеани эслашга ҳаракат қилишар, ўзларини бу мудҳиш урушга йўллаганларни тинмай лаънатлашарди. Улар гапираркан ва ҳатто, бир-бировларига далда беришаркан, барибир юраклари безовта урар, бизларни нима қилишаркин, деган таҳликали савол ортидан кўриниши мумкин бўлган умид учқунларини излашар, лекин саволлар доимо жавобсиз қоларди. Жон ширин эканлигини кўпчилик яхши билади ва оғир аҳволда қолганда бу фикрни эътироф этишга уялмайдиганлар ҳам қанчалаб топилади. Иккала йигитнинг келажаги ноаён бўлган тақдирлари уларга худди ана ўша биз юқорида айтиб ўтган фикрни барала, овозларининг борича эътироф этишга монелик қиларди. «Балки ўлмасмиз!» деган умид уларнинг онгларида ҳар замон бир учқунланиб, нафас олишни ҳам унутаёзган бўғизларидан оз бўлса-да, ҳаво ўтказиб турарди. Ичларидан таърифсиз бир нидоми, нолами отилиб келар, кўзларига ёш тўлиб, бутун вужудлари тўлғаниб: «Мен яшашни истайман!»

дея наъра тортмоқчи бўлишар, аммо бояги «йилт» этиб қўйгувчи учқун бу наърани бўғиздан қайтариб юборар ва улар қийнала-қийнала ютинишиб қўйишарди.

Қуёш анча кўтарилганда уларни эслашди. Қимирламай ётаверишганидан остиларидаги зах танасига сингиб улгурган, иккаласи ҳам совқотиб, қалтирай бошлашганди. Устига-устак, сиқиб боғланган оёқ ва айниқса, қўллари увушиб қолган, қон ўтмаганидан панжалари карахтланиб, елкалари билан қўшилиб бутун бўғинлари зирқираб оғрирди. Эшикдан энгашиб кириб келган одам жуда савлатли бўлиб, қуюқ қора соқол-мўйловли, қошлари ҳам шунга мутаносиб қоп-қора ва ўсиқ эди. Туйнукдан тушиб турган ёруққа тескари турганлиги учун унинг афти баттар қорайиб, янада даҳшатли тусга кирганди. У танасига ёпишиб турган камзули устидан энлик камар боғлаб, ўнг биқинига тўппонча, чапига каттакон пичоқ осиб олганди.

Қорасоқол кира солиб, тирикми-йўқми дегандай иккала аскарнинг қорнига тепди. Улар ихраб бошини кўтаргач:

– Ҳа, шўравий... – деди-ю, ўз тилида нимадир деб сўкди. Сўнг ёнидан пичоғини чиқариб, икковининг ҳам оёғидаги арқонни қирқиб ташлади. Аввал Акбарни оёғи билан туртиб, «тур» дегандай ишора қилди. Акбар ҳам ҳолсизликдан, ҳам қўли боғланганлигидан аранг қўзғалиб ўтирди, лекин оёқларини қимирлатолмади. Оёқлари увушиб, унинг амрига бўйсунмайдиган ҳолатга келганди. Акбарга эргашган Слава ҳам туриб ўтирди. Қорасоқол Акбарнинг қўлтиғидан олиб, бир силтаб ўрнидан турғизди. Аммо Акбар гандираклаб, оёқлари букилиб, деворга суянганча тиз чўкиб қолди. Шунда у оёқларида қон юра бошлаганини аниқ ҳис қилди. Қорасоқол эса тинмай нималарнидир жаврар, чамаси уларни бўралатиб сўкарди, шу орада Славани ҳам оёғи билан турткилаб туришга ундарди. Акбар бирпас нафасини ростлаб олгач, елкаси билан девор-

га тираниб ўрнидан турди. Кетма-кет оёқларини силкиб, увушганини ёзган бўлди, кейин бориб Славага елкасини тутиб, унинг ҳам туришига ёрдам берди.

Қорасоқол уларни турта-турта ташқарига олиб чиқди. Ташқари ёп-ёруғ бўлиб, қуёш шўрлик тутқунларнинг чиқишини кутгандай чарақлаб турарди. Қорасоқол иккисини олиб бориб, рўпарадаги дарахтнинг тагига ўтқазди-да, ўзи эса нарироқда чилим тортиб ўтирган уч шеригининг олдига кетди.

Акбар билан Славага жон киргандай бўлди. Улар ўтирган жойга қуёш нурлари барала тушар, ер ҳам офтоб тафтида анча илиб қолган, бунинг устига, энди уларнинг оёқлари ечилганлиги учун бемалол узатиб, роҳатланишлари мумкин эди. Акбар офтоб тегиб, юз ва бўйинлари, умуман бутун бадани жимирлай бошлаганини аниқ ҳис этар, танасида гуллар очилаётгандай туюларди. У қуёшнинг ёруғига дош беролмай, хиёлгина очилган кўзлари билан атрофни кузата бошлади. Улар турган жой кимнингдир ташқи ҳовлиси эди, атроф пахса девор билан ўралган, ўртадаги турли меваю экинлар шундан дарак берарди. Улар чиққан молхонанинг чап тарафида уч хонали пастак уй бўлиб, кичкинагина болохонаси ҳам бор эди. Ана ўша уйнинг олдида ҳалиги одамлар бири ёнбошлаб, бири ўтириб чилим тортишарди. Қуролларини ҳам ёнларига қўйиб олишганди. Қолганлари «шўравийлар» билан уруш қилаётган бўлишса керак, манави тўртови эса ҳойнаҳой асирларни қўриқлаш учун қолишган. Улардан бир оз наридаги қўш табақали ёғоч дарвоза ичкаридан тамбаланганди.

Икковлон пешингача шу алпозда ўтиришди, унгача улар билан ҳеч кимнинг иши бўлмади, бояги тўртови улар томонга баъзан-баъзан қараб қўйишса ҳам олдиларига яқинлашишмади. Акбарнинг кўзи илиниб, пича мизғиб ҳам олди, илло тунги қўрқув ва ҳадиклар ҳартугул, бир

оз бўлса-да, сусайганди. Энди у ўзини хотиржамроқ, дадилроқ сеза бошлади. Эҳтимол бу ҳолатнинг пайдо бўлиши ановиларнинг ҳозирча беозорликларидан, булар билан ишлари бўлмаётганликларидандир...

Пешинда бу заминнинг эгалари овқатга уннай бошлади, ҳовлининг Акбарларга орқа бўлган тарафидан битта товуқ олиб келишиб, сўйишди, патларини тозалашди, сўнг қозонга босишди. Овқатлари тайёр бўлгач, тўртовлари намоз ўқишди. Намоздан кейин улардан бири – озғинроқдан келган, истарали, бошига енгил оқ қалпоқ кийиб олган асирларга яқинлашди. У Акбарга бирпас тикилиб турди. Акбар эса ҳадиксираб, кўзини олиб қочди.

– Мусулмонмисан? – дея сўради у афғончалаб.

Аввалига Акбар чўчинқираброқ «ҳа» дегандай бошини силкиди, кейин бир нарса эсига тушгандай:

– Алҳамдулиллоҳ! – деди паст овозда.

Бояги одам унга ғалати қараш қилди.

– Қаерликсан?

– Ўзбекистонлик – дея жавоб берди Акбар бирор нарсани уқиб олиш учун унинг кўзларига тикиларкан.

– Ўзбекмисан?

– Ҳа.

У соф ўзбекчалаб:

– Ўзбекистонлик эмас, туркистонликман дегин, – деркан бир қовоқ уйиб қўйиб нари кетди.

Акбар суҳбатдошининг ўзбек эканлигидан хурсанд бўлиб, юрагига бир оз ёруғлик тушди. Лекин унинг охирги гапини тушунолмади, нега энди туркистонликман дейиши керак, ахир у Ўзбекистондан-ку. Акбарнинг бу гапларни тушунмаслиги табиий эди, чунки у оддийгина ўрта мактабни битирган, қишлоқнинг оддийгина боласи эди-да.

Овқатнинг қозондан кўтарилаётган киши иштаҳасини қитиқловчи ёқимли ҳиди қоринлари оч бандиларнинг

ичини қақшатиб, оғизларига сўлак тўлдирди. Акбар ғанимларининг овқат беришидан умидвор бўлмаса-да, беихтиёр қозон томонга қайта-қайта қараб қўярди. Балки «умидвор эмас», дея хато айтгандирмиз, аслида бояги миллатдошининг, албатта, яхшилик қилишига, ҳеч бўлмаса, овқат-повқат беришига негадир ишонарди ҳам. Уни умидсиз қилган нарса бошқа воқеа эди: ўшанда Акбар ва унинг тенгқурлари яқиндагина «союз»дан келишган эди. Бир куни қисм навбатдаги рейддан қайтди, аскарлар кирчир, қорайиб кетишган, машиналарга эса умуман қараб бўлмасди. Бир маҳал тиббий машиналардан кетма-кет аллақанча ўликларни тушира бошлашди. Ўликлар жуда аянчли аҳволда эди – бирининг қорни ёрилиб, ичак-човоғи чиқиб кетган бўлса, баъзиларининг бирор бир аъзоси узилиб кетган ёхуд буткул қонга беланганлари ҳам бор. Зобиту жангчиларнинг кўзида ёш, лекин ҳали бунақа нарсаларни кўриб улгурмаган Акбарлар бўлса, йиғидан ҳам кўра қўрқувдан қалт-қалт титрашарди.

Маълум бўлишича, қурбон бўлган йигитлар пистирмага тушиб қолишибди. Катта талафот кўрган «шўравийлар» ўша пистирмадагиларнинг ўн нафарини қўлга олишга муваффақ бўлишибди. Ўн нафар асир қўллари боғланиб, штабнинг девори тагига ўтқазилди, афтидан улар роса калтакланганди. Уларнинг атрофини ўн бир сафдошидан айрилиб, кўзлари қонга тўлган шўро аскарлари ўраб туришар, яхшики, асирларга иккита қуролли соқчи қоровуллик қилар ва айниқса, қўлига тўппонча ушлаган айиқмонанд бир майор ҳар дафъа тутқунларни мажақлаб ташлашга тайёр оломонни дўқ билан тўхтатиб турарди. Ўшанда нима бўлди-ю майорни кимдир чақирди ва у бирпасгагина қаёққадир кетди. Оломон соқчиларни ҳам писанд қилмай асирларга ташланди, бақир-чақир билан уларни тепкилаб ташлади. Жайдари қасос узоққа чўзилмади, майор тўппончасини осмонга бир неча бор отиб,

югурганча келиб қолгани ҳамоно аскарлар тарқалишди. Лекин сўқир оломон ўз ишини қилиб улгурганди, бандиларнинг иккитаси ўлган, қолганлари ҳам бир аҳволда – баъзиларининг кўзлари ўйилган, боши ёрилган кўйи чала ўлик ҳолига келишганди...

Акбар шуларни ўйларкан, овқатдан бутунлай умидини узмоқчи бўлиб, юзини бошқа ёққа бурди. Аммо ичида очлик ўз ҳукмини ўтказар, ичаклари ғулдураб, қорни ачишганга ўхшарди. У шу кўйи ўтириб, ҳалиги ўзбекнинг қўлида коса билан рўпарасига келганини ҳам сезмади. У косани ерга қўйиб, Акбар билан Славанинг қўлини ечишга тутинди. Косада бир парча гўшт ва бир тўрғам нон бор эди. Акбар қўли ечилгач, билакларини уқалаб, қон юргизди, миллатдошига миннатдор жавдиради. Миллатдоши ҳамон қовоқлари уйилиб, «ол» дея косага имо қилди. Балки Акбарнинг ўрнида бошқа биров бўлганида қўлини ҳам ювмай овқатни ермиди, лекин танкнинг мойи, чанг ҳамда бояги молхонанинг балчиғига беланиб, қоп-қорайиб, ҳидланиб кетган қўллари билан овқат ейишга кўнгли бўлмади-да, сахий мужоҳидга гўё қўл юваётгандай ишора қилди. У эса қиёфасини ўзгартирмай, нарироқда турган обдастани кўрсатиб, имлади. Ўзини овқатнинг устига ташлашга тайёр турган Слава ноилож Акбарга эргашди, иккиси юз-қўлларини бир нави ювган бўлишиб, овқатни баҳам кўришди. Овқат оз бўлса-да, ҳартугул нафслари ҳаловат топди.

Одамзод қизиқ-да, ўзи кўрмаган, эшитмаган нарсалари унга сирли туюлаверади ва у ўша нарсадан ҳадиксирайди, гоҳо қўрқади ҳам. Энди Акбар ва Славанинг вужудини қамраган тунги қўрқув бутунлай тарк этган, тамадди қилишгач, қўлларини тағин боғлаб қўйишган бўлишса-да, ўзларини анча бардам тутишар, пастроқ овозда у ёқ-бу ёқдан гаплашишарди ҳам. Тўғри, бу икки йигит кўнглининг аллақаерида уруш тутқунларига хос

қўрқув ҳам йўқ эмасди. Хуллас, яқиндагина даҳрий бўлган иккала «шўравий» художўйга айланишиб, Оллоҳдан паноҳ тилашарди...

6

Шомга яқин узоқдан ўқ овози эшитила бошлади. Асирлар ўз ватандошларининг яқинда эканликларидан бир қувонишса, душманларининг устунликларидан аламзада бўлган анови афғонлар ўлдиришмасмикин, дея бир юракларига ғулғула тушарди. Аммо афғон жангчиларида ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Ҳатто, оқ қалпоқли ўзбек Акбарнинг олдига келиб ўтирди.

– Исминг нима? – дея сўради у.

– Акбарали, – деди Акбар бир қўзғалиб олиб.

– Ўзбекистоннинг қаеридансан?

– Андижондан.

Оқ қалпоқлининг кўзлари ғалати чақнаб, Акбарга бирпас тикилиб қолди. Чамаси, унинг кўзларида ёш ҳам айлангандай бўлди, лекин Акбарнинг юраги ҳадикда, хаёлида жон қайғуси бўлганлиги учун буни сезмади ёки эътибор бермади.

– Андижондан бўлсанг, Заврақ деган жойни биласанми? – сўради у энди бутунлай бошқача, балки мулойимроқ овозда.

Акбар пича эслаган бўлиб, билмаслигини айтди.

– Отам раҳматли Заврақни шундоққина Андижон шаҳрининг юқорирофида дерди, – оқ қалпоқли билинар-билинмас хўрсинди. – Менинг ота-боболарим ҳам ўша томонлардан, шўролардан қочиб... Отам олти йил бурун Андижонни соғина-соғина қазо қилди...

У жим қолди. Акбар бу каби Ватан соғинчидаги кишиларнинг аҳволини, кўнглини тушунишга ожиз эди. Унинг ўй-фикри ўзининг омон қолиш-қолмаслигини суҳбатдо-

шидан тезроқ билиш эди, холос. Оқ қалпоқли гўё Акбарнинг фикрини уққандай деди:

– Мен сени қутқараман. Агар Ватанимизга (ҳа, у айнан шундай деди) эсон-омон етиб борсанг, Заврақни топиб, ўша ернинг қабристонида менинг отам мулла Муҳаммад Ҳамиднинг ҳақига бир бор тиловат қилгин!.. Шуни бажарсанг бас...

Акбарнинг ичида бир нарса портлагандай бўлди, ҳатто, қичқириб юборишига оз қолди. У ҳалитдан бери икки ватандошнинг суҳбатидан ниманидир умид қилиб, тикилиб турган Славага имо қилиб: «У-чи», дея сўради.

– Унингни қўйиб юборишмайди... У кофир!.. – деди оқ қалпоқли қовоқ уйиб.

Шу пайт кимдир дарвозани тақиллатиб овоз берди. Нарида ўтирган қорасоқол бориб дарвозани очди. Кўчадан қуролланган уч мужоҳид шоша-пиша кириб келди. Улар даврага яқинлашаркан, тинмай нималарнидир сўзлашар, ўшқиришиб бир нималарни тушунтиришарди. Афтидан улар қанақадир фалокатга йўлиқишганди. Мужоҳидлар ҳамон жаврашаркан, бояги қорасоқол даврадан чиқиб, Славанинг олдига келди-да, унинг қўлларини ечиб, силтаб ўрнидан турғазди. Турғазди-ю қорнига зарб билан мушт солди. Славанинг нафаси ичига тушиб, букчайиб қолди. Қорасоқол энди унинг тўғри келган жойига тепа бошлади. Слава додлар, тинмай ўз тилида онасини чақирарди. Оғзи-бурнидан оққан қон бирпасда бутун танасини қоплади. Акбар эса нима қилишини билмай, лабларини тишлар, унсиз йиғларди.

Оқ қалпоқли ҳам нари кетди. У шериклари билан ниманидир гаплашиб, яна Акбарнинг ёнига келди. Унинг қўлларини ечиб, ўрнидан турғизди. Шу пайт анча нарига думалай-думалай бориб, тепкилар зарбидан сулайиб қолган Славанинг бошини кўтараётган қорасоқолнинг қўлида каттакон пичоқ ялтираб кетди. Оқ қалпоқли ўзбек унга

афғончалаб нимадир деб бақирди. Унинг овозидан сергакланган бошқа шериклари югуриб боришиб, қорасоқол Славанинг бўғзига пичоқ тортаётганда ушлаб қолишди.

Оқ қалпоқли эса Акбарга юзланиб деди:

– Ҳозир дарвозадан чиқиб, чапга юрасан. Рўпарадаги қир орқасидаги қишлоқда «шўравийлар»инг туришибди. Оллоҳ насиб этиб етиб олгин, агар етолмасанг ҳам ўзингдан. Мен Оллоҳ олдидаги бурчимни бажардим. Юр! – у Акбарни дарвоза томон етаклади. Дарвозага озгина қолганда рўпараларида қорасоқол пайдо бўлди.

– Шумо мусулмон аст? – дея сўради у хунук тиржаяркан.

Акбар нима қилишини билмай, ёнидаги ватандошига термилди. Оқ қалпоқли афғончалаб қорасоқолга нимадир деганди, у бир кўл силтади-ю, Акбарнинг қорнига зарб билан мушт солди. Акбар инграб букчайиб қолганди, тиззаси билан оғзига урди. Шўрлик Акбар гандираклаб бориб, нарироққа ўтириб қолди. Унинг оғзи-бурни қип-қизил қонга бўялди. Оқ қалпоқли ҳалиям шаштидан тушмаган барзангини нарига суриб, Акбарни ўрнидан турғазди.

– Хафа бўлма!.. Жўна энди!.. – деди у тўнг овозда.

Акбар омон қолишига ишонқирамай, дарвозанинг олдига борди-ю, бирпас туриб қолди, сўнг ўгирилиб, ёшли кўзлари билан Слава томонга қаради. Слава ҳамон ерда инқиллаб ётарди. Икки ўт орасида қолган Акбар йиғи аралаш ўрисчалаб ҳайқирди:

– Кечир мени, Слава!

Слава базўр бошини кўтариб, бўғиқ овозда ёлворди:

– Мени ташлаб кетма, Акбар!..

– Кечир мени, Слава!.. Кечир!..

Акбар ўгирилиб, дарвозадан чиқди, чапга бурилиб, қоронғилик қаърига сингиб кетди.

Ҳа, аллақачон зимистон бўлиб, ҳаёти қайтиб берилган мусофирни ваҳимага солгудек важоҳат билан оламга тун

ҳукмронлик қила бошлаганди. Акбар оёғи остидаги ғира-шира оқариб турган тупроқ йўлни илғарди, холос. Балки уни ҳам кўрса-да, шуури билан ҳис этмас, оёқларини тахминан ташлаб югуриб борарди. У йиғлар, йиғлаганда ҳам икки дунёсини унутиб, телбаларча йиғларди. Миясида қоришиб кетган ота-онаси-ю, уйининг, тутқунликда қолган ва қисмати нима билан тугаши номаълум бўлган Слава-ю, ўлган ва ўлмаган биродарларининг хаёли, ўлим ваҳми уни шу аҳволга солганди. У йиғларди, машъум кўргиликларни, қўрқув кўланкасини, балки ўзини ҳам бутунлай унутиш учун фикрати идрок этмаган ҳолда ўкраб-ўкраб йиғларди. Тупроқли тор кўчадан анча югуриб борди-ю, баланд деворга рўпара келди, йўл икки томонга айрилганди. У инграб юборди, ичидаги борки алам билан титраб: «Эй, Худо!..» деди-ю, ўнгга қайрилди. Аллақачон ҳарсиллаб қолган бўлса-да, оёқлари ўзига бўйсунмасди, тили эса икки-учтагина сўзни тинмай қайтарарди:

– Худо!.. Буви[1]!.. Бувижон!..

Қишлоқ жимжит эди. Бир-икки ерда милтираган чироқларни ҳисобга олмаганда ёруғдан нишон ҳам йўқ. Одамларнинг кўпчилиги урушдан узоқроққа кетиб қолишган, қолганлари ҳам жонларини ҳовучлаб уйларида ўтиришарди. Акбарнинг энг қўрққан нарсаси ҳам ана шу – бирорта одамга рўпара келиш эди, чунки ҳар бир афғон учун иложсиз қолган ёлғиз «шўравий» тайёр «ўлжа» эканлигини у яхши биларди. Худо ҳамиша мазлум ва ожизлар тарафида бўлади, деб бежиз айтилмаган экан, илло шўрлик йигит бора-боргунча бирорта ҳам жонзотга йўлиқмади. У уч-тўрт чақирим чопгач, чапга бурилди. Бу кўча ҳам олдингиларидан фарқ қилмас, ўша-ўша зимистону, оқиш тупроқли йўллардан иборат эди. Йигит жуда толиқди, томоғи қуриб, ҳар нафас олганда қирила бошлади. Тутқунликда еган мушт ва тепкиларининг

[1] Буви – она (*шева*).

заҳри энди билинди, бутун вужудидан қуйилган шўр тердан қони билан қотиб қолган яралари эриб ачишар, оғзини қимирлатса, лаблари-ю, кўз ва бурни тортишиб оғрирди. Қанийди, ҳозир муздеккина сув бўлса-ю, бошини тиқиб ётса. Афсуски, шу дамда фақат югуриши керак, қачонлардир савил бўлган жон энди ширин бир хилқатга айланганди.

Акбар бу йўлдан узоқ югурди, ўша «Худо, буви!» деган калималар шу лаҳзада қуруқшаб қолган тилидан чиқяптими ёхуд жон ташвишига тушган дилиданми, бутунлай унутганди. Аммо унинг кўз ёши мудом тинмас, гўё у ҳозир кўзларидан оқаётган шўр ёшлар билан бағридаги қўрқувни ситиб чиқараётганди. Ва ниҳоят, хаёл каби узоқ чўзилган йўл ҳам тугаб, қоп-қорайиб турган кенгликка чиқиб қолди. Бу қорайиб турган нарса экинзор эди. Акбар оёғи остидаги ариқчани сезмасдан қадам ташлади-ю, ағдарилиб тушди. Яхшики, суви оз экан, лекин биқинига урилган қаттиқ нарса жонини суғуриб олай деди. Уст-боши лой ва сувга ботган кўйи бир неча дақиқа инграб ётди, яна бор кучини йиғиб, ўрнидан базўр турди-да, оёқларига муздек урилаётган, ҳозир нима эканлигини англаб бўлмас экинларни эзғилаб, гандираклаганча югура кетди. Энди рўпарадаги адирнинг шакли қорайганча аниқ кўриниб турар, унинг ортидан келаётган турли қуроллардан отилаётган ўқ овозлари ҳам барала эшитиларди. Ўша қирдан ошиб олса бас, у ёғи гўё кўнглидаги буюк умиднинг қўрғони эди...

Акбар адир устидан «шўравийлар» турган қишлоқни бемалол кузатиши мумкин эди. Ҳозир жанг бормас, шўро аскарлари қишлоқ ичида тунашга аҳд қилишгану, барча техникаларни бир жойга тўплашиб, айлана қўрғон ҳосил этишган, уйғоқ соқчилари тинмай турли қуроллардан ҳар тарафга ўқ ёғдиришарди. Шўравийлар ўзи шунақа – ўқ-дори сероб бўлгани боис душманни кўрмаса ҳам қўрқитиш

учун тинмай отишаверади. Отилаётган ўқларнинг кўпи «ёнувчан» бўлгани учун Акбар ўз шериклари турган «қароргоҳ»ни аниқ кўрди. Ўша манзилни мўлжаллаб, қирдан қишлоққа тушди. Энди у анча ўзини босиб олган, мияси ҳам тузукқина идрок қила бошлаган эди, зеро, энди кўчадан бемалол югуриб эмас, деворларни паналаб, тўхтаб-тўхтаб, атрофни кузатганча бориши лозим. Ҳар ҳолда чор-атрофда душман, бирортасига рўпара келиб қолса...

Мана, шундоққина деворни ошса бўлди, у ёқда ўз шериклари. Атрофи танк, «БТР» ва «БМП»лардан иборат қўрғон яққол кўриниб турибди, ҳатто, машиналарнинг ортида олов ёқиб ўтирганлар элас-элас кўриниб, баъзан ўрисча бақир-чақирлар ҳам эшитилмоқда. Акбарнинг юраги орзиқиб, девордан сакрашига бир баҳя қолди, шу лаҳза миясига урилган: «Отиб қўйишса-чи?!» деган фикр уни шаштидан қайтарди. У шу ерда турганча овоз беришга аҳд қилиб, орқа томонини бирпас кузатгач, шериклари тарафга ўрисчалаб бақирди.

– Йигитлар! Ҳов йигитлар!..

Аммо у устидан тинмай учаётган ўқлар отилаётган қуролларнинг даҳшатли овози қичқириғини босиб кетишини ўйламаганди. Худди шундай бўлди. Бироқ Акбар чақиришдан чарчамади. Ва ниҳоят ўқлар овози тиниб, тўғрисида турган танкнинг улкан чироғи ёқилиб, унинг кўзларига тушди. У ўрнидан туриб, девордан ошди, қўлларини кўтариб яна бақирди:

– Йигитлар! Бу мен – шўро аскариман! Шўро аскари!.. – Акбар тўхтамай ҳайқирар, чироқ нурлари остида қоқилиб-суқилиб олға интиларди. Унинг негадир мадори қурий бошлади, кўзлари тиниб, боши айланди. Ана кимдир бақирди:

– Ўзимизники экан! Ўзимизники!

Акбарнинг тиззалари букилиб, чўккалаб қолди, гўё оёғи осмондан бўлаётгандай туюлди ўзига, кейин эса тур-

ли бақир-чақир, шовқинлар қулоғини тутди, кўзларини ғалати оқ-қора шарпалар ўйиб бораётгандек. У ерга қулади, ҳеч нарсани англамаётган бўлса-да, қуруқшаб қолган лаблари ихтиёрсиз қимирлади-ю, уларнинг ортидан ожиз бир овоз келди:

– Мен шўро аскариман!..

7

Ёдингизда бўлса, Абдуқодир билан Жамол кайфу сафо қилишиб бўлгач, дарё бўйидаги майсаларга ёнбошлашиб, тамаки тутатишарди. Тун салқин, дарёларни ҳўплаган шабада юз-кўзларини сийпалайди. Тагларидаги майса ҳам муздеклигидан танларига эрка бир ҳузур бахш этади. Арақнинг кучидан қизиган жисму жонларига бу жаннатий хилқатлар хуш ёқар, фикратлари фақат ширин хаёллар сари талпинарди. Айниқса, Абдуқодирнинг девоначаш ўйлари она қишлоғию суюкли Наргизасининг оғушида маст-аласт эди. Ҳозир унинг жуда-жуда гапиргиси, гапирганда ҳам ўз ёри ҳақида хотирлагиси келди. Ётган кўйи бошини буриб, осмонга тикилиб, тутун бурқситаётган Жамолдан сўради.

– Жамол, «қизинг» борми?

Жамол бирпас жим турди-ю, кулди:

– Эй-й, жуда кўпини яхши кўрганман, – деди ўз одатича ҳазил оҳангда.

– Нима, расмана яхши кўрганинг йўқми?

– Билмадим... Хатлар ёзишганману, аммо бирортаси билан жа унақа ўлиб-куйишмаганман. Билмадим, эҳтимол севишни билмасман...

Абдуқодир кўксини бўшатиб, узун хўрсинди:

– Бирор марта севиб кўрмагансан-да, севсангу...

Шундай деди-ю, жим қолди. Хотирасининг ковак- ковакларигача титкилаб, Наргизасининг сиймосини бутун

борича кўз ўнгида гавдалантирмоқчи бўлди. Ниятига етди шекилли, яна хўрсинди-да, деди:

– Меники эса хатида «ўзингизни эҳтиёт қилинг», деб ёзибди, эшитаяпсанми?.. Яхши кўради-да, яхши кўради! Ростданам яхши кўрармикин-а, Жамол?

– Войбў-ў, туппа-тузук Мажнун экансану-а... Қиз бола агар яхши кўрмаса, овора бўлиб хат ёзиб ўтирмайди, билдингми!.. – деди гўё насиҳат қилаётгандай сўзларини ҳижжалаб, сўнг қитмирлиги тутиб ҳиринглади:

– Ўзи бирор марта қучоқлаганмисан ўшанингни?

Абдуқодир «ҳаҳ қитмир», деб дўстиниг елкасига енгилгина мушт солди, кейин гўё ўзига гапираётгандай:

– Чиндан яхши кўрсанг, унақа ишларни умуман ўйламас экансан!.. – деди паст овозда.

Шу билан у қаерда ўтиргани-ю, ёнидаги Жамолни ҳам унутди. Илк бора Наргизага яқинлашган, балки ёр бўсасига татигулик дамларини эслай кетди. Ўшанда Наргиза ҳар доимгидай кечки пайт уйдагиларга дугонасиникида имтиҳонларга тайёрланишини айтиб чиққанди. Анҳор бўйидаги тол тагида эса Абдуқодир кутиб ўтирарди. Наргиза келиши билан шунақаям хурсанд бўлдики, ёрини ўтқазишга жой тополмай қолди. Наргиза бўлса, келибоқ зўраки шарт қўйди:

– Фақат ўн минут гаплашамиз, кейин ўртоғимникига кетаман.

– Хўп-хўп... – деди Абдуқодир севгилисини хафа қилиб қўйишдан чўчиб.

Ўн дақиқа эса жуда тез фурсатда ўтиб кетарди. Албатта, улар сезишмасди. Аввалига гапиргулик гап топилмас, шундай пайтда Наргизанинг қақажонлиги иш берарди-ю, қизиқ-қизиқ воқеаларни сўзлай кетарди. Абдуқодирга шу керак, холос, ёри ёнида узоқроқ ўтирса бас. Ўша куни Наргиза қўлидаги китобини қўққисдан сувга тушириб юборди. Шошиб қолган Абдуқодир сувга энгашиб уни олмоқчи

бўлувди, ариққа мункиб кетди. У ўзини ўнглашга уринаркан, Наргиза бирортаси эшитмасин, дея оғзини беркитиб, қотиб-қотиб куларди. Ростдан ҳам Абдуқодирнинг аҳволи жуда кулгили эди. У ариқдан чиқиб, кийим-бошининг у ёқ-бу ёғини сиққан бўлди. Ҳали баҳорнинг охири бўлгани учун сув анча совуқ эди, йигит тезда қалтирай бошлади. Аслида-ку, қизнинг олдидаги хижолатпазликдан адо бўлганди-я. Лекин қиз зоти кулдиради ҳам, куйдиради ҳам, улар ўз севган кишиларининг тушкун кўнгилларини қандай қилиб кўтаришни яхши билишади. Наргиза камзулининг чўнтагидан рўмолчасини чиқариб, Абдуқодирга яқинлашди.

– Келинг, юзиззи артиб қўяман, – деди ва рўмолчасини йигитнинг қошлари узра теккизди.

Абдуқодирнинг титраши таққа тўхтади-ю, энди танаси қизий бошлади. Ёрининг қўллари юзини майин сийпалар, ўзи эса унга жудаям яқин келиб қолганди. Унинг димоғига ажиб бир ёқимли ҳид урилиб, эти жимирлаб кетди, у шунақаям хушбўй эдики!.. У бошини бир оз эгиб, лабини қизниинг юзига яқинлаштирди, лекин бу ҳаракатларини ўзи идрок этмас, нима қилаётганини англамасди, вужудига сингаётган, аввалари ҳеч қачон йўлиқмаган бетакрор ҳузурдан эрий бошлаганди. Қиз юзини олиб қочмади, чап қўли билан унинг лабини оҳиста тўсди. Ана ўшанда у хушбўй қўлдан бўса олишга мушарраф бўлди. Улар шу кўйи бирпас туриб қолишди, йигитнинг ўнг қўли ўз-ўзидан кўтарилиб, қизниинг ўша лабларига теккан чап қўлининг билагидан тутди.

– Наргиз!.. – у бошқа ҳеч нарса деёлмади, зеро, буюк титраш билан айтилган шу бир оғиз сўз барча маъноларни қамраб олган эди.

– Ҳм-м!.. – деди қиз юзини четга бураркан.

Абдуқодир қизни ўзига тортди, ана шунда уларнинг иккиси ҳам ширин хаёлдан уйғониб кетишди.

– Вой-вой, ана энди айнидингиз!.. – деди Наргиза йигитнинг оҳиста тутган қўлларидан қутулиб. – Энди кетаман, бўпти, хайр! – шундай дея ҳўл китобини қўлига олиб, юқорига кўтарила бошлади.

– Наргиза!.. – ўртанди йигит.

– Тезроқ уйга киринг, шамоллаб қоласиз!..

Аммо Абдуқодир энди совқотмасди...

Эртасига тушликдан сўнг кўпчилик йигитлар дарёнинг чуқурроқ жойига чўмилгани кетишди. Жамол эса Афғонга қайтгунча уйқу режасини тўлдирволай, деб ўз танкига ухлагани кириб кетди. Абдуқодир танки устида нима биландир овора эди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, «КАМАЗ» машинасида ўн чоғли йигит «афғонилар»нинг кўрғони четига келиб тўхташди. Афтларидан уларнинг тузуккина кайфлари бор эди шекилли, бақир-чақир билан танклар орасида тимирскилана бошлашди. Ҳарбий кийимлари ўзларига ярашган бу йигитлар бақувват бўлишиб, вужудларидан куч ёғилиб турарди. Уларнинг кутилмаган «ташрифи» кечаги кўнгилсиз воқеа билан боғлиқлиги аниқ эди. Четроқдаги танк олдида турган татар йигитга бир-икки мушт уришган эди, у Абдуқодир томонга қочди.

– Югур, бизникиларни чақир! – деди унга Абдуқодир танкнинг ёнбошидан белкурак олиб, бўлғуси «жангга» ҳозирланаркан.

Чақирилмаган меҳмонларнинг иккитаси Жамол ётган танкнинг устига чиқиб, ичкарига мўралашди.

– Ҳов, бобой, қани бу ёққа чиқ-чи!.. – деди буқага ўхшаш семиз бўлган улардан бири.

Жамол туйнукдан эндигина бошини чиқарувди ҳамки, семиз унинг оғзига мушт солди. Ҳалитдан буён уларнинг кўпчилик эканлигидан ҳайиқиб, ўзини босган Абдуқодир дўстини уришаётганини кўриб, чидаб туролмади. Қўлида белкурак билан улар томонга югурди. Танк ёнбошида турган бирининг белига белкурак билан уриб ағдарди.

Эндигина юқорига чиқмоқчи бўлганда кавказликларнинг бари уни ўраб олишди.

– Битта-битта чиқ! – дея ҳайқирди Абдуқодир қўлидаги белкуракни асабий силтаркан.

Танк устида турган семиз: «Мана, мен чиқаман», дея ирғиб пастга тушганда дарё томондан турли нарсалар билан қуролланган «афғонилар» етиб келишди. Уларнинг важоҳатини кўрган кавказликлар чекинишга мажбур бўлишди. Абдуқодир улардан бирини шикастлашга улгурди. Шундай қилиб, расмана жанг бошланди. Одам боласи шунчалар ваҳший бўлишини ҳамма ҳам тасаввур қилолмаса керак. «Афғонилар» қўлидаги қуроллари билан рақибларининг дуч келган ерига шафқатсизларча уришар, қуролсиз бўлган кавказликлар асосан ҳимоядан нарига ўтишолмасди. Чамаси, улар ювошгина ўзбеклардан бу қадар «жавоб» бўлишини ўйлашмаганди, акс ҳолда, тайёргарликларини кўриб келишган бўлишарди. Ниҳоят уларнинг кўпи шикаст еб, тирқираб қоча бошлашди. Фақат бояги семиз ҳамон ён бермасди. Қаёқдандир унинг қўлига болта тушиб қолди.

– Битта-битта чиқ! – дея бақирди у ўзини ўраб олган «афғонилар»га.

– Мана мен чиқаман! – деди Абдуқодир қўлида белкурак билан ўртага чиқиб. Фалакнинг ҳазилини қарангки, жанг бошида орани очди қилиб ололмаган саркорларни яна тўқнаштирди.

Икки «гладиатор» бир-бирларига тикилганларича қулай фурсатни пойлаб айланиша бошлади. Олдинроқ ҳамла қилишга улгурган Абдуқодир бир зарб билан рақибининг қўлидаги болта сопини синдириб ташлади, болтаси учиб, қўлида бир қарич ёғоч қолди, холос. Нима бўлганда ҳам семиз мард эканки, ўшанда ҳам қочмади, пайт пойлаб Абдуқодирга ташланди. Абдуқодир эпчиллик билан чап бериб, унинг елкасига белкурак солди. Семиз ўзини тутол-

май ағдарилгач, қолганлар ҳам ура кетишди. Айниқса, боя шу семизнинг муштидан оғзи-бурни қонаган Жамол уни беармон савалади. Семизнинг шериклари дарёнинг нариги бетига қочиб ўтиб кетишганди, ҳайдовчи эса аллақачон «КАМАЗ»ини ҳайдаб, жуфтакни ростлабди. «Афғонилар» сулайиб қолган семизни дарёнинг саёз ерига судраб олиб бориб ташлашди-да, яна бир-икки дўппослашди. Шўрлик семизнинг ҳамма ёғи қон, сувдан бошини нафас олиш учун базўр кўтарарди-ю, узоқ ушлаб туролмай, тағин сувга кўмиларди. Кавказликларда ғурур деганлари кучли бўлади. Ҳалиги қочоқларнинг иккитаси келиб, нарироқда туришганча семизни беришларини илтимос қилишди.

– «Афғонилар» билан қайтиб ҳазиллашманглар! – дея бақирди бояги татар йигит.

– Ол чўчқангни! – деди Абдуқодир тамаки тутатаркан, семизга ишора қилиб.

Иккала кавказлик семизни кўтаришиб, дарёнинг нариги қирғоғига ўтиб кетишди.

Йигитлар бир-бирларига навбат беришмай, ўзлари қандай қилиб уришишганини узоқ ҳикоя қилиб ўтиришди.

– Улар ўч олмай қўйишмайди, Қодир, – деди Жамол анчадан сўнг.

– Мен ҳам шуни ўйлаяпман. Бу ерда кавказликлар кўп дейишади, кечқурун ҳужум қилишлари мумкин... – Абдуқодир Жамолга қараб жилмайди, – ўзинг граната билан қувлаган ошналарингни танидингми?

– Ҳа, иккитасини танидим. Бугунги меҳмонларниям ўшалар бошлаб келишибди-да.

Кечга томон барча танкларни дарёнинг нарёғига тўғрилаб қўйишди, чунки у ёқда одамларнинг шовқин-сурони бошланганди.

– Ҳеч ким ухламайди. Агар кўпчилик бўлишса, пулеметлардан отамиз! – деди Абдуқодир маслаҳат пайтида. – Қўрқиш йўқ!..

Туни билан ҳеч ким ухламади. Дарёнинг нарёғидаги шовқин ҳам алламаҳалгача тинмади. Лекин кавказликлар ҳужум қилишга ботинишолмади, балки улар жанговар танклардан, эҳтимол ўлим билан олишиб ўрганган мана бу йигитлардан ҳайиқишгандир...

Кун ботади, тонг отади, умр эса ўтиб бораверади. Одамзоднинг тошдан қаттиқ боши не-не деворларга урилмайди, аммо у пешанасига битилганини кўриб, ҳар мушкулотга мослаша олади, илло унинг ҳаёти сарҳад танламас. Қисмат деганларининг этагини маҳкам тутиб, яшагани-яшаган. Одамнинг Азали шундай, Абади қандай бўлади – ёлғиз Оллоҳга аён...

Бизга таниш бўлган йигитлар ўз тенгқурларидан фарқ қилишмайди, улар ҳам Шўро аталмиш қудратли давлатда ўсиб-улғайишган сўқир бандалардир. Уларни асло ақлли деб бўлмайди, лекин аҳмоқ ҳам эмаслар. Биз бу билан Ватанининг мавжуд сиёсатини улар англай олиш ёки олмасликларини тушунтирмоқчимиз. Йўқ, улар баъзилар кейинчалик ёзганларидек алданганларини англаб етган «сиёсий етук» аскарлар эмасдилар. Улар бу ҳақда қарийб ўйлашмас, ҳали дунё узра ўз мавқеига эга бўлган қудратли давлатнинг инқилобни ҳимоя қилувчи жангчилари дея тушунишарди ўзларини. Дейлик, Абдуқодир ҳам мактабда ўқигани – аср бошида ўрис инқилобчилари Ўзбекистонга озодлик олиб келгани, адолат ўрнатганига ишонар, ўзини эса худди ўша ўрис инқилобчиларидек афғон халқига бахт-саодат, озодлик олиб келганлардан, деб биларди.

Улар жуда унақа ақлли эмасдилар, бироқ уруш аталмиш мудҳиш кўланка уларни фикр юритишга мажбур қиларди. Баъзида бутун-бутун қишлоқларни ўқ ва бомбаларга кўмиб, тинч аҳолини ҳам аямаганларида, ҳар бир афғон уларни ёмон кўришини ўйлаганларида дилларининг аллақайси бурчагида нимадир жизиллар, ўзлари қилаётган ишда қандайдир адолатсизлик борлигини ҳис қилгандай

бўлишарди. Қалбларида уйғонган, ўзлари ҳали англаб етмаган ожиз исённи тилларига чиқаришга ботинишмас, бу ҳатто, қўрқоқликдан ҳам эмас эдики, тўғрироғи, улар кўнгилларида кечган ҳисларни ифода этишолмасди. Шунинг учун бир-икки киши суҳбатлашиб қолганларида қаердадир кимгадир ачинишгани-ю, қайсидир отган ўқи хато кетганидан гўё қувониш билан кифояланишарди.

Болалигида ота-онасидан етим қолган Абдуқодир тоғасиникида улғайган бўлса-да, табиатан анча мустақил эди. У ҳамиша содиқ бир одамга муштоқ бўлиб яшади, шунинг учун Наргизасининг эркалашлари-ю, дўсти Акбарнинг ғамхўрлик қилишлари унинг ўксик қалбига хуш ёқар, агар жоиз бўлса, улар учун жонини қурбон қилишга тайёр эди. У фақат хиёнатдан, қандайдир сабаб бўлиб ўз дўстидан ёки ёридан ажралиб қолишдан қўрқарди. Бошқалардан фарқли ўлароқ, унинг учун дўстдан айрилиш мислсиз бир фожиа эди. Албатта, у ўзидаги бу ҳолатларни чиройли ифода қилолмасди. У кимгадир чин дилдан кўнгил ёришни, унга суянишни ёки уни суяшни буюк бахт деб биларди. Шоирона таъбир этсак, ёнса буруқсаб тутамай, барала ёниш Абдуқодир феълига хос эди.

Улар жуда ақлли эмасдилар. Тўпланишди дегунча «чарс» тутатишарди, топилса, арақ ичишарди. Балки уруш қўйнида бир лаҳза бўлса-да, даҳшатли нарсаларни унутишнинг энг қулай ва осон йўли ана ўша хавфли бўлган «чарс»да кўринар. Балки улар бир-бирларини мудҳиш фикрлардан эҳтиётлаш учун шундай қилишар, бунга Оллоҳ ҳакам, одам боласининг табиатини тўлалигича англаб етиш жуда мушкул. У ҳамиша мавжуд шароитга мослашишга, нима қилиб бўлса-да, яшаб кетишга интилади. Эҳтимол, «чарс» яшаб кетишнинг ўзига хос усулидир.

Кун ботади, тонг отади, умр эса ўтаверади. Инсон борки аслида бировга ёмонлик қилмасликни ўйлайди, аммо ўша яшаб кетиш жараёнида кимларгадир ёмонлик қила-

ди, ҳатто, кимнингдир ҳаёт торини ҳам узиши мумкин. Абдуқодир кавказликлар билан бўлган воқеани ўйларкан, наҳотки бизнинг бир халқ эканлигимиз ёлғон бўлса, деган фикрга келарди. Кўпчилик зобитлар осиёликларни, айниқса, ўзбекларни ёмон кўришади, баъзилари буни айтишдан ҳам уялишмайди. Бу ёқда эса манави кавказликлар... Уруш оловидан ўлмай чиқиб, ўз Ватанингда ҳеч бўлмаса бир неча кун дам олай десангу, бир халқ деб аталган ватандошинг сенга қўл кўтарса. Абдуқодир бу оламда нимадир чатоқ қурилганини англаб етгандай бўларди. Нимадир нобоп қурилган...

Урушнинг кўзи кўр, қулоғи кар. У еб тўймас юҳо, фақат одам ейди. Урушда ҳамма ўлади, ҳатто тирик қолганлар ҳам. Уруш ҳеч қачон тугамайди. Уруш унда бўлганларнинг дилу жонларида, болаларида давом этади. Уруш кимнингдир жонини олса, бошқа бировнинг қалбини ўғирлайди, яна кимнингдир эса миясини олиб, унинг ўрнига аждаҳонинг асрий наърасини солиб қўяди. Не-не тақдирларга ана шундай ҳукмронлик қилади у. Урушда қон кўзёшдан кўп бўлади. Кўзёш қондан кўп бўлади урушда. Замон олимлари кашф этмишларки, гўё маълум биоқувватларни бир ерга жамланса, ўша жойда ижобий ўзгаришлар рўй бериши мумкин эмиш. Агар шу гаплар рост бўлса, қанча-қанча кўзёшлар, оҳу нолалар, дод-фарёд ва наъралардан иборат ҳисобсиз биоқувват йиғилган Афғон юртининг осмони қулаб тушиши керак эди. Ҳа, уруш ана шундай қувватга эга...

8

«Союз»га кетганлар орадан ўн икки кун ўтиб, кечқурун қисмга кириб келишди. Барчанинг ҳавасини келтирган янги танкларни техникалар қўналғасига қўйишиб, чодирларига киришди. Ювиниб-таранишиб, «союз»дан

олиб келган арақ-парақлари билан дўстларини меҳмон қилишмоқчи бўлиб туришганида, Валера Акбарнинг бошига тушган кўргиликни айтиб берди.

– Танкни ўзимизга олиб келишдими? – дея сўради Абдуқодир Валера ҳикоясини тугатгач.

– Ҳа, танкниям олиб келдик, ҳатто, ўқловчи Расул ҳам тирик экан, униям госпиталга жўнатдик. Яраси унча оғирмас, дейишяпти.

– Акбар ҳозир қаерда? – сўради Жамол хавотирда.

– «МАС» (марказий алоқа станцияси)да. Ўша ерни қўриқлаётган взводга ўтказиб юборишди ҳозирча.

Бу гаплардан кейин икки дўстнинг томоғидан ҳеч нарса ўтмай қолди. Олиб келган нарсаларни шерикларига қолдиришиб, ўзлари жойларига ётишди.

Эртасига Абдуқодир билан Жамол Степановдан рухсат олишиб, қисмдан олти чақиримча нарида бўлган «МАС»га йўл олишди. Битта арақ билан тағин у-бу нарса олишди. «МАС» деганлари кўчма алоқа мосламалари ўрнатилган, муҳим аҳамиятга эга бўлган бир жой. Айтишларича, шу ердан туриб, Москва билан гаплашишармиш... Ана ўша «МАС»ни тўртта танк экипажи қўриқларди. У ерда каттагина ертўла ҳам бўлиб, унда аскарлар асосан кундузи дам олишарди, чунки кечаси барчалари ўз танкида соқчилик қилишади. Бу взводнинг командири яқиндагина «союз»дан келган ёш лейтенант эди. Қошларигача малла бўлган лейтенант Орлушин кишига жуда ёқимсиз кўринар, кулса ҳам кўзлари гезариб турарди.

Абдуқодир ва Жамол у ердаги барча йигитлар билан илиқ сўрашишди. Аммо Орлушин уларга, айниқса, Абдуқодирга ёқмади, шунинг учун у билан лабларини буриб кўришди. Афғонда зобитлар худди оддий аскарлар каби икки йил хизмат қилганликлари учун уларнинг ҳам «ғўра[1]» (зелёнка) ва «оқсоқол»лари бўларди, ҳатто,

[1] Ғ ў р а – хом, пишмаган.

аскарлар ҳам «ғўра» зобитларни сариқ чақага олишмасди. Айниқса, манавинақа турқи совуқ, димоғига қурт тушганларни.

Бу жойда ҳам ўзбеклар кўпчилик эди. Абдуқодир улардан Акбарни сўради.

– Пастда – ертўлада, – дейишди улар.

Орлушин гап ким ҳақида эканлигини тушунди чоғи:

– Ҳа, хоиннинг олдига келяпсанларми? – дея хунук тиржайди.

Абдуқодирнинг бир жаҳли келди-ю, агар у билан пачакилашса, Акбарга ёмон бўлишини ўйлаб, Жамол иккови индамай ертўлага тушиб кетишди.

Икки қаватли каравотнинг пастида ёнбошлаб ётган Акбар таниш овозларни эшитиб, ўрнидан турди. Кимдандир ёхуд нимадандир нажот кутаётгандай боқувчи мунгли кўзлари мўлтираб турган, Абдуқодиру Жамолнинг рўпарасидаги бу йигит аввалги Акбар эмас эди. Ранги сарғайиб, озиб-тўзиб кетган, елкалари хийла букчайиб қолган Акбар дўстларига тикилиб, лаблари титраб, шундоқ ҳам бир сиқим бўлиб қолган гавдаси шалвираб, маълум вақт сўзсиз қотди. Қовоқлари ичига ботиб кетган кўзлари ёшга тўлди.

– Қодир!.. – деди у овози чийиллаб.

Икки йил давомида бору йўғини баҳам кўрган дўстининг аҳволидан ларзага келган Абдуқодир ҳам кўзида ёш билан унинг қучоғига отилди.

– Акбар!..

Қалблари ёшларидан ҳам улуғроқ ситамни ортқилаган икки дўст бир-бирларини маҳкам қучоқлаганча туришаркан, Акбар неча кунлардан буён пинҳон сақлаган ҳасратларини яширолмай, ҳўнграб йиғлар, елкалари қаттиқ силкиниб, Абдуқодиру Жамолнинг ҳам кўз ёшларини тўхтатишларига йўл бермасди. Жамол ўзини тутиб туролмай, иккала дўстини бирваракай қучоқлаб, юзини Акбар-

нинг елкасига қўйди-да, унга таскин тилагандай елкасига қоқиб, силади.

Уларнинг бу туришини нафақат кузатиш, балки тасвирлаш ҳам мушкул. Шундай оғир пайтларда бир-бирларига суянчиқ бўлолган ёш йигитларнинг садоқатидан юрагингиз бир орзиқса, ҳали кўп нарсаларни ҳис қилиб, сезиб улгурмаган бу навниҳол кўнгилларни барвақт жароҳатлаган, зулматга ошно этган тақдирга лаънатлар ўқийсиз-да, бир зум кўз олдингизни қоронғилик қоплайди. Сизнинг ҳам ўша йигитларнинг елкасига бош қўйгингиз, тўйиб-тўйиб йиғлагингиз келади. Аммо улар кўтарган дардлар кўзёш билан адо бўлмайди, зардоб янглиғ ўша сариқ сув тўкилгач, енгил тортгандай туюлса-да, дардларнинг қароғларга сиғмас зил-замбил тошлари бағрининг энг чуқур тубига ботиб, санчиқ ҳосил қилганча қолаверади. Энди бу тошлардан учқун чиқиб, оловланиши ва хонумонларни ёндириб-куйдириб юбориши мумкин, холос.

Улар ёшланган юз-кўзларини артишиб, бир-бирларидан ҳол-аҳвол сўрашган бўлишди. Юзма-юз бирпас ўтиришгач, нимқоронғиликда юраклари сиқилди шекилли, ташқарига чиқишди. Аскарларнинг овқатланиши учун мослаштирилган қўлбола шийпонча остига ўтиришиб, тамаки тутатишди. Икковлон дўстига нима дейишни, қандай қилиб кўнглини кўтаришни билишмай, чорасиз эдилар.

– Эшитгандирсизлар? – деди ниҳоят Акбар секингина, лекин у негадир кўзини ердан узмасди.

– Ҳа... – дея бошини қимирлатди Абдуқодир ва бир оз жим тургач, дўстини юпатган бўлди. – Нима қипти, ахир уруш шунақа бўлади-да, Акбар. Сен атайлаб қилганинг йўқ-ку, ахир!..

Орага яна жимлик чўкди.

– У ёқдан келиб, бир неча кун тиббий бўлимда алаҳсираб ётдим, – дея гап бошлади анчадан сўнг Акбар паст

овозда. – Сал-пал ўзимга келгач, қисм штабига олиб чиқишди. Қисм командири, комбат, яна бошқа катта зобитлар сўроқ қилавериб тинкамни қуритишди. «Сени нега қўйиб юборишди?» дейишади, «Билмадим, ўзим ҳам тушунмадим», десам, Акимов(Слава)ни суриштиришади. Унинг ўша ёқда қолганини, лекин тирик эканлигини айтсам, мени қўрқоққа, хоинга чиқаришади. Уч кун шунақа қилиб азоблашди... Яхшиси, ўша ёқда ўлиб кетаверсам бўларкану, онам бечорага ачиндим-да!

– Ҳе, онасини... ўшаларни! Парво қилма, нима, ўлмай қолиш ҳам айбми?! – деди асабийлашган Жамол қўлларини силкиб...

– Энди нима қилишаркан? – сўради Абдуқодир ўйчан.

– Билмадим... Акимовдан бирор дарак чиққунча шу ерда туриб туришимни, кейин ҳарбий трибуналга беришларини айтишди.

– ...ни ебди ўшаларинг! – дея яна сўкинди Жамол. Улар жим қолишиб, тағин тутунга зўр беришди. Ҳар замонда сўзларни чўзиб, дудуқланадиган бўлиб қолган, бутунлай чўкиб кетган Акбар қўққисдан инграгандай чийиллаб, юзини қўллари билан тўсганича йиғлаб юборди:

– Славани ҳеч эсимдан чиқаролмаяпман, Қодиирр!.. Шундоқ қўлларини чўзганча ёлвориб қолди-я шўрлик! Мен қўрқоқман, қўрқоқ!..

* * *

– Ёрдам беринг, ўртоқ катта лейтенант! – дейишди лагерга қайтиб келишгач, Акбарнинг аҳволини Степановга тушунтириб.

– Билмадим... анча қийин иш бўлса керак, – деди Степанов ўйланиб.

– Дўстимиз бадном бўлади ахир, ўртоқ...

– Бу аниқ гап, – дея Абдуқодирнинг гапини бўлди Степанов. – Аммо бир йўли бўлса керак. Биласизлару,

бизнинг давлат қоғозни яхши кўради. Хуллас, сизлар бундай қилинглар... – деб бир қимирлаб олди катта лейтенант. – Қисм командирига бутун рота номидан Акбарнинг гуноҳини сўраб хат ёзинглар. Дўстимиз ўз айбини урушда ювади денглар, тушунарлими? Лекин хатга бутун рота имзо қўйсин, хўпми?

Бу маслаҳат икки дўстга ҳам маъқул келиб, шу куниёқ хат ёзишиб, ротадаги барча жангчиларга имзо қўйдиришди. Ҳатто, ўрисча хатни битишда ўрис болалар кўмаклашишди. Нома шу куниёқ штабга бориб етди.

Эртасига эрталаб батальонда совуқ хабар тарқалди: эмишки, Орлушин Акбарни отиб қўйибди. Буни эшитган Абдуқодир билан Жамол ўзларини қўйгани жой тополмай қолишди. Ҳеч кимдан рухсат олмаёқ, «МАС»га жўнашди. Нима воқеа рўй берганини ўша ердаги аскарлардан эшитишди.

Абдуқодирлар Акбарни кўргани борган куни, яъни кеча кечки пайтда Акбар бир хаёл билан (балки зобитга яхшилик қилмоқчи бўлгандир) улар олиб борган ва бирга ичишларига имконият бўлмай, қолаверса, кўнгилларига сиғмай, унга қолдиришиб кетган аракни Орлушинга беради. Зобит аввалига хурсанд бўлади, бир-икки стакан ҳалигиндан «отгач», ичидаги мағзава ағдарила бошлайди:

– Сен хоин менга хушомад қилиб, арақ бердинг, – дейди ширакайф лейтенант. – Лекин мен сотилмайман, тушундингми!

– Оғзингизга қараб гапиринг, ўртоқ лейтенант! – дея жавоб қилади жаҳли чиққан Акбар.

– Нима?! Ҳали сен менга гап қайтарасанми! – жазавага тушади зобит. – Бор, ташқаридаги соқчини алмаштир!

– Ҳали менинг навбатим келгани йўқ.

– Барибир сен соқчилик қиласан! – дея энди Орлушин ўшқира бошлайди.

– Қилмайман! – дейди афғон «оқсоқол»ининг ҳам қайсарлиги тутиб.

– Шунақами?! Унда сен хоинни отиб ўлдираман! – деб Орлушин ёстиғи остидан тўппончасини олиб, ўқлайди.

– Бўлди-да, энди, ўртоқ лейтенант! – дея Акбар кўнгилсизликнинг олдини олиш учун ташқарига чиқмоқчи бўлиб, этигини кийишга энгашганида ертўлани ўқ овози тутади...

Нима бўлганини тушунган ўзбек аскарлар Орлушинни анча калтаклашиб, қисмга хабар беришади.

Аслида Абдуқодир билан Жамол Орлушинни топиш учун ҳам «МАС»га келишганди. Лекин уни штабга олиб кетишибди, дарғазаб жангчилардан яширмоқчи бўлишган-да. Иккаласи қисмга қайтишиб, Степановдан билишдики, Акбарнинг яраси унча оғир эмас экан, ўқ унинг орқасига тегиб, битта қовурғасини шикастлабди, холос. Аммо ички аъзоларига зарар қилмабди. Уни Шиндондаги дивизия госпиталига жўнатишибди, у ёққа бориш эса мушкул, орадаги масофа юз чақиримдан ортиқ. Абдуқодир билан Жамол Степановдан шунча сўрашса ҳам Орлушиннинг қаердалигини айтмади. Аскарларнинг энг ёқтирган командирларидан бири бўлган Степанов ҳам ҳамкасбини аяди чоғи...

9

Кунларнинг бирида кечки тановулдан кейин ҳар доимгидек Абдуқодир билан Жамол чодирнинг бурчагига ўтиришиб «чарс» тутатишарди, у ёқ-бу ёқдан гурунглашишарди. Акбарнинг Шиндонга кетганига бир ҳафтадан ошиб, ҳартугул унинг аҳволи яхши эканлигини хабардор кишилардан билишса ҳам уларнинг кайфияти дуруст эмас эди. Ўз дўстларининг бошига тушган фалокатдан кўнгиллари анча чўккан бўлса, урушу мусофирчилик туфайли

ундан ҳол сўрашга имкон тополмаганларига баттар эзилишарди.

– Аслида биздан ўтди, – дея минғирлади Абдуқодир гап орасида. – Ўша арақни олиб бормасак, балки шу фалокатлар рўй бермасмиди?

– Эй-й, қўйсанг-чи, Қодир! Кўрдинг-ку ўша ифлосни, ҳатто, бизгаям еб қўйгудек бўлиб қаради ҳароми, – деди Жамол «чарс»ни кучаниб тортаркан.

Абдуқодир бирпас жим қолди.

– Кечқурун Акбар тушимга кирибди. Ўзи соппа-соғу, нуқул: «Мени ташлаб, уйга кетиб қолмагин», дейди...

Яна орага жимлик чўкди. Уларни «чарс»нинг кайфи элитдими ёки ўз хаёлларига берилишиб, ўйга ботишдими, билиб бўлмасди. Шу кўйи анча ўтиришгач, Жамол чуқур хўрсиниб, деди:

– Туш деганингга эсимга келди, менам бугун кечқурун туш кўрибман... Болалигимда доим ловуллаб турган олов ичида ёнаётган каллалар тушимга кирарди. Кўпинча чўчиб уйғониб кетардим. Бир куни буни отамга айтиб берсам, қанақадир дуони ўргатиб, шуни уч марта ўқиб, дам солгину, кейин ухлагин, дея уқтирди. Шунақа қилувдим, ростданам ўша тушни қайта кўрмай кетдим... – Жамол гапирарди-ю, кўзлари чодирнинг аллақаерига қаттиқ тикилганди. – Бугун яна ўша ёнаётган каллалар тушимга кирди. Каллалар катта-катта дегин, кўзлариям ғалати... Оловнинг ваҳимасини-ю гапирма...

– Арақ нечта қолди? – деб қолди қўққисдан Абдуқодир гўё Жамолнинг гапларини эшитмагандай.

Жамол паришон эди, дўстининг гапини уқмади шекилли, «нима?» деди, аслида Абдуқодирни кўрмаётган кўзларини унга тикиб.

– Арақ нечта қолди, деяпман, – деди Абдуқодир тиржайиб. – Нима, «ўчиб» қолдингми?

– Беш-ўнта бор, шекилли. – Негадир Жамолнинг ўйчан кўзлари чуқур-чуқур ботиб кетди.

Тонг саҳарда яна тревога бўлди, бу жанговар чақириқ фақатгина танкчилар батальонига тегишли эди. Кейинчалик маълум бўлишича, разведканинг хабарига қараганда, душман Ҳиротнинг Қандаҳор бозори ёнида қанақадир кўпорувчилик ҳаракати тайёрлаган экан. Ҳали қуёш кўтарилмасдан, шаҳарнинг ҳаёти бошланмасдан улар кўрсатилган манзилда ўз жойларини эгаллашди. Абдуқодир ўз танки билан бозор дарвозасига яқинроқ жойда турган бўлса, Жамолнинг экипажи сизу бизга таниш бўлган бозор олдидаги майдоннинг Абдуқодирлардан анчагина узоқдаги иккинчи бир чеккасига жойлашди. Улар бозорни-ю, бозор олдидаги майдонни ўраб олишди. Ҳадемай шаҳарда ҳаёт бошланди. Одамлар эшак аравада, афғонларгагина хос бўлган ойна ва чеккаларига турли суратлару тақинчоқлар ёпиштирилган машиналарда, пиёда бозор сари кела бошлашди. Тез орада бизнинг бозорларга ўхшаган гавжум, бақир-чақиру, олди-сотдига бой шарқона бозор пайдо бўлди. Ҳатто, баъзи юраклироқ афғонлар шўро аскарларига ҳам ўз молларини ўтказмоқчи бўлишди. Лекин жанговар ҳолатда турган, қолаверса, зобитларнинг назоратида бўлган аскарлар савдога берилишмади. Кўча ва майдон четидаги улкан дов-дарахтлар соясида бозордаги манзарани ҳузур қилиб томоша этаётган шўравийлар учун фурсат жуда тез ўтди. Ҳамма нарса одатдагидек, ҳеч қандай хавф ва шубҳали нарса йўқ. Аммо чошгоҳда аскарларнинг бу хаёллари пуч бўлиб чиқди. Гумбурлаган овоздан ҳамма ёқ ларзага келди-ю, Жамолнинг танки ёна бошлади. Буни кўрган жангчилар ўзларининг енгил қуролларидан тўғри келган тарафга ўқ ёғдиришди, бозорга кириб-чиқиб турган оломон қий-чув қилиб, пана жойга ўзини урди. Ҳали бўлиб ўтган ҳодисани англаб улгурмаган Абдуқодир Жамолнинг ёнаётган танки устида Степановни кўрди-ю, ўша

томонга отилди. Бошқа аскарлар ўринларидан жилмас, улар душман ўқидан ва ёнаётган танкнинг портлашидан қўрқишарди. Степанов эса бундан жазавага тушиб:

– Қўрқоқлар! Ўтираверасанларми иштонларингни тўлдириб!.. – дея бақирди. У танкнинг юқоридаги туйнугига энгашиб, ёнаётган бир аскарни тортиб чиқарди-да, пастга ташлади. Бу орада Абдуқодирнинг орқасидан ёрдамга стиб келган Валера Степанов ташлаган аскарнинг устидаги оловни ўчириб, четроққа торта кетди. Абдуқодир эса нима қилишини билмай, ўзини у ёқдан-бу ёққа урар, кўзлари қинидан чиққудай бўлиб, тинмай ҳайқирарди.

– Жамол!.. Жамол!.. Ўртоқ катта лейтенант, Жамолни қутқарайлик!..

Степанов бирор хавфни сезди шекилли, жон-жаҳди билан қичқирди:

– Кечикдик, Қодир, кечикдик!.. Қоч, ҳозир танк портлайди!

Абдуқодир жазавага тушди:

– Йўўқ!.. Жамол!.. Қанисан, Жамо-ол?!..

Степанов эндигина пастга ирғимоқчи бўлганида ўнг биқинига теккан зарбдан ортига силкиниб кетди, у бор кучини тўплаб, пастга думалади.

– Қодир, қоч!.. Қоч деяпман сенга! – чинқирди у. Абдуқодир яраланган командирини кўриб, у томонга югурди.

– Ҳозир, ўртоқ катта лейтенант, ҳозир! – у Степановнинг қўлтиғидан олиб, четга судраркан, ўзи билмаган ҳолда тинмай жавраради.

– Тезроқ, Қодир, тезроқ!.. – Степанов ҳолдан тойиб улгурган, кийимининг бир ёни қип-қизил қон эди.

Ҳақиқатан ҳам Абдуқодир командирини четга олиши билан танк гумбурлаб портлади, гумбази бир томонга учиб тушди-ю, баттар гувуллаб ёна бошлади. Абдуқодир бир лаҳза қотиб қолди, сўнг Олимнинг қўлидаги автоматни тортиб олди-да, тўғри келган тарафга тариллатиб ота бошлади.

– Жамо-оол!.. Ҳе онангни... сенларни, ифлослар!

У ҳайқирар, нима қилаётганини ўзи билмас, нигоҳлари қонга тўлиб, даҳшатли тусга кирганди.

Валера билан Олим унга ёпишиб, қўлидаги автоматни тортиб олишди. Силтанишдан ўзига келган Абдуқодир ҳолсизланиб, ерга ўтириб қолди. Икки қўли билан бошини маҳкам қисиб, ҳўнграб йиғлаб юборди:

– Жамо-оолл!..

Степанов ёнаётган танк ичидан қутқариб олган аскар чуваш эди. Ўшанда сафардан қайтишгач, механикликни эплаёлмагани учун уни Жамолнинг экипажига отувчи(наводчик)ликка ўтказишди. Шўрлик чувашнинг пешанасига отувчилик ҳам битмаган экан, мана, танасининг ярми куйиб, чала ўлик ҳолда ётибди.

Дарҳол тиббий бўлимни ёрдамга чақиришди, улар етиб келишиб, Степанов билан «чуваш»ни ўз «таблетка»ларига жойлашиб, жўнаб кетишди. Жамол ва экипажнинг қолган икки аъзоси куйиб кул бўлди.

Орадан анча вақт ўтган бўлса ҳам Абдуқодир ҳамон ўзига келмас, қорайиб тутаб ётган танкка термилганча паришон ўтирарди. Олим билан Валера унинг елкасига уриб, – бўлди энди, Абдуқодир!.. – дея овутган бўлишарди.

Зобитларнинг буйруғи билан ёниб кетган танк ичидаги кулдан идишга солиб, олиб қўйишди. Ахир бир зумда куйиб кул бўлган шўрлик уч йигитнинг ота-онасига таскин ёки ҳеч бўлмаса кўзларига суртиб йиғлашлари учун уларнинг кули бўлса-да, керак-ку. Уларнинг оналарига битилажак мактубда ҳеч айбсиз кул бўлишди, дейилмайди, албатта... Уларга «хизмат бурчини ўташ пайтида қаҳрамонларча ҳалок бўлишди», дея ёзилади. Уларнинг хизмат бурчи – уруш, қаҳрамонлиги – сукут сақлаш эканлигини бирон кимса билмайди ҳам.

Урушга кирган ҳар бир одамнинг орқасидан қандайдир шарпа эргашиб юради. Йўқ, сиз дарҳол бу шарпанинг

отини ўлим ёки қўрқув деманг, балки унинг ота-онаси ўша ўлим ва қўрқув бўлса бордир, лекин у бутунлай бошқача номланади. Эҳтимол унга ном қўйиш масъулияти бизга юклатилгандир, бироқ, у шу пайтгача исмсиз яшаб келаётгани аниқ. Урушда шарпа сизни доимо таъқиб этади, баъзан туйқусдан юрагингизни қўрқувга солса, баъзан танҳоликка элтади, гоҳо ўша шарпа кимнидир соғинтириб, кўзингизга ёш келтирса, гоҳо бошингизни карахт бир ҳолга солади. Абдуқодир ёлғиз суянчиғи бўлиб қолган Жамолдан ҳам айрилгач, номсиз шарпани янада аниқроқ ҳис қилиб, сеза бошлади. У аввалдан бу шарпага бутунлай бегона эмасди, ҳамиша ортида нимадир борлигини, яшаётганини туярди-ю, унчалик парво қилмасди. Қадрдон дўстларидан жудо бўлиш уни девонага айлантирди. На ейиш-ичишида маза, на уйқусида ҳаловат бор, ҳали тирик эканлигини, томирларида қон ураётганлигини сезиб турса ҳам, гўё бошқалар орасида йўқдек эди. Киртайган кўзлари-ю, озганидан бўртиб-бўртиб кетган юз суяклари унинг қиёфасига совуқ соя ташлаган, букчайиб қолганидан елкасида букур пайдо бўлгандек эди. Тамаки ҳамда «чарс»ни тинимсиз чекканидан кўзлари қизариб, қисилиб турадиган бўлиб қолди. Аввалига аскар ва зобитлар уни ўз ҳолига қўйиб беришди, аммо бир неча кун ўтгач ҳам, ўзини қўлга олавермагач, дашном беришга ўтишди. У эса ҳамма нарсани унутганди, ҳатто, ўз танкига унчалик қарамай қўйди. Жамолнинг ўз ўлимини башорат қилган тушини айтиб берганида бунга эътибор қилмаганига, ҳеч бўлмаганда дўстининг юзига тузукроқ қарамаганига пушаймон бўларди, ўзини қўйгани жой тополмасди. Бечора ўша куни ўлишини билган экан-а!

Бир куни кечқурун Абдуқодирларнинг чодирига комбат кириб келди. Чодир жуда катта бўлиб, ундаги икки қаватли каравотларда қирқ-эллик киши ётарди. Комбат кириб келганида ҳамма ўзи билан ўзи овора, ким гапла-

шиб ўтирган, ким қарта ўйнаётган, яна бошқа бировлар кийим-бошини тартибга келтирган. Жангчилар ўзлари суймаган қўнғизмўйлов командирларини кўриб, ўринларидан базўр туришди. Агар унинг ўрнида тузукроқ зобит бўлса, аскарларнинг ўтиришларига дарров рухсат берган бўларди, аммо у ўзини деб шунча одам оёққа турганидан роҳатлангандай, ёқимсиз табассумини лабларига жойлаб, чодир ичра юриб бораркан, ғўлдиради:

– Ҳа, ислом лашкари, дам оляпсизларми?.. Яхши-яхши... – у чодирдаги чироқнинг хира шуъласида паға-паға бўлиб учаётган тутунларни кўрди-ю, бутун чодирни тутган «чарс»нинг ҳидини сезди.

– Тутатяпмиз ҳам денглар... Баракалла, наркоманлар!

Абдуқодир чодирнинг бурчагида «чарс»нинг кучидан «учиб», бу дунёни унутиб ётарди.

– Ў-ў, жанобларининг оромини бузмадикми? – деди комбат Абдуқодирнинг тепасига бориб, қўлларини орқага қилиб, қунишган елкаларини баттар қуништираркан.

Абдуқодир ўрнидан туриб ўтирди, қизариб кетган кўзларини яшириб ерга қаради. Оддий аскарнинг бутун бир подполковник қошида тик турмагани комбатнинг иззат-нафсига тегди шекилли, ғазабини яширолмай бақирди:

– Тур ўрнингдан!..

Абдуқодир шошилмай ўрнидан турди, аммо ҳамон кўзларини ердан узмасди. Комбат эса яна ўзининг қадрдон табассумини кўз-кўз қилиб, гўё Абдуқодирни эркалаётгандек деди:

– Жаноб наркоман, сиз бу кеча туни билан ротангиздаги борки танкни ювиб чиқасиз. Мен эрталаб текшираман, агар бирорта танкда чанг бўлса, сиз учун бошқа чора топамиз, тушунарлими?

Абдуқодир бошини бепарво силкиди.

– Қани, буйруқни бажаришга жўнанг!

У комбатнинг ғашига тегар даражада жуда секинлик билан қимирлаб, чодирдан чиқиб кетди.

Икки жаҳони айқаш-уйқаш бўлиб, гўё ўзига қисмат тайёрлаётган афғон «оқсоқоли» комбатнинг буйруғини бажариб, ўн учта танкни ювармиди. Аслида-ку комбат ҳам чучварани хом санаганини биларди, аммо кўпчилик ичида зобитни беҳурмат қилган аскарга қандайдир жазо бериш керак эди-да. У ўзининг Афғонистондаги хизмати давомида ўзбекларнинг қайсар феълини тушуниб қолганди. Ана ўша ўзбеклардан бўлган Абдуқодир ўз танкига кириб, уйқуга кетди...

Эртасига эрталаб нонуштадан сўнг бирорта ҳам танк ювилмаганини кўрган комбат Абдуқодир ва рота командирини «каптёрка»(омборча)га чақиртирди. Қорни кичикроқ тандирдай келадиган, шимининг камари устидан кўпчиб осилиб турган рота командири капитан Баранов бир зумда комбатнинг қаршисида пайдо бўлди. Унинг орқасидан Абдуқодир ҳам чодир-омборчага кириб келди.

– Жуда бурнинг шишиб кетибди-да, а, аскар! – деди комбат Абдуқодирнинг елкасига туртиб.

Аскар индамади, четга қараганча тураверди.

– Нега буйруқни бажармадинг, бабай?!

– Ўзи бу ўзбеклар жонга тегди, на тартибни билади булар!.. – дея гапга қўшилди Баранов.

– Менга қара, ўв, душман! – комбат энди Абдуқодирнинг юзига туртди.

– Нега буйруқни бажармадинг?

Унга Баранов ҳам қўшилиб, елкасига муштлади.

– Гапир, баран! – деди у.

– Ўзинг баран! – ўшқирди Абдуқодир тап тортмай. Унинг кўзлари дахшатли чақнади, неча кунлардан бери ичида сақлаб юрган бомба ҳозир портлади гўё. У ўз кителининг икки ёқасидан ушлаб, бир силтаган эди иккита тугмаси узилиб, кўкраги очилиб қолди. Ўқдек қадал-

ган кўзларини комбатга тикиб, ўзи идрок этмаган ҳолда «сен»лаб гапира кетди:

– Танк ювиш буйруқ эмас, ўртоқ подполковник, сен менга ўзингни от де, ана у буйруқ бўлади! Агар ўзимни отмасам, ўшанда мени сўроқ қил!..

Комбат билан Баранов Абдуқодирнинг важоҳатидан чўчиб кетишди.

– Ўзингни бос, аскар! – деди мулойимроқ овозда комбат.

Абдуқодир шартта бурилди-ю, чодирдан чиқиб кетди. Икки зобит «Аскар! Аскар!» деганча қолаверишди. Лекин комбат Абдуқодирни жазосиз қолдирмади, бир неча кун қисм қоровуллик взводига ўтказиб юборди. Одатда, механикларни «қоровул»га қўйишмайди, чунки тез-тез бўлиб турадиган тревогаларни инобатга олиб, механикларнинг вақтида дам олишлари йўлга қўйилганди. Комбат ана ўша қоидани ҳам бузиб, ўзича Абдуқодирни жазолади...

10

Саҳарда яна жанговар сафарбарлик эълон қилинди. Капитан Баранов Абдуқодирни қоровулликдан чақириб олишга мажбур бўлди, шундоғам сўнгги талафотлардан кейин ротада механиклар етишмас, уларсиз эса ҳеч бир танк ўрнидан жилмасди. Абдуқодир Барановни «анжанча» қилиб боплаб «ўқиди-ю», бошқалар қатори танкига югурди.

Ҳар доимгидек саф тортган жанговар карвон навбатдаги операцияга йўл олди. Бу галги сафар Ҳирот вилоятининг жануби-шарқида жойлашган чекка қишлоқлардан бири Зоранжига эди. Шаҳарга етмай, бетон йўлдан чапга бурилган карвон тез орада узоқдан-узоқ чўзилган шолипояларга рўпара келди. Тизза бўйи бўлиб қолган ям-яшил шолилар оғир техникалар остида ер билан яксон бўла

бошлади. Увол деган сўз бутунлай бегона бўлган ҳарбийларнинг машиналари учун Оллоҳнинг иродаси билан юриш анча қийинлашди. Нисбатан анчагина енгил бўлган «БТР»лар ҳам шолипояларда яхши юролмай, қуруқроқ ерларни ахтара бошлашди. Маълумки, шоли фақат сув билан тирик, бу эса зил-зимбил бўлган техникаларни ярмигача лойга ботирди. Улар биринчи тезликда мўрилари тутунга тўлиб, базўр олға силжишарди. Баъзан занжирлари турган жойида айланиб, ўзлари учун чоҳ қазий бошларди.

Абдуқодир сафарга чиққач, билдики, уларнинг взводига вақтинча Орлушинни командир қилиб тайинлашибди. У олдинда бораётган танкнинг командири эди. Абдуқодир аввалига уни бир «бопламоқчи» ҳам бўлди, лекин кейин бунақа ишлар фақат қисмда ҳал қилиниши лозимлигини ўйлаб, шаштидан қайтди. Агар жангда у билан пачакилашса, бу кўнгилсиз ҳодисанинг касри бошқаларга ҳам уришини тушуниб, ҳатто, ўзининг пасткашлашиб кетаётганидан ўкинди. У нохуш ўйларни миясидан қувиш учун тезлик тепкисини бир маромда босиб бораркан, мана шунақа шолипоялар ичида ўтган болалигини хотирлай бошлади. Ўша пайтлар пахта озроқ экиларканми, негадир Абдуқодирларнинг томорқаси-ю, унинг этагидаги катта шудгорга ҳам шоли экиларди. Турли ҳашаротларнинг кўплигини ҳисобга олмаганда, шолизорлар жуда файзли бўларди, айниқса, шолипоядан тараладиган ғалати ҳид кишига ёқимли эди. Абдуқодир кичкинагина болакай бўлса ҳам раҳматли дадасига шоли ўтоғида ёрдам берар, шундай пайтлар баъзан шоли бир ёқда қолиб, бақа қувиш билан овора бўлиб кетарди. Бу қилмиши учун дадасидан дашном эшитиб, тағин ўтоққа киришарди. У шоли қалинроқ унган ердаги ниҳолларни суғуриб, дадаси ўргатганидек – сийрак унган ерларга ирғитишни яхши кўрарди. Илдизида лойи билан чиққан шоли кўчатини ҳаволатиб

ирғитилса, сийрак жойга илдизи билан тушиб, кучга кириб кетаверади. Бу машғулот унинг жуда-жуда завқини келтирарди. Айниқса, у шоли ўрилиши арафасида шолипояларда кўпайган сичқон ва каламушларни тутишга, кесак билан уриб ўлдиришга жудаям ишқибоз эди...

– Ҳа, Қодир, газни бос, газни! – алоқа мурватидан Валеранинг овози келди.

Ҳақиқатан Абдуқодир хаёл билан бўлиб, тезлик тепкисини бўшроқ қўйиб юборган экан. Тепкини қаттиқроқ босиши билан кучаниб қолган танк бир «бўкирди-ю» занжирлари ўрнида айланиб, чўка бошлади.

– Бўлди-бўлди, тўхтат! – деди Валера юқоридан, – яхшиси, командирни ёрдамга чақирамиз.

– Ўша козёлингга ялингунча ўзим тортиб чиқариб қўя қоламан! – ўшқирди Абдуқодир.

– Газ берган саринг баттар чўкяпмиз, яхшиси, шатакка улаймиз, – дея юмшоқлик билан тушунтирди сержант.

Валера алоқа орқали олдинда бораётган Орлушиннинг танкини ёрдамга чақирди. Шолипояда зўрға юриб бораётган танкнинг орқага қайрилиши жуда мушкул эди. Шунинг учун Орлушин танкни орқаси билан юришга буюрди. Абдуқодирларнинг танкига яқинлашгач, Сергей тушиб, пўлат арқонни улади. Шатакчилар ботиб қолган танкни юриш енгилроқ бўлган ергача унча қийинчиликсиз судраб чиқаришди. Сергей пўлат арқонни йиғиштираётганда Абдуқодир ўз туйнугидан чиқиб, тамаки тутатди. Тонгнинг ғира-шира ёруғи унга алланечук хуш ёқди-ю, тутун бурқситиб, осмонга тикилди. Бу орада Орлушин ўз танкидан тушиб, қуруқроқ жой билан Абдуқодирнинг ёнига ўтди.

– Тамакингдан ол, – деди унга қўлини чўзиб.

Аскар унга еб қўйгудек қараб, битта сигарет узатди. Афтидан Орлушин у билан яхши муомалада бўлмоқчи эканлигини англатмоқчи эди. Эҳтимол бунақа сафарлар-

га ўрганмаган ёш зобит, унинг наздида «босмачи»лар авлодидан бўлган, мусулмон аскарнинг важоҳатидан, жанг пайтида отиб қўйиши мумкинлигини ўйлаб чўчигандир.

– Раҳмат, – деди Орлушин сигаретни олиб, ортига қайриларкан тиржайиб. – Энди ботиб қолмагин.

Бу тиржайиб айтилган гап Абдуқодирга «хоинни отиш – савоб» дегандек эшитилди. У юзини четга буриб, «ҳе онангни...» дея пичирлади.

Тушга якин қишлоққа кириб кетган пиёдалар ротаси бир нечта талафот билан тезда орқага қайтиб чиқди. Танкчилару тўпчилар қишлоқ бўсағасидаги шудгорда буйруққа шай туришарди. Душман яхши ўрнашиб олганди шекилли, қисқа отишмадан сўнг ротани чекинишга мажбур этди. Шундан кейин лейтенант Орлушиннинг взводи ва битта пиёдалар ротасига қишлоқнинг орқа томонига айланиб ўтиш буюрилди. Катта бошлиқлар ёппасига ҳужумга ўтиб, душманни қишлоқдан қувиб чиқаришни ўйлашганди чоғи. Орқа томондагилар эса чекинганларни ер тишлатиши керак, балки асир олишга ҳам тўғри келар.

Қишлоқни айланиб ўтиб, бир ёни пахса девор, бир ёни тутзор, тутзордан сўнг эса экинзор бўлган йўлга чиқиб олишди. Орлушин танкларнинг орасида маълум масофани қўйиб жойлаштиргач, замбаракларини қишлоққа тўғрилашга буюрди. Пиёда аскарлар тут ва девор паналаридан ўзларига қулай жой топишди. Шу кўйи кутиш анчага чўзилди, ҳеч қандай отишма хавфи сезилавермагач, бирин-кетин ҳаракатга тушиб қолишди. Абдуқодир танкдан чиқиб, девор ортига бўйлади, у ер анжирзор ва узумзор эди. Бунақа лаззатли меваларни еб ўрганган қишлоқи йигитнинг оғзига сув келди. Бироқ ҳар лаҳза соя солиши мумкин бўлган ажални ўйлаб, ниятидан қайтди-да, тамакига зўр берди. Бирпасдан сўнг Олим чиқиб келди.

– Онангни эмгурлар қайси гўрда писиб ётишибдийкин-а? – деди Абдуқодирнинг ёнига ўтираркан.

– Душманига фалониму, аммо-лекин анави ерда анжир дегани роса пишиб ётибди-да, – тамшанди Абдуқодир қишлоқ томонни кўрсатиб.

– Эй-й, жоним ўзимга керак, ошна! – дея кулди Олим.

Бу орада Валера билан Сергей ҳам ташқарига чиқишди.

– Валера, узум ейсанми? – деди энди Абдуқодир командирига.

– Қаердайкан?

– Ана, деворнинг орқасида.

– Орлушин кўриб қолса...

Бу пайт елкасига автомат осган Орлушин улар томонга келарди.

– Пишириб қўйибдими унга бу ерда? – дея ғижинди Абдуқодир.

– Ким разведкага боради? – сўради Орлушин етиб келиб, йигитларга қараб тиржаяркан. – Бир йўла узумхўрлик ҳам қилиб қайтамиз. – Аслида уни разведка қилишданам кўпроқ узум егиси келганди.

Абдуқодир сен ҳам одамми дегандай юзини четга бурди. Барча жим туравергач, бу ноқулайликдан қутулиш учун Валера Сергейга буюрди:

– Серёжа, сен бирга бор!

Серёжа автоматини елкасига илиб, Орлушинга эргашди. Чамаси, ёш зобит тажрибалироқ аскарларнинг боришини кутганди, шунинг учун бир турқи ўзгарди-ю, орият куч – индамай кетаверди. Улар девор ошиб, узумзорга ўтиб кетишгач, Абдуқодирнинг баттар анжир егиси келди. Яна Орлушинга рўпара бўлишини ўйлаб, у ёққа ўтишдан ўзини тийди. Ўн беш-йигирма дақиқа ўтириб зерикди, шартта автоматини олди-ю, танкдан ирғиб тушди.

– Сизлар танкдан қимирламанглар, ҳозир келаман, – деди шерикларига девор томон бораркан.

У деворнинг пастроқ жойидан ошиб ўтиб, ғарқ пишиб ётган сариқ ва қора анжирларнинг чангини ҳам артиб-арт-

май ея бошлади. Меваларга афғон қуёши роса маза берган экан, ширинлигидан тилни ёраман дерди... Шу пайт қиз боланинг қийналиб чинқирганини эшитди. У автоматни ўқлаб, овоз келган томонга юрди. Тезда анжирзор тугаб, узумзор бошланди. Афғонлар сўртокни пахсадан қилишаркан, ҳар уч-тўрт қадамда икки қулочча баландликда пахса кўтариб, токларни ўшанинг устига чиқаришаркан. Шунақа сўрток деворларнинг аллақанчасини ёнлаб ўтди. Узум дегани пишиб сарғайган, кўзни оламан, дейди. Лекин ҳозир Абдуқодирнинг хаёли бошқа ёқда эди. У пахсаларнинг яна икки-учтасидан ўтгач, икки пахса оралиғида бир қизни босволиб, ечинтиришга уринаётган Орлушинни кўрди.

Қиз бечора лейтенантнинг қўллари остидан базўр чинқирар, оқ кўйлагининг ёқасини маҳкам ушлаб олганди. Сергей эса автоматни тутган кўйи худди соқчидек серрайиб турарди. Улардан анча нарида олди айвонлик уй бўлиб, айвонда турли асбоб-анжомлар деворга суяб қўйилганди.

– Буни қаердан топди? – сўради Абдуқодир Сергейдан қизга ишора қилиб.

– Билмадим, ҳов анави уйнинг орқасидан судраб опкелди-ю...

Қиз ўн беш-ўн олти ёшларда эди. Қош-кўзлари, қоп-қора сочлари ловуллаб, балоғат уфуриб турарди. Орлушин унинг кўйлагини йиртиб, энди қизил матодан тикилган лозимини ечишга тутинди. У ҳозир йиртқич қиёфасига кирганди. Қиз эса оёқларини ғужанак қилиб, бор овози билан додлашга тушди.

Аввалига Абдуқодир индамай қайтиб кетмоқчи бўлди, лекин Орлушин:

– Оёғини ушлаб тур! – дея бақирганидан сўнг жаҳли чиқиб, мусулмонлиги ёдига тушди, ғурури жунбишга келди. Бир ҳайвоннинг исканжасида номуси топталаётган

ўз Наргизасининг ноласи қулоғи остида жаранглагандек туюлди. «Ахир у муслима-ку», дея ўйлади бирдан, ўйлади-ю, Орлушинга яқинлашди.

– Ўртоқ лейтенант, унақа қилманг! – деди ялингандай.

– Буларни фақат «ўшанақа» қилиш керак! – деди малла зобит кучаниб. – Оёғини ушла!

– Бас қилинг, ўртоқ лейтенант!

– Қўрқма, мендан кейин сен бўласан... – дея лейтенант ўз ишида давом этаверди.

Абдуқодир энди ўзини идора қилолмай қолди, ичидан отилиб келган ғазабини тўхтатолмай:

– Қўйвор қизни! – деди-ю, командирининг кўкраги аралаш бўйнига зарб билан тепди.

Орлушин ёнбошига ағдарилди, зарбдан нафаси қайтиб, йўталиб қолди. Қиз ўрнидан жон талвасасида туриб, гандираклаганча ҳалиги уй тарафга югурди. Орлушин эса ўзини ўнглаб, Абдуқодирга автомат ўқталди.

– Ўлгинг келдими, аскар!

Аммо Абдуқодирнинг аллақачон унга қаратилган автоматидан эсини йўқотди-ю, унинг нафратдан ёнган кўзларига тикилиб қолди.

Қиз ўша боришида айвонга кўтарилди. Деворга суялиб турган бешлик(паншаха)ни олиб, учини кўксига қадади, сопини эса деворга тираб, «Оллоҳ!» деди-ю, бир силтанди. Бешликнинг ингичка тиғлари кўксига ботди. У бирпас тебраниб турди, сўнг аста қийшайиб орқасига қулади. Оёқлари айвон четида, боши эса пастда қолди. Қип-қизил бўлган кўкси узра ботган бешлик тебраниб тураверди.

Жуда тезликда юз берган бу ҳодисадан учала «шўравий» йигит карахт бўлиб қолишди. Шовқин солиб, уйнинг орқасидан ўтиб келаётган тўртта афғонни кўришгачгина ўзларига келишди. Афғонларнинг иккитаси милтиқ, иккитаси таёқ билан қуролланишган эди. Улар ўз тилла-

рида: «Ана улар, ана улар!» дейишиб, «шўравийлар» томонга югуришди. Ўзини ўнглаб олган Абдуқодир уларга қарата автоматдан бир сидра ўқ узди. Афғонларнинг иккитаси қулади. Абдуқодир билан Орлушин шериклари томонга чопишди, Сергей эса аллақачон жуфтакни ростлаб қолганди. Анжирзорни кесиб ўтишиб, жон ҳолатда деворга ёпишишганида Орлушиннинг ўнг болдирига ўқ тегди, чинқираб орқасига ағдарилди. Абдуқодир унинг қўлтиғидан олиб, девордан ошириб ташларкан, шерикларига қичқирди:

– Ёрдамга! Отинглар!

Бир зумда ҳамма ёқни тасир-тусур босиб кетди, чунки пиёдалар ротаси қишлоққа ўқ ёғдира бошлаганди.

11

Абдуқодир Орлушинни уларни тутзорда кутиб турган Сергейнинг кўмагида ўз танкининг панасига олиб келиб ўтқазди. Лейтенант афтини буриштириб, яраланган оёғини силар, тинмай инқиларди. Сергей Валера узатган тиббий докани олиб, зобитнинг шимини тиззасигача шимарди, ярасини боғлашга тушди. Лейтенант эса ўзи нима аҳволда-ю, Абдуқодирга ғўлайиб, тўнғиллади:

– Қараб тур, аскар! Мен сени ҳечам унутмайман!..

Абдуқодир нари кетаркан:

– Мен ҳам!.. – деди лабларини қимтиб.

У танкнинг орқа томонига ўтиб, ерга ўтирди. Чўнтагидан тамаки олиб тутатаётганда, чап юзининг ачишаётганини сезди. Қўлини теккизганди, жизиллаб ачишди, қўлида қон юқи қолди. Юзини боя душмандан қочишаётганда шохми ёки бошқа нарсами иягигача тирнаб кетганди. У юзининг ачишаётганига парво қилмай, ҳузурланиб тутун тортди. Шу пайт бояги афғон қиз, унинг кўксига санчилиб, тебраниб турган бешлик хаёлига келди. Кўксининг

чап қисми бир санчиб қўйди. У ўзи ҳамиша ўйлаб юргувчи, бу оламнинг нимасидир чатоқ қурилган, деган фикрини эслади. «Нима бўляпти ўзи? Ахир биз шўро одамларимиз-ку! Бу ваҳшийликларимизни катта бошлиқлар ҳам билишармикан?!» Чўзиб тамаки сўриб, тутунини юқорига пуфлади. «Билишади! Ўша катта бошлиқларнинг биттаси Бундюковми?! Бу азоблар тезроқ тугай қолсайди!..»

У ўз кўнглида бу мазлум халққа нисбатан қандайдир илиқлик сезарди. Бу илиқлик гоҳо ачинишга ҳам ўхшаб кетар, аммо у буни тўла англай олмасди. Наздида, бу халқ унга бегона эмасдек туюлаверарди. Бунақа туйғу пайдо бўлишининг эса кичкинагина ўз тарихи бор:

Абдуқодир қисмга янги келган пайтлари барча «Герат» деб атаётган бу шаҳарнинг номига унчалик эътибор ҳам бермади, Герат бўлса, Герат-да, дея юраверди. Аммо бир куни кимдир қисм кутубхонасида ўзбекча китоблар кўп эканлигини айтиб қолди-ю, ўқишга унча хуши бўлмаган Абдуқодир ҳам ҳалиги гапнинг рост ёки ёлғонлигини аниқламоқчи бўлдими ёхуд бўш вақтларини маънолироқ ўтказгиси келдими, ҳар ҳолда кутубхонага йўл олди. Ростдан ҳам ўзбек тилидаги китоблар кўп экан, лекин Абдуқодирни ҳайратга солиб, ғурурлантирган нарса бошқа эди. Яъни кутубхонанинг тўрига катта-катта ҳарфлар билан «Бу шаҳарда ўзбек халқининг буюк шоири ва мутафаккири Алишер Навоий яшаб, ижод этган», дея ўрисчалаб ёзиб қўйилганди. У ўз кўзларига ишонмади ва шунинг учун ҳалиги ёзувни қайта-қайта ҳижжалаб ўқиди. Демак, Герат деганлари ҳов ўша адабиёт дарсларида ўтганлари машҳур Ҳирот шаҳри экан-да. Ана ўшанда у бу халқ ва бу юртга бошқача муносабатда бўла бошлади. Баъзан танкини гуруллатиб бораётганда қўққисдан Навоийни эслаб қолар ва наҳотки мана шу биз оғир техникалар билан топтаётган ерларда улуғ шоир бобомиз ҳам юрган, наҳотки бу сарғиш тупроқда у кишининг излари бўлса,

дея ўйлаб қоларди-ю, елиб бораётган танкни ўз-ўзидан секинлатарди. Ана шундай хаёл оғушига ғарқ бўлган кунларининг бирида Бобуршоҳнинг ҳам шу юртда, яъни Кобулда дафн этилганини эслаб қолди. Ахир бу ҳам дарсликда ёзилган-ку! Тузук-қуруқ китоб ўқимаган, шеър ёки адабиёт деса, унчалик жини суймайдиган бу йигит шу зайлда ўз миллатини беихтиёр англаб борар ва афғон халқи ҳам унга бегона эмаслигини тушунгандай бўларди. Шунингдек, баъзи зобитларнинг пичинглари замирида ҳам нима ётганини пайқар, демак, улар бизнинг тарихимизни тузуккина билишаркан-да, деб ўйлаб қоларди.

Ҳатто, бир куни Навоий бобо тушига ҳам кирди. У кишининг юзини эслаб қололмаган бўлса-да, саллали, оппоқ соқоли бор, нуроний ўша одам шоир Навоий эканлигини яхши биларди. Шоир йигитга узоқ тикилиб турди, сўнг алланималар деб гапирдими ёки шеър ўқидими англолмади, сўзларини ҳам тушунолмади. Бироқ унинг нигоҳини анча вақтгача унутолмай юрди. Жуда ғалати тикилганди-да, ўзиям...

Бу тушнинг таъбирини кейинроқ ўзича ечиб, англагандай бўлди. Ўша туш кўрган кечасидан икки-уч кун ўтиб, рейдга чиқишди, тўғрироғи, Навоийнинг қабрини суратга тушириш учун Тошкентдан келган тасвирчиларни кузатиб боришди. Ана ўшанда улуғ Навоийнинг қабрини ҳам кўрди. Афғонлар у жойни «Мусалло майдони» деб аташаркан. Лекин бир пайтлар зиёратгоҳ бўлган мозор харобага айланган, кишининг бағрини ўртар даражада аянчли аҳволга келиб қолган экан. Уруш, ҳатто, қабрни ҳам омон қўймабди, бу урушлардан тириклик пайтида роса чарчаган улуғ инсон ўлганидан сўнг ҳам ундан қутула олмабди-я! Фалакнинг ўйинини қаранг-а! Қабр устидаги сағана роса ўққа тутилгани шундоққина кўриниб турарди... У ерга душман ўрнашиб олган экан, шўро тасвирчиларини яқин йўлатмади. Абдуқодир бу рейддан жуда ғалати бў-

либ қайтди. Кўрган тушини эслади, улуғ шоирнинг руҳи безовталигини пайқаб, бир неча бор Қуръон ўқиди. Ана шундан кейингина тинчиди.

Ахир бу халқ унга бегона эмас! Наҳотки, Орлушинга ўхшаганлар буни тушунмаса?! Албатта, улар тушунишмайди-да...

Унинг хаёлларини тирқиратиб, ҳамма ёқни гумбурлаган овозлар тутиб кетди. Абдуқодир хаёлидан узилиб, овозга бир лаҳза қулоқ солди. Қишлоқнинг нариги ёғидагилар танк ва тўплардан ота бошлагандилар. Ана энди қишлоқнинг кули кўкка совурилади.

Танк ёнбошидан Орлушиннинг овози келди:

– Сержант! – у Валерани чақираётганди.

– Эшитаман, ўртоқ лейтенант.

– Алоқадан буйруқ бер, тўрттала танк ҳам қишлоққа қарата ўт очсин.

Валера командирнинг айтганини қилди. Кўп ўтмай, бу тарафдан ҳам ажал уруғлари сочила бошланди. Фақат оғир қуроллар ишлатилаётганидан кўпчилик қишлоқда тирик жон қолмагандир, деб ўйлаганди. Лекин бу ҳам кам экан, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, қишлоқ устида иккита вертолёт пайдо бўлди. Улар қишлоқ устида айланиб, бомба ёғдира бошлашди. Ана энди қиёмат қўпганди, ҳар бомба тушганда ер қаттиқ силкинар, портлашлар овози қулоқларни тешиб юборай дерди. Бомба парчалари танкларнинг устига ҳам келиб тушарди. Бир соатлар чамаси ҳеч ким гапирмади, фақат портлашларнинг ваҳимали овози оламга ҳукмронлик қилди.

Вертолётлар қайтиб кетиб, тўп ва танкларнинг уни ўчгач, пиёдаларга қишлоқ ичига киришга буйруқ бўлди. Улар варрак учириб қувнаган болалардай қишлоққа ёпирилишди. Пиёдалар қувонишганича бор эди, илло гўристонга айланган қишлоқдан қуруқ қайтишмас, турли латта-путта, магнитофон ва бошқа керакли буюмлар топиб

олиб чиқишлари мумкин эди. Қолаверса, душманларнинг қолганларини асир олишиб, хоҳлаганларича дўппослаб, ҳузур билан хўрлашиб, ташқарига ҳайдаб чиқишарди.

Биз сизга аввалги бобларимизда афғон қишлоқларининг қиёфасини, улардаги одам беркиниши учун қулай бўлган манзарасини тушунтириб берган эдик. Пиёдалар бу сафар ҳам ана шу уйларда жон сақлаб қолган бирталай одамларни ҳайдаб чиқишди. Уларнинг ҳаммалари ҳам жангарилар эмасди, ораларида чоллар, ўспирин йигитчалар ҳам бор эди. Аммо шуни айтиш керакки, ҳар бир афғон учун «шўравийлар» душман эдилар ва улар агар имконини топсалар, бирорта шўро аскарини ўлдириб, ўзларича савоб ишлашдан ҳам тоймасдилар. Балки бу босқинчилардан дўст чиқмаслигининг ўзига хос исботидир.

Аскарлар асирларни бешафқатларча уриб, тепкилашиб, танк ва «БТР»ларнинг устига битта-иккитадан боғлаша бошлашди. Абдуқодирларга ана шунақалардан иккитаси тегди. Экипажнинг қолган уч аъзоси уларни роса калтаклашди. Уларнинг оғзи-бурни қонга тўлди. Сўнг асирларни танк устига ирғитишиб, «гумбаз»нинг ёнбошига сим билан чирмаб боғлашди. Асирларнинг бири мўйлови сийрак ёшгина йигитча эди. Бири эса ўрта яшар, қуюқ қора соқолли, юзи қорамтир, важоҳатлироқ кўринарди. Иккиси ҳам сим билан боғлаётган ғанимларнинг ҳар бир тепкисига инграб ҳам қўйишмас, фақат кетма-кет «Оллоҳ» дейишарди. Боғлаб бўлишгач, Сергей уларга бирпас масхараомуз қараб турди-да, қора соқоллининг башарасига зарб билан мушт туширди.

– Қалайсан, бабай?!..

Тикилиб турган Абдуқодирга унинг кўзи тушиб, бир туси ўзгарди, беихтиёр айтиб юборган гапидан қўрқиб кетди чоғи, тезда танкнинг олди тарафига ўтиб кетди.

«Агар иложини топса, шу муштини менга ҳам урса», дея ўйлади Абдуқодир Сергейнинг ортидан. У оғзи-бурнидан қон оқаётган қорасоқолли асирнинг сим сиқувидан қони қочган иккала қўлини бир оз бўшатиб қўйди. Ёшроғининг қўлини бўшатаркан афғончалаб сўради:

– Ўзбекчани биласанми?

Кўзлари ола-кула бўлган йигитча «йўқ» дея калласини қимирлатди.

Абдуқодирнинг ҳаракатларини кузатиб турган Валера гина қилгандай:

– Эй-й, нима қиляпсан, Қодир? – деди.

Абдуқодир сержантнинг юзига қарамай, тўнғиллади:

– Булар ҳам одам, ҳайвон эмас.

– Одаммас булар, душман-ку... – дея ўзича аския қилган Валера нари кетди.

Қора соқолли Абдуқодирнинг ҳаракатларидан бирон нарсани тушунди шекилли, ўзбекчалаб, бироқ бузилган талаффузда сўради.

– Ўзбекмисиз?

Абдуқодир асирнинг юзига бир қараб қўйди-да:

– Ҳмм... – деди бошини силкиб, – сиз-чи?

– Мен туркманман, – деди асир оғзидаги қонни туфлаб.

Абдуқодир ўзи англамаган ҳолга тушди. Негадир қаршисидаги асирдан уялди, унинг кўзларига қаролмай, нигоҳини олиб қочди. Аммо барибир ўзидаги бу ҳолатни тушунолмади, юраги яна қаттиқ санчиб қўйди.

Қора соқолли асир у ёқ-бу ёққа қараб олиб, жуда паст овозда ялинди:

– Мени қўйиб юборинг, болаларим бор!.. – У рўпарасидаги шўравий ўзбекдан чинакамига умидланганди.

Абдуқодир яна кўзини олиб қочди.

– Иложим йўқ!.. Қўлимдан келмайди, – деди бағрини кимдир пичоқ билан ўяётгандек юзи тиришиб, бошини қимирлатаркан.

Ҳарбий карвон сафга тизила бошлади.

– Кетдик, Қодир! – деди шлемафонини кияётган Валера.

Абдуқодир асирларга қайрилиб қаролмади, индамай ўз туйнуги томонга ўтиб кетди.

Валера асирлар ёнига келиб:

– Қалай, душманлар, ўтирибмизми? – дея иккисининг ҳам қорнига тепиб, ўз жойига ўтирди.

Карвон йўлга тушди. Машиналарга сиғмаган бир қанча асирлар чанг-тўзон ичида чопиб боришар, танк ва «БТР»ларнинг устида ўтирган ғолиб аскарлар уларнинг оёқлари остига ўқ узишиб, тезроқ юришга ундашарди.

Ортда шом қоронғилигига кўмилиб бораётган Зоранжи қишлоғи эса қабристон сукунатида қолди...

12

Яраланиб госпиталга кетишган Акбар, Степанов ва Орлушинлар ҳам бирин-кетин қисмга қайтиб келишди. «Оқсоқол» аскарлар учун жуда секинлик билан ўтгувчи, аммо хурсандчиликка ошно кунлар бошланди.

Акбар баттар озиб-тўзиб кетган, елкалари чиқиб, хунук букчайиб қолганди. Жамолнинг ҳалок бўлганини эшитиб, ҳасратга тўлган бағрида бир нарса портлаб, кўз ёшларини тутиб туролмади. У Абдуқодирнинг рўпарасида ўтираркан, ерга тикилганча унсиз йиғларди. Асли камгап бўлган бу йигит бошига тушган шунча кўргиликлардан сўнг бутунлай индамасга айланганди. У ҳеч кимнинг юзига қаролмас, гўё улкан бир гуноҳ қилгану, барча уни қўлини бигиз қилиб кўрсатаётгандек эди. Ўксик қиёфасидан у ютаётган ҳаво ҳам томоғидан худди аччиқ зардоб янглиғ ўтарди...

Абдуқодир дўстининг чўкиб бораётганини тушунди. Яширган арақларидан иккитасини олиб, Акбарни тезроқ

уйга жўнатиш учун Степановдан ёрдам сўради. Бу ерда арақ жуда қиммат турар, кўпчилик зобитлар эса нон емаса емасдики, лекин арақ ичишарди. У билан ҳар қандай ишни битирса бўларди.

– Ҳаракат қилиб кўраман, – деди арақни оларкан Степанов. – Баранов кўнса бўлди.

Икки-уч кунда иш ҳал бўлди. Акбар кетишга тайёрлана бошлади. Абдуқодир иккиси жомадон ва кийим-бошларини шайлашди, уйдагиларга совға-салом учун турли хорижий матоҳлар топишди. Ўша куни кечқурун улар узоқ гаплашиб ўтиришди, «чарс» тутатишди. Акбар ўзини баттар айбдордек ҳис қилар, қадрдон дўстининг юзига ҳам қарашга ботинолмасди.

– Сен-чи, сен нима қиласан, Қодир?! – деди ўртаниб.

Абдуқодир унинг кўзларига самимий тикилди.

– Мени барибир қўйиб юборишмайди. Яхшиси, сен кетавер. Бориб тоғамларникигаям ўтгин. Мендан салом айт, ҳадемай кеп қолади, дегин, – дея у ерга қараб ўй суриб қолди. Ёдига Наргизаси тушганди, аммо бу тўғрида Акбарга лом-мим демади. Икки дўст ўз хаёллари билан сукутга толишди.

Эртасига чошгоҳга яқин Акбар жўнаб кетди.

Орадан кўп ўтмай, яқиндагина «Қизил юлдуз» ордени билан мукофотланган Степанов ҳам «союз»га қайтадиган бўлди. Кетиш олдидан ўз взводидаги жангчилар билан кўзлари ёшланиб, қучоқлашганча хайрлашди. Абдуқодирнинг рўпарасига келиб, унга тикиларкан, узр оҳангида деди:

– Қодир, мен сени бир неча марта орден-медалга тавсия этдим, лекин комбат рўйхатдан номингни ўчириб ташлади. Мендан хафа бўлмагин.

– Эй-й, қўйсангиз-чи бу гапларни, ўртоқ катта лейтенант! – деди жилмайишга уриниб.

Степанов гапни ҳазилга бурди:

– Катта лейтенант эмас, капитан дегин, ўртоқ аскар...

Барча уни янги унвон билан табриклади. Хайрлашув охирида у Абдуқодирни қаттиқ қучиб:

– Омон бўл, ука! Албатта, уйингга хат ёзаман, – деди ҳаяжонланганидан юзу кўзлари қизариб.

Абдуқодир учун рота ҳувиллаб қолди. Бир ойдан зиёдроқ вақт ичида ҳамма «дембил»лар уйга жўнатилиб, унгагина рухсат бўлмади. Қисм командири томонидан «дембил»ларни рейдларга олиб чиқиш тақиқланган бўлса-да, уни ҳеч бир жангдан қолдиришмади. Ёлғизланиб қолган аскарга комбат бошлиқ зобитлар ўз ҳукмларини ўтказишарди. Олим билан Валера унинг кўнглини кўтаришга уринишар, ҳамиша ёлғиз қолдирмасликка ҳаракат қилишар, аммо у инсоннинг юраги шунчалик адоватга жой топа олганидан эзиларди. Эҳтимол ўша зобитлар унинг жангларда бир бало бўлиб ўлиб кетишини исташгандир, балки шу билан ғаразга тўлган кўнгилларига таскин бермоқчи бўлишгандир.

Ҳадемай афғон қишининг совуқ шамоллари-ю, изғиринлари бошланди. Декабрнинг ўрталарида Олимнинг туғилган кунини нишонлашадиган бўлишди. Хўжалик бўлимидаги ҳамюртлар кўмагида катта дастурхон тузалди. Олимнинг туғилган куни Абдуқодирни кузатиш «тантанаси»га қўшилиб кетди. Абдуқодирга эртаси куни Ватанга қайтишга рухсат берилди. У шу кунгача сақлаб келган сўнгги иккита арағини олиб, базмга кирди. Аввал қўл ва жағлар ишга тушиб, арақ ва аскарлар тайёрлаган қўлбола бўза ичилди, роса «чарс» чекилди, овқат-повқат ейилди... Абдуқодир ва Олимнинг шаънларига одатга биноан роса мақтовлар ёғдирилди, сўнг магнитофон қўйилиб, ўйин-кулги қилинди. Ўз тенгқурларидан ажралиб, жонига фақатгина «чарс» ора кирган Абдуқодирнинг киртайган кўзлари кайфдан сузилиб, озғин юзига табассум қўнгандек бўлди. У бирдан ўрнидан турди-да, магни-

тофонни ўчиртириб, сўз беришларини сўради. Маст-аласт йигитлар кетма-кет қичқиришди.

– Сўз дембилимизга!..

– Сўз оқсоқолга!..

Абдуқодир ўртага чиқиб, бир оз тебраниб турди. «Тўппонча»нинг кучи элитган аскарлар унга тикилишиб, жим қотиб қолишди. Давра бир неча лаҳзалик сукутга толди.

– Мен эртага кетаман, – дея гап бошлади Абдуқодир сўзларни чўзиб. – Сизлар эса қоласизлар. Лекин билиб қўйинглар, ҳаммангизни уйда оналарингиз кутмоқда. Шунинг учун ҳаммангиз ўзингларни эҳтиёт қилинглар... Ҳозир мен она ҳақида бир шеър ўқиб бераман... – Абдуқодир фикрини жамлаш учун бир лаҳза жим қолди-ю, яна тебраниб кетди. Ўзини ўнглаб олгач, аввалига пастроқ овозда Абдулла Орифнинг ўз онасига бағишлаган машҳур шеърини ўқий бошлади. У ўқир, борган сари овози баландлаб, ғалати хириллаб борарди. Юзу кўзлари бўғриқиб қизариб кетган, киприкларида ёш айланарди. У шеъриятни яхши тушунмасди ва умуман шеърга жуда унақа ошно ҳам эмасди. Лекин бу шеърни ўқувчилик пайтлариданоқ ёд билар, баъзан ёлғиз қолиб, онаси эсига тушганда пичирлаб ўқишни яхши кўрарди. Ҳозир эса у худди шоирлардек шеър ўқир, сўзларнинг қаерида овозни пасайтириб, қаерида баландлатишни ҳам беихтиёр маромига етказаётганди. Давра жим қолган, баъзи йигитлар эҳтиросга берилиб, ўз соғинчларини яширишолмай, ошкора йиғлашарди.

Шеър тугади, аммо кўпчилик анчагача унинг таъсиридан чиқолмади! Энди ўйин-кулгини яна Абдуқодирнинг ўзи бошлаб берди. Аскарлар шўх куйларга роса рақс тушишди. Абдуқодир ҳам ҳолдан тойгунча «ирғиди». Охири болаларга чарчаганини айтиб, ўз чодири томон йўл олди. Вақт алламаҳал бўлганлиги учун лагерь жимжит эди. У чодир олдига яқинлашаркан, у ерда ўч-тўртта зо-

битлар турганини пайқади. Ўзини бир оз қўлга олиб, чодирга бурилаётганида зобитларнинг бири уни чақирди. Бу капитан Барановнинг овози эди. Абдуқодир уларга яқинлашаркан, кўнгли қандайдир нохушлик бўлишини сезиб, кайфи тарқалгандай туюлди ўзига. У зобитларга яқинлашиб, «эшитаман» деганди, улардан бири пичинг қилди:

– Ҳа, бабай – дембил!.. – бу Орлушиннинг овози эди.

Зобитларнинг иккитасини Абдуқодир танимади. Тўртови ҳам маст зобитлар кетма-кет унга пичинг қила бошлашди:

– Эртага кетармишсиз?

– Энди би-ир ҳисоб-китоб қилайлик, полвон! – деди Орлушин унинг елкасидан олиб.

Абдуқодир унинг қўлини силтаб ташлади.

– Қўйсангиз-чи, ўртоқ лейтенант!

Абдуқодир кимнингдир урган кучли зарбидан ерга қуларди. Ана шундан сўнг тўрттала қутурган зобит уни тепкилай кетишди. Улар аскарнинг фақат қорни ва кўкрагига тепишарди, очиқ далил қолишидан чўчишарди чоғи. Мана, Орлушиннинг яраланган оёғи Абдуқодирнинг кўкрагига тегди. У инграркан, қўллари орасидан Орлушиннинг кўзларига кўзи тушди. Нарироқдаги чироқ нурида унинг кўзлари ёвуз чақнарди, у оёқлари остидаги ғанимини ҳар тепганида ҳузурланиб тиржаярди. Абдуқодир зобитнинг бу ёвуз нигоҳини яқинда бўлган жангда бир кўрганди. Ўшанда қандайдир қишлоқ қаршисида тўхтаб қолган ҳарбий карвондаги баъзи аскарлар ўз машиналари устида ўтиришиб, икки юз қадамча наридаги девор ортида кетаётган афғон аёлини роса ўққа тута бошлашди. Отаётганларнинг барчаси янги келган аскарлар эди, ҳатто, Сергей ҳам танк гумбазига ўтириб олиб, астойдил отаётганди. Абдуқодир чидаб туролмай, уларга ўшқирди.

– Бас қилинглар, манқалар!.. Хотин кишини эмас, душманни отиш керак!

Кўпчилик отишдан тўхтади. Нарироқда турган Орлушин унга яқинлашиб, совуқ тиржайди.

– Нима, қариндошларингга раҳминг келяптими?

Абдуқодир индамай, юзини четга бурди. Бундан Орлушиннинг ғаши келдими:

– Танкчилар! – дея хитоб қилди. – Отишга тайёрланинг!

Замбараклар туширилиб, қишлоққа тўғриланди. Шу пайт тўғрида ўн беш-йигирма чоғли болаларни қаторлаштириб олиб келаётган уч аёл кўринди. Улар «шўравий»лардан қўрққанларидан кўзлари қинидан чиққудай бўлиб келишар, аёллар тинмай болаларни бир-бирларига яқин юришга ундашарди. Аёлларнинг учаласи ҳам эллик ёшлар атрофида эди. Улар аскарларга яқинлашгач, аёллардан бири Орлушиннинг каттаконлигини сезди шекилли, унга бир нималар деди. Лейтенант унинг гапларини тушунмай, танк устида ўтирган Абдуқодирга қараб тиржайди.

– Нима деяпти бунинг!

– Отишма тугагунча сизларнинг орқа томонингизга ўтиб турайлик деяпти, – деди Абдуқодир қовоғини солиб.

Орлушин уларнинг истагини бажарди. Кўп ўтмай, бояги аёл югура келиб, Орлушиннинг оёғи остига ўзини ташлаб, йиғлаганча гапира кетди. Ана ўшанда Орлушиннинг кўзлари худди бугунгидек ёвуз чақнади.

– Яна нима деяпти бу бабайка? – дея Абдуқодирга қаради.

– Нон олишмаган экан, болалар нон деб йиғлаяпти, деяпти... – тушунтирди Абдуқодир. – Рухсат берсангиз, қишлоқдан нон олиб чиқаркан.

– Балки сен ҳам ёрдам берарсан? – дея унга киноя қилди Орлушин.

– Борсам бораверaман! – деди Абдуқодирнинг ўжарлиги тутиб.

У автоматини олиб аёл билан қишлоққа кириб кетди. Анчадан сўнг иккаласи бирталай афғони нон кўтариб чиқишди. Аёл Абдуқодирнинг қўлидаги нонларни оларкан, кўзида ёш билан унга таъзим қилди:

– Ташаккур!..

Аёл кетгач, Орлушин яна пичинг қилди:

– Қариндошларинг сени отишмади-да, а?

Абдуқодир эрталабгача тепкилар зарбидан инқиллаб чиқди, ҳатто, икки-уч бор қон туфлади. У шу алпозда ҳам юзига шикаст етмаганидан хурсанд бўларди. Ахир шилинган, кўкарган юз билан қандай қилиб уйга боради.

Эртасига дўстлари уни кузатгани чиқди. Олим ва Валера билан йиғлагудай бўлиб қучоқлашиб хайрлашишди. Бир четда қунишиб турган комбат унга ҳарбий билетини узатаркан, ўзининг машҳур тиржайишини ҳам ҳадя этди.

– Бизларни унутмагин, аскар! – деди у қўлини қисиб.

Абдуқодир унга еб қўйгудек қаради:

– Ўлгунимча унутмайман! – дея ёнига туфлади.

У ўтирган «Урал» Шиндонга йўл олди. Машинада бораркан, нима бўлганда ҳам ўша тиканли симлар билан ўралган лагерда кўнглидан нимадир узилиб қолганини ҳис этиб, бағри ачишди.

Шиндондан Кобулга, у ердан эса Тошкентга учишди.

13

Абдуқодир шаҳарда «такси»га ўтириб, она қишлоғининг қабристони бўсағасида уни тўхтатди. Тошкентдаги божхонада йўл харажатлари учун берилган пулдан йигирма сўм ажратиб, ҳайдовчига узатди.

– Кечирасиз, ака, мени сизга суюнчи берадиган отаонам йўқ... Рози бўласиз-да!.. – деди ғамгин жилмайиб.

Элликларга бориб қолган ҳайдовчи унинг кўзларига боқди-ю, чапаниларча саховат кўрсатди.

– Ие-е, қизиқ экансизу, ука, пул бермасангизам майли... – деди қўлларини силкиб. – Ўша ёқлардан ўлмай кепсиз, ҳали ҳаммаси яхши бўлади.

Абдуқодир «раҳмат» дея, пулни ҳайдовчининг ёнига ташлаб, машинадан тушди. Ҳайдовчи самимий хайрлашиб, кўздан ғойиб бўлди. Абдуқодир тоғасини уринтиргиси келмай, шундай қилди, бўлмаса, тоғаси озгина пулу тўн ва белбоғни ундан аяйдиган одам эмасди.

У қабристонга кирди. Ерни сийрак қор қоплаган, ҳамма ёқ оппоқ. Қабрларни босмаслик учун асталик билан юриб, ота-онасининг ҳеч қандай белги ҳам, панжара ҳам қўйилмаган чўкиб қолган қабрини тахминан топди. Қабр четига тиз чўкиши билан вужуди силкиниб, ичидан таърифсиз бир фарёд келди. Бу ўша икки йил давомида лабларидан оша олмаган нола эди, у энди бутунлай ўзини унутганди.

– Буви!.. Мен келдим, буви!. – бу сўзларни у йиғи аралаш чийиллаб айтди, кўзларидан дувиллаб ёш қуйилди.

Бағрини бир оз бўшатиб олгач, Қуръон тиловат қилди, ота-онасининг руҳига бағишлади. Дуодан сўнг ҳам тиз чўккан кўйи узоқ ўтирди, баданига совуқ ўтиб, титрай бошлаганда ўрнидан турди. Юз-кўзларини артиб, жомадонини кўтариб қабристондан чиқди.

Қишлоқда ҳеч нарсани сир тутиш мумкин эмас. Абдуқодирнинг келганидан аллақачон хабар топган тоғаси, жиянлари ва бир-иккита қўни-қўшнилари қабристон дарвозаси олдида туришарди. Чамаси, уларнинг бу ерга келишганига анча бўлгану, Абдуқодирга халал беришни истамай, кутиб туришганди. У ҳаммалари билан қучоқлашиб кўришди, бир-бирларидан ҳол-аҳвол сўрашди. У ёқ-бу ёқдан тинмай гаплашиб боришаркан, гап орасида тоғаси сўради:

– Бизникига борасанми ёки?..

У жиянининг қиёфасидан бир нарсани тушунгандай:

– Майли, бугун ўз уйингга борайлик, ҳамма нарсани тайёрлаб қўйганмиз, – деди.

Тоғаси айтгандай Абдуқодирнинг неча йиллардан буён ҳеч ким ўтирмайдиган кимсасиз уйи саранжом-саришта эди. Ҳовли супурилган, уйлар оқланган, уй ичи жиҳозланиб, тўшаклар солинган, катта уйга сандал қуриб қўйилганди. Бу ҳолдан таъсирланган йигит кўзларида ёш билан тоғасини қучоқлаб олди. Тоғаси ҳам кўз ёшларини тутиб туролмади.

Уй ичи қўни-қўшни билан тўлди. Фотиҳа қилингач, Қуръон ўқилди, ўтганларнинг руҳига бағишланди. Тез орада тоғасининг хотини бир қатор сарпо олиб чиқиб, Абдуқодирни ясантириб қўйди. У ичига ботган ғамгин кўзлари-ю, озғин юзини ҳисобга олмаса, бахтиёр куёвбола бўлди-қолди.

– Мунча кеч қолдинг, жиян? Биз роса хавотирландик, – дея кетди суҳбат чоғи тоғаси, – яхшиям ҳалиги Акбарали деган бирга хизмат қилган ошнанг бор экан. Ўша келиб, жонимизга ора кирди. Бўлмаса...

– Акбар қачон келди?

– Ҳар икки кунда келади, дегин. Бечора жа яхши болайкан-да. Кечагинаям кеп кетди.

Абдуқодирнинг бағрини ажиб бир қувонч сийпалаб ўтди.

Ҳовли тўйхонага айланди. Абдуқодирнинг тенгқур дўстлари келишди. Ош дамланди. Бу орада қишнинг шошилган қоронғиси ҳам тушди. Тоғаси ва қўни-қўшнилар бу кеча аскар бола улфатлари билан маза қилсин дейишиб, ёшларни холи қолдиришди. Тоғаси чиқиб кета туриб:

– Эртадан бошлаб бизникида ётасан. Уйлаб қўйганимиздан кейин уйингни тўлдири-иб ўтираверасан, хўпми! – деди кулиб.

– Хўп, тоға, – деди қўлини кўксига қўйиб Абдуқодир.

Ёшлар холи қолгач, арақ ҳам ўзи кириб келди. Магнитофонни қўйиб, роса чақчақлашишди. Афғон ҳақида сўрайвериб, Абдуқодирнинг тинкасини қуритишди. Боягидан симиришиб, қарта ўйнашди. Бир маҳал Абдуқодирни тоғасининг кичик қизи ташқарига чақириб қолди. Айвонда жияни унга бир хат тутқазди.

– Наргиза опам Қодир аканг келса берасан, деганди, – дея акасига ғалати қаради-да, чиқиб кетди.

Абдуқодирнинг юраги дукиллаб, хатни очди. Афтидан мактубнинг ёзилганига анча бўлганди...

«Ассалому алайкум, ҳурматли Абдуқодир ака!

Соғ-саломат келдингизми?

Ушбу хатни ўқиётганингизда мен сиздан анча узоқлашган бўламан. Мени турмушга беришяпти...

Хатнинг шу ерига келганда Абдуқодирнинг вужуди титраб, инграб юборди. Айвондан тушиб турган чироқда энди хатнинг давомини ўқиёлмай, чироққа яқинроқ борди.

... Уятни ҳам қўйиб айтай, менинг кўнглим сизда эди. Лекин ота-онамга буни айтолмадим ва уларнинг раъйига қарши боролмадим. Ҳатто, ўқишимга ҳам рухсат беришмади. Биласиз-ку, ўзбекчилик...

Бу ҳақда хизмат жойингизга ёзмоқчи ҳам бўлдим, аммо ҳар хил хаёлга бориб, ундай қилмадим. Мени кечиринг! Илтимос, хафа бўлманг! Сиз, албатта, бахтли бўласиз, мен буни жуда-жуда истайман!... Хайр, омон бўлинг!

Наргиза.

16 август».

Абдуқодир айвон устунига суянганича жонсиздай қотиб қолди. Шу кўйи анча турди, сўнг хатни ғижимлаб улоқтирди. Гандираклаб уйга кирди, сандалнинг ёнбошига тиззалаб, косагулга пиёла тутди.

– Қуй!

Косагул пиёлани яримлатиб қуйганди:

– Тўлдириб қуй! – деди.

– Ие-е, ҳа? – дея тиржайди ошнаси.

– Қуявер!.. Энди кўп қуясан...

У арақни сипқорди. Кўзларини юмиб, афтини тириштирди ва бутун танасини силкитиб: «Аҳ-ҳ!» дея ҳайқирди. Бу билан у кўзларига сизаётган аламнинг йўлини вақтинча қирқди...

Ойлар, йиллар ўтаверди. Бошқа замонлар бошланди...

ХОТИМА ЁХУД ЯНГИ ЖАНГНИНГ БОШЛАНИШИ

У шафаққа тикилиб қолди. Кўзлари ҳорғин-ҳорғин чўкаётган қуёшнинг таърифлашга сўзнинг қудрати етмас рангларига – ўлим рангига тўла бошлади. У шафақ рангига кирган лабларини қаттиқ тишлаб, уфққа яна ҳам чуқурроқ тикилди. Кўзларига ҳалок бўлган дўстларининг нигоҳлари тўлди. Тўлаверди...

Шу пайт унинг рўпарасидан шакл-шамойили одамга ўхшаш қизғиш-қора тусдаги соялар ўта бошлади. Уларнинг юз-кўзлари, кийим-бошлари кўринмас, фақатгина одамий шаклдангина иборат эдилар. Улар йигитнинг рўпарасига келгач, у томонга бурилардилар-да, юзига тупурардилар. Сояларнинг ҳам, тупукларнинг ҳам ниҳояси кўринмасди. Йигит бу ҳолдан охири толиқди шекилли, шафақ рангига тўлган кўзларини чирт юмиб, кўз ва юзидаги намни қўллари билан артди...

1992–1993 йиллар.

ҲИКОЯЛАР

УРУШ

Ошхона шийпонига елка суяклари туртиб чиққан, бўйдор, қоратўри йигит кириб келди. У ярим коса лағмон ва битта нон олиб, нигоҳи билан бўш жой қидирди. Энг чеккадаги жойлардан бири бўш эканлигини кўриб, ўзича хурсанд ҳам бўлди – ҳартугул тўполондан четроқ...

Ошхона биносининг ичидаю ташидаги ўриндиқларда одам қайнайди. Ҳозир айни тушлик пайти бўлганидан хўрандаларнинг кети узилмайди. Чою овқатнинг тафти қўшилган емакхона ҳавоси димлагандан-димлайди. Шифтга осилган «шамол»лар тинмай айланади. Лекин жағларнинг тинимсиз «меҳнати»дан, ҳам иссиқнинг зўридан юз-кўзлардан тер қуйилади. Ҳалиги йигит бир чойнак чой ҳам олиб келиб ўтирди. Чойни икки-уч бор қайтариб, қошиқ билан овқатни ковлади. Лекин бир ҳўплам ҳам ичмади, гўё умуман қорни очмагандек эди. Ғамгин кўзлари у ёқ-бу ёққа маъносиз термилди. Чой қуйиб, ҳўплади. Кўкимтир доғлари бўлган суякдор юзи тиришди...

Шу пайт йигитнинг кўзи шийпончага кириб, нигоҳи билан жой излаётган чолга тушди. Оқсоқол жой қидириб кираверишда хиёл туриб қолди. Ахийри йигитнинг ёлғиз ўтирганини кўриб, ўша томонга юрди. Чол чап томонга қийшайиброқ қадам ташлаганидан оқсагандай кўринарди. Қора чарм сумкасининг боғини чорсиси билан боғлаб, елкасига осиб олганди. Шунчалик иссиққа қарамай, ок яктаги устидан чакмон кийган, бошидаги хийла уринган дўппи четидан қийиқ танғиган, оёғида оқшайган

маҳси-калиш. Юзи иссиқдан бўғриқиб кетганидан оппоқ соқоли товлангандай туюлади.

Чол йигитнинг олдига етиб келиб:

– Бўшми? – дея сўради.

Йигит бир қўзғалди-да, «бўш, бўш», деди «сўрамасангиз ҳам бўларди» каби оҳангда.

Чол халтасини стол остига қўйди. Стулга ўтириб, чўнтакларини бир чеккадан ковлай кетди. Ковлай-ковлай, турли қийматдаги анчагина пул йиғди. Санади. Сўнг пулларни бир қўлида ушлаб, бир қўли билан халтасини ковлади. Ундан икки дона қип-қизил помидор олди. Қийналиброқ ўрнидан туриб, лўкиллаганча ичкарига кириб кетди. Бир оздан сўнг бир қўлида ҳалиги помидорлар ювилган ҳолда солинган ликопча, бир қўлида эса битта обинон билан қайтиб келди. Уларни стол устига қўйиб, яна ортига қайтди. Чол жуда ҳафсала билан, эринмасдан ҳаракат қиларди. Ҳар бир ҳаракати «шошиб нима қилдим, бу ёғи омонат», деяётгандек эди. Яхшики, қариянинг омади чопиб, қозон бошида навбатда турганлар ниҳоялаб қолганди. Бир коса лағмону бир чойнак чой билан иккита пиёла олиб, ортига қайтди. Овқатини столга қўяётганди, ичидаги қошиқ ерга тушиб кетди. На овқат емай, на чой ичмай, чолни зимдан кузатиб ўтирган йигит қошиқнинг овозидан бир чўчиб тушди. Шошиб қошиқни ердан олиб, «ювиб келаман» дея, ирғиб ўрнидан тураётувди, чол қўли билан «бу ёққа беравер» дегандай ишора қилди. Йигит индамай қошиқни узатди-да, жойига ўтирди. Чол ҳам ўтираркан, қўлтиғидан ғижим дурра олиб, қошиқни артди-да, овқатига солди. Кейин ёнбошидан белбоғига осиб олган пичоғини чиқариб, помидорларни шошилмай, паррак-паррак қилиб тўғрай бошлади. У гўё фақатгина айни пайтда машғул бўлган нарсасини ўйлаётгандек кўринар, атрофдагиларга ва умуман ҳеч нарсага эътибор бермасди.

Йигит унинг ҳаракатларига завқ билан тикилиб ўтирарди. Бағрининг аллақаери сим-сим эзилар ва киприкларининг ости ачишаётгандек туюларди. Балки чолга меҳри товланармиди. Ҳозир, айниқса, чолнинг оппоқ кумушдай товланган соқолига ҳаваси келар, ўзи ҳам худди шундай соқол қўйишни ич-ичидан истарди...

Чол помидорни парраклаб бўлиб, икки-уч тўғрам нонни тиккасига – чиннининг четига суяб, овқатига солди. Энгашиб халтасидан эскироқ чорсига ўралган бир нарса чиқариб, тиззасига қўйди. Нигоҳи билан атрофга назар ташлади. Ҳамма ўзи билан ўзи овора, ҳеч кимнинг у билан иши йўқ. Ниҳоят кўзлари рўпарасидаги йигитда тўхтади. Йигит нигоҳини олиб қочди.

– Айб қилмайсиз-да, жияним, – дея чол чорсининг бир томонини очганди, вино шишасининг боши кўринди.

Йигит ҳалиги гап ўзига айтилганини сезиб, бир қимирлаб қўйди-да:

– Бемалол, бемалол, отахон! – деди шошиб ва нима қилишини билмай, ниҳоят хиёл тоби кўтарилган овқатини ичишга тушди.

Чол шишанинг қопқоғини очиб, иккита пиёлага қуйди. Яна йигитга қаради. Кўзлар тўқнашди. Уларнинг кўзлари бир-бирлариникига жуда ўхшарди – иккисининг ҳам қорачиқларида мислсиз ғам чўкиб ётгандек, уларга қараган киши ҳам ўзини ўша кўзларга кириб кетаётгандек ҳис қилади. Бу нигоҳларда яна қандайдир маънолар ҳам яширингандек.

Чол чап қўли билан шароб қуйилган битта пиёлани йигитнинг олдига сурди. Унинг учта бармоғи йўқ эди. Йигит сесканиб кетди. Беихтиёр пиёлани қўлига олди.

Чол:

– Қани!.. – деди-да, винони сизғилаб-сизғилаб ичди.

Ажабки, йигит ҳам худди қаршисида ўтирган чол каби пиёладагини тишлари орасидан сизиб-сизиб симирди.

Чолнинг кўзлари ёшланиб кетди. Бир тишлам нон билан бир паррак помидорни газак қилди-да, қўлидаги дурра билан тер қуйилган юз-кўзини артиб, овқат ейишга киришди. Аввал овқатга солиб қўйган нонларнинг бирини тишлади. Овқатда ивиган юмшоқ нонни еяётган бўлса ҳам, милклари билан чайнаётганидан соқоли тез-тез силкина бошлади.

Йигит ҳам ҳамроҳига тақлид қилиб, бир тишлам нон ва бир паррак помидорни газак қилди.

– Ичишни урушда ўрганганман, – деди чол оғзидагини ямларкан. – Қайтиб келсам, бувим ҳам ўтиб кетганакан. Отам пронтда ўлган. Шу-шу ичавердим!..

Йигитнинг наздида ҳамма ёқ жимиб қолгандай эди, ҳаттоки, атрофдаги одамларнинг овози ҳам эшитилмаётгандек, ҳамма ёқ жимжит. Фақат чолу у бор, холос.

Чол одамлардан тортиниб, сумкасига яширган шишани яна олиб, икки пиёлага лим-лим қилиб қуйди. Бу сафар иккиси ҳам индамай олишди. Йигит газак қилди-да, ўрнидан туриб, қаёққадир кетди. Бир оздан сўнг бир шиша вино олиб келиб, оғзини очди-да, столнинг остига қўйди.

– Шуни чакки қилдинг, – деди чол энди йигитни «сен»лашга ўтиб.

– Ҳа, энди... – деб қўйди йигит одатга кўра. Яна икки пиёлага тўлатиб қуйишди.

– Энди ёш бир жойга борди, у дунёниям ўйлаш керак – чол шошилмай, дона-дона қилиб, ўктам гапирарди. – Намозниям ўқиш керак... Мачитга-ку чиқаман... – У кўпларга ўхшаб ўзини оқламасди, шунчаки гапирарди, холос. – Аммо баъзан одамларни ёмон кўриб кетаман. Шунақа маҳаллари бугунгига ўхшаб шаҳарга тушаман-да, бир шишани урволаман. Кўнглим хийла юмшайди. Бу савилни қишлоқда ичгани бўлмайди – ўғил-қизлар бор. Ҳам десанг, намозхон биродарлар бор... Қани!..

Ичишди. Чол бирпас жим турди-да, яна гап бошлади:

– Азалдан шунақаман-да, болам... Мени ичимда меҳр билан қаҳр ҳамиша билла. Гоҳида қаҳр устун келиб, одамларни ёмон кўриб кетаман. Билмийман, нимага бунақаман?.. Шунда маши савилдан ичаман... Йў-ўқ, кўп эмас... Лекин барибир ҳурмат-иззат биззи қонимизда бор. У йўқолмайди, – чол шу гапдан кейин яна қандайдир фикр айтмоқчи эди, лекин жим қолди. Йигитга тикилди. «Сениям бир дардинг бор-ов!» – деди кўзлари.

Йигитнинг кўзлари ҳамиша ёшлангандай йилтираб кўринарди.

– Икки ой бурун бувим (онам)дан айрилдим! ... – Йигит ҳам жуда секин, аммо таъсирли овозда гапирарди. – Афғондалигимда давленаси чиқадиган бўп қоганакан. Ёлғиз ўғлидим-да... Ахийри ўша дард обкетди. Ҳали ёшийди!.. – йигитнинг нигоҳи қайларгадир тикилиб, жим қолди.

Яна ичишди.

– Икки ойдан бери тоат-ибодат қилиб, онамга бағишлаяпман. Лекин ҳеч ўзимга келолмаяпман. Аввал ҳам шунақайдим. Миямнинг ичида бир нарса наъра қилаётгандай, юрагимни биров мижғилаётгандай!.. Ҳаммани ёмон кўра бошлайман, ҳатто, бола-чақамни ҳам... Барига мен айбдорман!... Агар мен Афғонга бормаганимда, бувим ҳали узоқ яшарди!.. – йигитнинг бармоқлари мушт бўлиб тугилди.

Чол анчагача индамади. Сўнг дурраси билан юзидаги терни артиб:

– Нечага кирдинг? – дея сўради йигитдан.

– Ўттиз бирга, – йигитнинг нигоҳидан тўзғиб кетган хаёлларини йиғишга уринаётганини пайқаш мумкин эди.

– Сен тенги ўғлим бор, – дея гап бошлади чол. – Бир куни шомдан кейин дарвозанинг орқасидаги ғўнғир-ғўнғирни эшитиб қолдим. Уч-тўрт кишини ово-

зи келарди, бири ўғлимники. У ҳадеб «қўйворларинг, ўзим кираман, отам сўрида ўтиради», дейди. Чамамда, қаердадир роса ичишгану, маст бўлишган. Ўғлимни ошналари суяб-сургаб обкеган, шекилли-да... Индамай сўрига бориб ўтирволдим. Бир оздан кейин дарвоза очилиб, ўғлим кирди. Сираям довдирамади. Олдимдан ўтаётиб: «Ассаломалайкум, яхши ўтирибсизми, ота?» – деб ҳам қўйди... Ўшандай болларди олдида ичиб бўладими, болам!.. – Чол энди узр оҳангида деди: – Сени олдингда бўлса, ичдим. Икки ойлик ибодатингниям бузибман. Ҳаҳ, бу савил-а!..

– Ошналарим ҳар замонда ичиб тургин, бир оз енгил тортиб, овунасан, дейишади. Мен унамайман...

– Тўғри қиласан. Бу хумпарни оз-оз, пинҳон ичиш керак. Мабода ичиш керак бўлса-да, – деди чол гапининг насиҳат тусини олишидан чўчиб, чапаниларча тугатаркан.

Йигит қўлидаги пиёлага тикилганча, гўё ўзига гапираётгандай деди:

– Тунов куни қизиқ иш бўлди. – У бошини кўтариб, ёнбошига қаради, хиёл жилмайдиям шекилли. Кўзларида ёш айлангандай туюлди. – Балки... Нима бўлгандаям шу гапни сизга айтгим келди-да. Айниқса, ҳалиги гапларингиздан кейин.

– Айтавер, тортинма! – дея чол юз-кўзларидаги терни артди.

– Хотиним менга хат ёзибди, денг. Бувим ўлиб, анча чўкиб қолувдим, шунгами. «Бувингиз ўтгач, у кишини нақадар яхши кўрганингизни сездим, – дебди. – Энди ўша меҳрингизни менга беринг. Мен бир умр онангизни ўрнини босишга ҳаракат қиламан, дилимда неки эзгулик бўлса, сизга бағишлайман. Мен сизни яхши кўраман!» – деб ёзибди. Тағин қўшиб қўйибди: «Бу гапларни сизга юзма-юз туриб айтгим ҳам келувди, лекин... Лекин сизнинг кўзларингизга одам боласининг тик боқиши қийин. Мен

ҳам ботинолмадим...» Ўз хотининг хат ёзса, қизиқ бўларкан. Ўқидиму тўлиб кетдим.

Чол кўзидаги ёшними, терними дурраси билан сидирди.

– Хотиндан Худо берган экан сенга, болам. Эҳтиёт қигин!

Улар бир-бирларига тикилишганича, бир-бирларининг кўзларига чўка бошладилар... Ва ниҳоят, оқсоқол «Ҳмм...» деб қўйди-да, чўнтакларини ковлаштириб, носқовоғини топди. Бир кафт носни отиб, стулга бемалолроқ ястанди.

– Ишқилиб, мени гапларимдан хафа бўлмадингми, болам? – Унинг оғзида нос борлиги ҳечам сезилмасди.

– Унақа деманг. Сиз менга кўп нарсани англатдингиз...

Кейин йигит ё қуйидаги гапларни гапирди ёки ўйлади. Чол ҳам шу гапларни ё эшитди, ё хаёлидан ўтказди: «Биз одамлар бир-биримизни... ҳамма одамлар бир-биримизни аяшимиз керак экан. Ўшанда бизларга кўп нарса керак бўлмайди, шекилли. Сиз хижолат бўлманг, отахон, мен барибир маст бўлмайман!.. Мен ҳам ўғлингизга ўхшаб маст бўлолмайман, ота!..»

Шу пайт уларнинг қаршисида ёш бир милиционер пайдо бўлди. Ўзи улар шунақа ов қилишади – «шишаси» билан келганларни атайлаб тек қўйиб беришади. Ичадиганини ичиб, маст бўлишгач, ушлашиб, ҳушёрхонага йўллашади. Афтидан бу ҳам чол билан йигитни анчадан бери кузатиб тургану, энди ўз ишини бажармоққа киришганди.

– Бу ерда ичиш мумкин эмас. Қани, бу ёққа...

Чол ва йигит бараварига милиционерга ўгирилишди. Жуда хотиржам, ҳатто, озгина бўлсин нафратсиз қарашди.

Милиционер қарийб бир хил бўлган бу икки жуфт кўзга боқди-ю, тебраниб кетди. У ҳеч нарсани ўйлолмади ҳам. Қўлидаги резина таёғи ерга тушиб кетгач, ўзига келди-да, шошиб таёғини олиб, жўнаб қолди...

Бу нигоҳлар бир-бирларига дош бера оларди, холос...

1998 йил

УРУШНИНГ ДАВОМИ

Сезяпман, ўғлим мени ақлдан озмаяптимикин, деб ўйлаяпти. Лекин тилига чиқаришга қўрқади. Балки истиҳола қилар. Ҳатто онасига ҳам айтолмади, "Дадамга нима бўлди, ая?" дея олди, холос. Хотиним мени тушунади. Бувим (онам) раҳматлидан анча-мунча нарсани уққан. Шунинг учун ўғлига "Дадангминан ишинг бўлмасин, ўз ҳолига қўй! Ундан кўра, бор, қўйларга қара!" деди пича пўписа қўшиб. Аммо аҳволимдан хавотир олаётганини ҳис қилиб турибман. Ўғлим эса, "Ахир маҳалла-кўй, кўни-қўшни бор!" деб минғирлайди. "Отангни тинч қўй!" дейди хотиним ўзини қаёққадир уришга интилиб. Шууридан "Қанийди, қайнонам тирик бўлса!.." қабилидаги ўй ўтгани аниқ. Мен ингранаман: "Қанийди, бувижоним ёнимда бўлса!.."

Бу воқеа мана шу ўғлимиз – биринчи фарзандимиз туғилганда кечганди. Ўша куни ўзимни қаёққа қўйишни билмай қолдим. Хурсандлигимдан миямдаги, қалбимдаги ярим ўлик ҳужайралар уйғониб кетганди. Ҳайрон бўлманг, шунақа чиройли гапларим ҳам бор. Бувим туғуруқхонадан чақалоқни суюнчилаб келганда даҳлизда ербағир ётардим.

– Ўғил қуллуқ бўлсин, болам! – Бувимнинг овози олислардан эшитилди.

Ўрнимдан турдим. Ичимдан нимадир қалқиб, хўрлигим келди. Бувим шодликдан деб ўйлади. Қучоқлаб, юз-кўзимдан ўпди, бошимни силади. Мен эса энтикдим, хўрсиндим, бағрим кўпчиб, йиғлаб юбордим. Бувим бо-

шимни қўллари орасига олиб, юзимга тикилди. Ана шунда ҳеч кимга ўхшамаган "кўнгли нозик" ўғлининг кўйини тушунди шекилли. Тўшакка ўтириб, бошимни тиззасига қўйди. Яхшиям, онам бор...

Афғондан қайтганимда бир-икки йил урушнинг қутқусидан қутулолмаганман. Аввалига тинчликка кўниккандай, уруш бутунлай ёдимдан кўтарилди. Лекин бир куни... Уйимизда кимдир товуқ сўйди. Бир оёғида қанотларини, бошқасида оёқларини босиб олган. Дуойи фотиҳадан сўнг хўрознинг кекирдагига пичоқ тортди. Шиғиллаб қон отилди: жонивор жон талашганда устидаги одам тебраниб кетди. Узилган кекирдак қайта-қайта силтаниб, бориб-кела бошлади, ғалати овозлар чиқарди. Қон "билқ-билқ" этди.

Ҳолим ўзгарди. Олдин икки чаккам тортишиб, чирсиллади. Юрагимнинг ости буради. Қулоқларимда ўқлар чийиллади, тариллади, снарядлар, бомбалар гумбурлади... Бир пайт автоматимни ёнимга қўйиб, тиз чўкиб қолдим. Шеригимнинг кекирдагини ўқ ўйиб юборганди. "Билқ-билқ" қон сизади. Катта очилган кўзларида учаётган ўқлар аксланади. Беихтиёр жароҳатига кафтимни босдим. Нигоҳида ўлим даҳшати.

– Ўлмайсан, дўстим! – Йиғлардиму, бўғзини чангаллардим – қонни тўхтатмоқчи бўлардим. Ҳамма ёғим қонга беланди.

Унинг товонлари ерни ўйишга, қўл бармоқлари асабий тимдалашга тушди. Кўзларидан нур қочди. Ахийри бутун танаси таранг тортишди-да, бўғзидаги қўлимни чангаллади. Қорачиқларидан гўё олов отилди. "Шилқ" этди-да, жимиб қолди. Қон билқилламай қўйди.

– Дўстим!.. – дедиму ортимга қуладим. Қонли панжаларим билан ҳамма ёғимни тимдаладим.

Бу ўлим билан илк тўқнашувим эди...

Ерга думалаб, дод сола бошлабман. Бувим бағрига олди. Бегоналар бор эди шекилли, "айбим"ни яшириш

учун даҳлизга олиб кирди (буни кейинроқ фаҳмладим). Шу-шу, ҳар кеча дод солиб, уйғониб кетардим. Нима бўлганини ўзимга келгач англардим. Тушимга жонталаш шеригим кирарди. Энг даҳшатлиси, туш ниҳоясида улкан хўроз унинг бўғзида билқиллаётган қон қатраларини чўқиб, "ғилқ-ғилқ" ютаверарди. Мен эса кекирдагимнинг бориб-келишидан уйғонардим. Уйғонардиму, қоронғиликка тоқат қилолмай, дод солардим. Кейин ўзимни бувимнинг қучоғида кўрардим...

Уйлантиришди. Бувим ҳаммасини хотинимга айтиб берган:

– Қизим, ўғлимни эҳтиёт қилинг, кўнгли нозик, – деган кўз ёшини тиёлмай, – уруш кўрган-да! Гап қайтарманг. Кўзингизда ҳамиша шафқат бўлсин!..

Бу гаплар менинг хаёлимдан ўтганмиди ё онам айтганмиди, эслолмайман. Кейин-кейин бари қоришиб кетди.

Бошим бувимнинг тиззасида, тўлғанаман.

– Мен одам ўлдирмаганман, буви, ўлдирмаганман!

– Хўп, болам, хўп! Мен сенга ишонаман! Сен ахир чумолига ҳам озор бермайсан-ку!.. – дерди бувижоним илтижо оҳангида.

Отам раҳматли тирик бўлганида мени бир шапалоқ уриши ёки "ўқиши" (сўкиши) билан "мулла" қилиб қўярмиди. Аммо бувим бечоранинг аҳволини ҳис қилгач, раҳмим келарди.

– Чумолини гапирманг, буви, мен ахир одам ўлдирмаганман!..

Бу гап миямда айланаверарди-айланаверарди, токи қандайдир андармонлик топмагунча. Ўша андармонлик ёқарди менга... Акс ҳолда... Тушларим ваҳмга қоришиб борарди: бир тўп аскарлар асирни дарахтга боғлашди. Папиросга ўралган чарс(наша)ни қўлма-қўл тортишиб, қийқиришди, сўнг бирдан сергак тортгандай бандига тикилиб қолишди. Илҳоми жўш урган рассомдай қўлларига

пичоқларини олиб, турфа ҳаракатлар билан асирга яқинлашишди. Унинг кўзлари ҳов шеригимникидай кенгайиб боради – даҳшат қамалади нигоҳига. Титрашига парво қилмай, бир аскар чап қулоғини кесиб олиб, улоқтирди. У дод солди. Аскарлар жазавада қийқиришди. Одамхўрлар каби пичоқларини ўйнатишиб, асирнинг атрофини айланишди. Бўйни узра қон оқаётган шўрликнинг кўзларида қўрқувдан ўзга маъни йўқ. Биров ўнг қулоғини, бошқаси бурнини, кимдир бармоғини, юзини кесади-да, тилла топгандай ҳайқиради. Аскарларнинг "раҳмдилроғи" ҳам чиқиб қолди: мурвати суғуриб олинган гранатани бандининг кийими ичига ташлади. Барча ўзини панага олди. Гумбурлаш ортидан асирнинг танаси тилка-пора бўлиб, дарахтнинг ярми кулаб тушди...

Биров бувимга "оз-моз арақ ичиб турсин, яхши ухлайди, ҳаммасини унутади", дебди. Бу гапдан мен бехабарман. Бир кеч бувим овқатдан аввал олдимга арақ қўйди.

– Яхши ухлайсан, болам, озгина ичвол, – деди.

Ҳайратда қотиб қолдим.

– Бу нима қилганийиз, буви! – Ўзимни қўлга олишим кераклигини билиб турсам-да, сир бой бергим келмасди. – Энди сиз минан ўтириб, арақ ичишим қолувди!..

Бувим ўзгарганимни, аҳволимдан хижолат бўла бошлаганимни ҳам сезмай, нуқул ичишга ундайди:

– Озгина ичгин, болам! О-о-згина!..

– Террорист қиворинг-ей, буви. Террористларни машнақа қиб тарбиялашаркан.

– Трорисинг ким, болам? (У пайтларда ҳали бу сўз ҳозиргидек оммалашмаганди, биз каби сўзлонғич (сўз билгич)лар тушунарди, холос.)

Шу-шу ўзимни англадим – "террорист" тушларимдан қутулдим. Баъзан чўчиб уйғонардиму бувим кўз олдимга келарди-да, ўзимга ўзим далда бера бошлардим. Ёки хотинимнинг ҳеч нима бўлмагандек пишиллаб ухлашини, бе-

шикни чангаллаган қўлини кўрардиму оҳиста ёнбошлардим.

– Мен одам ўлдирмаганман ахир!..

Бувимнинг қазо қилганини тонгда билдим – хотиним айтди. Шунгача мени безовта қилмабди бечора.

Кунларимга ўлим қайтди...

Тўртта қўйимиз бор – эрмак-да. Ҳаммамиз қарайміз. Асли қўй боқиш фикри мендан чиққан. Қўй – ювош жонзот, менга шуниси ёқади. Емишдан бошқа даъвоси йўқ.

Бир куни қўра олдидан ўтаётсам, жониворларнинг тўртови бошларини бир жойга қилиб, ҳарсиллаб турибди – бутун танаси силтанади. Кўйим эврилди. Уларга қўшилгим келди – ювошлигини қаранг. Қўрага кириб, бошимни бошларига тирадим. Қилт этишмади. Кўп ўтмай, димлик зиёдалашди. Тер босиб, пишиллай бошладим.

– Мен одам ўлдирмаганман! – дея ҳайқиргим келарди бўғриқиб.

Аҳволимни кўрган ўғлимнинг кўзларига кўзим тушди: "Отам ақлдан озяптими, нима бало?!" дерди у. Лекин тилига чиқаришга ботинолмади. Онасига яқинлашганидан билдимки, гумонини тўкиб солди.

Яна туш кўрдим: ўз танкимдаман. Танкимнинг тумшуғида "миннийтраль" (мабодо мина бўлса, портлашни қўзғайдиган мослама – ҳарбий карвоннинг олдида юрувчи танкка ўрнатилади). Рўпарада душман ўқ ёғдира бошлади. Карвон тўхтади. Командирлар безовта, аскарлар "танаффус" бўлганидан "яйраб", тамаки тутатишади, ултбул еган, қилган бўлишади, аммо алпозларида сергаклик қойим. Командирлардан бири менга сўлга бурилишни, гўристон оша ўтиб, баланд пахса деворни бузишни – йўл очишни буюрди. Бажаришдан бош тортдим. Униси у деди, буниси бу, лекин айтганларидан қолишмади. Дўм-

пайган гўрлар узра арабий ёзувли яшил байроқлар ҳилпирайди (эҳтимол жангда қурбон бўлганларга байроқ тикишармиди). Мабодо отиб ташлашса ҳам, буйруқни бажармасдим. Аммо "нозик жойим"ни топишди – мени бирваракай қўрқоққа чиқаришди. Чидолмадим. Танкимга ўтирдим-да, сўлга бурдим: тошлар ғачир-ғучир қилади, яшил байроқлар дарахтлар янглиғ қулайди. Бир пайт қаршимдаги қабрлардан одамлар ўсиб чиқа бошладилар-да, тошлар, гўру байроқлар каби танким остида қолдилар. "Мен одам ўлдирмаганман!" дея қичқираман. Рўпарамда оппоқ шарпа пайдо бўлди. Қаттиқ тикилдим. Оқ ҳарир либосга бурканган бувим қўлларини силтарди: "Ўғлим одам ўлдирмаган!" Чўчиб кетдим. Уйқу аралаш "мен одам ўлдирмаганман", дея ғўлдирардим.

Тағин озорли тушларим бошланди.

Жума намозига боргим келди. Шуям кўнглимга сиғмай қолганди. Кимдир кўзларимга боқиб, онажоним каби меҳр билан "сен одам ўлдирмагансан!" деса, ҳаммаси осон кечарди. Аммо энди ҳеч ким ҳеч қачон бу гапни онамдай ишонтириб айтолмайди, айтмайди ҳам. Мен ўлимдан ҳам, кимларгадир ёмон кўриниб қолишдан ҳам қўрқмайман... Намоз адоғида имомга рўбарў бўлдим. Оғиз жуфтлашим ҳамоно унинг хешлари сергак тортдилар.

– Қори ака, – дедим фақат бурнию қулоқлари кўринаётган одамларнинг нотўғри тушунишларидан чўчиб, ютина-ютина, – урушда қатнашганларнинг ажри не бўлур?

Имом кўзларини олиб қочди. Бошқалар бир "доно масала" билан мени мот қилишини кутиб, "дўконга фалон мол келдимикин?" дея сўргувчилар янглиғ қулоқлари динг қимирлаб олдилар.

– Сиз бу саволнинг жавобини яхши биласиз, биламан, – деди имом мавиза қилаётгандай қироат ила. – Илло урушни очган ҳукмдорлардир. – У барча нигоҳларга бир

кур назар ташлади. – Улар бирламчи айбдордирлар ва жазога мустаҳиқдирлар. Сиз эса асло гуноҳкор эмассиз, ўшалар маҳшарда қойим турурлар!

Имом тўғри айтди. Лекин унинг самимийлиги қирғоқдаги майсаларнинг илдизлари тупроғини юлқиб олаётган анҳорнинг "Сиз ҳали узоқ яшайсиз", дейишидек бир гап. Асли менга сип-силлиқ юзидаги борки аъзолари жой-жойида бўлган "фотонусхалар" ёқмайди. Тупроқ нуқсли чеҳраларга эшман. Имомнинг гапларига ишонгим келса-да, ишонмадим, ишонолмадим...

Ўғлим қўра олдига келди. Онам эшитмасин, дегандир-да. Кўзларимга боқди-ю, ўқувчисига таълим бераётган ўқитувчидай деди:

– Дада, биз сизни яхши кўрамиз. Нима десангиз, бажараман. Фақат бунақа юрманг, жон дада!.. Одам уяларкан!..

– Мен одам ўлдирганим йўқ-ку, уялсанг! – дедим илтижоли тикилиб.

У бардош беролмади...

Қўра томон борадиган йўлак бетонланган – текис. Хотиним икки ёнига кеч кузгача очилиб турадиган гуллар экиб ташлаган. Шу ерда – офтобшувоқда ўтириб қолдим. Илиқлик хуш ёқди. Турфа мевалар, наридаги бўйчан дарахтлар беозор тебранади, япроқлари шивирлайди. Оромда кўзларимни юмдим. Чап қўлимда нимадир ўрмалади: нуқталаб-нуқталаб ҳузур берди. Киприкларим орасидан оҳиста боқдим: қумурсқа. Янада эриб, ястандим. Қанийди, шу беозорлик бир умр давом этса: "кел, бўғзимга кел, дўстим!" дея ҳайқирмоқ истадим. Бироқ ҳайқиролмадим. Оппоқ капалак бошим узра қанот қоқа бошлади. Қанотлари эпкинини киприкларим, қорачиқларим ҳис этди. Китоб варақларини очиб-ёпгандагидай парвози бағримни сийпалади. "Мен одам ўлдирмаганман, капалак!" дедим. У уча-уча бурнимнинг қоқ "чўққиси"га қўнди. Қаёқдандир иккита мусича пай-

до бўлди: куваётганининг патлари ҳурпайган, тинмай "қув-қув"лайди. "Қочқоғи" майда қадамлар ила мен томон келаверди. Қимир этмасдим. Тирикликдан шод эдим. Бири сакради-да, қорнимга чиқди. Киндигим атрофида тўхтади. "Қувлоғи" ҳам тиззаларим оша у томон талпинди.

– Мен одам ўлдирмаганман, қумурсқа! – дея ўртандим...

Сўнг бутун танамда қандайдир жонзотлар ўрмалай бошлади.

– Мен одам ўлдирмаганман! – деб қичқиргим келарди, лекин қичқиролмасдим. Ўрмалашлар хуш ёққан танам эрийверарди, эрийверарди...

2015 йил

АЙРИЛИҚ

Тўртинчи куни одам анча сепсилди. У эртасига эртамандаёқ опаси билан синглисини ўз уйига ҳайдади – «Бориб, бола-чақаларингнинг иссиқ-совуғини қилларинг», деди. Бўлмасам, опаси билан синглиси, онасининг қирқини ўтказиб, кейин кетамиз , деб туришувди-я. Таомилиям шунақа шекилли-да – марҳумнинг қизлари қирқ кун аза тутиб, ота уйида ўтиришлари керакмиш. Шуям одат бўлди-ю! У бечораларнинг эрлари, бола-чақалари ёки боринг ана, мол-ҳоллари қирқ кун нима қилишаркин?.. Лекин Камолиддиннинг опаси билан синглиси кўпам тихирлик қилишмади – онаси айтмоқчи, урушдан инжиқ бўлиб қайтган яккаю ёлғиз жигарларининг кўнглига қарашди. Нима қилсаям, шу уйнинг эркаги бўлиб қолган, яна тағин, бу Камолиддин дегани бир гапни икки марта гапиришни ёқтирмайди...

Шундай қилиб, опаси билан синглиси уйларига кетдилар. Камолиддин то тушгача кўчага чиқиб, уйга кириб юрди. Кечроқ эшитганлар бўлса, фотиҳага келиб, дарвозанинг тагида мунтазир қолишмасин, деди. Аммо бир-икки қўни-қўшнининг шунчаки кўнгил учун чиқиб қўйганини ҳисобга олмаганда, биров келмади. Тушлик маҳали бир нави тамадди қилган бўлди-ю, қайтиб дарвозага чиқмади. Уйга кириб, бағрини болишга бериб ётиб олди. У ҳайрон эди – ахир онаси ўлди-я, лекин ҳали-ҳануз кўзидан бир томчи ёш чиқмаса-я! Бағрида бир нарса ҳамон тошдек қадалиб турибди ва ҳатто аввалига, яъни

жаноза куни йиғлашни истади ҳам, опаси ва синглисининг «иснодларга ўлдирмагин», деган гапидан кейин, рости, ўзиям уялиб кетди, жуда-жуда йиғлагиси келди. Ҳарчанд уринмасин, йиғлолмади. Қани энди, бу қақраган кўзларига бир томчи ёш келса! Худди ўчакишгандек улар ҳам «оёқ тираб» туриб олишди, киприклари қовжираганча қолаверди. Одамларнинг ғўнғир-ғўнғир ғийбатларинидам эшитмаганга солди ўзини. Онажонисини ҳатто қабрга ҳам бир томчи кўз ёш тўкмай ташлаб келди. Наҳотки онаси, ёлғизгина ўғлини иссиғу совуққа ва ҳатто икки дунёга ҳам ишонмагувчи онаси бир томчи кўз ёшига арзимаса! Ахир у шу онасини деб Афғонда ўлмай қолмаганмиди. Қизиқ гап, одам бировни, яъни бандасини деб ҳам ўлмай қоларканми? Қазою қадар Яратганнинг измида эмасми! Йўқ, у айнан онасини деб неча бор ўлмай қолганига, ўлимга ҳам чап берганига ишонади. Ахир ўшанда...

Ўшанда уларнинг ротаси ҳам навбатдаги рейд-жангга чиқди. Қир ёнбағрида ёлғиз бораётган «БТР» туйқусдан отилган гранамёт ўқидан таққа тўхтади-қолди. Буни пайқаган душман ўраб кела бошлади. Ўрис зобит билан Камолиддин «БТР»нинг пулемётидан то ўқлари тугагунча отишди. Қолган икки аскар эса қўрқиб кетишдими... қочмоққа шайланиб, «БТР» туйнугидан бошларини чиқариб-чиқармаёқ ўққа учишди.

Ана, душманлар қарийб «БТР»га етиб келишди, ҳозир унинг устига чиқади-да, зобит билан уни асирга оладилар. Кейин эса адоғсиз ва мислсиз азоблар... Яхшиси, ҳозир ўлиб қўя қолгани осонроқ бўлади, барибир минг азоб билан ҳам ўлади-ку. Аслида бу гаплар Камолиддиннинг хаёлидан ўтганди. Лекин гранатани ёнбошдаги қутидан зобит олди. Олдию ҳалқасини суғуриб ташлади. Икки қўллаб маҳкам қисди-да, кўзлари отилиб кетгудек бўлиб, Камолиддинга қаради.

– Бир лаҳза холос, Камол! Кўзларингни юмиб, бир лаҳза чидасанг бас, ҳаммаси ўтиб кетади! – деди у овози хириллаб.

Камолиддиннинг бутун вужудини титроқ босди. Беихтиёр қўлларини кўтариб, зобитнинг граната тутган қўлларини қисди. Ҳатто овози ҳам қалтираб, кўзларига ёш тўлди.

– Йўқ, ўртоқ катта лейтенант!.. – шундай деди-ю, унинг кўз олдига дарвоза тагида йўлга маъюс тикилиб турган онаси келди. Йўқ, унинг ўлишга ҳаққи йўқ! Унинг ўлимини онаси кўтаролмайди. Агар у ўлса, онаси қийналиб-қийналиб ўлади. Шундай экан, у яшаши керак! Яшаши!..

– Йў-ўқ!.. – деди у ҳайқириб, зобитнинг қўлларини қаттиқроқ сиқаркан. – Йўқ, ўртоқ катта лейтенант, биз ўлмаймиз! Қўйиб юборманг!.. Онам буни кўтаролмайди!.. – У айни пайтда ўлимдан қўрқмасди. Унинг ўлганини эшитиб, сочларини юлиб йиғлаётган онасини кўз олдига келтирганидан жазавага тушмоқда эди.

Ростдан ҳам улар ўлмай қолишди – қир устида пайдо бўлган яна бир «БТР» душманни тутдай тўкди…

Ўшанда жон талвасасида ҳам онасини ўйлаб, йиғлаганди. Энди эса онаси оламдан ўтди, энди у йўқ, ҳеч қачон қайтмайди. Аммо унинг кўзларида милт этган ёш кўринмайди. Наҳотки шунчалар дийдаси қотиб кетган бўлса?! Наҳотки уруш уни шу аҳволга солдийкин?! Йўқ! Ахир оддийгина кинолардан таъсирланиб, кўзлари ёшланиб кетарди-ю, наҳот энди онасидан айрилиб ҳам йиғлолмаса?!

Онаси уни жуда-жуда эҳтиёт қиларди, авайларди. Бир куни даҳлиздаги деразанинг тагида ётаркан, уни ухлаяпти деб ўйлаб, келинига насиҳат қилаётган онасининг гапларини эшитиб қолди:

– Айланай, қизим, – деди онаси ялингандай, – шу болагинамни эҳтиёт қилинг, хўпми! Нима деса, хўп денг, жон қизим! Жаҳлини чиқарманг, болам! Кейин нима десангиз,

мана, мен қиб бераман. Пақат шу болам касал-пасал бўп қомасин, айланай!

– Вой, буви-ей, мен доим ўғлингиззи айтганини қиламан. Ҳечам гапини қайтармайман. Менам болангиззи феълини биламан, бувижон!

– Ашна қилинг, жон қизим! Шу боламми касал қимасангиз бўлди! Биласизу, салга боши оғриб, юраги сиқиб қолади!..

Ўшанда ҳам онасининг гапларини эшитиб, кўзларидан ёш отилиб кетганди…

Камолиддиннинг юраги сиқилди. Бағридан нимадир бўғзига судралаётгандек туюлди. Ағдарилиб, икки қўлини бошининг остига қўйиб, шифтга қараб ётди. Бунча ҳувилламаса-я бу уй! Ростданам хонани қулоқларини ёриб юборгудай сукунат, ҳувиллаш эгаллаб олганди. Йўқ, ана, ҳовлининг қаеридадир хотинининг шарпаси эшитилди. Иккала ўғли уришиб қолди шекилли, биттаси ғингшиди. Хотини уларга астагина танбеҳ берди… Камолиддин оғир бир ютинди-да, бағридан сирғалиб, бўғзига келиб қолган нарсани қайтариб юборди. Ташқарига чиқсаммикин, ўйлади кейин, балки бир оз ёзиларман. Кучаниб ўрнидан тураётувди, юраги қаттиқ бир қисди. Оғриқдан афти бужмайиб, бирпас жим туриб қолди. Тебраниб остонага чиқди. Дарвозахона томондан хотинининг овози қулоғига чалинди. У эрининг оромини бузмасликлари учун ўғилларини енгил пўписа билан кўчага ҳайдарди. Онасиям шунақайди, айниқса, опаси билан синглиси болаларини олиб келишса, ҳамиша тергаб турарди:

– Ҳўй, секинроқ гапир, Камолиддинни боши оғриб қолади!

– Борларинг, тўполон қилмай, тоғаларинг уйғониб кетади-ей!

Бундан опа-сингиллари зўраки аразлашиб қолишарди:

– Вой-ей, нима, Камолиддин болангизу, биз болангизмасмизми, бувижон?

Кампир бир оз юмшарди:

– Нега унақа дейсанлар! Ҳамманг боламсан, жигаримдан бўгансан! Пақат Камолдин урушда сал инжиқроқ бўп қоган-да, қизларим!

Камолиддин кўксининг чап қисмини уқалаб, остонадан тушди. У ёқ-бу ёққа аланглади. Ҳалигина уй ичини эгаллаб олган ҳувиллаш энди ҳовлига ҳам тошиб чиқаётгандек туюлди. Нигоҳи уй саҳни бўйлаб интизор тентиради, гўё кимнидир ахтарди, лекин тополмади. Олам бўм-бўш эди гўё. Ҳувиллаш яна қулоқларини эговлай бошлади. Оғир ютинди. Киприкларининг ости ачишиб, кўзларини бир-икки юмиб-очди. Нигоҳи тентирай-тентирай, саҳннинг бир четидаги сўрида тўхтади. Ҳар куни бу маҳалда онаси сўрида ўтириб, ё ошга сабзи-пиёз тўғрарди, ёки отасидан қолган кўзойнакни тақиб олиб, мункайганича гуручнинг тошини тераётган бўларди. Камолиддин сўрининг олдига борди, онаси ўтирадиган кирчимол қора тўшакка тикилди. Ҳалигинаям янги тўшаклар солиғлиқ турганди, чамаси, хотини йиғиштириб, яна эскиларини тўшаб қўйибди шекилли.

Камолиддин ҳар куни ишдан бўшади дегунча уйга ошиқарди. Баъзи тенгқурларига ўхшаб, кўча-кўйда улфатчилик қилиб юрмасди. Негадир уйга ошиқаверарди. Уйга келиб, сўрида ўтирган онасини кўрарди-ю, бирдан юраги хотиржам тортарди. Буни ўзи аниқ ҳис қилса-да, лекин тушунолмасди. Вужудини ғалати бир ҳаловат қамраб, онасининг ёнига ётиб олгиси келарди. Кўпинча бошини онасининг тиззасига ёки ёнбошига қўйиб ётволарди-да, осмонга термиларди. Онаси эса ёш туриб, сочининг ярмидан кўпи оқариб кетган ўғлининг пешонасини силаб, Камолиддин бошқа ҳеч кимникига ўхшатолмайдиган меҳрли овоз билан сўроққа тутиб қоларди.

– Ишга яхши бориб келдингми, болам?

– Ҳмм…

– Бошинг оғримадими?

– Йў-ўқ…

– Юрагинг сиқилмадими?

– Йў-ўқ…

– Абитта (тушликда) овқат едингми?

– Ҳмм…

– Сочларинг бирам чиройли оқарибдики!..

Камолиддин қора тўшакка чўзилиб, шомнинг ним қоронғилиги аро кўкиш осмонга тикилди.

Онаси эса ҳамон унинг сочларини силарди.

– Бугун бир боплаб ош қиберай, а, болам!

У оғир ютинди, кўзлари ачишиб, гўё битиб қолай деган бурнини қийналиб-қийналиб тортди.

Майин қўл эса пешонасини силайверди.

– Бошингиз оғрияптими?

– Ҳмм…

– Юрагингиз-чи? Юрагингиз оғрияптими?

– Оғрияпти!.. Жуда ёмон оғрияпти! – Унинг юзи тиришди.

– Нима овқат қиберай! – дея сўради ҳалиги овоз.

У осмон қадар кенгайиб кетган нигоҳини йиғиб, хиёл қайрилди: боши устида кўзлари ёшли хотини маъюс термилиб, унинг пешонасини силарди. У ичидан отилиб келаётган нарсани тўсиб қолмоқчи бўлдими, тишларини қаттиқ қимтиганди, ияк ва чакка суяклари бўртиб кетди.

– Сочларингиз бирам чиройли оқарибдики!.. – деди ҳалиги овоз йиғи аралаш.

Ҳатто тишлар ҳам бўғиздан отилган нарсани тўсиб қолишга ожизлик қилдилар:

– Бувв!.. – дея чийиллади у кўзларини қаттиқ юмаркан ва киприклари остидан ёш тирқираб кетди. – Бувижо-он!..

Хотини эса ҳамон унинг сочларини силарди…

2000 йил

РОМАН-МОНОЛОГ

ҚУРБ

(ИБЛИСНИНГ ҲИКОЯСИ ЁХУД ВАСВАСА СИРЛАРИ)

«Эй, мўминлар, шайтоннинг изидан эргашманглар! Ким шайтоннинг изидан эргашса, бас, албатта (шайтон) бузуқлик ва ёмонликка буюрур».

(Қуръони карим, «Нур» сураси, 21-оят).

Шайтон банданинг устига бало-офат зулматларини солиб қўйиб мазах қилади.

Абуҳомид Ғаззолий.

Қурб – Оллоҳга яқинлик мақомига эришиш, каромат – Ҳақнинг икромига ноил бўлишдир.

Хожа Юсуф Ҳамадоний.

Шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ сўраб,
меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан

МУҚАДДИМА ЁХУД ЭНГ АВВАЛГИ ГАП

Мен Шайтонман. Гоҳо Иблис деб ҳам атайдилар. Баъзан эса Лаъин... Эҳ-ҳе, менга не-не номларни қўймадилар. Нима бўлганда ҳам мен ўша Шайтонман. Бу олами уҳрода мени билмаган биронта одам боласи топилмаса керак. Ўзимга қасамки, жумла-башар мени жуда яхши билади. Аммо танийди деб айтолмайман, чунки Иблисни Оллоҳдан бошқа ҳеч ким танимайди. (Муҳаммад (саллаллоҳи алайҳи васаллам) бундан мустасно.) Агар, таниганида эди, одамизод ўзи тинмай лоф ургувчи менинг бемисл макримдан осонликча огоҳ ва халос бўлур эди. Ҳали мен биронтасига яқинлашиб улгурмай, «ана шайтон», дея қўлларини бигиз қилиб кўрсатиб, ҳеч шубҳасиз, зумда тошбўрон (уларнинг бундан ўзгасига ақллари етмайди) этардилар. Лекин шунда ҳам одам боласининг (биз ҳали Одам (Ато) ҳақида роса гаплашамиз) ўзига қийин бўлиши аниқ. Негаки, улар мени маҳв қилмоққа имконли бўлсалар-у, ўзларининг буюк ҳамда азим орзуларини (аслида ростдан ҳам уларнинг орзулари шундаймикин?) рўёбга чиқариб, мени ўлдирсалар (шуниси кулгили-да), яна тағин ўзлари чорасизлик исканжасида қолурлар. Яъни агарда мен – Шайтон ер юзидан мангуга қувилсам (ўлсам-да), жамики қилмишлари учун айбдорни четдан ахтариб ўрганган одамзод ўз гуноҳларини кимга тўнкайди-ю, кимни сўкиб, лаънатлаб, таскин топади? Шундай экан, ҳар қанча лаънатламасинлар, улар учун борлигим яхши, чунки мен одамларга керакман. Фақат улар буни тан олмайдилар, холос.

Ҳа, мени ҳам Оллоҳ яратган. Бироқ, ўзича қонунлар тузиб, ҳукмлар чиқариб, аллақандай номлар кашф этиб ўрганган башар фарзандлари уни Раҳмон, мени эса Шайтон атаб, (Азали одамзод шундайин жимжимадору жарангдор атамаларга, номларга ўч) унга аксил қўядилар, яъни мени Унга тенглайдилар. Ё тавба! (Аслида бу сўз менга бегона.) Ахир мени Унинг ўзи оловдан яратган-ку, қандай қилиб унга тенг бўлай? Йўқ, мен одамзодга аксилман, то Қиёмат қадар уни йўлдан уришга, умрини залолатга тўлдиришга аҳд қилганман. Менинг ашаддий ва мангу ғанимим одамзоддир. Чунки шу кўйга тушишим у туфайлидир, унинг касрига то Маҳшар кунигача лаънатга гирифтор этилдим. Мен нур – оловдан яралган, фаришта қавмидан бўлмиш абадий сарсон-саргардонликка, хор-зорликка маҳкумман. Қарангки, Оллоҳ мени оби-гилдан (сув ва тупроқдан) яралган одам аталмиш тубан махлуққа сажда қилмоқликка амр этди. Бу не кўргилик, не хўрлик ахир?! Ахир мен ҳам буюк-буюк сийловларга муносиб эдим-ку. Жаннатда – Буюк Яратувчининг ҳузурида ошиён топган мен – беҳишт аҳлидан бўлмиш, энди Одамга сажда қилмоғим лозим экан-а? Йўқ, дедим-у, бош тортдим ва мангуга жаннатдан қувилиб, лаънатландим. Ҳа-ҳа, лаънатландим. Юзим қаро бўлди. Шундан буён менинг бирдан-бир душманим Одам ва унинг болаларидир. Шу-шу қасос ўтида ёнаман, одамзоднинг тану жонида, хонумонида, қонида кезаман. Кезарканман, уни минг бир кўйларга соламан. У эса ҳамиша мендан ғофил – ташрифимни ҳам, таркимни ҳам сезмайди. Устига-устак, ўзининг ожиз шуури ила мени икки шохли, узун думли, қоп-қора эчкисимон сувратда тасаввур этадики, бу билан ўзини ҳам масхаралаётганлигини билмайди. Ахир мен оловдан яралганман-ку! Шундай экан, истаган манзилда истаган қиёфаю шаклга кира оламан. Буни одамзод тушунармиди. У ҳамиша эрмакталаб бўлиб келган, эчкисимон Шайтон ҳам унинг учун бир

эрмак, холос. Ҳа-ҳа, айниқса, одам болалари учун. Шу тақлид у ўзи сезмай зурриёти кўнглида менга нисбатан меҳр ва завқ бунёд этаверади. Бу қандай соз, қандай ёқимли! Бундайин натижа ёхуд сийлов учун така бўлсанг ҳам арзийди...

Одамзод кўп нарсаларни чакки ўйлайди. Мисол учун, гоҳо у мени киши кўнглига дахл қилолмайди, дея хаёл қилади. Ўв-в, нақадар калтафаҳмсан, одамзод! Агар заррача ақлинг бўлганида, шууринггa, кўнглингга дахл қилмай, ғулғула солмай туриб, йўлдан оздириш мумкин эмаслигини тушуниб етардинг. Зеро, сендаги нафс аталмиш юҳо бор экан, қалбингни мислсиз ҳирсга, шақоватга тўлдириб, хонумонингга ўт қўяман ва томирларингда оққан қонингнинг ҳар томчисида яшайман, яшайвераман. Токи кўзларингнинг тубсиз қорачиқларида, юрагинг ўйноғи – ҳарсиллашинг туфайли оғзингдан чиқаётган оташли тафтда ҳам мен борман. Мен!.. Мен!.. Мен!..

Ай, одамизод-а! Ахир мен ҳатто Оллоҳ сайлаган ва сийлаган пайғамбарларнинг кўнглига ҳам нафс ғулусини сола олганман-ку, сен – оддийгина уммат, хом сут эмган банда ким бўлибсан!.. Менинг сен билмаган сирларим, макру ҳийлаларим қанча. Янаки ер юзида яшаётган етти миллиард башар фарзандларининг қанчаси менинг қавмимдан эканлигини ҳам билмайсан. Ҳа-ҳа, айнан менинг қавмимдан. Аслида етти миллиард ҳисоби не бўпти, арзимаган (Оллоҳни-ку қўй, менинг имконим қошида ҳам) бир саноқ-да. Бунинг устига, ана ўша арзимаган миқдордаги одамзод наслининг катта бир қисми менинг қавмим бўлса. Яъни Шайтонга айланиб кетган одамлар. О-о, нақадар жарангдор – Шайтонга айланиб кетган одамлар. Улар ҳам оддий одамлар каби яшайдилар, еб-ичадилар ва ҳатто ибодат қиладилар, аммо... Бу кун мен ўша етти миллиард одам ичра яшаётган беш-ўн инсон ҳақида ҳикоя қилмоқчиман. Эй, одам боласи, қани ўзингга менинг кўзим

билан бир боқиб кўр-чи! Балки ўшанда қай бири шайтон уруғидан эканлигини ўзинг англаб оларсан. Бироқ ҳикоя этгувчи мен – Шайтон, шуни унутмаслигингни эслатиб қўймоқчиман. (Чунки сен жуда тез унутгувчисан). Ҳа-ҳа, ҳей одамизод, тингла, Шайтон сўзламоқда!..

Дарвоқе, муҳтарам зот (аслида мен учун одам наслининг муҳтарами йўқ), сиз билан, мана, теракзор четида учрашиб турибмиз. Сиз қачондир кесиб, пўсти арчилиб, қуритиш учун қолдирилган терак ходаси устига ўтириб олдингиз. Чамаси, мени жон қулоғингиз билан тинглашга тайёр эдингиз. Майли, тинглай қолинг, қаршилигим йўқ. Фақат, рухсат берсангиз, мен ҳам ўтириб олсам. (Қизиғ-а, Шайтон ходада ўтирса?). Ие, чекманг-да, оғайни! Тамаки тутунини ўлгудай ёмон кўраман, шуни биласизми? Эй-й, қаёқданам билардингиз... Ҳай, майли, тингланг бўлмаса.

Хуллас, арғамчини қўлига олди... Йўқ-йўқ, ундай эмас. Унинг хонаси учинчи қаватда эди, деб бошлай қолай.

Демак, унинг хонаси...

ДЕРАЗАДАГИ ОДАМ

Унинг хонаси учинчи қаватда. Дарвоқе, у ким? У ҳам одам – ёзувчими, шоирми дейдилар.

Хуллас, унинг учинчи қаватда жойлашган хонасининг деразаси шаҳарнинг энг серқатнов, гавжум шоҳкўчасига қараганди. У дераза олдида туриб, атрофни томоша қилишни, хаёл суришни хуш кўради. У ёқдан бу ёққа визиллаб ўтаётган сон-саноқсиз машиналар, пиёдалар йўлагидаги турфа одамлар, рўпарадаги биноларнинг деворларию деразалари, йўлнинг икки бетидаги шаклга солинган дарахтлар, остидаги хилма-хил ўт-ўланлар, гуллар, улкан чироқлар ўрнатилган симёғочлар ва шаҳар кўчаларида учрайдиган бошқа кўплаб нарсаларнинг бари унга аниқ-тиниқ кўриниб туради. Ҳатто симёғочларнинг симлари-ю, биноларнинг пештоқидаги ёзув ва суратларгача яққол кўзга ташланади. Бу нарсаларни жуда кўп бор қайта-қайта кўрганлиги ва эҳтимол кузатганлиги боис ёзувларнинг маъноси ҳамда чизилган суратларгача унга ёд бўлиб кетганди. Шунинг учун дераза ойнасидан ташқарига термиларкан, нигоҳи кўниккан бояги нарсаларга унчалар ҳам қарайвермайди ва ҳатто улар жонига тегиб кетганидан тезда зерикади. У энди у ёқдан бу ёққа тинимсиз ўтаётган, ҳамиша ўзгариб тургувчи турли-туман одамларни кузатишни, кузатганда ҳам, кўпинча, беихтиёр кузатишни яхши кўриб қолган. Шундай пайтларда гоҳо Оллоҳни эслайди ва у ҳам тепадан ҳаммани кўриб туради-да, дея хаёл қилади. Осмон – Оллоҳнинг деразаси, деган фикр урилади сўнг миясига.

(Шоир-да, шоир – фалсафа сўқишга уста.) Шу фикрдан кейинроқ истиғфор айтади, беихтиёр гуноҳга ботганидан кўнглида тавба қилади. Одам боласи шу-да – гуноҳларга ботаверади ва ҳатто Оллоҳга шак келтиришдан ҳам тоймайди, гоҳо эса (баъзиларигина) бунинг ортидан тавбага берилади. Эҳ, одам боласи-я, одам боласи-я!.. Ўзинг сезиб-сезмасдан гуноҳлар қилганингда ва ёки гуноҳ деганларига чиппа ёпишиб, унга дил боғлаганингда мен учун нақадар суюмли бўлишингни билмайсан-да. Билганингда эди, менинг меҳру сийловимдан бу дунёнинг аршларига кўтарилардинг. Афсус!.. Аммо гуноҳингни сезиб, дарҳол истиғфор айтсанг ва мени лаънатлаган Оллоҳга юзлансанг, бирам ёмон кўриб кетаманки... Лекин сени Оллоҳдан юз ўгиртириш мен учун чўт эмас, ҳа-ҳа, чўт эмас...

Ана, пиёдалар йўлагидан эски дўппи, анчагина уринган, устига-устак, ғижим костюм-шим, оёғига эса, бунга акси ўлароқ, шиппак кийган ўрта яшар бир одам ўтиб бормоқда. Ўнг елкасидаги кичкина халтани ўнг қўлининг икки бармоғида тутиб олган. У бағоят майда қадам ташлар ва юрганида оёқларидан бошқа бирон-бир аъзоси қимирламаётганга ўхшар, атайлаб йўлини узайтираётган каби, судраб босаётган оёқларида (яқинроқ бўлганида балки шиппак овозини ҳам эшитармиди) гўё ёйсимон чизиқ чизаётгандек йўлакнинг у четидан бу четига ўтиб борарди. Нигоҳи оёқларида эди, ҳеч кимга, ҳеч нарсага парво қилмасди. (Одамлар ибораси билан айтганда) унинг руҳи носоғ эди, чоғи (яъни жинни-да. О-о, уни бу аҳволга солгунча қанча уринганман-а. Одамзод буни билармиди...).

– Ана, одамлар жон-жонидан яхши кўргувчи дунё ўтиб бормоқда, – дея файласуфона хаёл қилди дераза-даги одам. – Бу дунёнинг аҳволини кўриб қўйинглар, одамлар!..

1

...Арғамчини қўлига олди...

Бу арғамчи уйига қаёқдан келиб қолгани унинг эсида йўқ. Лекин мен қачон, қаердан пайдо бўлганлигини жуда яхши биламан, биламангина эмас, очиғи, ўшанда арқонга қўшиб баъзи бошқа нарсаларнинг олиб келинганидан ранжиганлигим ҳам рост. Яъни манави косаси оқармас китоб жинниси маошидан орттириб, оз-моз пул жамғарган эди. Эҳ-ҳе, ўшанда шу озгина пул баҳона (у бечора катта пул кўрмаган ва кўриши ҳам мумкин эмас эди-да) унинг юрагига олам-жаҳон ғулғулаю ваҳималар солганим эсимда. У эса қанча орзу-ниятлар қилмади, дейсиз. Аслида жамғарган пулига нари борса иккита бундайроқ қўй бераради. Қарангки, унинг хаёлига ҳам қўй олиш фикри келди. Шаҳарда, тағинки, каталакдек ҳовлида қўйдан бошқа яна нима ҳам боқиш мумкин, деб ўйлади-да. Бошқача йўл билан пулини сақлаб қолиш қўлидан келмасди, эҳтимол, ақли етмасмиди. Банд қилиб қўймаса ишлатиб юбориши аниқ эди. Демак, иккита қўй (қўчқор ва совлиқ, шунда кўпаяди-да) сотиб олади ва ҳожатхонанинг нариги ёнбошига эски-туски ёғоч-поғочлардан қўра қилади. Қарабсизки, пули икки-уч йилда (икки-уч йил деганлари анча узоқ муддат эканлигини ўйлаб ҳам ўтирмайди) бир неча баробар кўпаяди. Балки ўшанда дарвозахонасининг ёнига солаётган кичкина икки хонали иморатини битказиб олар. Мен бўлсам, унинг кўнглига ғулғула кетидан ғулғулалар солавердим: чиройлироқ кастим-шим, унга мос бўйинбоғ ва туфли ол, дедим. Ахир сен ҳам

зиёли одамсан, баъзи ҳамкасбларингни куйдириб, бир кийин, дедим. Қани энди кўнса. Сал иккиланади-ю, яна барибир пулига ёпишиб олади. Биттагина фарзандинг бўлса, ортиқча пулни бошингга урасанми, деб кўрдим. Бўлмади. Шўрлик хотинингга бирон нарса олиб бер, уям бошқа аёллардай бир яйрасин, дедим. Қаёқда, хотиниям худди ўзи каби ўзбак (бу сўз содда дегани, бошқа ҳеч қандай маъноси йўқ) бўлганидан, қўй оламиз, деб турволди. Барча уринишларим зое кетди. Ҳатто, ҳар замонда «эллик-эллик» «уриб» турасан-у, бу сафар қимматроқ ичкилигу егуликлардан олиб келиб, мазза қил, ахир сен ҳам дунёга бир марта келасан, деб кечки тановул пайти – жирсиз ёвғонини шўриллатаётганда роса томоғини тақиллатдим. Бир-икки суст кетди-ю, аммо айтганимни қилмади. Якшанба куни бозорга чиқиб, иккита қўй сотиб олди. Қўйнинг эгаси эски арғамчисини ҳам бермади – ирими шунақа эмиш. У икки метр арқон сотиб олишга мажбур бўлди. Бироқ фойдали бир нарсани (иримни) билиб олганидан ичида хурсанд эди. Арқонни қўйларининг бўйнига боғлади. Уйга олиб келиб, кўрага қамади. Арқон эса уринмай, яп-янгилигича қолди...

Хуллас, арғамчини олиб, четдаги уй томон юрди...

Уй пастак эди. Деворлари қумсувоқ қилиниб, оқланган, лекин шифтидаги эгри-бугри тўсинлари кўриниб турарди. Шуни тузатиб олгани ҳам қурби етмаганди. Қўл учида бир нави эплаб, китобу қоғозларини шу ерга жойлаганди. Чиройлироқ тилда айтганда, бу унинг ижодхонаси эди. Аммо ҳали шу пайтгача бу хонада ўтириб, тузукроқ бирон нарса ёзганини эслолмайди. Бироқ қачонлардир – романтик кайфиятда ёзиб-чизиб, буюк орзулар оғушида учиб юрган кезлари бу уйни ижодхона қилмоқ ниятида ер тимдалаб, тупроғу лойга беланиб тиклагани рост. Ахир ёзувчи, журналист деган одамда ижодхона бўлиши керак-да. Энди эса уйнинг кўзга ху-

нук кўринган тўсинлари ниятини амалга ошириш учун асқатади, чоғи. Яхшиям тўсинларни очиқ қолдиргани, акс ҳолда арқонни нимага боғларди?

Ҳаҳ, одамзод-а! Ўзингни осишинг шунчалар қийинми? Торгина ҳовлингни эгаллаб, нафасни бўғгудай тарвақайлаган анови баҳайбат олмага ос ўзингни. Ҳозир уйингда ҳеч ким йўқ. Ўшанга оссанг, дарвозадан кирганки одамнинг кўзи тушади, кўздан пана жойда қолиб бир неча кунлаб сасиб-бижиб турмайсан. Ҳай, майли, қаерга бўлса ҳам ўзингни оссанг бас. Шундагина, ҳа-ҳа, шундагина вужудингни кемираётган ўй-фикрлардан, таъқиблардан халос бўласан.

У қўранинг ёнбошида (ҳозир қўйлари йўқ, ҳали кўпаймасидан сотилиб кетган) турган эски ёғоч қутини (яшикни-да) ҳам олиб, ижодхонасига кирди. Қутини хонанинг қоқ ўртасига қўйиб, устига чиқди-да, арқонни тўсинлардан бирининг тепасидан ўтказди ва калтагина ҳалқа ясади. Шу туришида бир оз чўзилса, бошини ҳалқадан осонгина ўтказиши мумкин. Кейин қутини тепиб юборади, тамом-вассалом, ҳаммаси тугайди. У қутидан тушди. Бир неча китоблар тахланиб, чанг босиб ётган хонтахтанинг бурчагига ўтирди. Хиёл хўрсиниб, у ёқ-бу ёққа бетоқат мўлтиради. Ана, энди бундан ўн йиллар муқаддам чекишни ташлагани алам қилиб, тамакининг қадри ўтди. Ўшанда чекишни ташлама, дея қанча гижгижладим, чунки манавинақа пайтлари асқатишини билардим-да. Ҳар ҳолда вақт тезроқ ўтарди, кутилган фурсат етиб, то сўнгги қарорга келгунингча андармон бўлардинг... Ниҳоят, ҳолинг шу экан, нима, қайсидир миллат айтмоқчи, соғ-саломат ўлмоқ учун чекишни ташлаганмидинг? Эҳ, хомкалла! Мана, энди охирги ҳузурдан ҳам маҳрумсан.

Сезиб турибман, қўрқаяпсан. Нега қўрқасан? Бир неча сония чидасанг кифоя-ку, ахир! Мана шу бемаъни дунёда

нафас олдинг нима-ю, олмадинг нима?! Жонингга тегиб кетди-ку. Шундай экан, бўғзингни вафосиз қўйларингнинг арқони билан хиппа бўғ-да, қўй, нима қиласан, вақтни чўзиб, энг тўғри ва оқилона йўл шу-ку. Тавба, каллангга келган ўйни қара-я – хат-пат ёзиб қолдирсамми, эмиш. Кимга, ўғлинггами? Хўш, нимани ёзасан? Сени таъқиб қилган одамлар ҳақидами ёки ўз наздингда, сени йўлдан уриб, васвасага солган шайтон (бирам кулгим қистаб кетди-ей) тўғрисидами? Ахир сен мени билмайсан-ку. Таъқибчилар ҳақида ёзмоқчи бўлсанг, нима, уни ўқий-ўқий, ўғлинг ҳам бир кун келиб ўзини оссинми? Йўқ, яхшиси, сен тезроқ ўзингни ос. Хотинингни эса ўйламай қўя қол. У ҳали ёш, «йўлини» топиб кетади. Шунга чидолмайман-да, дейсанми? Ана шунақа, айтдим-ку, ҳамма ёмон, битта сен яхши. Қадрингга етишмаяпти ва билки, ҳеч қачон етишмайди ҳам. Шу алмисоқдан қолган дунёни ўшаларга бер-да, осонгина қутул...

У тўсиндаги ҳалқали арқонга қаради...

Менга нима бўлди ўзи? Буларнинг бари нимадан бошланди? Бир парча латтаданми?..

Газетага янги бош муҳаррир келди-ю, жамоадаги муҳит бутунлай ўзгарди. Ёки уларга шундай туюлдими? Ҳа, шундай туюлгани рост. Чунки, менчасига айтганда, бош муҳаррир ёмон одам эмасди. Асосийси, юқоридагиларга ёқарди. Табиийки, унинг амалдор ва пулдорлардан танишлари кўп эди, улар билан тез-тез ош-қатиқ бўлиб турарди. Шунинг учун ҳам ўз жамоасининг эмас, кўпроқ ана ўша (ёзувчилар тилида айтганда) ҳамтовоқларининг йўриғига юриб, уларнинг манфаатларини кўзлаб иш тутарди. Негадир жамоага эл бўлишни истамасди ё ўзини ҳаммадан бошқачароқ одам деб билармиди... Мана шу феъли менга кў-ўп маъқул эди.

Ҳа, у келгач, таҳририятдаги муҳит ўзгарди. Ходимлар бир-бирларидан гумонсирайдиган (хавфсирайдиган),

бир-бирларига ишонмайдиган бўла бошладилар. (О-о, бу мен учун айни муддао эди. Мен дунёдаги одамларнинг барчалари шундай кўйга тушишларини истайман.) Бош муҳаррир деганлари бағоят менбоп чиқиб қолди. Нима десам экан, ҳалиги... одамлар орасида «шайтонга ҳам дарс беради», (аммо чучварани хом санаётганлигини ҳам айтиб қўя қолай) деган гап бор-ку, у ана ўша тоифага мансуб эди.

Шундай қилиб, у – Ахир (тахаллусини қаранг) деганлари бош муҳаррирга ёқмади. Ўзи шунақа – мен бор эканман, ҳамиша кимдир кимгадир ёқмайди. Айниқса, Ахирга ўхшаганларнинг юксак манзилларни кўзлаган қишиларга ёқишлари қийин. Нега десангиз, у кабиларнинг дилидаги ҳамиша тилида, дакки бериш ёхуд попугини пасайтириб қўйиш мақсадида қилинган имо-ишораларни ҳам тушунмайдилар. Ёки, дейлик, казо-казо университетларни битирган бу калтафаҳмлар ўз бошлиқларининг олдида қандай туришни (яъни ўзларини қандай тутишни) ҳам билмайдилар. Катта холасининг уйида ва ўша катта холасининг қаршисида тургандай сўппайиб тураверадилар. Ҳеч йўқ ўзларини бир озгина қўрққанга ҳам солмайдилар. О-о, улар қўрқиб-қўрқиб туришлари бошлиқларига нақадар ёқишини билганларида эди. Афсуски, билмаганлари учун қўрқмайдилар-да. Қўрқмайдиган ходимлардан эса бошлиқлар қўрқадилар.

Ахир кабилар дарахтга ўхшайдилар: баҳорда барг чиқариб, кузда тўкишни биладилар ва атрофда не ҳодисалар рўй бермасин, ғўдайиб тураверадилар, тураверадилар. Бу кўйларидан яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам ахтармайдилар. Ёки бўлмаса, уларни оддийгина тупроққа қиёс қилиш ҳам мумкин...

Ахирни кўрса, бош муҳаррирнинг пешонаси тиришадиган бўлиб қолди. Ҳе йўқ-бе йўқ тўнини тескари кийиб олди. Унинг танқидий нарсаларни яхши ёзишини билгач,

танқид устига танқид ёзишни буюраверди. (Қолаверса, мен астойдил кўмаклашиб турдим.) Ахир буни тушунармиди, бировдан ҳадиксирармиди, топшириқларни қойиллатиб бажарарди, холос. У ишни иш деб биларди ва ўз ишини бажараётганда биров билан мутлақо ҳисоблашмасди, балки бирон дасти узуннинг палагини босиб қўйишини ҳам ўйламасди, аслида у бировни бадном қилиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмасди. Маош олиб, тирикчилик ўтказадиган оддийгина ишини бажарарди, вассалом.

Турган гапки, танқид қилувчини, ана ўша танқидга учраганлар тили билан айтганда, тирноқ остидан кир қидирувчини кўпчилик хуш кўрмайди. Баъзилар ҳатто агар имконини топсалар, ундайларни ғажиб ташлашга тайёр турадилар. Яъни Ахир ҳам шу асно ўзига душман орттириб бораверди. Аммо қалам парвонаси буни тушунади, дейсизми?.. Не-не одамлар ўзига тиш қайраб юрганликларини хаёлига ҳам келтирмайди. У ёғини сўрасангиз, аввалига мен ҳам унинг юрагига васваса сололмадим. У ҳамон барча билан баробар гаплашаверади – на дўстни билади, на душманни.

Бош муҳаррир бир куни уни энг катта савдо идорасида бўладиган Наврўз байрамига жўнатди. Ахир бош муҳаррирнинг менбоп ниятини-ю, бу ниятини ўша савдо идорасининг раҳбари билан тил бириктириб амалга ошираётганлигини билмасди, албатта. Шунинг учун ҳам у ерга борди. Уни казо-казо катта амалдорларнинг даврасига ўтқазишди. Бунинг катта мартаба, бошқаларнинг ҳасадига муносиб обрў эканлигини у билмасди. Фақат атрофидагиларнинг уст-бошига қарагани сайин ўзининг кийимларидан хижолат тортгани ва «шу давранинг обрўсига соя солдимов», дея хаёл қилгани рост. Аммо, бу амалдор деганлари ё чиндан ҳам яхши одамлар бўлишаркан (улар энг олдин менинг мактабимда ўқишларини

авом қайдан ҳам билсин), ёки муомалага усталикларидан-ми, кўп ўтмай, у ўзини эркинроқ ҳис қила бошлади. Айниқса, ярим пиёла коньякдан сўнг бутунлай очилиб, эгнидаги кийим-бошинию, рўпарасидагиларнинг амалдор эканликларини ҳам унутди. Асли унинг коньякка (ўзи айтмоқчи, оз-моз) ишқибозлиги бор. Негадир шу савилни ичса, вужуди ҳузурбахш жимирлайди, овқатни яхши ейди, анча-мунча санчиб турадиган жойлари эртасига санчмай қўяди, асосийси, хотинига ҳам бошқачароқ қарайдиган бўлиб қолади.

Байрамнинг охирида барчага совға-салом улашилди – кимгадир заррин чопон, бошқасига костюм-шим, яна бирига кўйлак ва унга аёлларнинг бир кийимлик ялтироқ матосини беришди. (Бу Ахир деганларининг гўллигини қарангки, менга нега энди аёлларнинг матосини беришди, дея ўйламади ҳам. Ҳатто бу гап хаёлига кейин ҳам келмади. Очиғини айтсам, менинг мана шунақа тоифа одамларга яқинлашишим қийин бўлади.) Аввалига у ғалати бўлиб кетди, чунки шу пайтгача ҳеч ким унга бунақа қимматбаҳо совға бермаганди-да. (Совға-я совға!) Шунинг учун матони қайтармоқчи бўлувди, атрофидагилар ранжигандай «уят бўлади-я», деб қўйишди. У эса энди икки ҳисса уят иш қилиб қўйганига ишониб, баттар хижолат тортди. Қизариб-бўзараркан, ҳаммага бир-бир мўлтиради. Чамаси, улар самимий боқардилар. Ахир барчага беришди-ку, буям олса-олибди-да. Муштипаргина хотинини эслаб, дийдаси юмшади – бир маза қилиб кийсин. (Ҳа-а, мана шу жойда мен борман. Буни одамлар билмайдилар. Нафснинг мана шунақа кўз ёшли жилвалари ҳам бор.) Бунақа қиммат нарсани олиб беришга ўзининг қурби етмайди. Шу пайт болалигида бўлган бир воқеа ёдига тушди: синфдошларидан бирига математикадан ёзма ишни кўчиришга берди. Натижада синфдоши ҳам яхши баҳо олди. У бундан хурсанд бўлиб, Ахирга

янги ручка совға қилди. Ахир эса ручкани олишни истамади. Бироқ ўзининг кетига чўп қистирилиб, елимли лента билан ўралган ручкаси эсига тушди-ю, беихтиёр янги ручкага қўл узатди. (Шўрлик етим бўлганидан ручкага ҳам пули йўқ эди.) Ручкани олиши ҳамоно вужудида ажиб эврилиш рўй берганини сезди. Кейин... (Худди шу кейин ҳақида кейинроқ гаплашамиз.)

Аҳли савдонинг байрам кечаси ҳақидаги хабар газетада босилиб чиқди.

Бош муҳаррир йиғилиш ўтказаркан, туйқусдан деди:

– Баъзиларимиз тамагир бўлиб қолганмиз. Катта-катта идораларга бориб, совға баҳонасида поралар оламиз. Ҳатто қимматбаҳо матолар олишдан ҳам уялмаймиз. – У Ахирга ғалати қараш қилиб қўйди.

Чамаси, бошқалар ҳам унга қарагандай туюлди. Негадир ҳамма нарса танишдек, бу воқеа, гаплар аввал бўлганмиди ёки у бўлишини кутганмиди? Дарвоқе, мато... Шу пайт эшик очилиб, котиба кўринди.

– Сизни телефонга сўрашяпти, – деди у бош муҳаррирга ва эшикни ёпди.

Мато, дея ўйларди ҳамон Ахир, котибанинг кўйлаги ниманидир эслатдими унга?.. Иии... Ахир!.. Савдогарлар унга худди шунақа мато совға қилишганди-ку. Бош муҳаррир ҳам мато ҳақида гапирдими? (Мана, энди мен унинг қалбига, шуурига ҳукмрон бўла бошладим.) Унинг ичида нимадир чирт узилгандай бўлди. Ҳадиксираб бош муҳаррирга қаради. У телефонда гаплашарди:

– Ҳа-ҳа, хабарим бор. Келаверинг, гаплашамиз.

Нимадан хабари бор, деган савол миясига урилди Ахирнинг, нимани гаплашади?..

Мажлис тугади.

Ахир коридорга чиқиб, серрайиб туриб қолди. Наздида, ҳамма уни қўлини бигиз қилиб кўрсатаётгандай туюлди. У шундай одам эдики, айни пайтда ўзини айбдордай

ва ҳатто порахўрдай ҳис қилар экан, ўша байрам кечасида совғалар даврадагиларнинг барчасига берилганлигини хаёлига келтирмас, бунинг устига, ўзини оқлаш учун бирон-бир важ-карсон топишга ҳам уринмасди. Унингча, ўшанда бирга ўтирганлар ундан бошқачароқ эдилар ва улар совға олмоққа тўла ҳақли кўринардилар. Унинг эса, ҳа-ҳа, биргина унинггина бунга ҳақ-ҳуқуқи йўқ эди. (Во-оҳ, бундайин батафсилликка одам зоти дош беролмаса керак. Аслида бунақа аниқлик (одамларга нисбатан) менга ҳам бегона, зеро, мен ҳар не йўл, ҳар не тадбир ила бўлса-да чалғитувчиман.) У ҳозир ёзма ишини кўчиртиргани бергани эвазига синфдошидан чиройли ручка олганидан сўнг бир неча кунлар ўтиб, икковининг иши бир хиллигини домласи пайқаб қолганидаги, устига-устак, домласининг ўшанда айтган гапидан кейинги аҳволига тушиб турарди.

– Чиройли ручкаларда ёзасиз ва чиройли қилиб кўчиртириб ҳам қўясиз, – деганди домла унга танбеҳ бераркан, қўлидаги ручкага ишора қилиб.

У эса ёзма ишини кўчиртиргани-ю, эвазига чиройли ручкага эга бўлганидан ҳам кўра, ручка олганлигини (порага) синфдоши нега энди домлага айтганлигини, яъни чаққанлигини ўйлаб, чинакам изтиробга тушар, уят ўтида ёнарди. Ручка воқеасидан домланинг ростдан ҳам хабари бор, деб ўйларди. Аслида домла бундан мутлақо хабарсиз эди, Ахирга айтган гапи шунчаки оғзидан чиқиб кетганди, холос.

Ахир коридорда шу аҳволда бўзрайиб турар, мен эса унинг юрагига ваҳм солиб, қони ичра шодон оқардим.

Ҳамкасбларидан бири тамаки тутатаркан, бекорчилик тентираши асносида беихтиёр унинг олдига келди.

– У ёқда хотини қимматбаҳо кўйлак кияман, деб турса, бу ёқда ойлиги гадойга берилган садақадай бўлса, совға

олади-да. Бўлмаса, хотини «юриб» кетади-ку, – деди у ўз-ўзига ғўлдирагандай ҳасратининг дуди чиқиб.

Мен ҳақимда гапиряпти, дея ўйлади Ахир юрак уриши тезлашиб. Наҳотки ҳамма эшитган бўлса? Йўқ-ўқ, унинг хотини «юриб» кетадиганлардан эмас! Унда айтчи, қачон унга тузукроқ кўйлак олиб бергансан, қачон?! Шундай бўлгач... Йўқ-ўқ, ундай бўлиши мумкин эмас?! (О-о, мен ҳамиша бу шўрлик сўзпарастнинг аёлига рўбарў бўлишга, яқинлашишга қийналаман. Чунки, у чиндан ҳам маъсума, фаришта! (Бу сўзни нақадар ёмон кўришимни билсангиз эди!) Унинг фаришталилиги эридаги ёмон ўй-хаёлларни (айниқса, ўзига нисбатан) қувишга имкон туғдирарди.) У аёли ҳақидаги ўйдан тўхтаб, юрагидаги ваҳмга қоришди. Нима, ўша мато савилни олиб келиб берсинми? Котибагами? Ёки таҳририятнинг бирон корига ишлатишар. Нима деб беради? Бу билан изтиробларидан халос бўладими?..

Шу пайт ташқаридан басавлат бир одам кириб келди. Бош муҳаррир чақирган одам шумикин? Нақадар танишга ўхшайди-я!..

У бош муҳаррирнинг хонасига бурилишдан олдин улар билан сўрашди. Бу байрамда у билан рўпара ўтирган амалдор-ку. Нега унга олайиб қаради? Нега келди? Мато ҳақидаги гапни ойдинлаштириб бериш учун келдими? Ахир тоқатсизланди, типирчилаб, у ёқ-бу ёққа мўлтиради. Ёнидаги ҳамкасби аллақачон хонасига кириб кетганди. У атрофдан бир чимдим нур қидирди, нажот бўлгувчи нурни қидирди. Тополмади. Жон ҳолатда ташқарига отилди. Ташқарига чиқиб, ютоқиб-ютоқиб нафас олди. Олам бунча ёруғ бўлмаса?! Аммо вужудидаги тоқатсизлик, ҳаловатсизлик барҳам топмади. (Эҳ, одамзод! Бундай пайтда сенинг ҳамиша ҳозиру нозир халоскоринг, нажоткоринг бор-ку, нега уни эсламайсан? Ҳар қанча айтишни истамасам-да бу кунги маж-

буриятим ва ушбунинг ўқигувчига тушунарли бўлмоғи учун айтаман: У – Оллоҳ!) Аммо ҳозир Ахир шунчаки кўникма туфайли бўлса-да Оллоҳни эсламасди. У мен билан бирга эди.

Унинг кунлари ваҳмга чулғаниб, шу тақлид ўтаверди, мен бу кўйидан бағоят бахтиёр эдим. Аслида у ўша «қилмиши» учун бирон жазо олишдан ва ҳатто лозим бўлса, қамалишдан ҳам қўрқмасди. У қўрқоқ эмасди. Лекин ичидаги тўғриликни, яъни савил қолгур бояги матони уларнинг ўзлари беришганини, у эса совға сифатида олганлигини айтишни, атрофидагиларнинг «пис-пис»ламасдан ошкора муомала қилишларини ва айниқса, ҳамкасбларининг ҳеч йўқ биронтаси, уни кўп йиллардан бери билган инсон сифатида, ишонч ила самимий ҳолаҳвол сўрашини жуда-жуда истарди, кимгадир дил-дилдан ёрилгиси келарди. Бироқ менинг измимда эканлиги боис биронта самимий нигоҳни, ҳамдардликни тополмасди.

Ниҳоят бир куни уни бош муҳаррир йўқлаб, жиддий топшириқ берди – танқидий мақола ёзишни буюрди. Бу танқиднинг бир учи ҳов ўша энг катта одамга бориб тегарди. Ахир бош муҳаррирнинг топшириғини ўзига нисбатан ишонч, ўз айбини ювиш учун имконият, деб билди. Мақолани жуда тезликда тайёрлади. Бош муҳаррир мақола қўлига тегар-тегмас газетага чиқариб юборди. Ана энди Ахирнинг шўри қуриди. Энг катта одам қўл остидаги энг катта амалдорларнинг йиғилишида мақола ва унинг муаллифи ҳақида гапириб, уни туҳматчига чиқарди, аслида ўзи порахўр эканлигига ошкора шама қилди. Амалдорларга шугина кифоя эди, салла ўрнига калла олиб ўргангандилар.

Ахирни ҳар қадамда маломат, пичинг, киноя ҳамда ёвуз нигоҳлар таъқиб эта бошлади. Бу таъқибларнинг ваҳмини мен унинг кўнглида икки-уч ҳисса оширардим.

У уйқусидан айрилди, одамларга қўшилишдан безиллаб қолди, ҳатто гапиришдан чарчаб, бировга бир сўз демай қўйди. Бошига шунча маломатларни солган матони оловга солиб ёқиб юборди. Лекин қалбидаги васваса барҳам топмади. У қандайдир номаълум маъвога кириб бораётганлигини, ниманидир бой бераётганлигини дилдан сезиб турар, бу аҳволига чора излашга иродаси етмай, ўзини ожиз ҳис этарди. Уни менинг ихтиёримдан чиқармоқ учун бир туртки, ўта тоза туйғуларга қоришган самимий ҳамдардлик лозим эди...

У кескин нафас чиқариб, икки кафтини тиззасига урди-да, ўрнидан туриб, қутига оёқ қўйди, энг тўғри йўл шу, дея бўйнига арқон солди. Шу пайт дарвоза томондан ўн яшар ўғлининг тобора яқинлашиб келаётган шодон овози эшитилди:

– Дада, дада, қаердасиз? Шаҳримизга Насриддин Афанди келаётганмиш!..

2

Баҳайбат гавдали Хоқон гурс-гурс юриб хонасига кириб келганда, қадамлари зарбидан қимматбаҳо поллар ҳам оҳ уриб юборди. Айланадиган ўриндиғига ўтириб, қўлларини столга қўйди, кўзлари бир нуқтада қотди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай рўпарасида қўлида чойнак-пиёла билан ёрдамчиси Қурбон пайдо бўлди. Хоқон эрталаб аччиқ-аччиқ кўк чой ичишни хуш кўрарди. Қурбон чойни бағоят эпчиллик ва эҳтиёткорлик билан бир неча бор қайтариб, дам едириш учун чойнакнинг устига ёпқичини ёпди-да, қўлтиғидаги дафтарини кафтига олиб, хўжайинига итоаткорона термилди.

Хоқон ҳамон бир нуқтага тикилган кўйи ўтирарди. Айни пайтда улкан калласига ярашиқли катта, қоп-қора бужур юзидан бирон маънони уқиш мушкул эди. У кар-

шисида қаққайганча мўлтираб турган Қурбонни кўрмасди ёки кўрса ҳам унинг бетоқат типирчилашидан ҳузурланиб, ўзини атайлаб кўрмаганга солиб ўтирармиди, номаълум. Аслида унинг мана шу улкан, бироқ «ичи» жуда унақа тўла бўлмаган бошида ташвиши, қайғуси мўл эди. Йўқ, авом ҳақида қайғурмасди, бунга мен кафилман. Унинг дарди бошқа эди – ёлғиз ўғлининг ёзиғини ўйлаб, эзилгандан эзиларди.

Қурбон сояки бўлганидан, докадек оппоқ юзига табассум югуртириб, пиёлага чой қуйди-да, Хоқонга узатди. Хоқоннинг хаёли чалғиди. Ёрдамчисининг юзига бир қараб қўйиб, пиёлани олди ва дарров лабларига яқинлаштириб, қайноқ чойдан шўриллатиб ҳўплади, юзи ёқимсиз тиришди.

Ҳозир улар кўнгилларидан кечаётган гапларни фақатгина ўзимиз биламиз (яъни ҳар иккиси ҳам ичимдагини фақат ўзим биламан), деб ўйлардилар. Ҳатто Оллоҳнинг ҳар нени билгувчилиги ҳам хаёлларига келмасди. Мен эса уларнинг кўнглидагини худди кўзгудагидек кўриб турардим.

Мана, Қурбон нималарни ўйларди: шунча хизматини қиламан, уни деб ўлиб-тириламан, қани энди бирон марта мундоқ самимий кулиб боқса. Қачон қарама, дўқ уради, қовоқ уяди, яримта гапиради. Мен унга жонимни берай дейману, у бўлса... Аслида тинчгина аввалги ишимда ишлаб юраверсам бўларкану, катта нарсаларни орзу қилиб... «Катта иш»га ўтадиган пайти аллақачон етган ахир! У шуларни хаёлидан ўтказаркан, хожасига қараб тиржайишнию мўлтирашни канда қилмасди.

Хоқон эса чой ҳўпларкан, мудом ўғлини ўйлайди. Ўйларкан, зимдан Қурбонга боқиб, шуурининг аллақайси бурчагида «Шу бола ёмон бола эмас-у, сал эскирди шекилли-да, нимасидир ёқмаяпти. Гап-сўзлари-ю, ўзини тутиши – ҳамма-ҳаммаси ёлғонга ўхшайди», деган фикр

ғимирлаб қўяди. Мен унинг юрагига ғулғула солмоққа уринаман. «Йўқотаман!» дейди у бунинг таъсирида ичида ғазаб билан. Кейин фарзандининг ташвиши зўр келиб, яна юраги сиқилади. «Эй, Худо, наҳотки ёлғиз ўғлим шу аҳволда қолиб кетаверса? Наҳотки?! Сенга нима гуноҳ қилувдим ахир?!» Одамзоднинг мана шунақа қоврилишларига борман-да. Ҳамиша ўзини бегуноҳ, қўй оғзидан чўп олмагандай сезади ва Оллоҳгаям, менгаям маломат ёғдира бошлайди. Ёғдираверади, ёғдираверади... Билмайдики, банданинг кунлик юриш-туришининг ўзи гуноҳлардан иборат. Шундай бўлгач, бу одамнинг гапини қаранг – «сенга нима гуноҳ қилувдим» эмиш. Шу пайт мабодо унинг бирон гуноҳини, қилмишини юзига солиб, бўйнига қўя олсангиз борми, дарров менга маломат қила бошлайди. «Шайтон йўлдан урди», «билмай шайтоннинг гапига кирибман», дейди. У шунақа, ҳеч нарсани, яъни ҳеч қандай масъулиятни, жавобгарликни ўз бўйнига олишни истамайди. Унинг табиати шундай.

Бироқ, Оллоҳ одам боласига шафқатли, уни севади ва шу меҳри туфайли кечираверади, ундан яхшилик умид қилаверади. Эҳтимол ҳидоятга келиб қолишини кутар. Балки...

Хоқон ҳали ёрдамчиси столи устига келтириб қўйган янги газеталарни ҳафсаласизлик билан варақлай бошлади. Лекин ҳеч нарсани ўқий олмади, суратлару ҳарфлар бир-бирларига чаплашиб, айқаш-уйқаш бўлиб кетди. У газетани тез-тез варақлашга тушди, кимгадир зарда қилаётгандек силтаниб-силтаниб қўярди. Ниҳоят тўхтаб, ҳамон тепасида мўлтираб турган Қурбонга «хўш» дегандай қараш қилди. Худди шуни кутиб турган ёрдамчиси тезлик билан қўлидаги дафтарини очиб, бугунга белгиланган тадбиру юмушларни хожасининг ёдига сола бошлади. Аммо бу ҳам Хоқоннинг қулоғига кирмади, яна кўз олдида рангпар, гавдаси шалоғи

чиққан аравани эслатувчи, оёқ-қўллари ингичка, бунинг устига, яхши ишламайдиган, кўзлари у ёқ-бу ёққа тез-тез ағдарилиб турадиган ўғли пайдо бўлди. Тақдир ўйинини ва эҳтимолки, башар донишлари суйган сўз билан айтганда, ҳикматни қарангки, у ўз гуноҳлари эвазига мана шу кўйда дунёга келган ўғлига боқиб, ичида гуноҳсиз эканлигини исботлашга уринар, наздида, Оллоҳдан гуноҳи не эканлигини сўрагани сайин ўзини енгил тортаётгандек ҳис этарди. Сўраганда ҳамки, гуноҳи тузукроқ тўкилишини истаганиданми, таъна ва ғазаб ила сўрарди. Аслида эса айни дамда жамики гуноҳлари манаман дея рўпарасида қойим турарди. Аммо у буни билмасди ва билишни ҳам истамасди. Мен эса биламан, билганда ҳам жуда яхши биламан. Эҳ-ҳе, уни бу кўчаларга олиб киргунча, ўзи унчалар ҳис этмаган бу кўргуликларга гирифтор этгунча мен бечора қанча уринмадим, дейсиз. Ростини айтсам, ишнинг бошланиши қийин кечади, холос, кейин-кейин, домимдаги одам истайдими-йўқми, ўз-ўзидан юришиб кетади. Бизнинг ишда (яъни шайтончиликда) ҳам, асосийси, бошлаб олиш, у ёғи осон. Мабодо мен мўлжалга олган одамнинг палаги айниганроқ бўлса, Худо бергани шу – иш бирдан жадаллай қолади. Бани башарнинг табиати ўзи шунақа – бирон ишга қўл урса, бошланишида пайсаллашга, йўқ ердаги ахлоқ ва одамийлик тамойилларини, ҳалоллик ҳамда гуноҳу савоб ҳақидаги ақидаларни тўқиб ташлашга жуда устаси фаранг. Аввалига бошқалар қолиб, ўзига ҳам панд-насиҳат қилишга тушиб кетади. Кейинроқ, яъни қилган ишининг натижасини, мазасини тотиб кўргач, ўзи кўпда унча тан олишни истамаган нафс аталмиш юҳосининг дастлабки ҳузурини ҳис этгач эса аста-секин айни ишни қилишга ундаган ижобий сабабларни, бу ишнинг гуноҳ ёки жиноят эмаслигини исботловчи далилларни

излай бошлайди ва уларни топади ҳам. Бундайин сабабу далилларни топиши тобора тезлашиб, осонлашиб бораверади. Бу ёқда нафснинг қорни катталашгандан-катталашаверади, гоҳо бу қорин тўйгандай (ёки тўлгандай) туюлиб, нафс ўз хожасини алқашни, унга ҳузур бахш этишни ҳам унутмайди. Менга эса мана шуниси жуда қўл келади, шу кўйга тушган одамнинг ёнидан кетмай қўяман. У ўз нафсининг жунбишларидан, мен бўлсам, унинг чангалимда хушнуду масталаст товланиб-тўлғонишларидан ҳузурланаман.

Хоқон аллақачонлардан буён ана шу ором оғушида эди. Мен уни энг кучли жинларнинг илкига бериб қўйгандим. Бироқ у буни сезмасди, у қайғулари аро ҳам ўз нафсининг жунбишларидан, дасти узунлигидан, фармонраволигидан бахтиёр эди. Очиғи, Хоқон одам эди, лекин менга айланганди, мен одамда ўзимни яратгандим.

Эҳтимол ушбуни ўқигувчи бундан норози бўлар, бошиданоқ буни очиқ-ойдин айтиб қўйишнинг не даркори бор, дея эътироз ҳам билдирар. Аммо мен ҳали ҳеч нарсани очиқ-ойдин айтганим йўқ (одамга очиғини айтсам, Шайтон бўлармидим), буни аниқ биламан. Ҳали палаги айниган Хоқон, деганимда қандай хаёлларга бордингиз, билмадиму, ҳар ҳолда унинг амалдор отаси бир кеча кайф устида хотинига, яъни унинг онасига «ўғлимиз шопиримга жуда ўхшайди-а», деб юборгани рост. Тўғри, отаси бу гапни кулиб, шунчаки айтганди, бироқ онаси қалқиб тушганди. Қўрққанидан шундай бўлди, дея хаёл қилмоқ нотўғридиру, балки наҳотки билса, қабилидаги лаҳзалик балқиган савол уни шу аҳволга солганди. Ростдан ҳам ўғли ҳайдовчисига жуда-жуда ўхшарди, гўё барваста, қоп-қора бужур ҳайдовчининг иккинчи нусхасидек таассурот уйғотарди. Бунинг сирини мен жуда яхши биламан. Сиз ҳам сезиб тургандирсиз, муҳтарам зот. Хуллас, Хоқон деганлари ана шундай дунёга келганди. Ке-

йин-кейин ўзи ҳам катта мансабларда ишлай бошлагач, марҳум отасининг қилиқларини давом эттиришга тушди. Эҳ-ҳе, у қанча-қанча соҳибжамолларнинг оғушида неча-неча тонгларни оттириб, нечалаб бокира қизларнинг бахтига зомин бўлмади, дейсиз. Мен уни ана ўша одатлари учун ҳам ёқтириб қолгандим ва у лаззат ичра оҳ уриб, жононларнинг «додини берганда» тобора куч олиб, ўзимни мислсиз қудрат эгасидай ҳис этардим. У бўлса... Нима қилса ҳам одам эди, ўзи айтмоқчи, хом сут эмган банда эди. (Тавба, бу одам боласи, ўзига қолса, она сутини ҳам пишириб-қайнатиб беришларини истайди-я! Феъли-да – айбни кимгадир ёки нимагадир ағдармоқчи бўлган, акс ҳолда, шу гапни ўйлаб топармиди.) Шунинг учун дўппи тор келиб, бошига тушган кўргилик яққол намоён бўлиб, жисму жонини ёндирганда, «Ё Худо, сенга нима гуноҳ қилгандим?!» дея маломатга зўр беради. (У гуноҳлардан гуноҳ туғилишини хаёлига ҳам келтирмасди.) О, у айни ҳолати билан, менинг наздимда, нақадар улуғворлик касб этаётганлигини билса эди!.. Афсуски, билмасди, эҳтимол билмагани ҳам маъқулдир...

– Ўғлимни нима қиламиз, Қурбон? – деди Хоқон ниҳоят тилга кириб, тишлари орасидан.

Қурбон ҳалитдан бери жонни суғуриб олгудай сукутда ўтирган хожасининг овози чиққанидан туйқус қувониб кетган бўлса-да, аввалларидек ҳам кўп бор такрорланган ва ҳамиша жавобсиз қолган саволга яна рўпара келганидан бир муддат дами ичига тушди. Нима қилишини, нима дейишини билмай беўхшов типирчилаб, мўлтиради.

Хоқон эса мудом ўйчан, бир нуқтага тикилиб ўтирибди.

– Оврўпода мияни алмаштириш мумкин эмиш, – деди у ҳолатини ўзгартирмай.

– Наҳотки?.. – деб юборди Қурбон хожасига ёқиш илинжида вужуди титраб. – Демак, Муродимни тузатиш мумкин экан-да?!

– Ҳа, Оллоҳ хоҳласа, тузатиш мумкин экан. Аммо бунинг учун бошқа мия керак-да.

Қурбон Хоқоннинг гапини тушунмай, кўзларини пирпиратди.

Хоқон унга қайрилиб, қаттиқ тикилди.

– Миясини сотадиган одам топиш керак, Қурбонбой? – деди қанийди тополсанг оҳангида, – қанча пул деса берардим.

– Мен... мия... Миясини сотадиган одам... Кечирасизу, хўжайин, мияси йўқ одам пулни нима қилади? – дея дудуқланди ёрдамчи.

У ҳозир шу саволга жўяли жавоб тополсайди, ўз миясини Хоқонга тутишга тайёр эди. Яъни мияси йўқ одамга ҳам пул зарур бўлишига ишониши лозим эди.

– Э-э, каллавой, дунёда нималар бўлмайди, дейсан. Қолаверса, дунёда сотилмайдиган нарсанинг ўзи йўқ, билсанг.

Қурбон тағин каловланди:

– Нима, газетага эълон берайликми?

Хоқон гапни кесди:

– Билмадим! Нима қилсанг қил, аммо битта сотиладиган соғлом мия топ.

Қурбоннинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, итоаткорона бош эгди:

– Хўп бўлади, хўжайин!..

Кейин Хоқон уни гўё унутди, кўзлари паришон тортди. Қурбон хонани тарк этиши лозимлигини фаҳмлаб, ортига тисарилди. Нафасини ичига ютиб, тислана-тислана эшик ёнига етай деганда, олдидаги газетага кафтини босганча тикилиб турган Хоқон «тўхта-тўхта», деб қолди газетадан кўзини узмай. Қурбон таққа тўхтаб, тошдек қотди.

Хоқон Ахирнинг «Боғчадаги бўрилар» номли танқидий мақоласини кўриб қолганди. (Шу аҳли қаламга ҳам ҳайронман-да, танқид ҳеч бир ҳукмдорга, ҳоҳ у демократ

бўлсин, ҳоҳ бошқа тоифаданми, ҳеч қачон ёқмаслигини наҳотки тушунишмаса-я! Шуни била туриб ҳам улар ёзаверади, ёзаверади, гўё бир нарсани ўзгартириб юборадигандек.) Унда боғчалардан биридаги ўғриликлар, гўдакларнинг ризқига кўз олайтиришлар ҳақида ёзилганди. Мақола «Боғчадаги бу ўғрилар кичкина бўрилар, жамиятда эса катта бўрилар ҳам борки, зеро, «балиқ бошидан...», дея бежиз айтишмайди», деган сўзлар билан якунланганди.

– Газетанинг бошлиғини чақир! – деди Хоқон ёрдамчисига дўқ уриб.

Қурбон «хўп бўлади», дея зумда ғойиб бўлди.

«Тавба, бу ёзувчию шоир деганлари жим юраверишса бўлмасмикин-а?! (Хоқон ёзувчи, шоир ва журналистларнинг фарқига бормасди. Уларнинг ҳар бирини шу уч номнинг тўғри келгани билан атайверарди.) Қайсидир бир кинода подшоҳ ўзбошимча шоирга «Гўзалларнинг қош-кўзини мақтаб юравермайсанми, нима қиласан сиёсатга аралашиб», дерди. Ростиям, тушунмаган нарсасига нима қилишаркин бурунларини тиқишиб?»

Хоқон ҳали ўз хаёлларининг четига етиб улгурмай, учиб келдими, нима бало, остонада бош муҳаррир пайдо бўлди. У қўлларини қовуштириб, елкасини хиёл эгиб, Хоқонга яқинлашди. (Шу ерда одамзод феълига хос, бироқ унинг ўзи ҳамиша яширишга уринган бир жиҳатни жуда-жуда айтиб ўтгим келди: бир қарашда бағоят яхшиликпеша, ҳур фикрли, ўзгаларга фақатгина яхшилик соғингувчидек бўлиб кўринган аксарият одамлар (айниқса, Шарқ кишилари) аслида ундай эмаслар. Уларнинг каттаю кичиги гўё эркин муносабатлар, демократия ҳақида лоф урсалар-да, ичларида ҳукмронликни, қўл остидагиларнинг итоаткор, мутелигини суядилар, ундан ҳузурланадилар. Фақат буни яширишга уринадилар, холос. У ёғини сўрасангиз, демократия деганларининг ўзи бир

ниқоб, яна-да тўғрироғи, инсон оёғидаги тушовдир. Башар ҳукмдорлари қачонлардир ақлли бошлар томонидан яхши ниятда ўйлаб топилган демократияни ҳам шахсий кирдикорларини хаспўшлаш учун ўз фойдаларига хизмат қилдира олдилар.)

– Бу писарларингиз қачон тинчийди, а? – гапни дағдағадан бошлади Хоқон унга ўқрайиб.

Бош муҳаррир гап нима ҳақда бораётганлигини билиб турар, Хоқонга қандай мақолалар ёқишинию ёқмаслигини яхши фарқларди. Ахирнинг бу мақолани ёзишида ҳам унинг «алоҳида ҳиссаси» бор эди. Лекин сир бой бермай, жим тураверди.

– Наҳотки шу битта ёзадиғонни тийиб қўйиш қўлингиздан келмаса?! – яна ўдағайлади Хоқон. – Ким айтади сизни бош муҳаррир деб?!

Унинг гапи нишонга тегди, бу «ё бош муҳаррирни янгилайми?» дегани эди. Бош муҳаррир думини ликиллата бошлади:

– Сизнинг ҳукмингизни кутаётувдим-да, хўжайин. Бўлмаса, битта журналистни ювоштириб қўйиш нимайди... – У бу гапи билан «одам чопадиган болтангизни бериб туринг», демоқчи бўларди.

– Нима қилиб бўлса ҳам уни тийиб қўйинг. – Энди Хоқон тишларини ғижирлатгудай бўлиб деди: – жигарини эзиб ташланг!..

Бош муҳаррир Хоқоннинг ёвуз чақнаган кўзларидан куч оларкан:

– Хўп бўлади, хўжайин! – деди ҳузурланиб.

(Бу гапдан мен ҳам ҳузурландим, аммо мен буни яшириб ўтирмайман. Одам боласининг ҳақиқий башараси эса шу, фақат у буни турли ниқоблар билан яширишга уринади. Демак, унга нисбатан мен ростгўйроқман, яъни ҳақиқат тарафдориман. Одамлар айтмоқчи, ҳақиқатпарварман... Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа!..).

3

Хоқон ҳар доимгидек тун ярмида уйига келди. У ширакайф эди. Ҳеч қаёққа қарамай, тўғри хобгоҳга юрди. Хотини кенг шоҳона ўринда пишиллаб ётар, улкан қимматбаҳо телевизор эса ишлаб турарди. Хотини чиндан ҳам сезгирмиди ёки эрининг ҳар кунги келадиган вақтига кўникиб қолганмиди, у хобгоҳ остонасидан ҳатлаши ҳамоноқ шошиб ўрнидан турди. Аёл бақалоққина, бўрсилдоққина ва шу ҳолига акси ўлароқ эпчилгина, бунинг устига, эрига итоаткор ҳам эди. (Эҳ-ҳе, бир замонлар бу аёлнинг кўнгил кўчалари ҳам бағоят мўл эди ва у бу кўчаларнинг жимжималарига, хуш ёқгувчи оҳанраболарига маҳлиё ҳам бўлган. Мен унинг ифор сочган гўзал кўнгил боғларида хўп кезганман. Аммо, не тонгки, бирон марта, ҳа-ҳа, бирон марта уни бу кўчаларнинг йўлчисига, фуқаросига айлантира олмадим. У ҳар сафар макру ҳийлаларимга усталик билан чап бераверди. Рост, у ёшлигида қувноқ, лаззатли ҳаётни яхши кўргувчи эди, лекин бундан ортиғини эмас.) Аёл пилдираганча эрига пешвоз чиқди.

– Яхши келдизми? – дея костюм ва бўйинбоғини олди.

Хоқон хобжойнинг четига ўтириб, ҳузур билан узоқ ҳомуза тортаркан, кўйлак ва шимини ечди.

– Яхна келтиринг, – деди базўр эшитилгувчи овозда.

(Айтиб қўя қолай, у хотинини гоҳ «сен»ларди, гоҳ «сиз»ларди, бу унинг кайфиятига, айни дамдаги ҳолат ва шарт-шароитга боғлиқ бўларди.)

– Шарбат обкела қолай?! – сўради хотини шим ва кўйлакни йиғиштириб оларкан.

– Яхна дедим! – сўзни кесди Хоқон.

Хотини унга уй кийимини тутқазиб, хонадан чиқиб кетди. Хоқон юмшоқ ўринга ястаниб, қўл ва оёқларини чўзиб керишди, каттакон қимматбаҳо қандил илинган нақшинкор шифтга тикилди. Лекин ҳеч нарсани ўйлама-

ди. Ҳатто уни ҳозир кўпинча юмшоқ ўриндиққа ётганда, ҳузурли керишиб, вужуди ёқимли жимирлаганда хаёлига келгувчи самбитқомат нозанинлару жонни ўртагувчи ишқ ўйинлари ҳам безовта қилмади.

Хотини яхна олиб кириб, ёнбошдаги тортма устига қўйди, сўнг эрининг ёнига ўтириб, унинг сонларини силади.

– Ўғлинг қалай? – деди Хоқон оҳиста, ўғлининг аҳволи ўз-ўзидан ўзгариб қолмаслигини дилдан ҳис этиб.

– Тузук, – деб қўйди хотини чақнаган юзига хомушлик пардасини тортмоққа уриниб. – Доимгидай-да. Ҳамшира ёнида.

Хоқон ўрнидан туриб ўтирди ва чойнакдаги совуқ чойни пиёлага ҳам қуймай, даст кўтариб, охиригача симирди-да, энтика-энтика бирпас турди. Тортмадаги хорижий тамакидан олиб, лабига қистирди, ёндирғични ёқиб, тутатди, ҳузур билан тутун сўрди.

– Ҳозир ухлаяпти, дегин, – деди яна жойга ёнбошларкан, хотинига бошқачароқ боқиб.

– Ҳмм... – деди аёл эрининг оёқларини беозор уқалаб.

– Менга қара, ўзи Муродим ухлармикин-а? Тушлар ҳам кўрармикин? – Хоқон шунча йилдан бери бу ҳақда ўйлаб кўрмаганига ҳайрон бўлди. Унинг айни сўроғи ўта самимий ва табиий эдики, илк бор хаёлига келган гапни беихтиёр айтиб юборганди. Эҳтимол сохталикка маҳкуму кўниккан боши мазкур бир неча сониялик самимият насиймларидан фароғат топгандир. Бироқ у дилидаги иккинчи гапни тилига чиқармади: боласининг аҳволи ўзи нима-ю, унинг уйқуси ва туши нима бўларди!..

У хотинининг нимадир демоқчи эканлигини пайқади:

– Нима гап?

– Қизингиз... – Хотини йиғламсиради. (Аммо мен биламанки, кўзига ёш келмади, ҳарчанд уринмасин, келмасди ҳам, чунки ҳозир бунинг мавриди эмасди.)

– Унга нима бўлди? – Хоқон кўзлари орқали диққати ошганлигини сездирди-ю, лекин қўзғалмади.

– Қизингизнинг бўйида бўп қопти, – дея қарийб шивирларкан, эрига илтижоли тикилиб, жаҳл билан наъра тортиб юборишини кутди.

Аммо Хоқон наъра тортиш тугул ҳатто хиёлгина қимирлаб ҳам қўймади, кўзларини юмиб ётаверди. Айни дамда унинг хаёлидан нелар кечаётганлигини эса мен биламан: у хотинининг гапини эшитди ва ҳатто вужудида ғазабга ўхшаш нимадир ғимирлади ҳам, лекин жаҳл отига минишга, хотинини силтаб ташлашга ўзида куч тополмади. Унинг хаёллари айқаш-уйқаш бўлиб, тану жонини уйқуга уйқаш оромбахш ҳузур қамрай бошлади. Қизим билан эртаматан гаплашаман, дея гавдасига яраша дағалроқ пишиллашга, тўғрироғи, хириллашга тушди.

Хотини унинг пичирлаб айтган гапини эшитиб, аввалига ҳайрон бўлди: шунча йил бирга яшаб ҳам одамни тўла билиб бўлмас экан-да. Уйни бузиб юборгудай ғазаблар қайда қолди? Демак, ҳаммаси ёлғон, сохта экан-да. Эҳтимол жуда чарчагандир, дея юмшаб, яна эрига термилди.

Бекор гап, дея унинг қалбига ғулу соламан мен, эринг қаерда, кимга жаҳл қилишни яхши билади, акс ҳолда бундай мартабаларга етиша олмасди. Билсанг, у кўпроқ сенга ва Қурбонга жаҳл қилади, холос. Аслида ҳеч қачон жаҳлга эрк бериб, ўзини қийнашни истамайди, ахир унинг ҳам жони биттагина-ку. Шунинг учун сен ҳам ўзингни қийнамай, дамингни ол. Нима, бу замонда жувонни қиз қилиб қўйиш қийинми? Янаки кимсан фалончи бўлсаларинг... Аёл хотиржам тортиб, оҳиста жойига чўзилди. Қарангки, бир оз ўтмай, момиққина зодагон аёл беозор пишиллай бошлади...

Хоқон эрталаб елкасини тоғ босиб тургандек бир аҳволда уйғонди. Бу ҳолати ўзи учун шу қадар ёқимсиз

туюлдики, улкан тошойнанинг ёнидан ювиниш хонаси сари ўтиб бораркан, ундаги аксини кўриб, ҳатто «ҳе турқинг курсин», деб юборишига бир баҳя қолди. Ўйини қаранг, аслида Хоқондай зотда турқ деган нарсанинг ўзи бўлиши мумкинми? Йўғ-е, бунга ҳаттоки мен ҳам журъат этолмасдим. (Буни кўринг, букаламун одамизод ичра юравериб, унинг ялтоқилик феъли менга ҳам ўтиб кетмоқда-я! Ахир мен Иблисман-а!..) Маза қилиб чўмилиб чиққач ҳам кайфияти ўзгармади. Демак, бугун унинг куни эмас экан. Гоҳида шунақаям бўлади-ку ахир – ҳамма нарса чаппасига кетаверади ёки ҳатто олаётган нафасинг ҳам сенга қаршидек, асабингни эговлаётгандек туюлаверади.

У емакхона сари ўтди. Хотини хизматкор аёлга нонуштага дахлдор юмушларни буюрарди.

Хоқон ўз жойига – тўрдаги юмшоқ курсига ўтирди. Аввалига шу жойнинг ўзида тамаки тутатмоқчи бўлди, бироқ ҳозир-ҳозир ўғли кириб қолишини ўйлаб, шаштидан қайтди, ҳаётга базўр илиниб турган ногирон боласини димиқтиргиси келмади. Унинг вужудию устидаги оҳорли кийимидан субҳий тиниқликка қоришиқ беғубор тароват уфуриб турган бўлса-да, руҳияти ҳамон хира эди. Катта қора юзидаги ажинлар анчагина чуқурлашгандай кўринар, кўзлари кимдандир ёки нимадандир нафратланаётгандай олайиб боқарди. (Одам боласининг феъли шу-да – кайфияти ёмонми, тамом, дунё кўзига қоронғи бўлиб кетади. Аслида дунё ҳамиша қоронғи ёки аксинча, эканлигини ҳам бир ўйлаб кўриш лозим.) Эҳтимол одамзод кайфияти эврилиб тургани сабаблими ёки бунинг учун айбдорни четдан излагани боисми, ҳаёти само ва юлдузларга боғлиқлигини кашф этгандир. Ҳа-ҳа, айнан кашф этган. Чунки Оллоҳ расулининг ҳадисларида юлдузларнинг нима учун яратилганлиги очиқ-ойдин айтиб қўйилган (дейлик, қаро

тунда чароғ, Шайтонга, яъни менга отиладиган тош сифатида яратилган) бўлса-ю, бу сўқир ва нодон одамзод унга ўз тақдирини боғлаб қўйса. Ростдан ҳам кўп ўтмай рўпарасида ногиронлар аравачасида бужмайиб ўтирган рангпар ўғли пайдо бўлди. Аравачани бағоят гўзал ва хушбичим бир қиз – ҳамшира суриб келарди. Ҳамшира шунчалар соҳибжамол бўлгани устига яна оппоқ, силлиқ, оҳорланган халат кийиб олгандики, унинг қоматини кўз-кўз қилиш билан бирга ички кийимини ҳам намойиш этиб турар ва бу ҳар қандай расо эркакнинг вужудига ўт қалаб юборарди.

Хоқон ўғлини кўрганда ҳар сафар чинакамига эзилар, шунча маҳобату важоҳати бўла туриб чорасизлигидан дод деб юборай дерди. (Ростдан ҳам йигитчани кўрган кишининг кўнгли бузилиши, бундайроқ одамнинг эса қўрқиб кетиши аниқ эди.) Аммо ҳозир фарзандига бўлган ачиниш ҳиссидан кўра қошидаги ҳурилиқо ёққан ҳирс олови устун келди-да, ўрнидан туриб, ўғлига яқинлашди. Аравачанинг дастасини тутиш асносида қизнинг оппоқ, майин қўлларини сийпалаб ўтди. Не тонгки, вужуди титради, қиз ҳам хиёл энтикди. (Ҳамшира унинг учун «янгилик» эмасди. Шунгами, ўзининг бу қадар титраётганлигини тушунмас, лекин айни ҳолати хуш ёқарди. Уни бу кўйга солаётган эса мен эдим. Ахир аёл «кўрмаганига» бир ҳафтадан ошди-ку.)

– Қалайсан, Муродимжон? – сўради Хоқон ўғлининг пешонасидан ўпиб, бошини силаркан.

Муродим бошини тиклаб, отасига қарагунича хийла фурсат ўтди, шунда ҳам кўз қорачиқлари қайси томонгадир оғиб кетди. Йигирма уч ёшли йигитнинг аянчли аҳволига анча-мунча одамнинг бардош бермоғи мушкул эди. Бироқ Хоқон бир амаллаб жилмайди-да, ўғлининг аравачасини дастурхонга яқинроқ сурди. Ҳамшира унинг ёнига ўтирди, чунки унга овқат едириши лозим эди.

Бир пайт Муродим,

– Да-да-да... – деб қолди бошини икки томонга силкитиб, товушини керакли жойда тўхтатолмасдан. У анча уриниб, ўнг қўлини кўксига олиб келди-да, гўё муштлади. Бу унинг «сизни соғиндим», дегани эди.

– Хўп, ўғлим, бугундан бошлаб эртароқ келишга ҳаракат қиламан, – деди Хоқон ўғлини овутишга уриниб.

Муродимнинг маъносиз юзида табассум эпкини йилт этгандай бўлди. Бу унинг хурсандлигиданмиди ёки «яна алдаяпсизми», деганимиди, ноаён.

Хоқон ҳамширага ҳирс билан тикилиб, шармсизларча яланиб қўйди. Ҳамшира бунга жавобан ўтли жилмаяркан, ёнидаги мажруҳ хоқонваччага маъноли қиёлади, сўнг халатининг юқоридаги яна бир тугмасини ечиб ташлади. Кўксининг оппоқ жойлари намоён бўлиб, ёқимли бўртган сийнаси қалқиб кетгандай туюлди. Хоқон барала оҳ урмоқдан базўр сақланиб, силтанди. Шу пайт ғалати томоқ қириб қўйган хотини ҳам келиб, ўтирди ва ҳамширага ола қараш қилиб, деди:

– Муродимжон овқат еяптими?

Хизматкор қаҳва келтирди. Хоқон дастурхон устида товланган турфа неъматларнинг биронтасига қўл теккизмади-да, қаҳва ҳўплади. Тағин ҳамширага қараб қўймаслик учун кўзларини дераза томонга бурди.

Тамаддихонага ниҳоят Хоқоннинг қизи Дилнура кириб келди, вужудни қитиқловчи турфа ифорлар хонани тутди. Ўн саккиз ёшли қизнинг сочлари чиройли тўзғиган, асли ёниқ юзи мириқиб ухлагани туфайли янада тиниқлашган. Унинг жисму жонидан балоғат ва ҳаётга ташналик уфуриб турарди, бунинг устига, қадди-қомати ҳам жон олгувчи эди.

Қиз аввал акаси Муродимнинг, сўнгра онасининг ва охирида дадасининг юзидан ўпиб, унинг сўл ёғига ўтирди. Шу он Хоқоннинг миясига тунда хотини айтган гап

урилди-ю беихтиёр зимдан қизининг қорнига кўз ташлади. Ҳеч нарса сезилмади – қориндақа қорин. Наҳотки иккиқат бўлса? Аммо бу фикр зумдаёқ бошини тарк этди-да, ўрнини бошқа хаёл эгаллади. Ҳалигина ҳамширага боққанида пайдо бўлган ўртаниш бағрини яна тимдалаб ўтди. Қалбида уялишга уйқаш нимадир уйғонаётган бир пайтда, хаёлини бошқа фикр чалғитди: қизим чиройлими ёки ҳамшира? (Оҳ-оҳ-оҳ, одамизоднинг мана шундай эврилишларидан маза қиламан-да. Қаранг, бу Хоқон деганлари айни дамда бошидан кечирган худбинона ўйи туфайли (яъни «қизим чиройлими ёки ҳамшира», дейиш билан) уларга шаҳват назари билан боқди. Тағинки, бу одам боласи ахлоқ-одоб ҳақида лоф уради. Мен эса одамдаги ана ўша шаҳватдан, ҳирсдан куч оламан. Токи шаҳват бор экан, инсон қавми менга тобе.

Айтинг, биродар, аёл зоти нима учун турфа либослар кияди-ю ёки танасини ярим очиқ ҳолда кўрсатишга уринади? Бунинг жавоби аниқ-равшан – ўзини кўз-кўзлаш ёхуд Оврўпо тилида айтганда, «сексуальний», яъни шаҳвоний кўриниш учун. Турган гапки, ҳар бир жисмонан тўкис эркак ўша яримяланғоч аёл-қизларга ҳирс билан қарайди. Аҳли муслим буни «кўз зиноси» деб атайди. Демак, бу нарса ҳар икки томон учун ҳам ёмон – буни ҳамма билади. Менинг измимда жунбишга келган ҳирс эса рўпарасидаги яримяланғоч хилқат ўз соҳибининг қизи ёки бегоналиги билан аввалига ҳисоблашмайди. Кейинроқ балки ақл устун келар. Аммо унгача кечган кечмишлар одамнинг номаи аъмоли-ю, кўнглини ҳам булғаб бўлади. Бу нарса инсоннинг маънавий аҳкомларига даҳшатли ғорат солади. Бироқ у буларга тобора кўникиб бормоқда. Шундай экан, ўз аҳли аёлини шаҳвоний қиёфада кўришга тоқат қилаётганлар ичларида кечган ўй-хаёлларини хаспўшлаш учунгина ахлоқ-одоб, тарбияга оид гапларни ўйлаб топадилар. Тағинки, улар бах-

тига замонавийлик деган тамойил бор ва у кўпчиликни зериктирган азалий қадриятлар қошида жуда қулай туюлади. Мен иблис бўла туриб, одоб-ахлоқ хусусида ортиқча фалсафа сўқиб юбордим, чоғи).

Нонуштадан сўнг ҳамшира Муродимни сайрга олиб чиқиб кетди. Хоқоннинг хоҳиши билан хотини ва қизи емакхонада қолдилар.

Хоқоннинг дили ноаён кўйда эди. Шунинг учун гапни нимадан бошлашини билмай, ҳамон хиёл зирқираётган бошини уқалаб бирпас жим ўтирди. Ниҳоят хотинига бирров қараб олиб, деди:

– Қачон?.. Ҳмм... Ким?..

Қизи норози бўлгандай пешонасини тириштирди:

– Ну, па-а!..

– Айт! – деди онаси пўписа аралаш.

Қиз гўё уялгандай ерга қаради.

– Ўзиз-да, дада, неча марта институтга кирсанг, машина обераман, шофёр қиббераман, деб ваъдайизи бажармадиз... Шу-у... «Ночной клуб»дан қайтишда... Болларнинг машинасига чиқувдим... У ёғини эслолмайман...

Хоқон хаёлан нималарнингдир режасини тузгач:

– Мен керакли одамни топиб, айтаман, – деди хотинига қараб, – Дўхтирни-да... Ҳалигини – у қизининг қорнига ишора қилди, – йўқотасизлар. Хуллас, гап тамом. – Хоқон ўрнидан турди.

– А машина? – деди қизи кўзларини пирпиратиб.

– Агар одобли қиз бўлиб юрсанг, зўридан обераман, – деди Хоқон зўраки қовоқ уйиб.

Қизи шоша-пиша унинг бўйнига осилди.

– Ўзимми папажоним!.. Зўр қиз бўламан. Ҳалиги, нимайди?.. Рўмолга кираман. – У ҳижоб деган сўзни тополмади.

Хоқон қизидан уфураётган хуш бўйлардан аллақачон сархушланиб бўлганди.

– Хўп-хўп, – дея юзини бурди қизининг қучоғидан чиқишга уриниб. – Аввал сен ваъдангни бажар-чи...

Хоқоннинг хотини ота-боланинг қилиқларидан завқланиб, жилмайди...

Дилнура дадасини машинасигача кузатиб чиқди. У мудом калта халатида эди. Дадаси билан хайрлашаркан, сонларига суқланиб қараб турган ҳайдовчининг нигоҳига тўқнаш келди. Ҳайдовчи мастона жилмайди, қиз ҳам унга шаҳват тўла кўзларини сузиб қўйди.

ДЕРАЗАДАГИ ОДАМ

У дераза олдида тураркан, ажаб хаёлларга берилди. (Айни фурсатдан фойдаланиб, мен ҳам унинг кўнглига ғулғула солмоққа тушдим. Ҳа-а, одамизоднинг хаёлпарастлиги менга жуда-жуда қўл келади, унинг бу феъли жону дилим. Чунки хаёлга берилганки одам, шубҳасиз, менинг измимга тушади ва хатокорликка маҳкум.) Машиналар визиллаб елаётган катта йўлни нигоҳи билан кесиб ўтгач, аввало йўлак, ундан сўнг эса кўп қаватли бинога рўпара бўлди. Унинг томига бир зум тикилиб турди-да, ортида нималар борлигини хаёлан кўз олдига келтирди. Аслида у бино ортида нималар борлигини яхши биларди. Шунинг учун кўзларини юмиши билан қаршисида анҳор намоён бўлди. Шунда миясига кутилмаган фикр урилди: Худонинг ишиям шу-да – тепада турволиб, ҳамма нарсани кўради, кузатади. Дунёдаги борки нарсалардан бохабарлик қандай яхши-а – огоҳсен – шоҳсен. Демак, мен ҳам Худодек бўлиб қолибман-да. (Ҳа-айт, яшшавор деразадаги одам! Сен-ку оддий бир ялангоёқсан, яъни хом хаёлларингдан ўзга ҳеч вақоинг йўқ. Шу ҳолингга яна Худолик даъво қилаяпсан. Лекин олам-жаҳон хазиналари, башарий ҳисобда мислсиз имкониятлари бўлган Фиръавн ҳам бу қадар тез «Худога

айланмаганди».) У кўзларини юмганча мудом хаёл сурарди: ана, уч-тўрт яшар болакай анҳорга тушиб кетди. Бир зумда сув ютиб, димиқа бошлади. Ҳей, ким бор, деб юборди у овоз чиқариб. Болакайнинг онаси ўша атрофдаги ҳовлиларнинг бирида сўрида ўтирарди. У эса аёлни хаёлан аниқ-тиниқ кўраркан, онг-шуури уйқаш қалбан ҳайқирди: «Болангга қарасанг-чи, ҳей, аёл!» Аёл туйқус боласини эслади-ю, отилиб кўчага югурди ва бир оз дум тушиб оқиб бораётган ўғлини сақлаб қолди. У шодликдан ҳайқирмоқчи эди, қўшни маҳалладаги йўлдан ўтаётган ёш қизни ҳозир-ҳозир машина уриб юбориши мумкинлиги ҳақидаги хабар миясига санчилди. Эндигина қизга ёрдамга чоғланганида, аллақаердандир ёш гўдакларнинг йиғиси эшитилди. Отасиз уч бола жон таслим қилаётган онаси бошида уввос солишарди. Энди у хаёлан ўша ёққа чопди. Шу пайт (туғуруқхонадан бўлса керак) тўлғоқ оғриғига чидолмаган аёлнинг чинқириғи эшитилди. Унга ҳам ёрдам... Ана, Бағдод шаҳридаги жоме масжиди ёнида ҳозир-ҳозир бомба портлайди. Шунча одам-а?!.. Унинг мияси биров мижғилагандек оғриб кетди ва бошини кафтлари билан чангаллаб, кўзларини очди. Боши гир-гир айлана бошлади, айланаркан, танаси бир томонга оғаверди. Ерга қулаши асносида чирпирак бўлаётган бошига биргина фикр урилди: «Худо бўлиш қийин экан!..»

4

Учинчи дарсдан сўнг Булут Уфқни тушликка чорлаб қолди.

– Ўзинг боравер, менинг ишим бор, – деди Уфқ кўзини қаерга яширишни билмагандай у ёқ-бу ёққа жавдираб. (Мен одамзоднинг кўзига, унинг мана шунақа боқишларига борман-да.)

– Бекор айтибсан, юр, деяпман сенга! – зўраки пўписа қилди Булут. – Ахир пул борасида келишиб олувдик-ку.

Уфқ баттар қизарди. Чиндан ҳам унинг пули йўқ эди, чўнтагида қишлоғига етиб олиш учун йўлкираси қолганди, холос. Бунинг устига, ҳали эртага эрталаб яна ўқишга келиш муаммоси ҳам бор. Бу муаммо, айтиш мумкинки, кишининг аъзойи баданини қақшатиб, бутун кучини сўриб олгувчи бу дард бир лаҳза ҳам унинг миясидан нари кетмайди. Аслида борки изтироблари ана ўша дардга бориб тақалади – бу қашшоқлик эди. У буни ҳамиша бировларга билинтирмасликка ҳаракат қилади, аммо шундайин дардни яшириш осон эканми, иситмаси ошкор қилиб қўяди-ку. Мана, ҳозир ҳам ўша «иситма» панд берди: Булутнинг гапини қайтарай деса, хафа бўлиши мумкин. (Ҳаҳ, бола-я, шу қадар соддасанки, барча қавмдошларингни ўзингга ўхшатасан.) Қолаверса, бу иши шунчаки мулозаматга ёки болаларча қайсарликка ўхшаб қолади. Булут уни жуда кўп бор тушлик билан сийлаган. Шаҳарлик-да. Шаҳарликда эса албатта (бу баъзи кишиларнинг кулгили фалсафаси) пул бўлади. Янаки, шаҳарлик сийлаётган одам «староста» ва аълочи (талабалар даврасида бу катта мансаб-да) бўлса, унинг ҳотамтойлиги янада «самимийлашиб», «серлашиб» боради. Ҳар бир одамнинг, жумладан, ҳар бир дўстнинг ўз «қаричи»га лойиқ манфаати, тамаси бўлади. (Қанийди, улар буни тан олсалар! Эҳтимол бунинг тама эканлигини ўзлари сезишмас ҳам. Майли, шундай бўла қолсин).

Пули йўқ, қорни оч, уйига етиб олиши учун йўлкираси ҳам қолмаган одамнинг аҳволини, ички кечмишини ана ўша одамнинг ўзигина ёки уйидан олисда қорни оч, пули йўқ алпозда турган ва эҳтимол қачонлардир шу кўйга тушган яна бир бошқа одамгина тушуна олмоғи мумкин, холос. Бошқа бирон та инсон буни ҳис этолмайди. Уфқ ана шундай аҳволда эди.

Икковлашиб талабалар тамаддихонасига киришди. Булут навбатга турди. Уфқ эса бир чойнак чой дамлатиб, чўнтагидаги пулини хаёлан яна бир бор ҳисоблаб қўйди – хайрият, битта чойга ошинса бўларкан. Бўш жой топиб ўтирди-да, пиёлаларни чайқаб, чойни уч бор қайтарди. Булутга бирров кўз ташларкан, изтироб бағрини баттар эзғилади. Онам билан синглим бир аҳволда бўлишса, ҳатто тўйиб овқат ейишмайди, дея ўйларди вужуди куйиб, ўзим эса... Шундай экан, менинг аъло ўқишиму «староста»лигимдан кимга фойда? Бари бир... Булут икки коса суюқ овқат билан тўртта талабабоп сомса келтирди.

– Қани, олдик бўлмаса, – дея ундади у патнисни ташлаб қайтгач.

Уфқ ҳафсаласизлик билан овқатга қошиқ солди.

Булут унга бирпас тикилиб турди-да, ўзлари кўниккан зардали оҳангда деди:

– Осангчи-ей, хўшшаймай! Сенга нима бўлди ўзи?..

– Ҳеч нима... – дея гўё пичирлади Уфқ ва дўстини ранжитиб қўйишни ўйлаб, овқатга майл қилди.

Қарз ва қарздорлик жудаям оғир нарса. (Асли у Оллоҳдан ва бу ҳис кўпроқ иймонли кишиларга хосдир. Бироқ мен ундан одам боласини чалғитишда бағоят усталик билан фойдаланаман. Чунки бунақа пайтда одам аламли изтироб пинжида бўлади, ҳамиша қарздан ғойибона қутилмоқни истайди ва нажот кутади. Айни шу ҳолатда у менбоп ўлжага айланади.) Уфқ кўп бор Булут ҳисобига овқат еган, шунинг учун вужудини алам қоришиқ ҳис эгаллай бошлади. Бу ночорликнинг охири борми ўзи, дея ўртанди юраги...

Чойга зўр бердилар.

– Кейинги дарсга кирасанми? – сўради Булут унинг ҳеч қачон дарс қолдирмаслигини билса ҳам.

Лекин Уфқ кутилмаганда қўл силтади:

– Э-э, дарсга кирдим нима-ю, кирмадим нима, – деди пешонаси тиришиб. – Қашшоқлик жонимга тегди! Қашшоқликдан бошқа ҳеч вақом йўқ менинг! – ёшинқираган кўзлари аллақаёқларга ўйчан термилди.

– Бекор айтибсан, сенинг олтин миянг бор, ошна, миянг бор! – Булут гапни ҳазилга бурмоқчи бўлди.

– Тупурдим ўша мияга! Пул бўлмагандан кейин бу миядан фойда йўқ. Керак бўлса, уни сотаман.

– Миянгни-я?.. – дея тиржайди Булут.

– Ҳа!.. – Уфқнинг кўзлари қаҳрли ёнди.

– Бўпти, унда газеталарга эълон берамиз. – Булут гапни ҳамон ҳазилга буришга уринарди.

– Бер, бер... – деди Уфқ нигоҳи тентираб. – Лекин сенинг газеталаринг бунақа эълонни чиқарармикин?

Шу билан гап гапга қовушмай, ўринларидан туришди. Уфқ илк бора дарсга киришни истамади. (Бор экансан-ку, бола! Нима қиласан бошингни ортиқча оғритиб. Шунча ўқиганлар нима бўп кетяпти-ю сен, йиртиқ чопон, бирон нарса бўлсанг. Ундан кўра тезроқ пул топиш пайида бўл. Пул, пул, пул!..)

– Мен уйга кетаман, – деди Уфқ ҳамма нарсадан ҳафсаласи пир бўлгандай афтини тириштириб.

Булут унга билинар-билинмас табассум ила бирпас боқиб турди-да, деди:

– Майли, бугунча дамингни ол бўмаса.

Уфқ индамай қайрилиб, бир-икки қадам ташловди ҳамки, ортидан Булутнинг ҳиринглагани эшитилди:

– Миянгни менсиз сотвормагин тағин, ошна...

Уфқ аянчли жилмайиб қўйди-да, кетаверди. Бошини яна ўша ўйлар чулғади: қанийди, харидор чиқса, жон деб сотарди миясини. Кейин бирдан файласуфлиги тутиб кетди. (Бундоғ ўйлаб кўрилса, фалсафа ҳам, файласуфлар ҳам кўпинча менинг измимда бўладилар.) Нима бўлганда ҳам қачондир барибир шу мияни, ҳеч қурса, унинг маҳсули

бўлмиш илмимни сотиб, тирикчилик қиламан-да. Йўқ деганда Булутга ўхшаганларнинг назорат ва курс ишларини ёзиб бераман ёки ёзишига кўмаклашаман. Ундан кўра миямни биратўла сотиб, каттагина пул ишлаволганим яхши эмасми. Ўшанда онам ва синглимнинг ҳаётини яхшилаб олардим. Улар ҳам одамга ўхшаб кийинардилар, овқат ердилар. Унинг энг катта орзуси – онаси билан синглисининг ҳаётини тўкин-сочин қилиш эди. Айниқса, синглисининг айни ўйнаб-куладиган даври эканлигини ўйласа, юраги эзилиб кетади. Кийгани тузукроқ кўйлаги йўқ бечоранинг. Бунинг устига, у яқинда қишлоқнинг бойи Давлатмирзаникига хизматкорликка ёлланди. Давлатмирза яхши одам... Лекин синглисининг бировникида хизматкор бўлишини ўйлаб, юрагида нимадир узилгани ҳам рост. Бой эса уларнинг фойдасини кўзлаб шу таклифни айтди:

– Уйингдагилар қийналиб қолишибди. Синглинг бизникига чиқиб, енгил-елпи ишларга қарашиб турса, ойлик қиб бераман, – деганди у хайрихоҳлик билан...

Анови дарвоза олдида турган Ёмғирми? Ҳа, ўша! У шу қизни севади. (Тўғриси, «севади» деган сўзни биз ишлатаяпмиз, чунки у ўз туйғусини айни шу сўз билан ифодалашни истамайди. Балки уялар. Унинг наздида, бу сўз фақатгина китобларда ёки киноларда қўлланилади.) Мана шу кўйлагида бағоят очилиб кетади-да. Этаги қийшиқ, арранинг тишлари шаклида тикилган пушти кўйлагида. Қизни ҳар сафар шу кўйлакда кўрганида алланечук ўртаниб, ҳатто йиғлаб юборишига оз қолади. Аммо, бу кўйини ўзи тушунолмайди. Яна шуниси ҳам бор эдики, Уфқ қизнинг ишқида қанчалик ўртанса, беихтиёр ундан шунчалик ўзини олиб қочарди, тўғрироғи, унга йўлиқишдан безиларди. Аввалари ундай эмасди, яқиндан бери шунақа бўлиб қолди.

Уфқ кийим-бошига унчалик эътибор қилавермас, бу борада орзу-ҳаваси йўқ ҳисоби эди. Покиза, ярашиқли

кийинарди, бироқ кийганлари ниҳоятда арзон нарсалар эди. Талабалар оламида бунақа кийимлар яққол кўзга ташланиб, ўз соҳибини «отнинг қашқаси» қилиб қўяди. Бундан Ёмғирнинг ори келдими, бир куни Уфққа деди:

– Кийим-бошизга сал қарасайиз бўларкан...

– Кийим-бошимга нима қипти? – Уфқ қизнинг гапини ҳазил деб ўйлаб, гўё кийимларини кўздан кечираётгандай у ёқ-бу ёғига аланглаб, тиржайди.

Ёмғирнинг юзига ҳам норизолик, ҳам араз кўланкаси урилди.

– Курснинг энг олди йигитисиз... Кийган кийимиз эса... Одам уялиб кетаркан... – деди у кўзларини яширишга уриниб.

Уфқ тош қотди, туси бўзарди, оқарди, бироқ бир сўз айтишга қурб тополмади. У болалигидан жуда таъсирчан эди, бу феъли улғайгани сари кучайса кучайдики, асло сусаймади. Бирон нарсадан мутаассир бўлса, тили калимага келмай, бутун вужуди гўё қуйига оқа бошларди. Ҳозир ҳам аламдан юрак-бағри ловуллади, келишган қаддибасти шалвираб, бир сиқим бўлиб қолгандай туюлди.

– Биласиз-ку, камбағал бир боламан... – дея тили қалдиради унинг. – Унақа нарсаларга ошинолмайман-да.

Қиз йигитнинг аянчли нигоҳига дош беролмади, гапидан чинакамига афсусланиб, изза бўлди. Айтганлари дилининг туб-тубида яралган мутлақо рост сўзлар эди-ю, айни дамда туппа-тузук йигитга қўққисдан айтиб юборган гапларини хаспўшлаб, унинг кўнглини нима билан дир олишими, кўтаришими лозимлигини ҳам тушуниб турарди.

– Хафа бўлмангу, буни сизни ўзимга яқин олганимдан айтяпман, – деди у овозига мулойимлик бахш этиб. – Ошинолмаяпман деб юравермасдан, имкон излаш керак-да. Керак бўлса, кечалари ишланг, ахир... Ахир «староста»сиз.

Ўшанда Уфқнинг қулоқлари ҳам том битганди. Ёмғирнинг гапларини кейинчалик хотирасида тиклаб, тош-тарозига солиб кўрди: қиз рост айтганди. Унинг гаплари солган изтиробларни четлаб ўтиши ҳам мумкин эди. Аммо Уфқ ундай қилолмади, қизнинг сўзлари кўнглига оғир ботди. У бир кун келиб, шу латта-путталар туфайли кимдандир, янаки ўзи кўнгил берган кишисидан дашном эшитишини хаёлига ҳам келтирмаганди.

Ўшанда Уфқ Ёмғир билан сўзсиз хайрлашди...

(Ростини айтсам, мен одам болаларининг бир-бирларига қилган мана шунақа муомалаларини яхши кўраман. Чунки ана ўшанда одам изтиробга тушиб, неларгадир қасд қилади, ўзини кўрсатиб, дилига озор берган қавмдошига нималарнидир исботлашни ва «кўрсатиб қўйишни» истайди, эҳтимолки, бутунлай менинг измимга тушиб, қасос ўтида ёна бошлар. Ҳа, қашшоқлик кўп нарсаларга қодир. У инсонда сабр-бардошни дунёга келтиради, унга нафсини енгишида кўмак беради ва асосийси, дил ойнасини тиниқлаштиради. (Мен – Лаъин одамизодга ҳар қанча ёмонлик истамайин, барибир беихтиёр яхшилик ҳам қилиб қўяман.) Бундан ташқари, қашшоқлик ё одамни эзиб, янчиб, тупроққа қориб, яксон қилиб ташлайди, ёки изтиробу аламлар исканжасида туғёнга солиб, буюк исёнларга элтади.

Инсон ўз кечмишларини ёки туйғуларини қалбига мажбурлаб тиқиштиради ва кўп ўтмай, бу туйғуларнинг чинлигини ўзи эътироф эта бошлайди. Аслида эса бу жамики одамларга одат бўлиб қолган ихтиёрсиз кўникма, холос. Шу жиҳатдан қараганда, Ёмғир уни зўр ўқигани, «староста» ва бунинг ортидан, домлаларга яқин бўлгани учун «ёқтирарди». Уфқ келишган ҳам эди. Биргина айби эса – камбағаллиги. Булар қизнинг илк таассуротлари. Кейинчалик, ўқишнинг оби-тобини олиб, барча ўқитувчиларга элтадиган йўлларни ўзлаштиргач, Уфққа бўлган

муносабатлари хиёл ўзгара бошлади. Қиз ўзига тўқ оиланинг фарзанди эди ва ўзига тўқлик, катта пулга, бойликка ошнолик, яъни имконлилик башар дунёсининг эътиборли мақомими, тамойилими эканлигини яхши англарди. Ҳамиша муҳтож юрган ва доимо елкаси қисилган одам ҳеч қачон бировни бахтли қилолмаслигини аниқ биларди. Бундай одам на яйраб кулишни ва на бировни яйратишни эплайди. У ҳамиша тунд, ҳамиша норизо. Қолаверса, энди муҳаббат пулга сотилиши ҳам мумкин. (Балки ҳамиша шундай бўлгандир.)

Уфқ эса қизга расмана талпинарди. У билан хилватларда ҳасратлашмаган, ўпишмаган, қучоқлашиб ўйин тушмаган ёки ошиқона термилишмаган бўлса-да, уни яхши кўрарди. Ҳатто кўпинча пулни ҳам Ёмғирдан оларди ва бу ҳоли ўзига хуш ёқарди. Бироқ қизнинг дашномидан сўнг ундан пул сўраш тугул, рўпара келса, ўзини олиб қочадиган, сўзлашишдан ҳам безиллайдиган бўлиб қолди...

Ҳа, дарвоза олдида турган Ёмғир эди. У музқаймоққа кетган ўртоғини кутаётганди. Ўртоғи келиши билан қиқир-қиқир кулишиб, дарсхоналар томон ўтиб кетишди. Уфқни кўрди, аммо кўрмаганга солди. Майли, бир жиҳати, менга қарамагани ҳам дуруст – кўзига хунук кўриниб нима қиламан, дея ўйлади йигит. Аммо Ёмғир бугун жуда-жуда очилиб кетибди-да!..

Одамнинг юз-кўзига қачон кулги-табассум ярашади? Аввало унинг тани-жони соғ, қозонида мойи, андармонликка лойиқ касб-кори бўлса. Акси бўлса, афтини ҳар қанча тириштирмасин, кузда шудгорлаб ташланган ер каби кўланка тусида тураверади. Уфқ тенг-тўшлари даврасида файз бўлгулик шўх-шодон йигит эди. Ҳозирги кўйига эса энди тушди – не истаб, не этмасин, охир-оқибат, кўнгли зимистону, юзи тунд қолаверади. Бағрини, вужудини нимадир мунтазам эзғилаётгандек, барча орзу-ўйлари, меҳнатлари эртами-индин буткул барбод

бўладигандек туюлаверади. Бу ҳолни башар қавми тушкунлик, деб атайди ва у анча-мунча одамни маҳв этишга қодир. (Зеро, у мендан, менинг макримдандир. Иродаси суст, иймони заиф кишилар илкимга тушгудек бўлсалар, эзиб-мажақлаб ташлайман. Йўқ, сиз ўйлаганчалик ваҳшийликка бориб, уларни ўз қўлларим билан маҳв этмайман. Мен уларнинг хаёлларини ўғирлайман ва натижада улар ўзлари ўзларини нобуд қиладилар. Ҳа-ҳа, ўзлари ўзларини!..) Уфқнинг наздида ҳам толеида илинжга лойиқ бирон нур кўринмасди.

У кўланка тусли юзини яширишни ич-ичидан истаса-да, бунинг уддасидан чиқолмай, шалвираганча уйига кириб келди.

Онаси сўридаги ихчам хонтахта устига ёзилган оҳорсиз дастурхонни йиғиштираётган эди. Онасига кўзи тушса, у ўзини бўлакча ҳис қила бошлар, юрагида аламми, изтиробгами ўхшаш туйғу жунбишга келиб, дод деб юборгиси келарди. Бу ихтиёрсиз истак кейинги кунларда тобора кучайиб, унга барҳам бериш учун нимадир қилиши зарурлигини аниқ-равшан тушуниб борарди. Бўғзидаги фарёднинг борлиғи аланга ичра эди ва у энг аввало, ўз соҳибини жизғанак қилмоққа ҳозир турарди. Онасининг кўзлари эса, унинг наздида, бу оловга мой сепгандек бўлар, чунки улар кишига бағоят мулойим боқсалар-да, ҳар не бардошни абас этар даражада мунглиғ-мунглиғ эдилар. Том маънодаги итоатгўй ва муслима онаси сабр отлиғ хазинаси мўл кишварнинг чин маликаси, таниганлар шу аёлда ҳам жаҳл, нафрат бормикин, у ҳам ёмонлик деган нарсани билармикин, дея ҳайратланишлари тайин эди.

Хаёли паришонлигидан онасига ё салом берди, ёки бермади. Одатдагидек ярим қучоқлашиб кўришарканлар, онаси юзидан ўпиб қўйди.

– Ҳм-м, болам, бугун келмасдингу?.. – деди онаси бирон нарсани уқиб олмоқчидай унинг кўзларига термилиб.

– Ўзим... – У нима дейишини билмади, – бугун сал... Дам олгим келди-да. – Сўнг гапни чалғитишга уринди. – Қалай, синглим ишлаяптими?

Онасининг кўзларида безовталик сезилди, қорачиқлари яширинишга урингандай у ёқ-бу ёққа думаларкан, нигоҳи баттарроқ мунглиғлашиб кетди. Лекин буни ўғлига билинтирмасликка уринди.

– Ҳов, ана, синглинг, бузоқнинг тагини тозалаяпти, – деди-ю, нари кетди.

– Ие... Ҳаа... – Уфқ каловланаркан, молхона томонда уймаланаётган синглисига овоз берди: – Ҳорма, ҳов, молбоқар.

Синглиси унга бир қараб, билинар-билинмас қўл силкиб қўйди.

Уфқ сўрига ўтирди.

– Тинчликми, ая? – деди кўнгли бир нарсани сезгандай.

– Тинчлик-тинчлик... – аёл кўзини олиб қочди. – Қорнинг қалай?

– Тушлик қилдим. – Уфқ бошқа бирон сўз демай, кийимларини алмаштиргани уйга кириб кетди. Онаси унинг ортидан раҳми келгандай тикилиб, оҳиста, бироқ аламли хўрсинди.

У икки боласини тирноқлаб катта қилди. Кечроқ фарзанд кўрганиданми, уларни ери кўкка ишонмасди. Эри раҳматли жуда меҳнаткаш, беозор одам эди. Лекин ҳадеганда фарзандли бўлишавермагач, бир оз ҳафсаласиз, инжиқроқ бўлиб қолди. Эҳ-ҳе, у кунларни ўйласа... Хайриятки, Худога нолалари етиб, «ўтин бўларида» ўғил туғди. Шундан кейин эри яна аввалги ҳолига қайтди, узоқ кутилган ўғил туфайли юрагида олам-жаҳон орзу-ҳаваслари уйғонди. Уй-жойлари мундайроқ бўлганлигидан келаси йилданоқ ўғлига атаб уй қуришга киришди. Раҳматли шу қадар завқу шавқ билан меҳнат

қилардики, кўрган одамнинг ҳам иш қилгиси келиб кетарди, сира чарчадим, демасди. Яна тағин, шунча ишлари орасида имкон топиб, ўғилчасини эркалатишни, ўзича у билан гангир-гунгир қилишни ҳам унутмасди. Асли ёқимтой, бунинг устига, мулойим ва ювош, ўғил туққач, яна-да очилиб кетган хотинини эса суйгандан суярди. Ўшанда қанчалар бахтиёр эди-я! Лекин орадан кўп ўтмай бахти бўзлаб қолди. Янги қурилаётган уйнинг синчи устида устага қарашаётган эри не фалокат босди-ю, ағдарилиб тушди. Баъзи одамлар осмондаги самолётдан йиқилиб ҳам омон қолган, аммо эри уч метрли томдан қулади-ю, қайтиб ўнгланмади. Тақдир деб шуни айтсалар керак-да. Умуртқа суяги синган экан, касалхонада бир ойча шифтга термилиб ёта-ёта бандаликни бажо келтирди. Бу эса қўлида гўдаги-ю, қорнида уч ойлик ҳомиласи билан қон қаро қақшаб қолаверди. Йиғлай-йиғлай ниҳоят тақдирга тан берди, иккала боласи учун яшаши кераклигини, яшаганда ҳам меҳнат қилиши, уларни оёққа турғазиши лозимлигини англади. Эри қиз туғилса, исмини Юлдуз қўяман, худди юлдузлардек чақнаб юрсин, дея орзуларди. Шунинг учун, қизи дунёга келгач, таомилга кўра, исмини Ёдгора қўймади, эрининг ҳаққи-ҳурмати Юлдуз деб атади ва шушу тош келса, кемириб, сув келса, симириб, яшайверди. Эрининг умрига зомин бўлган уй эса томи бир амаллаб ёпилган бўйи турибди. Бироқ болаларини ювиб-тараб, ўзи емай едириб, киймай кийдириб улғайтирди. Иккови ҳам мунчоқдай йигит-қиз бўлиб етишди...

Уфқ кийимларини алмаштириб бўлгач, уйдаги салқин ҳаво хуш ёқдими ёки кўнгли ғашлигиданми, ўзини қадрдон темир каравотига ташлаб, чўзилди. Қулоқларига болалигидан таниш овоз – эски каравотнинг ғичирлаши, димоғига эса бошқа бирон жойда учратмагани, ҳали-ҳануз ниманинг ҳидига ўхшашлигини

билолмагани, курсдошлари келса хиёл ор қилиб, уялгани, гоҳида бўлса, беихтиёр соғингани ўша чучмал ҳид урилди. Шифтга тикиларкан, юрагидаги туғёнлари ана шу ҳид берган ҳис билан қоришиб, бағри ўртанди, йиғлагиси келди. Яна онаси ва синглисини ўйлади, аламдан тишлари ғичирлади, тирноқлари билан ўзини ўзи бурдалаб ташлашни истади. Онасининг бутун умри меҳнатда ўтди – мактабда фаррошлик қилди, бозорда эса картошка, пиёз каби нарсаларни олиб-сотиб юрди, икки етимини ҳарнав ўкситмасликка, оч қолдирмасликка уринди. Бевалик аламини тунлари кўз ёшларидан олди. Шунданми, ёши элликка етмай, юзини тарам-тарам ажин босди, сочлари кумушдай оқариб, кампирга ўхшади-қолди...

Лекин Уфқ онаси бағрида оч қолмаган бўлса-да, умр бўйи отасизлигидан ўксиниб яшади. Ёлғиз ўғил эмасми, гоҳо отасизлиги росаям билинарди. Буни онасига сездирмасликка уринар, шундоғам заҳмату изтироблар ичра қолган маъсумасининг аҳволини тушуниб, аярди, унга дил-дилидан раҳми келарди.

Бироқ она барибир она-да, ўз жигарпорасининг кўнгил кечмишини сезмай қолармиди. Эҳтимол, онасининг ҳисобсиз ажинлари-ю, оппоқ сочларида унинг ҳам ҳиссаси бордир. Шунинг учун энди бирдан-бир орзуси синглиси ва айниқса, онасини бахтиёр кўриш, уларни тўкис ҳаётга олиб чиқиш эди. Шу ўйда жон-жаҳди билан тиришиб ўқиди, мактабни қойиллатиб тамомлади, ўша йилиёқ институтга кирди ва тез орада бу даргоҳнинг юлдузига айланди. Айни дамда учинчи босқичда ўқиркан, кўнглида бир эврилиш пайдо бўла бошлади. Болалигидан хийла маҳзун феълли бўлганидан, кейинги кунларда бу кўйи яна жунбишга келиб, қай тарафга боқмасин манзили кўринмас, гўё барча йўлларнинг охири йўқдек эди. (Бу борада мен унга хў-ўп кўмак бермоқда эдим.) Хўп, институтни

ҳам аълога битирарман, дея ўйларди у, хўш, кейин-чи? Қишлоққа келиб, ўқитувчилик қиламанми? «Орқам», «суянчиғим» бўлмагач, ким ҳам мени бошқа тузукроқ ишга оларди. Бир умр чақа санаб, тирикчилик дардида ойликни кутиб яшайман. Онаму синглим ҳам рўшнолик кўрмай ўтишади. Шундай экан, онам ва синглим билан бирга бир умр қашшоқликда, муҳтожликда зор қақшаб, соғ-саломат яшагандан кўра ўзим ногирон бўлсам ҳам жигарларимнинг тўқчиликда кун ўтказгани маъқул эмасми? Бунинг учун ниманидир қурбон беришим лозим экан, нега иккиланаман! Хўш, менинг қурбонликка арзигулик нимам бор? Жонимми? Менинг жоним ўзимдан бошқа кимга зарур? Хўш, унда нимамни сотишим мумкин? Уйни сотсам, бу кунимиз ҳам ҳолва бўлиб, кўчада қоламиз. Уйсизликнинг олдида қашшоқлик нима экан?.. Демак, сотишга арзигулик биргина нарсам бор – у ҳам бўлса, атрофимдагиларнинг эътиборини тортаётган ақлим, яъни миям. Ана уни сотсам бўлади. Ҳозир илму фан бағоят ривожланиб кетди, юрак, мия деган нарсаларни алмаштириш чўт эмас. Бир муддат чидаб турсам бас, қарабсизки, анчагина пул ишлаб оламан. Менга ҳам биронта мундайроқ (шу фикр хаёлига келганда беихтиёр жилмайиб қўйди) мияни жойлаштириб қўйишар. Пул катта бўлгач, бунга чидаш мумкин. Онамга касал бўлиб қолдим, дейман. Ногирон бўлсам ҳам унинг ёнида қоламан-ку. Балки секин-аста ўзимга келиб кетарман. Қанийди!.. Фақат миямга харидор чиқармикин? Булут гапимни чин деб қабул қилдимикин ишқилиб?..

5

У кечгача шу кўйи, маънисиз ағанаб ётди. Онаси чорлагач, эринчоқлик билан ўрнидан туриб, ташқарига чиқди ва юз-қўлини апил-тапил ювиб, сўрига борди. Онаси билан синглиси овқатни қўйиб, унинг чиқишини кутишарди.

Шом кирарди. Бир неча соат чўзилиб ётган Уфқнинг вужудида ёқимсиз ланжлик пайдо бўлганди. Шомда ётмагин, ухламагин, деган гапда жон бор экан-да, дея ўйлаб қўйди у, агар шомгача ётсам, овқат чайнашга ҳам ҳолим қолмасмиди. (Ҳа, одам фарзандлари ота-боболарининг ҳар бир гапида, амалида ҳикмат бўлганлигини ҳамиша ҳам фаҳмлайвермайдилар ёки тан олмайдилар. Чиндан ҳам шом маҳали кўплаб одамларнинг ихтиёрлари менга мойил бўлади. Чунки бу бағоят тиғиз пайт, зеро, озгина эринчоқлик туфайли шом намозини қазо қилиш мумкин. Шунинг учун мен бу маҳалда барча инсонларнинг вужудларига ана ўша озгина эринчоқликни солмоққа уринаман.) У индамай бориб онасининг ёнига ўтирди.

– Ётавериб қорнинг ҳам очгандир? – деди онаси доимгидек эркаловчи мулойим овози билан. – Ол, овқатинг совимасин.

Уфқ ҳафсаласизлик билан овқатга қошиқ солди. Овқат ёғсизроқ ва гўштсиз бўлганидан қайнатма хўрдага ўхшаб кўринди. Нигоҳи дастурхонга кўчди: унда уч тўғрам суви қочган уй нони ва қотинқираганидан ушоқлари сочилиб ётган яримта булка нон турарди. Онаси сезгир эди, унинг хаёлига келган нохушликни дарров пайқади.

– Қарасам, манови қотган нонлар увол бўладиган. Шунга, суюқ овқат қилсам ейилиб кетар, дедим-да, – деди онаси гўё бахтиёрликдан кулаётгандай тишларини кўрсатиб, ажинли юзини баттарроқ тириштираркан. – Худо хоҳласа, эртага магазиндан ун обчиқиб, иссиқ нон ёпиб бераман.

Уфқнинг вужудидаги хиёл сўна бошлаган ўртаниш яна жунбишга келди. Онаси ва синглисини бахтиёр қилишга ожизлигидан дод деб юборишига оз қолди. У билади – онаси ҳозир уйдаги ҳақиқий аҳволни хаспўшлаяпти. Уйда ун тугаганлиги аниқ. Эртага ростдан ҳам дўкондан

ун олади, бир хамирлик, бироқ униям насияга олиб чиқади. Дўкончи кирими йўқ оилага насияга ун берадими-йўқми – бу ёғиям ноаниқ. Мабодо берса, онаси шўрлик пенсия пулидан бир амаллаб қарзини узади. Эй, Худо, дея фарёд урди йигитнинг қалби, ўзинг бирон чорани кўрсат! У бир қошиқ овқатни қийналиб ютаркан, киприкларининг ости ачишиб кетди. Сўнг миясида нимадир ялт этди-ю, хаёлини чалғитмоқчи ва шу билан онасининг кўнглини кўтармоқчи бўлди. Шу ниятда синглисига кўзлари чақнаб, гўё шўхчан боқди:

– Ишларинг қалай, ҳов, молбоқар? – деди ҳазиллашишга уриниб.

– Яхши, – деб қўйган қиз ерга қараб индамай овқат ичаверди.

У бунақа пайтда акаси билан теппа-тенг айтишиб, ҳазиллашарди. Ҳозирги туришидан Уфқ ҳайрон бўлди.

– Ишингга чиқаяпсанми? – сўради овози жиддийлашиб.

Она икков боласига қараб, ерга боққанча бирпас турди-да, «пиқ» этиб йиғлаб юборди, синглиси эса шошиб ўрнидан туриб, уйга кириб кетди. Уфқ «нима гап», дегандай онасига қаради.

– Овқатингни ича қол, болам, ҳеч гап йўқ, – дея онаси кўзларини қаерга яширишни билмай безовталанди.

Уфқ олдидаги косани нари суриб, онасига қаттиқроқ тикилди, бу нигоҳга боқиб, ёлғон гапирмоқнинг ёхуд гапни хаспўшламоқнинг мутлақо иложи йўқ эди. Онаси калта рўмолининг учи билан лабларини яширишга уринди – бу йиғининг аввалида аянчли қайрилмоққа шайланган лабларини кўрсатмаслик учун қилган ихтиёрсиз ҳаракати эди.

– Буни сенга айтгим келмаганди-да, болам, – онаси ҳарчанд уринмасин, барибир сўзининг охирида овози чийиллаб кетди.

Уфқнинг юраги бир қалқиб тушди...

Ўшанда шанба эди. Одатдагидек тушдан кейин уйга келса, онаси гўё ҳазиллашаётгандай деди:

– Ўғлим, оқ ёғимиз тугаганига уч-тўрт кун бўлди. Бирор кило ёғ топиб келсанг, би-ир ош қибберардим-да.

Уфқнинг юраги эзилиб кетди. Ёғ тугаганига уч-тўрт кун бўлган бўлса, демак, онаси ва синглиси шунча кун ё иссиқ овқат ейишмаган, ёки фақатгина қайнатма билан кифояланишган.

Онаси ўғлининг аҳволини сезиб турганидан, дарров изоҳ берди:

– Колхоз (жамоа хўжалиги) қачоонлардан бери пул бермайди. Мен ишлаганман, синглинг ишлаган... Идорага бир чиқиб кўрмайсанми. Ҳақини талаб қилганларга озмоз оқ ёғ беришаётган эмиш.

Уфқ чора топилганидан хийла енгил нафас олиб, ёғ идишни кўтариб, хўжалик идорасига жўнади.

Ҳамиша кўзларига чиройли кўринган қадрдон қишлоғи кейинги пайтда негадир файзсиз ва ҳатто зимистондек туюла бошлаганди. Қачон қишлоққа келса, юрагида ўзи истамаган залворли бир зерикиш пайдо бўларди. Мана, баҳор авж паллага кириб, бутун борлиқда бемисл шукуҳу тароват кезинаётганлигига қарамай, қалбини тушуниксиз изтироб эгаллаб олди. Айни дамда яшилланаётган дарахтлар ҳам, шомнинг бўғзига тиқилаётган тилло ранг қуёш ҳам ва умуман ҳамма-ҳамма нарсалар файзсиз, бегонадай кўринади. Ўша жудаям эски ибора билан айтганда, ичига чироқ ёқса, ёришмасди. (Ҳа, ўқигувчилар аллақачон пайқаб олганидек, унинг бу кўйига боис мен эдим, жисму жонини буткул ишғол этгандимки, ғофиллигидан буни сезмасди. Зеро, буни илғагувчи кўнгил кўзларига парда тортилганди. Воҳки, шу гапни айтишнинг ўзи мени мендан мосуво этар.)

У ўтган-кетганлар билан лоқайд тарзда салом-алик қилиб борди. Шу пайт Одамбойга кўзи тушди. Уфқ ёши

ўттизнинг нари-берисидаги, лекин афт-ангори эллик-олтмиш ёшли кишига ўхшаб кўрингувчи бу одамнинг феъл-атворини ҳеч тушунолмасди. Баъзи одамлар каби гоҳо жинни бўлса керак-да, деган хаёлга ҳам борарди. Чиндан ҳам Одамбойнинг сочлари оппоқ, ўсиб, қулоқлари устига тушган, ажин босиб кетган юзи заъфарон, кўзлари ҳамиша ёшинқираб туради, доимо йиғламсираб, илтижо қилаётгандай овозда гапиради.

Уфқнинг беихтиёр мана шу ғаройиб одам билан гаплашгиси келиб кетди:

– Ассаломалайким, Одамбой ака. Қалайсиз? – деди овозини бир оз қувноқликка йўғириб.

– Яхшимисиз, Уфқжон? – дея қўшқўллаб кўришган Одамбой йиғламсиради, ҳасратли овозда сўзланиб, девор ортидаги ўрикка ишора қилди. – Шўрлик ўрик гулларини қаранг, қовжираб-қовжираб узилиб тушаяпти. – У ростмана йиғлаб юборди.

Одамбой Уфққа қайтиб бир сўз айтмай, бошини сарак-сарак қилганча «Ҳе, афсус-ҳе, афсус», дея йиғлай-йиғлай нари кетди. Уфқ унинг ортидан бирпас анграйганча тикилиб тураркан, беихтиёр ёнбошидаги ўрикка қаради: гуллари учиб, тебрана-тебрана ерга ёхуд девор устига қўнарди. У девор ёнига бориб, ердаги қовжираган ўрик гулларидан бирини қўлига олди. Бармоқларида уқалаб, эзиб ташлади. Сўнг «ўрик гули бўлганидан кейин тўкилади-да», дея пичирлади лаблари ва Одамбой тарафга қараб, бошини тебратаркан, билинар-билинмас жилмайди: «Бу одам соғ эмасов»!.. Шунинг ортидан яна ўз ташвиши ёдига тушди. «Ёғ бормикин ишқилиб?» Кўз олдида раиснинг сурати гавдаланди. Йўқ, буларнинг раиси аксарият одамлар тасаввуридагидек семиз эмасди. Бўй-басти ҳам, ориқ-семизлиги ҳам ўртача эди. Фақат кўзлари ғалати боқарди – маъносизми-ей... Хуллас, унинг кўзларидан сизни ёмон кўраётганлигини ҳам, яхши кў-

раётганлигини ҳам ёки гапингизни тинглаётганлиги-ю, тингламаётганлигини ҳам билиб бўлмасди. Эҳтимол Уфқ кабиларгагина шунақа боқармиди ёки унга шундай туюлармиди, ноаён. Нима бўлганда ҳам унинг қарашидан рўпарасидаги одам ўғирлик қилиб қўлга тушган ёш бола аҳволида қоларди. Шулар хаёлидан ўтиб, Уфқнинг алами баттар кучайди.

Раис хонасида экан. У иккиланиброқ салом бериб, кириб борди.

– Ҳа, ке, студент, тузукмисан? – деди раис ўрнидан қимир этмай у билан сўрашаркан, кўзлари деворни ковагидек олайиб. – Ўқишларинг яхшими?

– Раҳмат. – Уфқ раиснинг муомаласидан, айниқса, ўтиришга таклиф этмаганидан хиёл эсанкиради. Яхшики, ёғ идишни қабулхонага қўйиб кирганди, акс ҳолда, ҳозир «дежурний гап» ҳам топилмасди.

– Ёққа чиқувдим, раис бува...

Раис пинагини бузмай, тўнғиллади:

– Бу одамлар ўзи ёққа тўярмикин-а? Шу яқиндан бери неча тонна ёғ тарқатдим-а...

Уфқ иш ҳақи бермаганингиздан кейин одамлар ҳеч йўқ ёғ ҳам олмасинми, демоқчи бўлди-ю, айтолмади, ёғдан бенасиб қолишдан қўрқди.

Раис столи ёнбошидаги қўнғироқни босиш асносида яна писанда қилди:

– Одамлар очкўз бўп кетяпти ўзи, ҳеч нарсага тўймайди!..

Остонада пакана котиб пайдо бўлди.

– Бўғолтирди чақир, – деди раис унга.

– Бўғолтир уйига чиқиб кетувди, – дея чийиллади котиб.

– Ҳмм... Бўмаса, ўзинг ёзиб кир – манавинга омборчи икки кило ёғ берсин. Мен қўл қўйиб бераман.

Уфқ «тўрт кило» деворишига оз қолди-ю, яна раиснинг кўзларига боқишини ўйлаб, ўзини тийди. У қоғозни

олиб, омборхонага ўтди. Омборчи сўрида ўтирарди. Уфқнинг қўлидаги ёғ идишни кўрибоқ, саломига ҳам алик олмай, шанғиди:

– Ҳмм, ёққами? Қоғозинг борми, ишқилиб?

Уфқ у билан сўрашишни ҳам истамай, индамай қоғозни тутқазди.

– Бўғолтирди қўли қани? – деди омборчи қоғозга бирров қараб, ўдағайлагандай. – Бўғолтирди қўли бўмаса бўмайди.

Уфқнинг чакка томирларига олов урилиб, вужудидаги алам бўғзига тиқилди.

– Раиснинг қўли турибди-ю, ака, – деди ўзини босишга уриниб, тишлари орасидан.

Омборчи писандсизларча қўлини силтаб, яна сўрига ўтириб олди:

– Раис катта одам, иннайкейин кўнгли бўш, ҳеч кимнинг дилини оғритгиси келмайди. Мен бўғолтирга отчўт бераман.

Уфқнинг хўрлиги келиб, тутоқиб кетди:

– Ҳўй, онам билан синглим бу колхозда неча йил ишлаб, бир тийин ҳақ олмаган. Энди икки кило ёққаям ҳаққимиз йўқми? Ҳе, ўша сенларни!.. – У ўзини буткул унута бошлади, шу алпозида омборчини дўппослаб қўйиши ҳам мумкин эди. – Уч-тўрттанг бир бўлиб, колхозни кемириб ётибсанлар!..

– Оғзингга қараб гапир! – чиранди омборчи. – Оғзинг қийшайиб қолмасин тағин!..

Уфқ қўлидаги ёғ идишни ерга қўйиб, омборчига ташланишга шайланди.

– Кўрсат ўша ишонганларингни, каламуш!..

Шу пайт ланг очиқ дарвозадан асфальт рангли «Нексия» визиллаганча кириб келди-да, сўрининг ёнида тўхтади. Қишлоқнинг энг бой одами бўлмиш Давлатмирза фермер машина эшигини очиб, бир оёғини ерга қўйди-ю,

лекин тушмади. У қирқ ёшлар атрофидаги қадди расо, чакка сочлари чиройли оқарган, келишган одам эди.

Фермер уларнинг авзойини кўриб, ниманидир тушунди шекилли,

– Нима гап? – дея сўради омборчидан.

Омборчи хўжалик раиси ишончидаги одам бўлганидан дадиллашиб, қаддини ростлади. Чунки Давлатмирза фермер раиснинг амакиваччаси эди.

– Кўрмайсизми, манави тирранчани!.. – деди тўнғиллаб.

Уфқ бир силтанди.

– Тирранча дема!

– Ие-ие, ҳа, студент? Мен сизни жа яхши бола деб юрардим. Бу нима қилиқ? – Давлатмирза ёқимли жилмайиб, ўтирган ҳолида унга қўл узатди.

Уфқ унинг хайрихоҳона муомаласидан хиёл юмшади ва бир-икки қадам ташлаб, яқинлашди-да, бир оз энкайиб сўрашди.

– Жа қутуриб кетишган-да булар, – дея минғирлаб қўйди у ўзича фермернинг олдида паст келгиси келмай.

Давлатмирза омборчига «сен боравер», дея ишора қилди-да, Уфқдан сўради:

– Тинчликми?

У эса икки кило ёғ учун жанжаллашгани энди таъсир қилиб, ўнғайсизланди:

– Тинчлик... Шуу, ҳалиги... Озгина ёғ керак бўп қолувди...

– Шу холосми? – дея кулди фермер, – ўтиринг машинага!

Уфқ нима қилишини билмай серрайиб қолганди, Давлатмирза яна кулди.

– Ёғ керакми ўзи?

– Ҳмм...

– Унда ўтиринг!

Уфқ ёғ идишини олиб, индамай машинага ўтирди. Давлатмирза машинани кескин бураркан, бир оз секинлаб, нарироқда бўзрайиб турган омборчига буюрди:

– Товуқ фермамга бир арава буғдой ўтказворинг. – Машинасини тезлатаркан, секин қўшиб қўйди: – маккадан арзонроқ-да. – Лекин бу гапни Уфққа айтдими ёки ўзичами, тушуниксиз эди.

– Нима қиласиз шуларга ялиниб. Бизникида оқ ёғ бор, – деди Давлатмирза бирпас жим боргач, эркаловчи оҳангда.

Уфқ отасиз етим ўсганиданми, болалигидан ўзига яхши гапирганларни, айниқса, тарафини олганларни хушларди. Ҳозир ҳам Давлатмирзанинг муомаласидан, омборчининг олдида тарафини олганидан болаларча эриб, ҳузурланиб борарди. Бу одамни кибру ҳаволи, деб юрардим, хато ўйлаган эканман. Туппа-тузук камтарин, инсофли одам экан-ку. Машинасиям зўр. У ўриндиқ суянчиғига бемалолроқ суянаркан, фермерга зимдан кўз ташлаб қўйди.

– Ўқишлар яхшими ишқилиб, студент? – дея шодон овозда сўради унинг қарашини пайқаган Давлатмирза.

– Яхши, – деб қўйди у секингина.

Ана, уларнинг дарвозасидан ўтиб кетишди. У билади – Давлатмирзанинг уйи қишлоқнинг нариги томонида.

– Онангиз, синглингиз яхши юришибдими? – дея меҳрибончилик қилди фермер.

– Раҳмат, – деркан, Уфқнинг кўнгли яна ғашланди.

Халқда (одам фарзандларида-да) баъзи йигитларга нисбатан «ота тарбиясини кўрмаган», деган ибора ишлатилади. Бу гапни кўпчилик тушунмайди. Зеро, отасиз ўсган йигитлар ҳар қанча одобли, хушмуомала бўлмасинлар, юриш-туришларида (айниқса, жамоат ўртасида) баъзи ноқисликлар зоҳир бўлади. Улар «кўча маданияти»ни кўпам билавермайдилар ва ўзаро муомалаларда

тез-тез «қовун тушириб» турадилар. Улар жуда ишонувчан бўладиларки, одамлар аро пинҳона яшагувчи муғомбирона имо-ишораларни, хийла-ю пичинг ва масхараларни фаҳмлашга ожиз қоладилар. Бундай фаросатни ҳар бир йигитга асосан ўз отаси беради, оталар ўғилларини ихтиёрий, гоҳо беихтиёр кўчага тайёрлайдилар. Отасидан эрта жудо бўлган болалар эса бундан маҳрумдирлар ва ҳалиги инсоний синоатларни аста-секин ўзлари кашф этиб борадилар.

Уфқ ҳам Давлатмирзанинг муомалаларидан эриб, унга чиппа-чин ишонмоқда эди. Агар ёнидаги одам уни гапга солса, барча сирларини очиб ташлаши ҳам ҳеч нарса эмасди.

Давлатмирзанинг уйи қишлоқдаги энг ҳашаматли иморат эди. Улар бинонинг оғзидай туюлган улкан нақшинкор чинор дарвоза олдида тўхтадилар. Фермер машинанинг сигналини бир-икки чалиб қўяркан, Уфқнинг қўлидаги ёғ идишга бирров қараб, деди:

– Қанча ёғ керак ўзи? – деди гўё қанча бўлса берадигандай.

Уфқ каловланди. Бунинг устига, ҳали ўйламабдиям – ахир ёғ олгани пули йўқ-ку. Агар хўжалик омборидан олса, онасининг иш ҳақи ҳисобидан бўларди. Фермер минг яхши одам бўлмасин, барибир текинга бермас. Аммо ҳозир ёғни текинга беришини жуда-жуда истади. Озгина ёғ Давлатмирзадек одам учун нима бўларди. (Ҳа, бу бола бағоят содда ва ишонувчан эди. Акс ҳолда бундай хаёлга бормаган, унинг дунёсида ҳамма нарса ҳисоб-китобли эканлигини англаган бўларди. Аслида ҳам соддалик, ишонувчанлик менданми ёки яхшилик аломатими? Ахир соддалик буюк ёвузликларга доя бўлиши мумкин-ку, худди ҳозиргидагидек.) Дарвозада қорачадан келган ўсмир бола кўринди (афтидан хизматкор бўлса керак). Давлатмирза Уфқнинг қўлидаги идишга ишора қилиб, болага буюрди:

– Манави идишни оқ ёққа тўлдириб чиқ.

Уфқ бир йўла тўрт кило ёққа эга чиқаётганидан ичида хурсанд бўлса-да, иккиланиб, ғўлдиради:

– Аммо-лекин, пулим йўқ, ака.

– Ие, қизиқ экансиз-у, ким сиздан пул сўраяпти. – Кейин у Уфқнинг кўзларига жиддий ва самимий тикилди. – Биламан, аҳволинглар оғир. Сиз ўқишни тамомлагунингизгача... – Унинг овози мулоҳазакор оҳангга кирди. – Истасангиз, агар тўғри тушунсангиз, ёрдам беришим мумкин.

Уфқ фермернинг ялтираган, устига-устак, ўзига жуда-жуда ярашган тилла тишларига, кўпчиган юзи ва келишган қоматига боқаркан, ўзини ғариб сезиб, суст кетди (содда-да, бойлик, тўкинлик кишининг ҳуснига ҳусн қўшишини билмайди).

– Қандай қилиб? – дея сўради у беихтиёр.

– Синглингиз бекор юрмай, бизникида уй ишларига қарашиб турсин. Оддийгина уй ишлари, холос. Мен унга ойлик тайинлай, ҳар ҳолда ёрдам-да. – Фермернинг кўзлари ғалати чақнаб қўйди.

Уфқ унга ишонқирамай тикилди. Бу орада хизматкор бола ёғ идишни кўтариб қайтиб чиқди.

– Акангга бер, – деди унга фермер. – Ташлаб қўяйми ё ўзингиз кетаверасизми?

Бу гапдан кейин Уфқ бутунлай шошиб қолди:

– Йўғ-е, ўзим кетавераман... Раҳмат... Раҳмат...

– Бўпти. Ҳалиги гапимни ўйлаб кўринг...

Бор гап шу. Кейин...

Бу гапни эшитди-ю, онасининг авзойи ўзгарди, лекин ўғлидан андиша қилиб, ичидагини ташига чиқармади-да, деди:

– Пенса пулимиз чиққанда ёғининг пулини бериб қўярмиз.

– Ҳа, нима, ая, уйидаги енгил-елпи ишларни қилиб юраркан. Ҳар ҳолда сизга ёрдам бўларди-да, – деди Уфқ

бидиллаб. – Ёғни пулиниям синглимнинг ойлигидан ушлаб қолаверади.

– Майли-ю... – онаси шўрлик яна каловланди, бироқ тилининг учида турган гапни айтишга ийманди, ахир ўғли кап-катта йигит бўлиб қолди. Онанинг хаёлида шу гаплар эди-ю, аммо ўғлининг самимий чеҳрасига, беғубор нигоҳига боқиб, завқи келар, ёлғиз жигаргўшасининг покдомон инсон бўлиб улғайганлигидан оналарча фахрланарди.

– Синглингнинг ўзи нима деркин?

– Нима дерди, жон дейди-да, – деди шақирлаб бу оламнинг жирканч савдоларидан бехабар ўғил. – Давлатмирза ака кап-катта одам, Юлдузни хафа қилиб қўймас, ахир!

Она бу гапни ўзича тушунди – демак, ўғли у ўйлаётган нарсани ҳам ҳисобга олган ва эҳтимол шунинг учун кўнгли тўқдир. Хуллас, Юлдуз Давлатмирза фермерникида ишлайдиган бўлди. Орадан икки ҳафта ўтар-ўтмас қизгина ойлигим, деб пул ҳам кўтариб келди. Фермернинг уйидаги шарт-шароитни, муомалаларини оғзидан бол томиб мақтади... Икки кун кейин эса уйга қон қақшаб йиғлаб қайтди. Онаси бечора қўрқиб кетди, миясига лоп этиб урилган фикрдан эсини йўқотаёзди. Билса, ўша куни фермер уйга маст келибди... Яхшики, қизини Оллоҳ сақлабди...

– Бўйнинг узилгур Давлатмирза синглингга тегинибди, – деди она ҳамон рўмолининг учи билан лабларини тўсган кўйи.

Уфқнинг қўлидаги қошиқ «чиқ» этиб чиннига урилди. Аввалига юраги «шиғ» этди-ю, сўнг бутун вужуди қуйига оқа бошлади. Ҳатто ўтиришга ҳам мажоли етмаётгандай бўшашиб, белини сўрининг суянчиғига тиради. Кейин ҳар бир томирида олов ёнаётгандек туюлди-да, юрак уриши тезлашиб, чаккалари қизиди. Бироқ ғазабини ташқарига чиқаришга ҳам, ҳеч йўқ сўкиниш ёки бирон сўз айтишга ҳам онасидан истиҳола қилди. Ахир ҳамма айб ўзида-ку.

Энди билди, ўшанда онаси бунақа бўлишини сезган экан-да. Фақат, ўғил бўлиб... Синглисини унга ўзи қўшиб қўйгандек уят олови жону жаҳонини куйдира бошлади.

У ичидагини онасига сездирмасликка уринар, аммо хаёлан Давлатмирзадан қасос олмоқ режасини тузарди.

6

У ўзини тўрт кило ёғ эвазига синглисини сотгандай ҳис этиб, юрак-бағри куяр, алам жону жаҳонини ўртарди. Жунбишга келган номуси Давлатмирзани бўғизлаб ташлашга ундарди.

Уфқ аёлу қизларга муносабат борасида ҳаммани ўзига ўхшатарди. Эркак зоти чиройли аёлларга, дейлик, қизларга бошқача кўз – шаҳвоний назар билан қараши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмасди. Гоҳо хилват ерларда ва ҳатто йўлаклар четида қўл ушлашиб, тумшуқларини тумшуқларига тираб турган қиз-йигитларни кўрганида ҳаваси келар, ўзи ҳам Ёмғир билан учрашувга чиққанда шунақа қилишни орзулаб қўярди. Бироқ кўп ўтмай, ўзининг бундай алпозда ҳеч қачон туролмаслигини (ўпишиш ҳақида-ку гап бўлиши мумкин эмас) тушуниб, уялиб кетарди. Тўғри, Ёмғир билан учрашувга кўп чиққан, ҳамма севишганлар каби қизни қучоқлаш ҳам хаёлидан ўтган, лекин ҳеч қачон жазм этолмаган ва умуман, Уфқнинг қизларни қучоқлаш борасидаги фикри бошқаларникидан анчагина фарқ қиларди – қўзичоқни қучоқлашдай бир гап эди. У Ёмғирнинг қўлини ҳам нари борса бир-икки марта ушлаганди, холос. Шундай экан, унинг Давлатмирза ҳақида ёмон ўйга бориши ва баъзи кимсаларнинг ҳар қандай муруввати миннатли эканлигини, қолаверса, ўша тўрт кило ёғ ортида ҳам бир мақсад яширинганлигини англамоғи мушкул эди. Одамзод меҳр қўйган бу дунё разолат, шаҳват ботқоғига ботиб кетганлигини, аксарият одам-

ларнинг шу ботқоқда булғанишга маҳкумлигини у ҳали тушунмасди. Ахир ёруғ оламдаги ишларнинг ярмидан ортиғи икки жинснинг шаҳвоний майллари ортидан битишини ёки юритилишини ҳамма ҳам ва айниқса, чекка бир манзилда, бокира бева она қучоғида ўсган Уфқ кабилар билавермайди-ку. Баъзи ўзларини адолатли, ҳамиша яхшиликни кўра олишга қодир, деб билгувчилар бу гапларни дарров инкор этишга уринишлари аниқ. Аслида улар ҳам буни жуда яхши билсалар-да, тан олишни истамайдилар, холос. (Аммо мен инсон эмас, Шайтонман ва Уфқ каби тоза одамларнинг борлигидан қанчалар изтиробга, қийноққа тушмайин, барибир ундайларнинг борлигини ҳаттоки мен ҳам тан оламан.) Бир манзилда, бир хил муҳитда улғайган, китобийроқ қилиб айтсак, жигар-жондошдай туюлган Давлатмирзанинг қизи тенги навжувонга тажовузи бизнинг (яъни менинг) барча даъволаримизни исботлайди. Уфқ мана шундан доғда эди. У кейинги кунлардаги руҳий изтироблари сабаблими ёки тобора жиззаки бўлиб бораётганлигиданми, эҳтимол ёмонлигу яхшиликнинг, инсонлараро муносабатларнинг тамойиллари чек-чегарасини билмаганлигиданми, миясига шитоб энг ёмон фикр урилди-ю, ҳалиги гап – ўзини тўрт кило ёғ учун синглисини сотгандай ҳис қилиб, хўрлиги келди. Балки Давлатмирза ёғни бераётганда синглисига осилиш ҳақида умуман ўйламагандир ва чиндан ҳам унга саховат кўрсатгиси келгандир... Нима бўлганда ҳам энди Уфққа барибир эди, Давлатмирза унинг энг нозик жойига дахл қилганди ва даҳшатлиси, бу ишини гўё йигитнинг розилиги билан амалга оширгандай туюларди. Буниси ҳам майли, ўшанда онаси синглисининг Давлатмирзаникига бориб ишлашига розилик бергиси келмагани, Уфққа нималарнидир айтишга истиҳола қилганлигини, охир-оқибат унинг қистови билан кўнганлигини ўйлагани сайин баттар эзиларди. Демак, онаси шундай бўлишини билган, андишаси кучли-

лигидан ўғлига айтолмаган, холос. (Ҳа, чиндан ҳам шундай бўлган. Мен ҳар қанча қистамайин, ўз андишасидан воз кечмаган.) У эса синглисининг бўйига етган, тўлишган қиз эканлигини хаёлига ҳам келтирмабди-я! Наҳотки шунчалар гўл бўлса?! Йўқ, бу гўлликкина эмас, айни фаросатсизликдир...

Уфқ қоронғу тушгач, кўчага чиқди. Давлатмирза ҳозир даладаги фермасида эканлигини яхши биларди. Бир жиҳати, шуниси маъқул – маҳалла-кўйдан четда, хилватроқ жойда муштлашиш осон бўлади. У дала йўлига бурилди.

Уфқ дунёдан, кейинги кунларда уни бир аҳволга солган шу ёруғ дунёдан безиб бўлганди. Бироқ қаёққа, қандай қочишни билмас, бирон андармонлик тополмасди. Шунинг учун ёзиғига битилган ҳар бир воқеа ёки зарба унга икки ҳисса кучлироқ таъсир қилар, наздида, энди ҳеч қандай нажот йўқдай кўринарди. У ўзини жуда-жуда ёлғиз, бунинг устига, бағоят ожиз ҳис қилмоқда эди. Вақт уни емириб, эзиб-янчиб борарди. Айни пайтда унга ҳеч йўқ ел менгиз нажотбахш туртки керак эдики, тобора ўз пинжига олаётган ғафлат, оташли ғафлат балосидан зора уни уйғотиб юборса ёхуд бирон сезгир ва самимий дўст умиднинг ингичка риштасига базўр осилиб турган бармоқларига ўз билагини тутса қанийди!.. Минг надоматким, на турткидан ва на нажоткор билакдан дарак йўқ эди. Дунёдаги энг оғир хасталик – камбағаллик, топталган номуснинг аянчли ингранишлари унинг шууридами, қалбидами, мана-мана милтираши мумкин бўлган умид нурини сўндираверарди ёки дунёга келишига мутлақо йўл бермасди...

У яқингинада пайдо бўлган замона бойининг камтарона қароргоҳига етиб борди. Камтарона деганимизнинг боиси шундаки, бир пайтлар дала шийпони бўлган бино яхшилаб таъмирланиб, турфа бўёқли безаклар берилган,

ён-верига ихчам хоналар қурилиб, атрофи девор билан ўралганди-да, ҳашаматли дарвоза ўрнатиб қўйилганди. Чироқларнинг кўплиги кўзга хуш ёқувчи гўзал бир манзарани кашф этганди.

Замона бойлари, энг аввало, ўзларига катта имкониятлар яратган давлатни алдашни ҳам, халқнинг кўзини шамғалат қилгувчи сохта камтаринликни, тадбиркор номига безак бўлгулик ишчанликларини намойиш этишни ҳам жуда-жуда ўрнига қўярдилар. Улар яшашни, янаки, замонага боқиб яшашни яхши билардилар. Худдики, Давлатмирза каби...

У раиснинг жияни – акасининг ўғли. Институтни битириб, отаси раҳматлининг амри-ю, амакисининг хоҳиши билан хўжаликка ишга келди. Аммо чамаси, «юз йилдан» буён раислик қилаётган амакиси уни эркалатиб қўймади. Олий маълумотли бошига ҳайдовчиликни юклади – алмисоқдан қолган «Виллис»ни миниб, идорадаги югур-етим ишларни қилиб юрди. Бир неча йилдан сўнг ҳисоб-китоб соҳасидаги енгилроқ ишлардан берди. Шундай қилиб, аста-секин ишнинг ҳадисини олиб борди. Кейинроқ каттагина бригадага бригадир бўлиб, ер тилини ҳам ўрганди. Бу орада қавм бошида, ўзлари айтмоқчи, қуёш порлаб эмин-эркин нафас ола бошладилар. Авваллари ҳеч бир меҳнатсиз, текиндан еб келган эканларми, энди бир тўғрам ноннинг ҳам қадрига етиб, емиш ташвишига тушдилар. Кейин эса хусусийлаштириш деганлари чиқиб қолди. Қандай қилиб мол-мулкини кўпайтиришни, уни қандай кўз-кўзлашни билмай турган (тўғрисини мен айтмасам биров айтармиди – давлатдан қўрқиб турган), бунинг устига, дастлабки алғов-далғовларда пинҳона хийла бойиб қолган ишбилармонларга (ростдан ҳам шундай), уларнинг васвасаларига қон бўлиб, жон бўлиб ривож берди. Улар бутун-бутун заводу фабрикаларни, улкан биноларни, иншоотларни, ерларни

ва ҳатто дала шийпонларини шариатда шарм йўқ, деган кўҳна нақлни исботлагандай, замона қонунлари берган имкониятлар боис «қоғозлар ўйини» ила, бир неча ҳалқумларнинг оғзига пулдан қопқоқ уриб, арзон-арзон сотиб ола бошладилар. Лекин улар, ўзлари айтмоқчи, халқнинг, Ватаннинг буюк келажаги учун эмас, ўз келажаклари, янада тўғриси, ўтаётган куни учун қайғурдилар, елиб-югурдилар (очиғи, гоҳо чиндан ҳам мен ўша ҳамма лаънатлаган, ёмон кўрган Шайтонманми ёки бошқа мавжудотми, дея иштибоҳга бориб қоламан. Чунки бу қавм ўйлаган ўйлар, қилаётган ишлар мени шунга мажбурлайди. Қавм орасида Ватан, халқ, миллат дегувчи кишилар борлигига шубҳам йўқ, бироқ аксарияти қаттиқ уйқудаким, бу ҳирс, очкўзлик, лоқайдлик, қалб кўрлиги ортидан келгувчи ғафлат уйқусидир. Уларни бу уйқудан уйғотмоққа кимлар саъй этмади-я...). Яъни сотиб олган мулкларини деворидаги ғиштидан то дастгоҳигача, ҳожатхонасининг томидаги ёғочу шиферигача бузиб, чиқариб сотдилар ва охир-оқибат бўшаган ерини бозорга солдилар. Улар шундай бойидилар, ҳамма ёқда олқишланаётган ишбилармон бўлдилар. Кейин эса топган пулларига ўнлаб, юзлаб машиналарни сотиб олдилар-да, ижарага бериб, киракашликка ҳайдадилар. Ана сизга халққа, Ватанга наф келтирувчи бизнес. Ҳаттоки давлат божини ҳам тўламадилар, чунки у пайтлари бунақа тўловларнинг мажбурий тизими ҳали жорий этилмаганди. Шундай қилиб, қавмнинг кўринмас бойлари пайдо бўлди.

Лекин экиладиган ерлар борасидаги хусусийлаштириш ишлари бошқачароқ кечди. Давлатмирза ҳам дастлабига амакисининг қистови билан ўн гектар ер олиб, деҳқон-фермер хўжалигини ташкил этди. Узоқ йиллар қаттиқ нон еб, пишиб кетган раис бува ернинг тагида қимирлаган илонни ҳам билардики, ерларни хусусийлаштиришнинг илк эпкинлариниёқ пайқади. Демакки, ҳаракат

тини бошламаса бўлмайди. Аслида-ку, хўжалик ҳам ўз мулкидек гап эди, аммо замон нозик...

Ниҳоят Давлатмирза фермер хўжалигининг ерларини беш юз гектарга етказди, яъни хўжаликни амакиси билан бўлишиб қўя қолди. Ҳозир у пахта ва дон етиштиришдан ташқари, алоҳида-алоҳида кўраларда юзлаб мол-қўйу товуқлар боқади. Хуллас, бой отасининг сояи давлатида шишиб-семирган бойвачча мисоли амакиси бош бўлган хўжалик пинжида роса яйради, тўлишди. Энди эса хўжалик бир аҳволга келиб қолгану, Давлатмирзанинг фермер хўжалиги росаям гуллаб-яшнамоқда...

Уфқ тутнинг панасида қароргоҳни анча кузатиб турди. Аслида-ку, чор-атроф зим-зиё бўлганидан яширинмаса ҳам биров кўриб қолиши амримаҳол эди.

Унинг бағрида ҳамон алам ўти ёнар, миясида эса Давлатмирзадан ўч олиш истаги айланарди. Аммо қандай қилиб? Бойваччанинг башарасига боплаб туширишу чахса қилиб тупуришдан ўзга жўяли усули йўқ эди унинг. Ҳозир шу ҳақда ўйларди. Чамаси, Давлатмирза ичкарида эди. Нима қилаётганийкин? Маишат билан банд бўлса керак-да. Демак, ёлғиз эмаслиги аниқ. Унда қандай қилиб башарасига тушира олади? Э-э, бу ёғи Худога тавакkал! Қароргоҳ ҳовлисида улкан қора шарпанинг ғимирлагани кўринди. Давлатмирзанинг девсифат қўриқчиси борлигини эшитганди, эҳтимол, қора шарпа ўша қўриқчидир? Қўриқчи бўлса нима?!.. Ҳозир унга барибир эди.

Девсифат қўриқчи иккита чойнакни кўтариб, ошхона тарафга ўтиб кетди. У ерда ҳам битта-яримта одам бўлиши аниқ – эҳтимол қоровул-поровул ёки ошпазми?

Уфқ фурсат етганини тушунди: иложи борича овозсиз қадам ташлаб югурганча дарвозадан ўтиб, тўғри бинога кирди. Бойвачча ўтирган хонага етмаёқ эшитилаётган ҳиринг-ҳиринглардан унинг ёлғиз эмаслигини фаҳмлади. Лекин у ҳозир қўрқадиган ёки ўйлайдиган алпозда эмас-

ди. Қолаверса, дев-қўриқчи йўқ бўлган фурсат жуда-жуда ғанимат эканлигига ҳам ақли етиб турарди... Хона остонасидан ҳатлади-ю, анграйганича туриб қолди: анвойи егулик ва ичгуликлар тўлиб-тошган стол – дастурхон тўрида сархуш сузилган Давлатмирза ўтирар, икки ёнида эса яримяланғоч икки қиз тинмай унга суйкалишарди. Бойвачча уларни шаҳардан келтиргани аниқ, боиси бу атрофнинг одамига ўхшамасдилар.

Уфқ ҳали ўзини ўнглаб олмасидан, аввалига оний ҳайратда қотган, сўнг рўпарасидаги йигитнинг муддаосини фаҳмлаган Давлатмирза кўпни кўрганлигига борди – қулочини кериб, тантанали овозда қийқирди:

– Ие-ие, Уфқбек, келинг-келинг!..

Ёнидаги ширакайф қизлар йигитга бошдан-оёқ писандсизларча кўз ташлаб олишгач, ўз хожасининг хоҳишини дарров пайқашиб, Уфққа шаҳват тўла кўзларини сузиб, қийшанглаша бошлашди:

– Вой-бўў, мунча чиройли бу йигит? – дея улардан бири ярми очиқ кўкрагини барала кериб, не-не очкўз назар ва панжаларда эзилган қўш матоҳининг остини кафтлари билан сийпалаб қўйди.

– Шакаладу шакалад! – деди бошқаси Уфққа тикилганча лабларини ялаб.

Йигит эсанкиради, қизларнинг қилиқларидан бир оз тани қизиган бўлса-да, кўп ўтмай, жисму жонини уят ҳисси қамраб, қизарди. Бу ерга нима учун келганлигини эслаб, ўзини хиёл ўнглаб олди ва Давлатмирзага нафрат тўла нигоҳини қадади:

– Сиз... Сен... Нега синглимга осилдинг, иплос! – дея силтаниб, унга стол оша ҳамла қилмоққа шайланди.

Фоҳишалар ёш боланинг қилиғидан завқлангандай, ҳиринглашди.

– Сени... – дея эндигина ташланмоқчи бўлганда, бўйни аралаш елкасига урилган зарбдан кўзлари тинди, бир

лаҳза беҳол тебраниб тургач, ёнбошига ағдарилди. Кўз ўнгида Давлатмирзанинг «қалайсан энди», деяётгандай истеҳзоли башараси қолди.

Бу пайт фермернинг девсифат қўриқчиси хонага кириб келиши асносида Уфқнинг овозини эшитиб, нима гаплигини дарров фаҳмлаган эди. Кичикроқ сандиқдай келадиган оёқларини оҳиста ташлаб жайдари қасоскорнинг ортига яқинлашганди ва бўйнига мушт туширганди.

Давлатмирза ўрнидан турди.

– Яхши кириб қолдинг, Дев, – деди қўриқчисини мақтагандай оҳангда. – Кўтар бу хажиқизни! – Ўзи эса дастурхондаги қорни катта қимматбаҳо арақ шишасини қўлига олди.

Дев Уфқни осонгина елкасига олиб, ташқарига чиқди. Чироқ остига – асфальтга ётқизди. Фоҳишаларни эргаштирганча тебрана-тебрана чиқиб келган Давлатмирза яна Девга буюрди:

– Оёқ-қўлини боғла!

Дев қаердандир арқон топиб келиб, Уфқнинг қўл ва оёғини боғлашга тушди. Йигит ўзига кела бошлади шекилли, бошини у ён-бу ёнга қимирлатиб, ғалати овозда ингради.

– Живой-ку... – деди фоҳишалардан бири Давлатмирзанинг елкасига осилиб.

Давлатмирза банди маҳкумга айланган Уфққа яқинлашди ва қўлидаги арақни писандсизларча устидан қуя бошлади. Аввалига юзига, сўнгра кийим-бошига қуйди. Атрофни арақнинг қўланса ҳиди тутди. Юзига арақ қуйилиши асносида ўзига келган Уфқ ҳидидан нима эканлигини дарров пайқаб, оғзию кўзларини чирт юмиб, типирчилади.

– Как будьто кинолардаги мафиозларга ўхшайсиз-а, Давлат ака, – дея ҳиринглади иккинчи фоҳиша.

Бу гапдан кейин Давлатмирза янада кўпчиди. У ҳар сафар ичкилик ичганда бошқача қиёфага кирар – шафқатсиз, ўз наздида, тенгсиз куч-қудрат соҳибига айланарди.

Арақ бунақа нарсага кўникмаган йигитнинг баъзи жойларини ачиштирди шекилли, бир муддат афтини буриштириб турди.

– Нима қиляпсан, иплос?! – дея ғижинди тишлари орасидан. – Қўлимни еч!..

– Сен ким билан ўйнашяпсан, манқа? – Давлатмирза кўкрагини кериб, Уфқнинг атрофини айланишга тушди. – Урруғийни қуритвораман, биласанми шуни? Сен кимингга ишонасан ўзи?!.. – У Девга буюрди: – Бор, телефонни обчиқ. Сигаретам олвол! – Сўнг тағин Уфққа қайрилди. – Ётишингни қара, кимга ўхшайсан. Бунинг устига, роса араққа бўкибсан. – У ўз гапидан мамнун тиржайди.

Фоҳишалар унга суйкалиб, яна ҳиринглашди.

– Мен ичмайман, – деди соддадил Уфқ ўзини оқлаш оҳангида ва димоғига арақнинг аччиқ таъми урилиб, афтини тириштириб, базўр ютинди.

– Манови аҳволни кўриб, ичмаслигингга ким ишонади, чурбан? – Давлатмирза Дев олиб чиққан стулга ўтириб, тамаки тутатди. Ҳузур билан тутун сўриб, лабларини чўччайтириб, тепага пуфлади. Сўнг қўриқчиси узатган телефонни олди. – Менга қара, ука! Рости, сенга жаа яхшилик қилгим келувди. Лекин ўзинг халта қилдинг. Нима қилай, синглинг кайфлигимда рўпара келиб қолди. Ўзиям чиройли нарса экан, кўзимга ўт кўриниб кетди.

– Оғзингни юм, иплос! – дея чиранди ночор қолган Уфқ.

Давлатмирза йигитнинг елкасини оёғи билан туртди.

– Тилингни тий, бола... Синглингга тегиниш хаёлимдаям йўқ эди, ука. – Кейин икки фоҳишага ишора қилди. – Нима десам қиладиган манавинақалар бўлса... Иннайке-

йин-чи, ҳозир эркак зоти камайиб кетган. Хотинлару қизлар шунақаям мухтожки, тўртта нон ёки икки кило ёққа нима десам қилади, билдингми?! Ҳе, ўша ориятли бўп қоган!.. – У стул суянчиғига ястаниб, тутун тортаркан, бир пайтнинг ўзида чап кўзини лабларининг ҳаракатига мос тарзда қисиб, телефон рақамларини тера бошлади. Бир оз ўтиб, чақирилаётган одам жавоб берди чоғи, қадди дарров хиёл букчайди, худди рўпарасида тургандай ялтоқланди. Бу энди ҳозиргина Уфққа дағдаға қилаётган шиддатли Давлатмирза эмасди.

– Ассалому алайким, ака... Ҳа, мен, ака. Омонмисиз, соғлиқларингиз яхшими?.. Раҳмат-раҳмат, ака, сояи давлатингизда-да... Келин аям, укаларим, неваралар яхшими? – Гаплашаётган кишиси ниҳоятда мартабали эди чамаси, эринмай ҳол-аҳвол сўрар, ўзини унга жуда-жуда яқин тутишга уринарди. – Биз томонларга келмай қўйдийзу, ака. Биласизу, биззи повир табакани қотириб қўяди. Бажонидил, ака, кутаман. Ҳа, озгина... сизни безовта қилмийман девдиму... Аввал олдингиздан ўтай деб... Офисга бир йигит кирволиб роса тўполон қиляпти-да. Ҳа, ёш йигит. Ўзимизи қишлоқдан шекилли... – Давлатмирза қуюқ хайрлашди-да, телефонни ўчириб, Уфққа қараб тиржайди. – Мана, энди тамомсан, бола. Начальник мелисага айтдим, ҳозир одамлари етиб келишади...

Уфқ анча совиб қолганидан мелиса ҳақида эшитиб, қўрқиб кетди. Ахир бирон марта мелисага иши тушмаган, бу гапни онаси эшитса, адойи тамом бўлади.

– Қўл-оёғимни ечишсин, ака, айтинг, – деб юборди беихтиёр билинар-билинмас ялинчоқ оҳангда.

Давлатмирза хохолаб кулди.

– Бекор айтибсан! Ечсак ё яна тўполон қиласан, ё қочиб кетасан. Яхшиси, ёта тур. Агар ўзийни яхши тутсанг, эртага чиқарволаман. Бўлмаса... – Фермер фоҳишаларни қучоқлаб нари кета бошлади.

– Давлат ака, ундай қилманг! – деди Уфқ йиғламсираб. – Онам қўрқиб кетади. Ахир бир қишлоқданмиз-ку!..

Давлатмирза ҳатто қайрилмоқни ҳам раво кўрмай, тўнғиллади:

– Аввалроқ ўйлаш керак эди, бола, аввалроқ. Ўйнашмагин арбоб билан...

Кўп ўтмай, тепасида чироғи бор машинада икки милиса етиб келиб, Уфқни қўл-оёғи боғлиқ ҳолда машинага ортишди-да, ёв қувгандай жўнаб кетишди.

7

(Мен шайтон бўлиб, одамизод феълини мудом тушунолмайман. Эҳтимол Яратганнинг ўзи ҳам энг суюкли мавжудотининг феъл-ҳўйини тўла-тўкис билмас ёхуд англолмас. Чунки унинг туриш-турмуши-ю, қилмишларидан ҳатто биз каби ғайб оламига доҳиллар ҳам ёқа тутмасдан иложлари йўқ.

Дунёнинг бевафолиги-ю адолатсизлигидан ўртаниб юрган мана шу Уфқни олайлик: аввалига ҳамма нарсадан ҳафсаласи пир бўлди, ҳеч кимга ишонмай қўйди. Қашшоқлик охир-оқибат ҳар нечук кучли одамни ҳам абгор эта олишига ишонди, дунё кўзига қоронғу бўлиб, ўз ҳолидан, чорасизлигидан исёнга келди. Кейин ғуруру орига ўзи ғорат солиб, раисдан икки килогина ёғ сўради. Шу ҳолига омборчи билан ор талашди, ундан адолат талаб қилди. Ахийри бир оғиз ширин сўз, хайрихоҳлик, тўғрироғи, тўрт кило ёғ туфайли фермердан миннатдору хурсанд бўлди. Ҳалигина талашган ор-номусини унутди. Сўнг эса фермернинг қилмишидан яна ғуруру ори қўзғаб, ўзича тенгсиз куч-қувватли қасоскорга айланди...

Энди айтинг, адолат, ор-номус, ғурур қайда-ю, тўрт кило ёғ қайда? Одамзод феълидаги қай бир ҳолатга ёхуд жиҳатга ишониш керак? Қайси бирига? Демак, ундаги

туйғуларнинг ҳеч бири собит эмас, бари шароитга мослашиш, не қилиб бўлса ҳам яшаб кетишга, жон сақлашга уриниш экан-да?)

Уфқ ҳибсхонада на ор-номус ҳимоячиси ва на қасоскор ака эмасди. У том маънода аянчли маҳкумга, ғарибу нотавонга айланганди...

Онаси тун ярмидан оққанда хавотирда ўрнида ўтиролмай қолди. Шом маҳали кўчага чиқиб кетган ўғлидан ҳамон дарак йўқ. Қайларда юрибдийкин шу топда?.. У туни билан ухламади. Саҳармардонда кўчага чиқди. Яхшиям миш-миш бор, яхшиям маҳалла-кўйнинг динг қулоқлари бор, ҳозир онага шу асқатди. Гўё эрталабдаёқ тунда бўлиб ўтган воқеадан ҳамма хабар топиб улгурганди. Она миш-мишлар етовида Давлатмирзанинг фермасига борди. Лекин бой йўқ экан, эҳтимол қоровул алдагандир, балки хўжайинини уйғотишга ҳадди сиғмагандир. Она бечоранинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, не қиларини билмай қолди. Шунда жиккак қоровул жонига ора кирди. Тунги воқеани тезда-тезда айтиб берди. Охирида қўшиб ҳам қўйди:

– Болангизни тезроқ чиқарволинг, мелисалар қаттиқроқ уриб-нетиб қўймасин. – Нимага бундай деди, ўзи ҳам билмасди, эҳтимол ур-йиқит кинолардаги мелисалар ёдига тушгандир, балки одамлар орасида юргувчи гапларга ишониб...

Икки ёдгорини тирноқлаб ўстирган онанинг вужудидаги ўт баттарроқ оловланди, боласини майиб қилиб қўйишларини ўйлаб, талвасага тушди. Ҳаммасидан ҳам қоровулнинг «ўғлингиз маст эди», деганидан ҳайрон бўлди: ахир Уфқи умуман ичмас эди-ку. (Давлатмирзанинг макридан ҳатто қоровул ҳам бехабар эди.) Ортига қайтиб, идорага кирди. Мелисахонага боргани билан ўғлини чиқара олмаслигига кўзи етиб, бир замонлар қишлоқнинг отасига айланган, энди эса жўжаларини етим ташлаган товуқ каби одамларни тобора ўзидан узоқлаштираётган

раисдан нажот кутди. Раис, бир қарашда, аҳмоққа ўхшаб кўринса-да, аслида мутлақо аҳмоқ эмасди: ҳозир қишлоқ аҳли билан яқинлашиб, ҳурматини қозонишга уриниши обрў ҳам, фойда ҳам келтирмаслигини яхши тушунарди. Аввал бошқа гап эди – қанчалик халқ ичига кириб борсанг, шунчалик ҳурмату мартабанг ошиб, куч-қудратга тўлиб борардинг. Энди ундай эмас. Аслида аллақачон қўр-кути ўчиб, сўнгги нафасларини олаётган хўжаликни бир амаллаб тутиб турса ва унинг анчагина юпқалашиб қолган терисини ҳам шилиб олса кифоя. У ёғига Худо пошшо. Чунки энг ҳосилдор ерларни жиянининг номига хатлаб бўлган. Ширкат хўжалигининг эса борки молу матоҳини, ҳаттоки далашийпонларигача бузиб, сотиб улгурди. Бу ёғига бир нави режаларни бажариб турса (бировга бир тийин ҳақ бермай) бас, ҳадемай хўжаликни ҳам қийма-қиймалаб эгаларига топширади. Мана, ўтган йили қишлоқдошлари буғдойи ўрилган шудгорлардаги тўкилган бошоқларни териб, кун кўришди, аммо у режани ортиғи билан бажариб, ҳосилни олтмиш центнерга етказди...

Раис эндигина идорага кириб турган экан. У юз-кўзи хавотирга чулғанган онани кўрди-ю, ўзини курсисининг орқа суянчиғига ташлаб, ҳозиргина тўйиб овқат еган одам каби кўкрагини керди ва гўё кекирмоқчидай бир шишиб олди. Сўнг маъносиз, бунинг устига, лоқайд нигоҳини аёлга қадади.

– Ҳмм, нима гап? – деди сўзларининг ярмини ютиб.

Онанинг кўзлари дарров ёшга тўлди.

– Фақат кўз ёшисиз! – тўнғиллади раис аскарга буйруқ берган зобит оҳангида.

Она агар кўз ёшини дарҳол тўхтатмаса, ўғли озодликка чиқмай қоладигандай шоша-пиша кўзларини артиб, «мана, йиғлаганим йўқ», қабилида раисга қараб, мўлтиради.

– Ўғлимни қамаб қўйишибди, – дейиши билан кўзи яна ёшланди, аммо деворнинг ковагига ўхшаган нигоҳнинг ҳамон қадалиб турганини сезиб, ўзини қўлга олди.

– Ким қамабди? – раиснинг ҳеч нарсадан хабари йўқ эди.

Она, жиянингиз дегани қўрқди, нима дейишини билмай, каловланди:

– Билма... Ўзи кечқурун... Давлатмирзанинг фермасига борган эканми...

Раис пинагини ҳам бузмай, кўзининг чети билан қараб телефонда рақам терди.

– Қалайсан?.. Валайкимассалом... Ҳов, менга қара, анови устани ўғлига нима бўлди?.. Ҳмм... Ҳмм... – У орада титраб-қақшаб турган онага бир-икки қараб қўйди. – Ҳмм... шунақа де... Яхши... Чиқарвол... Хўп... – Раис гўшакни қўйиб, бир жуфт ковакни яна аёлга тикди.

– Ўзи шу болангизни жаа эркалатворибсиз-да. Тунов куни мениям олдимга кирувди. На саломни билсин. Тағин муштдай боши билан ичганига бало борми.

– Ўғлим ичмайди!.. – дея чийиллади она.

– Ичмайдимиш. Мана, ичибди-ю! Ичгандаям бўкиб ичибди, тўполон қипти. Болани сал қаттиқроқ ушлаш керак-да... – Сўнг гап тамом дегандай кафтини столга урди. – Бўпти, бораверинг, ўғлингизни қўйворишади.

– Қачон? – сўради она қўрқа-писа.

– Қўйворади, дедим-ку-ей!.. – Раиснинг қовоғи баттар осилди.

– Ўзим бораймикин? – дея йиғламсиради.

– Борсангиз бораверинг. Манавинақа қилиб юргандан кўра болага тарбия бериш керагийди.

Раиснинг ортиқ гапиришни истамаётганлиги, рўпарасидаги жабрдийданинг тезроқ чиқиб кетишини хоҳлаётганлиги шундоққина сезилиб турарди.

Она мунғайганча хонани тарк этди.

У мелисага тушганлар аёвсиз калтакланиши ҳақидаги миш-мишларни эшитганди. Шунинг учун болагинамни қаттиқроқ уриб-нетиб қўйишмадимикин, деган ҳадик хаёлидан кетмасди. Унинг айни дамдаги бирдан-бир нияти ўғлини тезроқ кўриш, соғ-омонлигини билиш эди...

Она рўмолининг бир учини тишлаб, кўзларини жавдиратганча қўрқа-писа мелисахонага кириб борди. Бир-иккида бунақа жойларга кириб юрибдимики, кимга нима дейишини билиб, дадил кирса, ҳатто «мениям қамаб қўйишмасмикин», дея хавфсирарди ҳам. Нафас олишни ҳам унутиб, «Навбатчи» деб ёзиб қўйилган ойнаванд хонага яқинлашди. Хона ичи қоронғироқлигидан, телефонга нималарнидир жавраётган мелисани энди-энди илғай бошлаганда ёнида бошқа ёшроқ мелиса пайдо бўлди. У фуражкасини ўрис армиясининг «оқсоқол» аскарларидек қийшайтириб, бунинг устига, бошининг орқароғига қўндирганди. Кўзлари раиснинг кўзларига жуда-жуда ўхшарди, фақат нигоҳидаги лоқайдлик балқиброқ кўринар ва бу лоқайдликка оз-моз ёвузлик маъноси ҳам қоришиб, ўлжасига ташланаётган жонзотнинг қарашларини эслатарди. (Оҳ-оҳ, мана шундай бандалар менинг жону дилим-да.)

– Сизга нима керак, хола? – сўради у ўзини генераллардай тутиб, елкасидаги нишони эса сержант эди.

Аёл фарқига борармиди, формаси борми, тамом, ҳаммаси бир гўр – мелиса-да. Шуниси қизиққи, «генерал-сержант» онани дабдурустдан хола, деб атади, аммо аёл хиёл қаримсиқ кўринса-да, хола аталишга ёшлик қиларди. Эҳтимол мелиса бу сўзни ўз маъносида эмас, «ўлжа» маъносида ишлатди, дейилса тўғри бўлар.

– Ўғлим шу ердайкан... – она генерал-сержантга илтижоли мўлтиради.

Мелиса ичкаридаги шеригига бирров қараб олди – шу билан икковининг мақсадлари бир зумда уйғунлашди.

– Фамилияси нима?

– Уфқ... – деди шошиб ва ўғлининг фамилиясини билмайдигандай тутилиб қолди.

– Э-э, ҳалиги ичволиб тўполон қилган болами? – Чамаси, мелиса Уфқ деганларини аллақачон таниган ёки онаси бу ёққа келаётганлигини телефонда айтишиб, огоҳлантириб қўйишганди.

– Мени болам ичмайди... – деди аёл сўлиш олиб.

– Ичмайди-я ичмайди!.. – Мелиса овозини баландлатиб, масхара оҳангида давом этди: – Роса бўкибди-ю араққа. Ҳалиги фермерни офисига бориб, иш кўрсатган бола-да, а? – У аёлга сездирмай ичкаридаги мелиса билан яна кўз уриштириб олди.

– Энди нима бўладии?.. – дея зорланди аёл.

– Нима бўларди, қамалади-да. – Мелиса уни баттарроқ ваҳимага солишга уринди.

– Унақа деманг, ука. – Онанинг кўзларидан дувуллаб ёш қуйилди. – Ундан кўра, ёрдам беринг, жон ука. Илойим болларийизни орзу-ҳавасини кўринг!

«Генерал-сержант» ўзини чорасиздай кўрсатиб, елка қисди:

– Қандай қилиб ёрдам бераман-эй, опа!..

– Бирон нарса қилинг, жон ука, хоҳласайиз пул...

Мелиса ичкаридаги бошлиқ эшитиб қолмасин, дегандай қўққисдан аёлни нарироққа бошлади-да,

– Икки юз минг берасиз, – дея шипшиди.

– Нима?.. – деб юборди аёл беихтиёр, сўнг мелисанинг кўзига кўзи тушиб, тағин бўшашди.

– Агар хоҳласайиз-да... – Мелиса мурувват кўрсатаётгандай қўшиб қўйди. – Тағинам мен сизга арзон айтдим.

– Бўпти, ука, бўпти... – Сўнг бир нарса эсига тушиб, яна мелисага жавдиради. – Болам яхшими ишқилиб? Уриб-нетиб қўймадингларми?

Яхшики, «генерал-сержант» бунга парво қилмади ёки пулнинг ўйида...

– Ўғлингиз соппа-соғ, опа, – деди у таъкидлаб.

– Бўпти-бўпти, илойим, яхши бўлсин. Мен ҳозир уйга бориб келаман. Сиз шу ерда бўласиз-а, ука?

– Ҳа-ҳа, доим шу ердаман. – У ичкаридаги мелисага кўзини қисиб, бош бармоғини кўрсатиб, тиржайди.

Она аҳдлашди, ўз наздида, ўғилгинасини чиқариб олишга имкон, йўл топди. Одамлар ўз ишларини битириш ёхуд мушкулларини осон қилиш учун кимларгадир пул беришлари, ҳозирги замонда мингта мулозамату «сиз-биз»дан биттагина «жиз-биз» яхши эканлиги ҳақида кўп бор эшитган бўлса-да, бирон марта бунақа ишга рўпара келмаганди. Пул кўп нарсаларга қодирлигини англарди ҳам, бироқ ўша пул ўлгурни кимга, қандай беришни билмасди. (Эҳ, хом сут эмган банда-я, мен бор эканман, пул олгувчи ҳамиша топилади ва унинг ўзи сенинг олдингга келади. Оллоҳ ҳар нарсага қодирлигидан кибордир ва мени хушнуд этгувчи нарса шуки, бани башар кашф қилган пул отлиғ мўъжиза ҳам кўплаб ишларни уддаламоққа имконлидир.) Мана, энди билади, ҳайтовур олгувчининг ўзи уни топди. Бу ёғига айтилган пулни топса бўлди. Икки юз минг-а! Қаёқдан топади шунча пулни? Бир ойда ишлаб топадиган пули ҳам шунча чиқмас. Ахир бу пулга уч қоп ун беради-я! Она қишлоқ сари бораркан, пулни қаердан олишни ўйлаб, жону жаҳони ўртанарди, бошини, кўксини кимдир ғижимлаётганга ўхшарди. Шунча пулни кимдан сўрайди ахир? Қишлоқда пули бор одамнинг ўзи камёб. Бунинг устига, тул хотинга ким ҳам қарз берарди. Ҳозир қориндан ошириб, пул сақлаш осонмас, янаки бугунги нарх-наво эртаникига тўғри келмаганидан кейин ким пул сақлаб авзум топарди. Бузоқни сотай деса, сигир қилиш нияти бор. Сигир, айниқса, қишда белига қувват, қозонига ёғ-мой бўлади. Нима қилсин, яна раисга борсинми? Энди

раис остонаданоқ қувиб солар. Тўхта-тўхта, ахир!.. Бирдан онанинг юзи ёришиб кетди, «ахир уйда тилла сирғам бор-ку», деб юборди овоз чиқариб. Сўнг ён-веридан одамлар ўтаётганлигини пайқаб, хиёл қизарди-да, жилмайиб қўйди. Ҳа, уйида тилла зираги бор, қизининг сепига деб тежаб-тергаб тўплаган пулига олган. Ҳар ҳолда кичкина бўлса ҳам тоза мол. Ўғлини чиқариб олса, қизининг сепига Худо пошшо...

Она сандиғидан зумрад кўзли зиракни олди. Шуни гаровга қўйиб, бирортасидан қарз кўтарсаммикин? Ким қарз бериб туриши мумкин? Анови дўкончими? Қаёқда, ўлгудай хасис у – зиракнинг ярим пулини олмаса кўнмайди. Ёки... Айтгандай, дўкон ёнидаги уйда тиллафуруш хотин яшайди-ку, ўшаникига бора қолади. Ҳартугул у ҳам бева, аҳволини тушуниб, ёрдам берар. Она тилла зиракни сиқимлаб, тиллафурушникига чопди.

Тиллафуруш ҳали «катта ишлар»га қўл урмаган ва майда, халқ тилида айтганда, хашаки олибсотар эди. Арзон матоҳларни ундан олиб бунга пуллагувчи, айниқса, қишлоқнинг содда кишиларини лақиллатиб, беш-ўн сўм топиб кун ўтказгувчи бу аёлга кўпда бировнинг иши тушавермасди. Онанинг ёрдам сўраб, мунғайиб туриши унинг анчайин топталиб улгурган ғуруриними, кибру ҳавосиними, жунбишга келтириб юборди. Қийшиқ танғилган рўмолини тузатган бўлиб, кўкрак керди-да, ғар кўзларини онанинг ҳорғину ғамли юзидан олиб, зиракка қадади. Худди қимматли тошларнинг дунёдаги энг зўр мутахассисидай зиракни обдан кўздан кечирди. Она уни ранжитиб қўйишдан чўчиб, қалбидаги ҳаловатсизликни яширишга уринди. Ниҳоят тиллафуруш жиддий қиёфага кириб, деди:

– Товарингиз, – у ўзини катта савдогарларга менгзаб атайлаб шу сўзни ишлатди, – тоза эмас экан. Ташкентники экан, ҳам кичкинайкан.

Онанинг тарвузи қўлтиғидан туша бошлади.

– Йўғ-е, тоза, ленинградский дейишган. Қизимга деб олгандим. Зарурат бўлиб... Бўлмаса сотмасдим, – дея ғўлдиради ожиз овозда.

(Ҳаҳ, содда хотин-а! Бу бозорчи муғомбир зарурат билан келганингни ҳали дарвозадан киришингдаёқ фаҳмлаган, ахир.)

– Майли, унда яхшироқ тиллафурушга кўрсата қолинг, опа, – деди тиллафуруш гўё ранжигандай.

– Қўйинг, унақа деманг. Ёрдам бера қолинг энди, зарил-да. – Ялинишга тушди она.

– Хўп, майли, гапни кўпайтирмайлик. Қанча сўрайсиз ўзи?

Она каловланди.

– Билмадим... Менга икки юз минг керак, у ёғи ўзингизга инсоф берсин.

– Нима?!.. – Тиллафуруш кўзларини олайтириб, заҳарханда кулди. – Икки юз минг дейсизми? Аввал юзга оласанми, деб кўринг-чи, рози бўлармикинман. Тавба-ей...

– Жон, синглим, инсоф қилинг, бу тоза мол ахир.

– Сиз инсоф қилинг, опа. Бу матоҳингизни фалон пулга олволиб, менам куйиб қолишни истамайман. – Тиллафуруш гап тамом дегандай қўлини силтаб, ўзини бир-икки қадам орқага олди.

Она сўлжайиб, қўлидаги зиракка термилганча бирпас индамай турди-да, аста ортига қайрилди.

Тиллафурушга айнан шу керак эди. У аёлни тўхтатди.

– Менга қаранг! – деди гўё раҳми келаётгандай. – Майли, мен зиён қилсам қилай, сизнинг ишингиз бита қолсин.

Онанинг юзи ёришди:

– Шундай денг, айланай, жа зарил-да, – дея зиракни узатди.

– Майли, сиззи айтганингиз бўла қолсин, икки юз минг бераман.

Она яна нимадир, деб норозилик билдирмоқчи эди, тиллафурушнинг тиришаётган юзига кўзи тушиб, айниб қолишидан қўрқди-да, рози бўлди...

У икки юз мингни рўмолчасига ўраб, яна мелисахонага йўл олди. Миясини «зирак арзон кетди-да», деган хаёл кемириб борар, гоҳо эса ҳазин жилмаярди-да, «Майли ўғлимни чиқарволай, зирак топилар», дея ўйлаб қўярди. Бу такрорланаверарди – аввал афсусланарди, сўнг яна ўзига таскин берарди...

Она мелисахонага кириб бораркан, кўзлари жавдираб, нигоҳи билан ваъдалашгани «генерал-сержант»ни қидирди. Аммо у кўринмасди. Аёл ойнаванд хонанинг ойнасига пешонаси теккудай бўлиб ичкарига тикилди, кўзи чала таниш мелисани илғагач, «обкелдим», дея кўлидаги нарсага ишора қилди. Навбатчи эса унинг ҳаракатига на «ҳай», деди, на «ҳўй», деди, бепарволарча бир қараб қўйди-да, телефон гўшагига ёпишди. Она нима қилишини билмай, серрайиб, атрофга мўлтиради. Бир пайт чап томонидаги узун коридорнинг адоғида кимдир чақиргандай бўлди. Аёл овоз келган тарафга қаттиқроқ тикилди – ие, бу ҳалиги мелиса бола-ку. У беихтиёр қувониб, мелиса томон юрди. «Генерал-сержант» у ёқ-бу ёққа олазарак қараркан, онани ёнидаги хонага киришга ундади. Хона кичкинагина бўлиб, битта столу битта стул бор эди, холос.

– Айтганингизни обкелдим, – деди она негадир шипшиб.

Мелиса стол ғаладонини очди-да, «бу ёққа ташланг», дея имлади. Она пулни ғаладонга солди. Мелиса уни ёпиб, ташқарига йўналди. Она ҳам унга эргашди. Мелиса эса эшикни зичлаб ёпгач, ҳеч нарса бўлмагандай, чиқиш эшиги томон юрди.

– Энди ўғлимни чиқарасизми, ука? – сўради она унинг ортидан эргашаркан, хавотирланиб.

– Ўғлингиз эртаматан чиқади.

– Ие, нега?.. – Она мелисага бақириб бермоқчи бўлди-ю, ўғлини ўйлаб, шаштидан қайтди. – Раҳмингиз келсин, жон ука! – деди ялиниб.

– Холажон, ўғлингиз албатта чиқади, лекин эрталаб. Биз ҳужжатларни тайёрлашимиз керак, – анча юмшаб тушунтирди мелиса.

Она бўшашди.

– Кечқурун оч қолади-ю?.. – деди қарийб шивирлаб, лекин бўғзига олов урилгандай туюлди.

– Хоҳласангиз овқат обкелинг, ўзим обкириб бераман. – «Генерал-сержант» шундай деди-ю, гап тамом дегандай ортига қайрилиб, нари кетди.

– Алдамайсиз-а, ука? – деди она ялиниб.

Мелиса «йўқ» дегандай бошини силкиб қўйди...

ДЕРАЗАДАГИ ОДАМ

У ўзига келди. Полда сулайиб ётганидан ҳайрон бўлди, эслашга уринди. Айни дамда боши чирсиллаб оғримаётган ва сиқмаётган бўлса-да, хиёл қимирлатгач, ниҳоятда оғирлашиб кетганлигини ҳис қилди. Қанча саъй этмасин, ҳеч нарсани эслолмади. Сўнг дераза токчасига тираниб, базўр ўрнидан турди. Дераза ортидаги борлиқни кўриб, бир нималар ёдига тушгандай бўлди. Лекин энди негадир ҳеч нимани эслашни истамасди. Бошини, чаккаларини бир-икки уқалаб, яна таниш манзараларга тикилди. Катта йўлда ҳамон машиналар виз-виз елади, гўё улканлашиб, овози ваҳимали тус олган баҳайбат ариларга ўхшайди. У бунга маъно-мақсадсиз тикилиб тураркан, ҳаттоки баҳайбат ариларнинг шовқинларини ҳам эшитмай қолди.

Йўлакда одам сийрак эди. Энди у яккам-дуккам ўтаётган одамларга қаради: бironта одам эътиборини

тортмади. Шу пайт ўнгдан сўлга бораётган ўта замонавий қизга кўзи тушди-ю, бесихтиёр сергак тортди. Унинг феъли шунақа – замонавий кийинган хушбичим қизларга боқишни, замона берган бепул «гўзалликдан» (томошадан) ҳузурланишни яхши кўради. (Ким ҳам – қайси бир эркак бунақа томошадан юз буради? Ахир ўша нозанинларнинг асосий мақсади ҳам эркакларнинг кўзини ўйнатиш эмасми?! Мана, унинг ҳам кўзи ўйнаяпти-ку ва ҳатто эти жимирлаб, у ёқ-бу ёқлари қимирлаб кетди.) Қиз тор шим, тор футболка (дейишадими) кийганидан ҳамма ёғи сирилиб кўринар, бағоят хушқад ҳамда чиройли бўлганидан ҳар не кўнгилга ғулу солмоққа қодир эди. Оёғидаги ингичка баланд пошнали туфли, елкасидаги туфли рангидаги бежирим сумкачаси ҳам дилга ўт ёқади. Сочлари!.. Елкалари узра ёйилган сочлари қуёш нурида ёқимли товланади, юз силаган сабо янглиғ ҳилпираб, майин-майин силтанадилар, аниқроғи, тўлғонадилар ва дилга ҳам худди шундай тўлғоқ соладилар. Бунинг устига, қиз ўзининг ниҳоятда гўзал эканлигини ва барча қараётганлигини ҳам ҳис қилиб турарди. Айнан шу ҳис қилиши туфайли яна-да жон олғучироқ кўринарди. У бораркан, ўзига ҳузур бағишлаётган майин сочларини кўз-кўзлаш учунми, гоҳо бошини ноз ила силкиб қўяр ва бу билан қадамлари шаштида шундоқ ҳам ҳаловатсиз бўлган сочларни тағин беҳаловат этарди. Деразадаги одамнинг вужуди ўртаниб, «бу қизни қай бахтли инсон ўз бағрига оларкин?» дея ўйлаб қўйди. Ўйларкан, файласуфона хаёлларни суйгувчи эмасми, миясига бошқа бир фикр урилди: ана, сен меҳр қўйган дунё қаршингда минг бир рангда товланиб, ўтиб бормоқда. Бўл, бағрингга бос! Қара, қанчалар гўзал бу дунё!..

8

Синглисининг гапи жон-жонидан ўтиб кетди. У атрофидагилардан, синглиси ва ҳатто онасидан шунга ўхшаш таъна-маломатларни эшитишни, ношудлигини юзига солишларини ҳамиша кутиб, балки ўша кун келишидан қўрқиб яшарди. Ниҳоят ўша кун келди, синглиси кутилган гапни айтди: «Йигит бўлиб пул тополмаганингиз, уйга ҳеч нарса олиб келмаганингиз етмагандай, энди уйдан кўчага ташишни бошлабсиз-да. Навбат синглингизнинг сепига келибди-да, а?!» – деди у бутун нафратини нигоҳига жамлаб. Уфқ аллақачон ўлиб бўлганди, бу гап ўлганнинг устига тепган билан баробар эди, холос. (Одамлар аёл зотини менинг қавмимдан дейдилар. Ҳозир Уфқ бу гапни унутдими ёки умуман билмасмиди, кичкина бошига юкни оғир олиб юборди-да, яна сўнгги чора ёдига тушди.)

Уни эртасига озод қилишди. Ҳибсхонада буюк бир ҳақиқатни кашф этди: бу дунё учун (бани башар ўйлаб топган жамият деганлари учун) инсоннинг зиғирчалик қадр-қиммати йўқ. Чунки башарнинг волидияси бўлмиш Одам ва Ҳаво жаннатдан қувилгану, жазо учун (баъзилар ўйлаганидек фақатгина синов учун эмас) фано ёбонига ташланган. (Мен эса лаънатланганман, то Қиёмат қадар одамлар аро сарсон кезаман. Аслида одам фарзандлари билан қисматимиз ҳам, мақомимиз ҳам бирдек. Фақат мен, Оллоҳ томонидан ҳар қанча лаънатланган бўлмайин, унинг буюк ажрига ишонаман. У ҳеч кимни бенасиб қўймагай, ҳатто мени ҳам. Ўз бурчимга сидқу садоқатим туфайли унинг ажрига эришмоғим аниқ. Қиёматда мен ҳам ҳисоб-китоб бераман ахир.) Унинг бу ёбондаги ҳар бир хатти-ҳаракати ва қилмиши учун Қиёматда ё жазо, ё мукофот берилиши ҳам аниқ. Қаранг, жазо учун жазо. Ҳаётнинг бори ҳикмати ҳам шунда-да. Ана энди дунё

учун одамизоднинг зиғирчалик қадр-қиммати йўқлигини яна бир бор эсланг.

Уфқни ичувчига, безорига чиқариб қамашди. Бу қишлоқнинг зўри – Давлатмирзанинг қўлидан келгани. Ахир дунёда ундан юз, минг чандон зўрроқ, даҳшатлироқ одамлар бор-ку. Демак, бою давлатмандлар, амалдору тўралар соҳиб бўлган дунёда, аввал айтилганидек, инсоннинг сариқ чақалик қадри йўқ. У қадр топмоғи, дунёга эга чиқмоғи учун ё зўри, ё зари даркор. Уфқда эса ҳар иккиси ҳам йўқ. Шу ўйлар гирдобида уйга кириб келди-ю, синглисидан ҳалиги маломатни эшитди. Вужудини кемирган изтироблари ўн ҳисса ортди, хаёлини тарк этмаётган мақсади қатъийлашди. Бир кўнгли, ўша ондаёқ шаҳарга кетворгиси келди. Аммо юзидаги қашқа, кўкимтир доғлардан истиҳола қилди, ўзини бир оз эпақага келтириб олгиси келди.

Ўқишга индинига борди. Бироқ энди у «билимга чанқоқ», бунинг устига, гуруҳнинг ҳаммага ўрнак сардори эмасди. У фақат ва фақат бир нарса ҳақида ўйларди...

* * *

Хоқоннинг хотини маҳалла отинойисини уйига чақиртирди. Отинойи маҳалланики бўлгани билан кўпинча Хоқоннинг хотинига хизмат қилар, унинг топшириқларини бажарарди. Хоқонзодалар чорлашса-ку хўп-хўп, мабодо чақиришмаса ҳам бегойимнинг соғлиғини билиш ёхуд бирон нарсани маслаҳат қилиш баҳонасида жикиллаб уларникига кириб келаверарди. Борди-ю, сим орқалими, айниқса, одам қўйиб сўратишса борми, яйрагандан яйраб кетарди. Одамларга эшиттириб, «Хоқонпошша (Хоқоннинг хотинини шундай атарди ва бу топқирлиги учун кўп сийловларга сазовор бўлганди) чақирган экан» ёки «Хоқонпошшанинг ишлари бор экан», дея мақтанишни

хуш кўрарди. Шунинг учун маҳалладагиларнинг баъзилари иззат-икром қилишса, бировлари ундан ошкора қўрқишарди. Лекин эркаклар уни кўрганда мийиқларида кулиб қўядилар. Сабаби...

Отинойи етилиб, ҳамма ёғи лорсиллаган пайтда бир йигит билан ўн саккиз ёшлилар севгисида севишиб қолади. Пана-паналарда бир-бирларини ялаб-юлқашиб анча юришади. Ниҳоят турмуш қуришга аҳд қилишганда ҳар икковининг ҳам ота-оналари кўнишмайди. Олам-олам орзулари пучга чиқаётгандек туюлиб, бирон чора излашга тушишади. Бу ёшдагилар учун ҳамиша иккитагина йўл – чора кўринади: бири ўз жонига қасд қилмоқ бўлса, иккинчиси, узоқ-узоқларга қочиб кетмоқ. Улар иккинчисини танлашади. Аллақаёққа бориб, бир неча ой яшашади (бу орада ўртага мен тушаман) ва севги-муҳаббатлари айш-ишратга, тўғрироғи, зинога айланиб, роса даврон суришади. Ниҳоят ота-оналарининг тушунишларидан умидвор бўлиб, қайтиб келишади. Йигитнинг ота-онаси гўё тушунгандай бўлишади-да, дарров тўй тараддудига тушиб, уйлантиришади, аммо сайёҳ севгилисига эмас, бошқа қизга. Даврон сурган маъшуқа эса «қулоғини тишлаб» қолаверади. Унинг ота-онаси бу шармандаликни кўтаролмай, тездагина омонатини топширадилар. Жигарлари ундан юз ўгиришади. Ҳам кўча, ҳам «иш» кўриб қолган қиз бош олиб кетишга мажбур бўлади. Орадан йиллар ўтаверади, биров у дейди, биров бу, хуллас, у ҳақда турли миш-мишлар тарқалади. Энди-энди одамларнинг ёдидан чиқа бошлаганда маҳаллага кичкинтой ўғлини етаклаб ҳижобга бурканган дуркун аёл кириб келади. Эмишки, у Бухорои шарифда қадимда ўтган авлиё бир зотнинг авлодларига рўбарў келиб қолибди. Уларнинг хонадонида тавба қилиб, «эскича» илм ўрганибди. Яхшиларнинг маслаҳати билан эрга тегибди, бироқ эрининг умри қисқа экан, ўғли икки ёшга тўлганда оламдан

ўтибди. (О-о, одам фарзанди-я! Тўқиб-бичмоққа бунчалар уста бўлмасайкин-а Оллоҳ мен сажда қилмоқни буюрган бу танланган маҳлуқ. Ахир мен ҳам ҳаммасини кўриб тураман-ку, зеро, манови ожизанинг ажабтовур саргузаштларига-да доимий гувоҳ эдим-ку.) Бир йил эрига аза тутиб ўтиргач, ниҳоят юртига қайтмоқни ихтиёр этибди. Тағин биров у деди, биров бу, қарангки, мана шу сайёҳ (балки саёқми) хотин Хоқонпошшанинг кўмагида каттагина маҳалланинг отинойисига айланди. Одамлар эса машҳур мақолнамо иборанинг исботини кўриб, ёқа тутганча қолавердилар.

Отинойи тавозе ила салом бериб кириб келганида Хоқоннинг хотини сершох каштан остидаги тўқима курсида ястанганча елпиниб ўтирарди. У хиёл қўзғалиб, кўришмоқ учун хотинчасига (яъни хотинларга хос) қўл узатди.

Отинойи элликка бориб қолган бўлса-да, ҳали дуркун эди. Бир пайтлар бошидан ўтказган оташли кечаларда топган шаҳвоний жозибаси ҳали жисмини тарк этмаганди. Унинг юз-кўзидаги, бўялган қошлари-ю, қизларникидек таранг бўртган кўкракларидаги майл анча-мунча йигитнинг танига ўт солмоққа ҳозир ҳам қодир эди. Бироқ кўзлари атрофидаги ажинлар, юз ва бўйнидаги салқишлар йилларнинг беаёв ёзиқларини ошкор этиб қўярди. Ҳаракатларидан эса буларни тан олмоқни истамаётганлиги сезилади.

– Тузукмисиз, отинча? – Хоқоннинг хотини шундай бир оҳангда гапирдики, «сени хоҳлаган кўйимга солишим ва ўзим истаган ном билан аташим мумкин», деган маънони уқса бўларди.

Бу маънони Отинойи бинойидек англар, аммо ўзини тушунмаётганга соларди.

– Шукур, хоқонпошша опажон. Агар сиз сўраб турсангиз минг дардим бўлсаям чиқиб кетади, айланай.

Хоқонпошша отинойини ёнидаги курсига ўтқазиб, нарироқда юмуш билан банд бўлган хизматкор аёлга (исми Ҳожар) имо қилганди, у уй ичидан ялтироқ халтада нимадир олиб чиқиб, соҳибасига тутди. Соҳиба халтани бармоқлари учида отинойига узатди.

– Хоқон тўра иккита олиб келган эканлар, биттасини сизга илиндим.

Отинойи сакраб ўрнидан туриб, етти букилди, юз-кўзлари чақнаб, бидиллади:

– Вой, менгами?.. Вой... Ҳимматингизга қуллуқ, опажон. Илоҳи, топганингиз олтин бўлсин! – Халтадаги бағоят қимматбаҳо матони қўлига олди-ю, кўзлари қинидан чиқиб кетаёзди, хоқонпошшанинг оёғига йиқилишига оз қолди. – Вой-вой!.. Вой бўўў!.. Мунча чиройли-я! Бунақаси тушимгаям кирмовди. Илоҳи, давлатингиз бундан ҳам зиёда бўлаверсин, маликам!

Роса ёқиб тушди шекилли, хоқонпошша мақтову хушомадларни охиригача эшитди.

- Яхши чеварга тиктириб кийинг, – деб қўйди сўнг писандсизларча. – Энди гап бундай: биласиз, қизимиз бўйига етиб қолди.

Отинойи дарҳол жиддий тортиб, хоқонпошшага тикилди.

– Ҳадемай турмушга берамиз. Шундай экан, зарур нарсаларни ўрганиб турмаса бўлмайди. – Хоқонпошша бирпас жим қолди.

Отинойи катта мурувват кўргани боис садоқатли ва муте кўринишга уринар, тил тишлаб, мўлтираб ўтирарди.

– Куйдириб-пиширишни-ку оқсочимиздан ўрганиб олар-а... – Бу гапни камтарин ва оддий кўриниш учун шунчаки айтди, аслида шундай замонда ҳукмдорнинг қизига, янаки Дилнурадек қавмдошимга қозон-товоғу, ўчоқ-тандир ёнида не бор. – Шуу... Гапнинг қисқаси, унга

«эскича»ни ўргатсангиз. Ҳижобга кираман, деб қўймаяпти. Балки мусулмонча кийинишни ҳам ўргатарсиз.

Отинойи қўли кўксида эгилди:

– Хўп бўлади, опажон. Дилнурахон қаердалар? Сабоқни (у бу сўзни атайлаб тез-тез ишлатиб турарди, чунки «эскича» ўқигувчи ва ўқитгувчилар дарсни сабоқ дейишарди-да) қачон бошлай?

– Ҳожар! – дея овоз қўйди бека унинг гапига парво қилмагандай. – Отинчани Дилнуранинг олдига олиб кир. – Сўнгра рўпарасида камон пайконидек отилишга шай турган отинойининг юзига қарамай, буюрди: – Ҳозироқ бошланг!

У Ҳожар етовида Дилнуранинг хонасига кириб борганида билқиллама хорижий диванга ястаниб олган яримяланғоч қиз экрани ғоят текис ҳамда улкан қимматбаҳо телевизорда аюҳаннос солаётган ўзи каби «усти юпун» ажнабий ашулачиларни кўз қири билан томоша қилар, орада қўлидаги ойнага боқиб, қовоғига алламбало чаплар ва оҳангга мос равишда қийшангларди. Телевизорнинг овози анча баланд эди, аммо хона деворларига махсус қоплама ёпиштирилганидан ташқарига қарийб эшитилмасди. Хона қоришиқ ифорларга тўла, бурчакдаги совуткичдан уфурган совуқ ҳаво боис танга хушёқар даражада салқин эди. Нарсалар бетартиб сочилиб ётарди. Қиз отинойини пайқади-ю, бироқ қимирлаб ҳам қўймади. Ўнг қўлининг бўш панжаларини хиёл қимирлатиб, «приветик» деганди, базўр чиққан овози қиёматни эслатгувчи мусиқа остида йўқ бўлиб кетди. Отинойи унинг рўпарасидаги оромкурсига ўтирди, Ҳожар пастак стол устидаги пультни олиб, телевизорни ўчирди. Унинг ҳаракатидан бу қизга овора бўлиб гапириб ўтирма, барибир тушунмайди, тасқаралигига яраша муомала қилавер, деган маънони уқиш мумкин эди. Лекин оқсочнинг нурли юзида зарда сезилмади. Дилнуранинг «Ну, Ҳажар!..», дея норози қиёфада юзини

тириштиришига ҳам парво қилмай, хотиржам боқиб тураверди. Дилнура қўлидаги лаш-лушларини столга қўйиб, отинойига юзланди.

– Ҳмм, атинушка, гап борми?

Бу орада Ҳожар нарсаларни йиғиштириб, хонани эпақага келтира бошлади.

– Онангиз юбордилар, – деди отинойи қизга ёқишга уринаётганидан астойдил тиржайиб. – Дилнурахонга эскичани ўргатинг, деб буюрдилар.

Эрталаб отаси билан қилган келишуви қизнинг ёдида йўқ эди. Шунинг учун:

– Эскича?.. – дея ҳайрон бўлиб кўзларини пирпиратди.

– Хўжайинга девдингиз-ку, – ёдига солди Ҳожар унинг ўз тилида гапириб.

– Ааа?.. – Қиз шаҳд ўрнидан турди-да, чийиллаб диван устида сакрай бошлади. – Да, да, да! Пойдёмте покажу, – дея отинойининг қўлидан тутиб, хонанинг айни жойдан кўринмаётган бурчагига бошлади. У ердаги улкан нақшинкор жавонда кийим-бошлари сақланарди.

Қиз сакраб бориб жавоннинг эшигини очди. Унда бутун дунёдан келтирилган, турфа ниятларда тикилган либослар осиғлиқ турарди. Буни кўриб, отинойининг кўзлари қинидан чиқиб кетаёзди.

– Папам энди билгани билан мен давно коллекция қиламан, – деди қиз шанғиллаб.

Бу пайт дарвоза олдига Хоқоннинг хонадони учун тайин этилган одмироқ (аслида бу ҳам қимматбаҳо эди) машина келиб тўхтади. Ҳайдовчи Аждар дарвозадан кираётганда, уйдаги телефон жиринглади, Ҳожар уни қулоғига тутди-ю, дарров бекаси томон шошилди. Сим қоққан Қурбон эди. У Дилнура бориши лозим бўлган врачнинг манзилини, Хоқоннинг истагига биноан, бу гапни ҳатто

Аждар ҳам билмаслиги кераклигини тушунтирди. Бека телефонни қулоғидан оларкан, ортига қайрилиб, Аждарга кўзи тушди. Унинг саломига алик ҳам олмай, машинада кутиб туришини буюрди-да, қизини чақирди. Қизига борадиган жойини, ўзини қандай тутишини қайта-қайта уқтирди. Дилнура тездагина қўғирчоқдай бўлиб кийиниб чиқди-да, кўчага чопди.

Бека эса энди отинойини ёнига чорлади.

– Қани, мундоқ ўтиринг-чи, отинчабиби.

Отинойи беканинг «отинчабиби» деганидан жудаям яйраб кетди. Ўзига ярашмаган чаққон питирлаш билан келиб тўқима курсига ўтирди. (Ўў, бу одамзод-а! Бинога келганидан буён уни англашга уринаман ва мабодо тўла англай олсам, эҳтимолки унинг сирини кашф этсам, йўлдан уришим осонлашармиди, дея ўйлайман, бироқ англаш тугул бугунги гапи эртага тўғри келмаганидан ҳайратга тушаверамаку, тилимни тишлайман. Соҳибининг қошида думини ликиллатаётган итдай турган отинойини ҳатто ота-онаси ёки бошқа бирон энг яқин ва суюкли кишиси мана шундай ёқимли ном билан чақирганида ҳам бунчалар яйрамаган бўларди. Хоқонпошшанинг «отинчабиби» дейиши эса бутун вужудини ҳузурли эркалаб юборди. У бир пайтлари танасини маст-аласт, йиртқичдай қутурган забардаст эркаклар ҳирс ила пайпаслаб, мижғилаганларида ҳам бунчалар ҳузурланмаганди.)

– Энди гап бундай,– деди бека гапни нимадан бошлашни билмаганидан безовта қимирлаб қўяркан. Эрталаб эри қандай гапирувди-я? Қурбон-чи Қурбон, телефонда тушунтирганида нима деди? Оббо, гапни қандай бошласа тушунаркин, бу ғар? Бека ўйларининг бош-кетини тополмай, қийналиб кетди-да, томдан тараша тушгандай деди: – Хуллас, бизга битта мия керак.

– Хўп-хўп, топамиз, опажон, – деб юборди отинойи гапнинг бердисини эшитмаёқ. Унинг бека томон талпи-

ниб туришини кўрган одам ҳозир-ҳозир ўз калласининг қопқоғини очади-ю, миясини шундоққина кафтига олиб, бекага тутади, дея ишониб кетиши тайин эди.

Беканинг энсаси қотди: нима демоқчилигини ҳали ўзи тушунгани йўғу, мановининг «топамиз» дейишига бало борми?! Ҳе, эшак мия!.. (Ҳозир мабодо менинг гапимни эшитганида эди, ҳей, одамнинг урғочиси, эшакни ҳақорат қилма, деган бўлардим.) Ниҳоят бека ўзини хийла босиб олди.

– Биласиз, ўғлимиз Муродимжон бетоб. Ҳозир дадасиниям, мениям бутун ўй-хаёлимиз уни даволатишда. Дўхтирларнинг айтишича, унга яхши битта мия қўйилса, соғайиб кетаркан, шунгаа... – Бека бир оз тўхталиб олди. – Ҳозир пулга сотилмайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Йўқчиликдан қийналганлар тирикчилик учун нималар қилишмайди-ю, нималарга рози бўлишмайди. Сиз эса одамлар орасида юрасиз. Суриштириб кўринг, мабодо топилса, ўша одамнинг айтганини берамиз, сиз ҳам қуруқ қолмайсиз. – Бека охирги гапини тагдор оҳангда айтди.

– Тушундим, опа, Худо хоҳласа, албатта топилади, – деди отинойи кўзлари чақнаб, бекага ҳамоҳанг сирли шивирлаб. Бунинг устига, бир куннинг ўзида шундайин бообрў хонадонга шунчалик ошно бўлганидан бутун танаси кўпчиган хамирдай лорсиллади.

Бека унинг ҳолатини сезгандай қўшиб қўйди:

– Аммо бу гаплар сир-а, биров билмасин...

* * *

Дилнура ўтириши ҳамоно Аждар кўзгу орқали унга сузилди:

– Бормисиз, асал? Бунча юз долларли пулдай кўринмай кетдингиз?

Дилнура лабини бурди:

– Отстань, хам!.. Иннейкийин жудаям паст кетвординг-гиз. Юз доллар нима бўпти? Хотя бы бриллиантовий цепочкадай денг.

– Хўп-хўп, бирилянтовий сепочкам. – Аждар қизга ҳирс билан тикилди. – Бугун дўхтирга кирмасдан олдин бир маза қилайлик, шакар. Хата бўм-бўш.

– Ие, ҳали дўхтирга кетаётганингдан ҳам хабарим бор, денг. – Дилнура энди туйқус сири очилиб қолган кибор одамнинг қиёфасига кириб, ҳайдовчига писандсизларча боқди. – Вобщета сиз виноватсиз. Кайфчиликда ким (аслида кимлар демоқчи эди) қиганиниям билмабман. По-моему сиз қигансиз, сволочь.

(Биродар, бу икки одам боласининг ўзини тутишларидан ҳайрону лол бўлаётгандирсиз: ахир уларнинг бири оламни зир титратган Хоқоннинг қизи, иккинчиси оддийгина аравакаш – ҳайдовчи бўлсалару, бунчалик эркин мулоқотлари недин? Аввало Аждар бу хонадондаги муҳитдан тўла бохабар эди, яъни аҳли хонадоннинг сирини олганди. Қолаверса, асли унинг қони бузуқ эдиким, хожасининг қизига олдиндан шилқимлик қилиб юрарди. Қиз эса, йўқ, бузуқ эмасди. У тантиқ, одамларнинг китобий тилида айтганда, енгилтак, фаросатсиз, инсоний муомала ва ахлоқ-одоб тамойиллари борасида мутлақо ғофил эди. У, барча одамларга нисбатан олганда, бағоят содда бўлиб, бу соддалиги ҳаёсизлик туфайли шикастланганди. У ҳаёсизликни беихтиёр қиларди ва бундан заррача хижолат тортмас, чунки унда хижолат туйғусининг ўзи йўқ эди, шаклланмаганди.)

Аждар ғилқиллаб ютиниб қўяркан, ўша кунги воқеани эслади: тун ярмидан оғганда, жинларнинг базмидаги каби қиёмат қўпган дискотекага (у ёғини сўрасангиз, бу ерда нафақат одамлар, балки бизу жинлар ҳам ўйин-кулги қилмоқда эдик) кириб, маст-аласт оломон ичидаги Дилнурани уйга олиб кетмоқчи бўлди. Аҳли дискотеканинг

аксарияти, ўзларининг тилида айтганда, менинг сийдигимдан тотинган, кўпчилиги эса, турфа афюнлар таъсирида эдилар. (Мавриди келганда яна бир гапни айтай: мен замона кишиларининг тутумларидан мудом лолман. Улар жамиятни қонунсизликдан, бузуқликдан гўё сақлаш учун хилма-хил тақиқ ва қоидалар ўйлаб топадилар-у, ўз фарзандларини тараққиёт рамзи сифатида кириб келган балои офатлар исканжасига осонгина, янаки ихтиёран топшириб қўя қоладилар. Мен Шайтонлигимга бориб, буни жон-жонимдан истасам-да, одамзодни барибир тушунолмайман. Қадимда бутун дунёда такяхоналар (нашавандлар, бангилар макони), исловотхоналар бўлган. У ерларнинг ёмонлигини ҳамма билган. Ҳозирги дискотека деганлари айни ўша такяхонаю исловотхоналарнинг замонавий кўриниши-да. Ҳай, майли, бахтимга дискотекалар кўпайиб турса, ҳадемай аҳли Исломни ҳам буткул бир ёқлик қиламан.) Аждар кўрдики, кичикроқ хонада, Дилнурани бир маст йигит босиб ётибди. Қиз ҳам қип-қизил маст, афтидан вужудидаги шаҳвоний ҳузурдан ўзга нарсани сезмас, идрок этмасди. У йигитни елкаси аралаш думбасидан ушлади-да, даст кўтариб, хонанинг бурчагига улоқтирди. Сўнгра уйқусирагандай тўлғаниб қўяётган Дилнурани суяб, ўрнидан турғазди. Кўчага олиб чиқиб, машинанинг орқа ўриндиғига ўтқазди. Ана шунда унинг очкўз нигоҳи қизнинг таранг сонларига, калта майкасимон кўйлагининг қарийб белига чиқиб қолган этаги остидан кўриниб турган чотига урилди. Шаҳватпараст йигитнинг жонига ўт тушди. Машинага ўтириб, тўғри Хоқон инъом қилган «хата»си сари ҳайдади. «Хата»сида шоҳона бўлмаса-да, ҳамма нарса муҳайё эди (ҳамма нарса деганимиз – бу қорин тўйғазиш ва ишрат қилиш учун ишлатиладиган жиҳозлардир). У қизни тўшакка ётқизди, ютоқиб икки пиёла ароқ сипқорди-да...

Аждар ойна орқали суқланиб, яна тамшанди.

– Кетдикми, жоним?

Дилнура йигитнинг нигоҳидаги оловни ўзига, ҳа-ҳа, ёлғиз ўзига бағишланган муҳаббат деб билдими (аслида у муҳаббат нелигини билармиди-йўқми, номаълум) ёхуд ўз вужудида ҳам унга уйқаш ёндиргувчи туйғу пайдо бўлганмиди, беихтиёр унга майл билдирди.

– Кеч қолмаймизми? – сўради у бу билан ҳам йигитни ёқимли эркалаб, дадил бўлишга ундади, ҳам ўз вужудидаги иккиланишга барҳам беришга уринди.

– Қаёққа кеч қоласиз, брилянтовий сепочкам, ахир уйизга борасизми?.. – Аждар чап қўлида рулни ушлаб, ўнг қўли билан ўриндиқ оша қизнинг тиззасини силади. – Бирпасда етказиб қўяман, асал.

Қиз кескин бир нафас чиқарди-да, худди «майли, овқат еб кета қолайлик», дегандай ҳеч қандай ўзга маъно ортқиламаган ўта жўн оҳангда қўл силтаб, деди:

– Ну ладно, сиз айтгандай бўла қолсин...

(Азиз, ҳа-ҳа, тобора менга азиз бўлиб бораётган биродарим! Ҳа, мен ўз номим билан Шайтонман, яъни менинг ким ёхуд ким томонда эканлигим барчага кундек равшан. Аммо одамзод ҳамиша ўз айбу нуқсонларини, гуноҳларини бировга тўнкашга, хаспўшлашга жуда устаси фаранг. Менимча, мана шуниси даҳшатли. Ахир одам боласига «кўрга ҳасса» қабилида кўрсатиб қўйилган ибратлар қанча. Оллоҳ ман этган мевадан тотингани учун Одам жаннатдан қувилди. Мен эса ана ўша итоатсиз Одамга сажда қилмаганим учун абадий лаънатга учрадим. Энди замона аҳли боши билан шўнғиган, ўзлари бунинг гуноҳ эканлигини гумон ҳам этмаётган гуноҳларни бизнинг – менинг ва Одам Атонинг итоатсизлигимизга бирров нисбат бериб кўринг. Бизларники ҳолва бўлиб кўриниши аниқ. Демак, одам насли шу қадар эврилди.

Бир ўйлаб кўринг-а, азизим: ўзига бино қўйган одам қавми, сохта олифтагарчилиги ортидан, гоҳо бир-бировининг уч марталаб совунлаб ювилган қўлларидан бирон егуликни олиб ейишга ҳазар қилади. Гоҳо ҳаттоки бирининг калишини бошқаси киймоққа орланади. Аслида бунга уларнинг кибрлари боис, аммо хаспўшлашга уринадилар – покизаликни, ўқимишлироқлари гигиенани пеш қиладилар. Иттифоқо бир куни ўша олифта қавм бировнинг чотидан чиқиб келади-да, устидан бир бор сув қуйгач, покиза бўлдим, деб хаёл қилиб, бола-чақаларини қучоғига олади. Қай бир «манзилларни» кезинган қўллари ила уларнинг бошларини силайди, оғизларига ош-нон солади. Одамзоднинг феъли, тутмиши шу экан, мен тимсоли разолату қабоҳатга ҳақиқатни тушунтириб беринг ахир!)

9

Уфқ Ёмғирга рўпара келганида аввалгидек титрамади, энтикмади, соғинчли ўртанмади, қиз билан саломлашаркан, бир пайтлар жону жаҳонига ўт солган юз-кўзларига бепарво боқди. Аммо бу гўзал чеҳрага боғлиқ қандайдир ришталар борлигини ёки қачонлардир бўлганлигини юраги ихтиёрсиз эътироф этарди-ю, энди бу ришталар унинг изтиробу истаклари қошида бағоят ожиздек туюларди-да, Ёмғирга бегонадек тикиларди. У ўз тақдирига қатъий ҳукм чикариб бўлганди, унга бошқа бирон нарсанинг таъсир ўтказиши мушкул эди.

Ёмғир унчалар писанд қилмай қўйган ошиғини ҳозир таниёлмасди. Авваллари уни кўрса, ўзини қаерга қўйишни билмаётгандек титраб-қақшарди. Тузукроқ сўз айтолмас, илтижоли мўлтираганча нукул ютинарди, холос. Охирги кунларда бўлса, девонага ва ҳатто савдойига ўхшаб қолганди: кийим-бошига қарамас, гап-сўзлари узуқ-юлуқ, нигоҳида бир қарашдаёқ сезилгувчи паришонлик

пайдо бўлганди. Энди эса... Энди унинг нигоҳида совуқ бир қатъият зоҳир эди ва бу қатъият қошида ўзга ҳар қандай хоҳиш-истаклар бекордек туюларди. Бу олий ҳукм ўқилгандан сўнг пайдо бўлгувчи қатъият эди.

Ёмғир йигитнинг кўзларидаги маъно изнига тушди-ю, ихтиёри кетди. Нимадир бўлган, дея ўйлади у, ёки мендан совидимикин? Балки бошқа бировни ёқтириб қолгандир?

– Сизга нима бўлди? – деган сўзлар учди ҳайрон қизнинг лабларидан.

Йигитнинг нигоҳидаги совуқлик баттар чуқурлашди:

– Ҳеч нарса.

– Ғалати бўлиб қолибсизми?..

– Билмадим... Булутни кўрмадингизми? – Уфқ у ёқ-бу ёққа аланглади.

– Йўқ, кўрмадим. – Қиз гапини йўқотиб, каловланди: – Менга қаранг, Уфқ, агар мендан ўтган бўлса... кечиринг!

Йигитнинг нигоҳида нафрат уйғониб, юзи аянчли тусга кирди. У ўзидан нафратланмоқда эди, аммо қиз бошқача тушунди.

– Майли... – дея олди Уфқ базўр. – Сиз ҳам мени кечиринг. – Бу унинг видоси эди, бироқ Ёмғир кесатиқ тарзида қабул қилиб, хўрлиги келди: наҳотки бирпасда шунчалик ўзгариш мумкин бўлса?

Қизларнинг, аёлларнинг феъли шу-да – эркаклар эътибор бермай қўйсалар ўзларини қўярга жой тополмай, уларнинг ортидан эргашадиган ва ҳатто итоатгўй бўлиб қоладилар. Унгача... Уфқнинг хаёли қайда-ю, унинг кўйидан ўзича маъно чиқарган қиз не аҳволда. Кечагина менсимай қараётганди, бугун эса ортидан чопишга тайёр. (У ёғини сўрасангиз, айни дамда Уфқ тобора ўзидан йироқлашиб борарди. Чунки у менинг домимда эди. Бу ҳолатни одамлар шайтон васваса солибди, васваса босибди, дея таърифлашади. Ҳа, Уфқ васваса ичра қолганди. Менинг васвасам ичра! Унга бирдан-бир тўғри йўлни мен

кўрсатмоқда эдим. Айтинг, бу дунёда одам боласига ким ана шундай ошкора қайишиб, ҳалол раҳнамолик қила олади, ким?..)

Уфқ сўзсиз қайрилиб, йироқлашди. Қиз эса алам ичра ҳайрону лол қолаверди.

Бир оз юргач, Булутга кўзи тушиб, билинар-билинмас жилмайди: хайрият! Ҳозир ёлғиз нажоткори Булут эди гўё, бошқа нарсани ўйлашни ҳам истамасди.

Булут ҳам уни кўриши ҳамоно қувониб, қичқириб юборишига бир баҳя қолди. Қувонмай бўладими, кечқурун онаси билан не-не режалар туздилар ахир: Отинойи Хоқонникидан ўпкасини қўлтиқлаб қайтди, ҳамма нарсани унутиб, ўғлини кутди. Ўғли дарсдан чиқиб, тўғри уйига бормасди, аллақаерларда дайдиб, кунни қаритиб кириб келарди. Бу сафар ҳам шундай бўлди – ширакайф ўғлини оғзи қулоғида кутиб олди.

– Ҳалиги ошнанг юрибдими? – сўради Отинойи эркатойига аталган ҳар кунги ўпичларини ҳам насия қилиб.

– Қайси ошнам? – деди Булут хаёлларини йиғиштиришга уриниб.

– Қишлоқлик ошнанг борийди-ку. Уйимизга ҳам бир-икки келганди шекилли.

– Ҳмм, Уфқми? – Ўғил хиёл сергак тортди.

– Ҳа-ҳа, ўша. Уфқмиди? – Отинойи бирпас жим турди-да, сўради: – Ошнанг ҳалиям фикридан қайтмадими?

– Қанақа фикридан? – йигитнинг кўзлари катта-катта очилди.

– Миясини сотмоқчи деётувдингми?

Булут қўл силтаб, тебранди:

– Ҳаа, у гапми, ая? Ҳа, энди шунақа ҳазиллашиб турамиз-да. Нима, шунга ишонувдизми?

Отинойи жиддийлашди.

– Агар ошнанг ҳазиллашган бўлсаям сен уни жиддийлаштир. У қийналганидан шунақа девмиди ахир?

Булутнинг шуури тиниқлашиб, онасига диққат билан тикилди.

– У-ку камбағаллик жонидан ўтганидан шунақа деганди. Сиз-чи, сиз, нима демоқчисиз, ая?

Отинойи ўғлининг чап елкасига қўл ташлади:

– Сен ҳам лапашанглик қилсанг, ўша ошнангнинг аҳволига тушишинг мумкин. Мабодо каллангни ишлатсанг, бой бўлиб кетасан. Аввало менга айт-чи, сенга ўзи бойлик керакми ёки ўша ошнангми?

Булут сергак тортиб, ихтиёрини онасининг измига топшириб бораётганидан дилидаги тилига чиқди-қолди:

– Албатта, бойлик керак-да, ая, бошоғриғи ошнамни нима қиламан...

– Баракалла, ўғлим. Унда эшит: ўша ошнангни нима қилиб бўлсаям кўндирасан. – Кейин Отинойи мақсад-муддаосини бир бошдан тушунтира кетди...

* * *

– Бормисан-ей, ошна! – Булут Уфқ билан қучоқлашиб кўришаркан, унинг юзидаги ўзгаришни ҳам эътиборидан қочирмади: – юзингга нима бўлди?

Уфқ ўз наздида, ягона суянчиғи бўлиб турган дўстининг меҳрибончилигидан таъсирланди.

– Ҳа, энди... – Юр, бирон жойда ўтирайлик, дўстим, – дея кўзларини яширишга уринди.

Икковлашиб талабалар ошхонасига кирдилар. Уфқ бошидан ўтказганларини гапириб берди. Булут эса иш осон кўчаётганлигидан хурсанд эди.

– Хуллас, гап шу, – деди ниҳоят Уфқ кескин. – Пул топмасам бўлмайди. Агар имкони топилса, миямни сотаман.

Шу пайт чор-атрофни ғала-ғовур, шовқин-сурон тутди. Ошхонага ҳаллослаб кириб келган жиккак бир талаба кўзлари ола-кула бўлиб, шанқиди:

– Шаҳримизга Афанди келаркан, ҳей, одамлар!.. Афанди келаркан, ҳе-ҳе-ҳей!.. – Талаба қандай пайдо бўлган бўлса, ана шундай кўздан йўқолди. Шовқин тингач, одамларнинг одатий гап-сўзлари сезилмай, олам сокинлик ичра қолгандек туюлди.

Ҳам туйқус шовқиндан, ҳам Афандининг номини эшитиб, бир сесканиб тушган Уфқнинг юраги ҳамон дукурини қўймасди.

– Нима деди? – сўради тирқираб кетган хаёлларини жамлаб, юрагини босишга уринаркан.

– Эй, қўйсанг-чи уларни, – деди Булут қўл силтаб. – Ундан кўра ўзингни ўйла, дўстим. Хуллас, мен миянгга харидор топдим. – Булут гўё ҳазил қилаётгандек тиржайди.

(Одамзод бир-бири билан гаплашганда суҳбатлашаяпман (ёки суҳбатлашаяпмиз) деб ўйлайди. Аслида ҳар бир одам ўз хаёли билан банд. «Эчкига жон қайғу, қассобга ёғ», дейди-ку одам аҳли. Бу икковининг-ку бири тоғдан, бири боғдан келаётганлиги аниқ. Аммо бинойидек суҳбатларда ҳам мақсадлар муштарак бўлмоғи мушкул. Ҳатто она билан ўғил гаплашганда ҳам: «қорнингни тўқлаб юр, кастюмингни ечма, шамоллаб қоласан, эртароқ кел», дейди она боласининг соғ-омонлиги қайғусида. Ўғил эса чиройли кўриниш илинжида костюмини ечиб кетиш пайида, эрта келиш-келмаслигини бўлса ўйлаб ҳам ўтирмайди. Бир одам бошқасига бир воқеани гапириб беряпти, дейлик. Сўзлагувчи бир ёқдан, эшитгувчи эса бутунлай бошқа ёқдан келади. Бунинг сўзлашдан, унинг эшитишдан ўз мақсади бор. Ҳатто бир воқеани бутунлай бошқа-бошқа тарзда талқин этишлари ҳам мумкин. Шунинг учун одамзод ичра баҳс бор, низо бор. Унинг қонида худбинлик бор экан, бир-бировини тўла тушунишига ишониш қийин. Зеро, ҳар бир одам суҳбатдоши унинг сўзларини бутунлай тушунмаётганлиги ёки ўзича талқин қилаётганлиги хавфини унутмаслиги керак.)

Уфқнинг юрак уриши меъёрлашиб, шуури тиниқлашган бўлса-да, Булутнинг гапини илғамай қолди шекилли, «нима дединг», дегандай синовчан тикилди.

Булут унинг қарашини ўзича фаҳмлаб, чўчиб тушди:

– Ўзинг миямни сотаман, дегандинг, шунга бир ҳазиллашдим-да, оғайни.

Уфқ энди ўз ҳолига қайтиб, бўшашди.

– Лекин мен ҳазиллашмагандим, – деди ўзига ўзи гапираётгандай.

– Агар сен ҳазиллашмаган бўлсанг, мен ҳам ҳазиллашганим йўқ. Миянгга харидор топдим, ошна.

– Ростданми? – Уфқ қувониб кетди: бу шундай қувонч эдики, бир нимага сазоворликда эмас, нимадандир халос бўлганда яралгувчи хўрсиниқли маъюс қувонч эди.

– Рост, дўстим, рост, – деди Булут уни табриклаётгандек оҳангда. – Агар рози бўлсанг, бу ёғи нархни келишсак бас.

– Нарх?.. – Уфқнинг овозу кўзида ҳайрат ёлқинланди. Ажабо, миясини сотишни неча бор ўйлабди-ю ва ҳатто бу ҳақда Булутга ҳам қайта-қайта айтибди-ю, аммо сотилгувчи нарсага (айни дамда ўз миясига) албатта нарх белгиланиши, охир-оқибат бу нарх юзасидан савдолашиши муқаррарлиги хаёлига келмабди. Шунинг учун нарх ҳақида эшитиб, ғалати бўлиб кетди. Демак, миясига нарх белгилаши зарур. Бир ёғи, кулгили ҳам. Бироқ Уфқ ҳозир куладиган аҳволда эмасди. (Унинг жиддийлигида ҳам менинг изним бор. Одам фарзандлари аксарият ҳолларда ўз ҳазил-ҳузуллари орқали менинг домимга тушсалар-да, гоҳида истироб оғушидан бўлганидек исканжамдан ҳам ҳазилу кулги орқали қутулиб кетишлари мумкин. Ҳозир озгина кулги таъсирида, васвасамдан фориғ бўлиши тайин эди.) Хўш, битта мия неча пул тураркин, дея ўйларди у, ҳар ҳолда қиммат турса керак. Акс ҳолда, онаси би-

лан синглисини қандай бахтли қила олади. У Булутга иккилангандай қаради:

– Нархини қанча белгилаймиз, ошна?

Булут онаси билан ҳаммасини пишитиб бўлганидан қайси ҳолатда нима дейиш зарурлигини яхши биларди.

– Аввало «кўк»идан сўрайверасан, дўстим, – деди Уфққа «илҳом» бериб. – Сўрагандаям яхшилаб сўра.

Қанча сўрасин? У замона нарх-навосидан бехабар эди, катта пул кўрмаганидан, озгина пул ҳам, наздида, кўпдай туюларди.

– Нархни ҳозир айтишим керакми? – ғўлдиради нима дейишини билмай.

– Ҳозир айтсанг, харидорнинг фикрини эртагаёқ эшитасан. Кечқурун гаплашиб келаман. – Булутнинг овози гўё тобора самимийлашиб борарди.

– Унда неча пул дейин, ахир?

Булут Уфқнинг барибир оз нарх айтишини биларди, бу эса унинг учун айни муддао эди.

Уфқ бир муддат ўйланиб турди-да,

– Йигирма минг!.. – деди ваҳима аралаш ва бирдан енгил тортгандай бўлди.

Булут «хайрият-ей» қабилида билинар-билинмас хўрсиниб қўйди.

* * *

Хоқоннинг хотини Отинойини бу сафар меҳмонхонасида қабул қилди. Оромкурсида ястаниб ўтирган кибор аёл ҳатто хиёл қўзғалиб ҳам қўймади. Эшитилар-эшитилмас «келинг», деди-да, оппоқ, билқиллама қўлини бир оз кўтариб, панжаларининг учини Отинойининг билагига теккизди, Отинойи узундан-узоқ тилак билдириб, фотиҳа қилди. Сўнг,

– Тузукмисиз, опажон? Шаштингиз пастроққа ўхшайдими?.. – деди ялтоқланиб.

– Ҳмм, тузук, шу... сал бошим оғриб турибди, – дея юз-кўзларида аллақандай маънолар яратишга уринди Хоқонпошша. У Отинойининг кўнглига қараб шундай дедими ёки ўзини нима биландир банддек кўрсатишга уриндими, номаълум эди.

– Илоҳи, бошингиз яхши бўлиб қолсин, опажон. Шу десангиз, суюнчини бераверинг энди. – Отинойи гўё Хоқонпошшанинг аҳволи жони ўзининг қўлидадай, унга ҳиммат кўрсатишга уринди.

Хоқоннинг хотини унинг гапига парво қилмоқчи эмасди, бироқ нима демоқчи эканлигига тушунолмаганидан беихтиёр:

– Қанақа суюнчи? – деб юборди ва шунинг асносида кўзлари бирров чақнаб кетди.

– Вой, опажон, қанақа суюнчи бўларди? Ҳалиги... Муродимга мия топдим-да.

– Қанақа мия? – деб юборди гапини тушунмагандай.

Отинойи унинг кўзларига шубҳаланиб боқаркан, каловланди.

– Ҳа, айтгандай, миями? – Хоқонпошша бу билан ўзигаю суҳбатдошига ҳаловат бахш этган бўлди. – Хўш, кимда экан ўша мия?

– Бир аълочи талабада. Анчадан бери миясини сотмоқчи бўлиб юрган экан.

– Нега энди? – Хоқонпошша негадир Отинойига қаттиқ тикилиб қўйди.

– Билмадим... – Отинойининг кўзлари тентиради. – Билмадим, йўқчиликдан бўлса керак-да.

Хоқонпошшанинг хаёлида «Аълочи талабанинг» деган гап айланаркан, демак, яхши мия демоқчи, ҳам молининг нархини оширмоқчи, дея ўйлади. (Ишонинг, бу гапни ўйлашга ёки айтишга Хоқоннинг хотини қодир эмасди. Унинг ожиз миясига бу гапларни ва эҳтимолки, бу савдоларни солган мен эдим.) Тавба, мақсадини очиқ-ойдин

айта қолса бўлмасмикин-а? Нима, у пулга, ёрдамга жуда-жуда муҳтож, берсанг тузукроқ бер, демоқчими? Ёки?..

– Хўш, нархи қанча экан?

Отинойи хаспўшлаб ўтирмай, саволга айни жавобни бериб қўя қолди:

– Эллик минг... Яъни кўк... «кўки»да.

Хоқонпошшанинг туси қарийб ўзгармади-ю, хиёл жилмайиб:

– Ишқилиб ўзингизнинг тегишингизниям қўшиб юбормадингизми? – деб қўйди секингина.

– Йўғ-е, опажон, менга ҳеч нарса бермасангиз ҳам майли. – Отинойининг кўзлари олма териб, тили дудуқланди. – Мен асли гапингиз бўйича, Дилнура пошшанинг олдига чиқувдим.

Хоқонпошшанинг кўзлари паришонлашди, сўнг Отинойига бутунлай ўзгача нигоҳ ила боқиб, деди:

– Ҳа, айтгандай, «эскича» ўргатадиган бўлувдингиз-а?.. Қизим ўз хонасидадир. Ҳожар!..

Зум ўтмай остонада мўмина қиёфасидаги хизматкор пайдо бўлди.

– Отинойини Дилнуранинг олдига олиб чиқ, – дея буюриб, Отинойига қайрилди: – Ҳалиги гапнинг жавобини эртага айтаман.

Дилнура доимгидек яримяланғоч алпозда диванда ястаниб ётар, бироқ шашти пастроқ кўринарди. Рангидан қон қочган, кўзларининг ости салқиб қолганди. У Отинойини кўриб, ўрнидан бир қўзғалиб олди. Бу Отинойига ҳурмати туфайлимиди ёки ётавериб зерикканмиди, англаш қийин. Янги устози билан ўтирган кўйи кўришди. Отинойи оромкурсига чўкиб, қўлини фотиҳага очди, узундан-узоқ дуо қилди. Фотиҳага очилган қўлларининг тирноқларига тикилиб, ўйнаб ўтирган қизнинг ҳам, эшик ёнида тик турган Ҳожарнинг ҳам бундан энсаси қотди.

Отинойи дарров муддаога ўта қолди:

– Энг аввал ҳижоб кийишни, намоз қоидаларини ўргатаман, – деди у овозига салобат бахш этишга уриниб.

Дилнуранинг рангпар юзи тиришди.

Ҳожар эса чиқиб кетаркан:

– Аввал таҳорат олишни ўргатинг, – деб қўйди кесатиб.

Отинойи эгнидаги ҳижоб аталмиш узун кўйлагини ечиб, Ҳожарга қараб хўмрайди:

– Ҳаммасини ўргатаман. Сиз балки ўзингизнинг ишингизни қиларсиз. – Ҳижоб остидаги тор кийимлари туфайли, ҳали жозибасини қарийб йўқотмаган қадди-қомати намоён бўлди. Аёл кейинги пайтларда қаерда, кимнинг олдида бўлмасин, имкон топилди, дегунча, қоматини намойиш қилишга уринар ва бундан ўзича ҳузурланарди. Аслида бу бел эркак қўлини соғинганди. Эҳ-ҳе, бир замонлар бу ҳирс тўла вужуд илондай тўлғанарди. (Бунга мен гувоҳман. Ҳа-ҳа, унинг ҳузурли ўнташларидан мен ҳам лаззатланганлигимни яширмайман. Айниқса, дев келбат, оғзи тўла тилла тиш, жон олғувчи кўзлари мастона сузилган ўша йигитни ҳали-ҳали ўртаниб эслайди. Йигит унга ҳам бир-икки пиёла май ичирганди. Сўнг... Сўнгра арабий шўх мусиқага ўйин тушмоққа даъват этди. У йигитнинг кўзларига бир лаҳза ҳадик аралаш тикилиб турди-ю, ниҳоят куйга монанд муқомлар ила рақс туша кетди. Бора-бора ким эканлигини, қаерда турганлигини ҳам унутди: гўё мусиқаю мастона вужуди бор эди, холос. Шу қадар хиром этардики, кўкси алоҳида, бели, думбаю болдирлари, айниқса, юз-кўзлари алоҳида-алоҳида силтанар, шаҳвоний имолар қилар, уни кўрган эр нигоҳи ўт, олов сочарди... У кечани бетакрор ҳузур-ла ўтказди ва умри бино бўлиб энг кўп пул ишлагани ҳам шу эди, наздида.)

– Ҳаа, аввал таҳоратни ўргата қолай, – деб юборди Отинойи қўққисдан.

(Балки ғуслни ўргатарсиз, дейман мен ич-ичимдан ва ўз-ўзимдан нафратланиб кетаман. Ахир менинг измимдагилар ювуқсизлар эмасми... Аслида-ку Дилнурага ҳозир ғусл жоиз, чунки кечаги ишдан сўнг тузукроқ ювингани ҳам йўқ. Дарвоқе, кеча...)

Кеча яна Аждарнинг тузоғига илинди, аврашларига кўниб, «хата»сига борди. Кейин эса отаси айтган дўхтирга учради. Наҳсу шаҳватга куч-қувват инъом этган манзара айни шу жойда намоён бўлди. Одам боласининг мана шундай кўйларидан ўн саккиз минг олам зир титрайди. Хуллас, дўхтир аёл Дилнуранинг оёғини осмондан қилиб... (Мени доғда қолдиргувчи ғусл ана шунда кераклигини бу кабилар қаёқданам билсин. Аслида-ку ғусл тоза одамни тоза қилади, зинокорни эса...)

Бугун эса ранги синиққан, толиққан, ўзи англамаган ва сезмаган битта жон томири узилган кўйи Отинойига маъносиз тикилиб ўтирибди.

– Таҳоратда энг аввало аврат ювилади. Чап қўлда ювилади. – Отинойи чап қўли билан юваётгандек ишора қилди. – Камида уч бор ювасиз.

Буни кўриб, гўё авратини кимдир оғритиб-оғритиб ковлаётгандек Дилнуранинг юзлари тиришиб, сесканиб кетди.

Шу пайт хонага шошиб кириб келган Ҳожар ўзига ярашмаган қувноқлик ила деди:

– Эшитдингларми? Шаҳримизга Афанди келаётганмиш!..

ДЕРАЗАДАГИ ОДАМ

У ўтиб бораётган соҳибжамол қизни кўринмай кетгунча кузатиб қоларкан, энг яқин кишиси ёхуд қадрли нарсасини бой бергандай бир муддат бағри ҳувиллаб, нигоҳини беихтиёр осмонга бурди. Осмон тип-тиниқ, мовий эди, ҳатто бир парчагина оқ булут ҳам кўринмасди. Бу вужудидаги ҳувиллашни – зерикишни янада зиёда қилди. Бир хиллик жонига тегди. Тавба, осмон деган номи бору, унда ҳеч йўқ бир парча булут бўлмаса-я!.. Шу пайт ўнг кўзининг четига бир шарпа урилиб, ўша томонга қаради: йўлакда икки киши келарди – бири ўттиз-қирқ ёшлардаги пакана йигит. Унинг ёшини аниқ билиш қийинлиги шунда эдики, у бағоят фақирона кийинган, бунинг устига, кийим-боши кир-чир, ўсиқ жингалак сочлари униққан дўппи остидан беўхшов чиқиб турарди. Чориғи катта, ҳам йиртиқ бўлганидан оёқларини судраб босади. Иккита халтани елкасига ташлаб, чап қўлининг бармоқларига, ўнг чиғаноғига эса каттагина тугунни илиб олганидан букчайиб, асли паканага мойил жуссаси янада пачоқ ва афгор кўринади. Ўнг қўлида ёнбошидаги чувакдеккина кампирнинг чиғаноғидан тутиб олган. Кампирнинг кийимлари ҳам жулдур эди. Туссиз рўмоли остидаги оқ-сарғимтир, учлари пиликли сочлари ёнига осилган, оёғида худди йигитникидек эски калиш, ўнг қўлида оддий ёғочдан асо. Уст-боши кир-чир, кичкина юзи эса эски маҳсининг қўнжидек бужмайиб кўринади.

Иккиси ҳам ниҳоятда майда қадамлаб одимлардилар. Бу бир-бирларини эҳтиётлаб, қадамларига қадамларини мослашга уринаётганликларидан эди. Аниқроғи, йигит кампирнинг (онасининг) оёғига қараб юрарди.

Она-бола йўлак четидаги бўялган ўриндиқ ёнида тўхтади. Йигит юкларини ерга қўйиб, онасини авайлаб ўтқазди. Кампир нималардир деди, ўғил боши билан тасдиқлади. Бироқ унинг ҳаракатларида малоллик сезилмасди. У халтадан қоғозга ўроғлиқ нимадир олиб, онасининг тиззасига қўйди –

бу егулик эди. Йигит нималарнидир тушунтирди-да, халтадан елим идиш олиб, сўл тарафга тез-тез юра кетди. Кампир деразадаги одамга орқа қилиб ўтирса-да, унинг егуликдан ямлаётганлиги яққол сезилиб турарди. Кўп ўтмай, йигит сув олиб қайтди. У онасининг ёнига ўтириб, емиш емоғига кўмаклаша бошлади: ҳар замон-ҳар замонда идишдаги сувдан ичирар, кампир эса гўё ёш бола мисоли тағин емоққа тутинарди. Йигит фақат ва фақат онаси билан банд эди. Гўёки йигирма биринчи асрда, замонавий гўзал бир шаҳарнинг қоқ ўртасида қадим асрларнинг икки дарвеши ўтирардилар.

Айтинг, эй, одам фарзандлари! Айни дамда Оллоҳнинг бу икки қулидан (айниқса, йигитдан) мартабалироқ, буюк ажрга муносиброқ инсон борми? Йўқ ва яна йўқ! Олтин қуббали кошоналарда, тилло тахтларда анвойи қимматбаҳо матоларга, зебу зийнатларга кўмилиб ўтирган, «насл-насаби энг тоза», юксак лавозимдаги одамлар ҳам уларга тенг келолмайдилар. Чунки жулдур кийимли, исқирт, бироқ қалби улуғ муҳаббатли бу икки фақиру ҳақир ўз садоқатлари туфайли олий мартабаю мақомларга сазовордирлар. Ҳа, эй, ўзи дунё талабида-ю, лекин ажр истаган зот, қон сачрагудек тиниқ юзингни уларнинг эски калишларига бос, зора нажот топсанг! Илло, дунё шу!..

10

Кечга томон шаҳардан қайтиб, тўғри хонасига кириб кетди. Ўчоқ бошидаги онаси ортидан маъюс боққанча қолаверди. Одатдагидек, «келдингми, болам» ёхуд «мен бу ёқдаман», дея ўзи тарафга қаратишга ҳам уринмади. Гўё ўғлидан узр сўрашга ҳадди сиғмаётгандек эди. Чиндан ҳам узр сўраши керакмиди, аниқ билмайди, аммо ўғлининг кун сайин чўкиб бораётганини дил-дилдан ҳис қилади. Бир ёғи, ўғлига қизининг гапи оғир ботди – буни билади. Нима қилсин, икковиям ўзининг боласи-да – қайси бармоғини тиш-

ласаям барибир жони оғрийди. Лекин эртаси куни ўғли йўқ пайтида қизини роса уришди, ким қўйибди сенга акангни тергашни, ахир йигит кишининг қўли тошнинг орасида эмас-ку, деди. Худо бир куни акангга ҳам омад бериб қолар, ундан бошқа кимга ишонамиз, тасқара, деб турткилаб ташлади. Аммо қизи тасқара эмасди, бошида бир-икки силтангани билан кейин онасининг гапини бош эгиб, индамай эшитди. Сўнг уйга кирволиб, роса йиғлади. Қиз бола, умуман аёл зоти шу-да – хафа бўлса ҳам, ҳимоячи топилмаса ҳам йиғлайверади. Майли, нима бўлгандаям йиғлай олган одам ҳали яхшиликка ярайди, безрайиб тураверадиган тепса тебранмаслардан Худо асрасин. Бу-ку қиз бола, кўз ёшини ўзига эп кўрмайдиган ўғли нима қилсин? Йўқчилик, камбағалчилик қурсин! Йигит кишини ана шулар ейди, деганлари тўғри экан. Мана, ўғли тобора сўлиб бораяпти.

Кечки овқатни бирга едилар. Қизи иккови қанча мўлтирамасинлар, ўғли заррача зарда қилмади, жуда самимий ўтирди.

Саҳармардонда кимдир чақирди.

– Сени Одамбой чақиряпти, ўғлим, – деди онаси дераза ортидан.

Уфқ оғриниб ўрнидан туриб, юз-қўлини ювди-да, елкасидаги оҳорсиз сочиққа чала-чулпа артиниб, дарвозага юрди. Одамбойнинг кўзлари доимгидек қизарган, ғамгин, тун бўйи ухламаган шекилли, афт-ангори ҳорғин кўринарди.

– Келинг, Одамбой ака, тинчликми? – Уфқ қўшқўллаб кўришаркан, иложи борича беозор гапиришга уринди. Чунки кейинги кунлардаги руҳий изтироблари, тонг уйқусидан маҳрум қилинганлиги боис асаб торлари таранг эди.

– Узр, Уфқжон ука, – дея йиғламсираган овозда зорланди Одамбой. – Бемаврид безовта қилдим. Тун бўйи ухлолмай, хафа бўлиб чиқдим. Саҳар бўлди-ю, ким биландир гаплашгим келиб, сиз томонга юрдим.

– Бемалол-бемалол, – деди Уфқ овозидаги сохталикни енгиб. – Нима бўлди ўзи?

– Кеча дала йўлида – Одамбойнинг юзи аянчли тус олди. – Велосипедда кетаётган бир болакай битта чумолини босиб кетса бўладими. Тил тортмай ўлди жонивор! – У ҳўнграб йиғлаб юборди.

Уфқнинг кулгиси қистади: дунёда бусиз ҳам ғамташвиш тўлиб ётибди-ю, бунинг топган гапини қаранг. Унақада Уфқ ўзини осиб қўйиши керак экан-да. (Ҳаҳ, хом сут эмган банда-я, бу дунёда ҳамма нарса нисбий-да. Барча ўз қурбига қараб ҳаёт кечиради, қурбига қараб севади, нафратланади, қайғуради. Шундай экан, жумла борлиқни борича қабул қилиш осонроқ эмасми? Балки Одамбой тушунган, ҳис қилган нарсани тушунишга, ҳис қилишга сенинг қурбинг етмас. Эҳтимол, аксинчадир. Кимнинг қайғуси ортиқроқ эканлиги ҳам нисбий-ку.) Аммо Одамбойга қаттиқ гапиришга журъати етмади, нима дейишини билмай:

– Ёмон бўпти-ю... – деб қўя қолди.

– Ҳа, нимасини айтасиз. Бечорани олиб, йўл четига кўмдим, устида ўтириб, роса йиғладим. Болалари бордир балки!..

– Хафа бўлманг, Одамбой ака, дунёда шунча нарса туриб, яна тағин йўл ка-атта бўлса-ю, сизнинг кўзингиз битта чумолига тушса-я. – Уфқ ўзича бағоят мантиқли, ақлли гапларни гапирарди. – Ахир ҳар куни неча-нечалаб чумоли, нафақат чумоли, балки минглаб одамлар вафот этадилар, ҳалок бўладилар. Шундай экан... – Унинг кўзи Одамбойнинг нигоҳи билан тўқнашди-ю, гапиришдан таққа тўхтади. Одамбой унга худди одамхўрга қарагандай қўрқув аралаш нафрат билан боқиб турарди.

– Сиз ҳам мени тушунмадингиз-а?! – деди ниҳоят Одамбой шивирлагандай. – Ҳай, майли...

Уфқ хижолат бўлиб кетди.

– Йў-ўқ, Одамбой ака, унақа эмас. Рости, сиз билан бир гаплашгим келди-да, ака, хафа бўлманг.

– Кейинги пайтда жуда оғирлашиб кетаяпман, бир Табиб ҳазратнинг олдига бориб келмасам бўлмайди шекилли. – Одамбой гўё Уфқни унутган ва ўзига ўзи гапираётгандай эди.

– Табиб ҳазрат дейсизми? – деб юборди Уфқ беихтиёр.

Одамбой ялт этиб унга қаради.

– Ҳа!.. Унинг олдига сиз ҳам боришингиз керак, – деди қаттиқ тикилиб. – Бормайсизми?

– Майли, – Уфқ ихтиёрини йўқотди. – У киши қаерда яшайди?

– Аввал автобусда, кейин пиёда, охирида эшакда юрамиз, қарабсизки, Табиб ҳазратнинг олдидамиз-да...

Чиндан ҳам аввал автобусда, сўнгра анчагина пиёда юрдилар. Тоғ пойидаги манзилга етганларида эшакларини боғлаб қўйиб, карта ўйнаб ўтирган ўспирин болаларга рўпара келдилар. Улар йўловчиларни тоққа элтувчи жиловдор киракашлар экан. Одамбой барчасидан огоҳ эмасми, тездагина кира баҳосини келишиб, биттадан эшакка миндилар, жиловдорлар эса эшакларнинг жиловидан тутиб, йўлга тушдилар. Бироқ ҳеч қанча вақт ўтмай, Одамбой йиғлаб қолди. Эшакларга раҳми келибди: эшак дегани юқорига кўтарила бошлагач, кучанади, оёқлари қалтирайди, устидаги одам гўё унга зулм қилаётганга ўхшайди. Одамбой ана шунга тоқат қилолмай, ҳўнг-ҳўнг йиғлаб, эшакдан тушиб олди. У минган эшакнинг эгаси кира ҳақини ундириб, кула-кула ортига қайтиб кетди. Пиёда йўлга тушган Одамбой йиғидан тўхтагач, олдинги келишларида ҳам шундай бўлганлигини айтиб берди.

Тоғ устига кўтарилиб, улкан қоя остига етишгач, иккинчи жиловдор ҳам ортига қайтди. Энди икковлон яна пиёда йўлга тушдилар. Лекин узоқ юрмадилар, сўқмоқ орқали қояни айланиб ўтишгач, чоғроқ сайҳонликка чиқдилар. У ерда тоғ тошларидан қурилган ғормонанд кулба бўлиб, сайҳонлик четларига ҳам бир неча қатор тош терилиб, че-

гаралаб қўйилганди. Кулба ёнида ўчоқ, турли идиш-товоғу буюмлар кўзга ташланиб, ҳаёт нишонаси сезилади.

Тош чегарадан ўтиб, саҳнга чиқишлари ҳамоно Уфқнинг кўнглида ёқимли бир энтикиш пайдо бўлди, лекин бу туйғунинг недан эканлигини англамади (аммо мен биламан – бу ҳар бир инсон беихтиёр қўмсагувчи, соғингувчи, бироқ ўзи тан олмагувчи ҳурликнинг, руҳий эркинликнинг ва унинг ортидан келгувчи ҳаловатнинг илк муждаси эди). Энди Одамбой ҳам ўзгариб қолди, юзидаги заъфаронлик, кўзларидаги аянчли маъюслик йўқолаётгандек туюлди.

– Ҳазрат! Қаердасиз? – чақирди у овози жаранглаб. – Ҳў-ҳўй!..

Кулба ортидан кулча юзли, ўсиқ оппоқ соқолли, бошига кулоҳ (албатта, унинг кулоҳ аталишини Уфқ ҳам, Одамбой ҳам билмасдилар) кийган олтмиш ёшлардаги киши табассум ила чиқиб келди.

– Ассалому алайкум! – деди Одамбой янада ҳайқириб. У тобора очилиб, жонланиб борарди.

– Ие-ие, Одамбоймисиз? Келинг-келинг, азаматим. – У Одамбой билан узоқ қучоқлашди, сўнгра ҳеч бир иккиланишсиз Уфқни ҳам бағрига олди. – Қани-қани, кулбага марҳамат, азаматларим. Кеч кириб қолди, тоғ ҳавоси анча салқин бўлади, ичкарида гаплаша қолайлик. – Чолнинг овози бағоят ўктам эди.

Улар бирин-кетин кулбага кирдилар. Кулба Уфқ ўйлаганидан анча кенг эди. Тўрда мойчироқ ёниб турар, лекин бу ерда усиз ҳам мўъжизавий бир ойдинлик зоҳир эди.

Табиб меҳмонларни тош хонтахта атрофидаги бўйраларга ўтқазиб, қисқа фотиҳа қилди-да, Одамбойга деди:

– Шеригингизни яхна билан сийлаб туринг, мен дарров шом намозини ўқиб оламан. – У шошиб ташқарига чиқиб кетди.

Тобора ёшариб, дадил ва қувноқ бўлиб бораётган Одамбой Табибнинг ишончи туфайлими ёхуд бу маскан-

га бегона эмаслигини англатиш учунми, ирғиб ўрнидан турди.

– Эй-й, Уфқжон, ҳазратнинг яхналарини ичмабсиз, бу дунёга келмабсиз, – деркан, токчадаги сопол кўзалардан бирини олиб келди. Ундаги ичимликдан сопол пиёлаларга қуйиб, бирини Уфққа узатди. – Татиб кўринг-чи...

Бу тоғ гиёҳларидан тайёрланган ғоятда хушхўр дамлама эди.

Ташқаридан шом намозига чорловчи азон эшитилди. Табибнинг овози ширали эди. Тоғнинг акс садоси сабаблими ёки бу ернинг бошқаларга номаълум бирон сири бормиди, азон Уфқни сеҳрлаб қўйди. У илоҳий сас оғушида ҳил-ҳил эриб ўтирди.

– Қалай, яхна ёқдими? – сўради Одамбой Уфқнинг азон таъсиридан чиққанини сезиб.

– Жуда!.. – Уфқ ҳаяжонини яширолмаганиданми, энтикиб-энтикиб сўзларди. – Бу ернинг ҳавосиям бўлакчайкан. Ҳатто Табиб ҳазрат ҳам.

– Ҳазратни нечага кирган деб ўйлайсиз? – Одамбой бутунлай ўзга қиёфага кирганди.

– Олтмишларга борган бўлса керак, – деди Уфқ мулоҳазакор оҳангда.

Одамбой кулди.

– Ҳамма шунақа деб ўйлайди. Аслида у киши бу йил саксон бешга кирдилар.

– Йўғ-е!.. – деб юборди Уфқ беихтиёр. – Ҳечам ўхшамайди-ку?..

– Ана шунақа, ҳазратнинг мўъжизаларини ҳали кўп кўрасиз. – Одамбой табиб билан илк бор учрашган кунини эслади.

Ўшанда у бир сабаб бўлиб шаҳарга тушганди. Шаҳарнинг қоқ марказидаги хиёбонда қуриган каттакон дарахтни кўриб қолди-ю, ўзлигини унутиб, йиғлай бошлади. Дарахтнинг қовжираган танаси, қақшаб, гўё Худога илтижо

қилаётгандай кўкка чўзилган яланғоч шохлари Одамбойнинг жону жаҳонини ўртаб юборганди. Шу пайт ёнида Табиб ҳазрат пайдо бўлди. (Йилда икки мартагина шаҳарга тушадиган Табиб бу сафар айнан мана шу хиёбондан ўтиб бораётганди.)

– Сизга нима бўлди, нега йиғлаяпсиз, азаматим? – деди у Одамбойнинг елкасидан тутиб.

Одамбой ёш ювган юз-кўзларини у томон бурди. Табибнинг овози ва нигоҳи таъсирида вужудида ўзига мутлақо нотаниш ҳаловат пайдо бўлаётганлигини сезди.

– Манови дарахт бечорани қаранг, – дея ҳиқиллади у кўзларини кафти билан артиб.

Табиб ҳаммасини тушунди шекилли, уни қўлтиғидан тутиб, ўрнидан турғазди.

– Бу дунёга келдингизми, йиғламасликни ўрганинг, азаматим, – деди гўё ҳазиллашаётгандай. – Ҳаётнинг шарти шу...

(Хўш, ўшанда Табиб деганлари нимани тушунганди-ю, бу гапи билан нима демоқчи бўлганди? Аввало одамзод ниҳоятда худбин эканлигини айтмоқчи эди у, яъни одам ўз дардидан ўзга ғамни чинакамига қабул қилолмайди. Унинг бировга ҳамдардлиги ҳамиша сохта, ўзини гўё куйиб-пишаётгандек тутгани билан ҳеч қачон биров учун қайғурмайди. Унинг учун ўзгаларнинг дарду изтироблари бир тийин, фақат буни ошкора тан олмайди, холос. Агар одам болалари бир-бирлари учун қайғурганларида, бир-бирларини аяганларида эди, дунёда ҳасад, адоват ва айниқса, уруш аталмиш балои офатлар бўлмасди, ҳа-ҳа, бўлмасди. Буни барча билмаса ҳам мен биламан. Агар у ўз худбинлигидан юз бурса, манови Одамбойнинг ҳолига тушади-қолади-да, озгинагина озордан, маҳрумиятдан жунбишга келади. Оллоҳ аслида одам фарзандларига шу қадар теран ва некбин қалб берган. Аммо у бундайин сийловга асло муносиб эмас.)

Одамбой Табиб билан танишиб, ўша куни илк бор бу ерга келди. Шу-шу гоҳ-гоҳида уни йўқлаб турадиган бўлди.

Ниҳоят Табиб қайтиб кирди. Ташқарида қоронғилик қуюқлашгани сари кулба ичи яна-да ойдинлашиб бормоқда эди.

– Меҳмонни сийлагани бизнинг шоҳона дастурхонимиз йўқ, айтганмидингиз, азаматим? – деркан Табиб токчадан дастурхон ва товоқда бир неча бурда қотган нон олиб, товоқни Одамбойга узатди. Ўзи эса тош хонтахта устига дастурхон ёзди. – Хоҳласангиз, манови дамламалардан, бўлмаса, менга ўхшаб булоқ сувидан ичинглар. Мана, булоқ суви. Қани, олинглар-чи, – деди-да пиёлага булоқ сувидан қуйиб, унга бир бурда нон ботирди. Нон хиёл юмшагач, – Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм, – дея иштаҳа билан ямлай бошлади.

Меҳмонлар ҳам унга эргашиб, бир бурдадан нонни булоқ сувига ботирдилар.

Уфқ ивиган нонни ямларкан, бутун вужуди эриётганлигини, энг майда томирларида ҳам қон айланаётганлигини аниқ-тиниқ ҳис қилди. Бўғзида, ичакларида, аллақайси бўғинларида қандайдир тиқинлар очила бошлагандек эди гўё. Одамга кўп нарса керак эмас шекилли, дея ўйлади у, эҳтимол кўп нарсани даъво қилмай, минг бир орзу-ҳавасларсиз яшамоқ осонроқдир. Унда ҳамма шундай яшаши керак-да. Акс ҳолда, ҳеч бир даъвосиз камбағалгина одам кўпчиликка кулги бўлади-қолади. Қолаверса, унинг жигару жондошлари ҳам бор-ку, уларнинг айби не? Ёки улар ҳам қашшоғу хору зор бўлиб яшашга маҳкуммилар? У бечораларнинг таънаю дашномлари-чи? Худди мана шуниси бағоят мушкул савдо, киши бир ўзинг бўлсанг-ку, барча оғирликларга чидашинг мумкин, бироқ яқинларинг, бола-чақаларингнинг қийналаётганликларини кўриб... (Ҳаа, одамнинг пешонасига шунақа қоврилишлар ҳам битилган. Аслида бола-чақа учун қайғуриш ниқобида намоён бўла-

ётган бу кечмиш замирида ўта худбинона шахсий манфаат, усталик билан пардаланган нафс қутқуси ётади. Шахсий манфаат ортида ўша инсоннинг орзу-ҳаваслари мужассам, орзу-ҳаваслар эса ғамхўрлик, инсонийлик либосидаги нафс туфайли бино бўлган. Нафс қутқуси менинг қутқумдир.) Қанийди, ҳеч нарсани ўйламасликнинг иложи бўлса!

– Ҳеч нарсани ўйламаслик, яъни фориғлик валийлар мақомидир, – деди Табиб гўё Уфқнинг хаёлидан кечган гапни пайқагандек.

Бир бурдадан нон еб нафслари ором олди. Уфқ анчадан буён бунақа мазали таом емаганди ва бу қадар ҳузур қилмаганди. Ахир ҳар куни Булут иккови камида икки хил емиш ердилар, аммо шу ҳам камдек туюларди, у эса қашшоқ ва ночорлигидан ўкинарди, нолирди. Демак, барча воқелик, ҳатто нарсаларнинг оз ёки кўплиги ҳам инсоннинг ўзида кечаркан, унга боғлиқ экан.

– Ҳа, бани одамга кўп нарса керак эмас, – деди Табиб. – Фақат унинг даъвоси катта, холос. Одам Азал ва Абадни англаса бас, ўз умрининг буюк чексизликлар орасида эканлигини осон тушунади-қолади. Яъни одам умри бағоят оз муддатдан иборат. Бу жуда кўп бор такрор ва такрор айтилган гап, лекин инсонлар буни унутаверадилар, унутаверадилар. – Табиб шу қадар содда ва табиий гапирдики, унинг овозини ҳаво каби ютиш мумкин эди.

Уфқ билан Одамбой ўзлари истамаган ҳолда ич-ичларидан Табибнинг сўзлашдан тўхтамаслигини хоҳлардилар.

– Умр – бу йўл. Текис ва равон ёхуд ўйдим-чуқур бир йўл. Ҳар бир одам ўз умрини яшаб ўтишга мажбур ва маҳкум. Уни яшаб ўтиш учун ҳар кимга ўзига хос, ўзига лойиқ курб берилган. Инсон ўз қурбидан ортиғига бардош қилолмайди ва фаросатли одам бировдан қурбидан ортиғини талаб ҳам этмайди. Ўз қурбини фаҳмламаслик фожиа, жуда катта фожиа. Бу тақдирни англамаслик ва тан олмасликдир. Ўз қурбини билган одам ўз тақдирига ҳам

рози бўлади. Тақдирига розиликда ҳикмат кўп. Англамоқ лозимки, Оллоҳда қудрат бор, инсонда эса бор-йўғи қурб мавжуд. Ана ўша қурбни идрок этмоқ зарур.

Кимлардир ўзларини бировнинг тақдирини яшаётгандек сезадилар. Ахир Оллоҳнинг Азал ва Абадга доҳил бўлган руҳ аталмиш неъмати бор. Агар инсон ўзини бировнинг тақдирини яшаётгандек сезса, демакки, унинг руҳида нотинчлик бор. У ўз руҳини ҳаловатга йўғирмоғи лозим. Бу эса яна ўша қурб туфайли рўй беради. Одам ўз ақлидан, миясидан воз кечмоғи мумкиндир, аммо руҳи абадий биргадир, яъни руҳ унинг ўзидир.

Уфқ Табиб жўнгина сўзлаётган фикрлар уммонига ғарқ бўлиб, боши тобора зўриқиб бораркан, эндигина ҳушини йўқотаёзганди, ақл, мия деган сўзлар қулоғига урилди-да, сергак тортди, бояги ўйлар бошидан учиб, кўзлари ярқ этиб очилгандек бўлди. Ростдан ҳам бу одам авлиёмикин, худди унинг дилидаги гапларини билгандек сўзламоқда. «Одам ўз ақли, миясидан воз кечмоғи мумкиндир..» Нима демоқчи? Миянгни сотганинг билан ўзингдан, тақдирингдан қочиб қутулолмайсан, демоқчими? Нега ахир? Нима, у бир умр қашшоқ, ночор бўлиб, одамлардан, айниқса, синглисидан таънаю дашномлар эшитиб яшашга маҳкумми? Ҳатто энг қимматли нарсаси (ростдан ҳам шундаймикин?) – миясини сотса ҳам кўргиликлардан қутулолмайдими? Қаёқданам бу ерга келди-я! Шундоғам куйиб кул бўлган бағри яна олов ичра қолди. Табиб чиндан авлиё бўлса, нега унинг ярасини янгилайди? Ахир авлиёларни дил айғоқчилари дердилар-ку (бу гапни қаерда эшитганди-я?)...

– Сизларни қийнаб қўйдим, чоғи, – деди Табиб мулойим овозда. У жилмайди шекилли, оғзида оқ аланга балқигандек бўлди. – Бир мўъжиза кўрсатайми? Уни ҳатто Одамбой ҳам кўрмаган.

Меҳробнинг ортида яна битта хона бор экан. Хона чоғроқ бўлиб, ўртада узунлиги одам бўйича келадиган

усти ойнаванд тобутсимон қути турарди. Табиб қути четидаги кичкина мурватни босганди, ичи ёришди. (Чамаси, қути кучли бир қувват манбаига уланганди.)

– Аёнки, қути ичида ҳеч нарсани кўрмаяпсизлар, – деди Табиб энди бутунлай ўзга қиёфага кираркан, тантанавор оҳангда.

Дарҳақиқат, сирли қути бўм-бўш эди.

– Манови билан қараб кўринглар-чи, – Табиб Уфқнинг қўлига каттагина лупа тутқазди.

Уфқ қути ичини лупа орқали диққат билан кўздан кечираркан, нуқтадеккина нарсани кўрди. Оддий кўзга илинмайдиган бу нарса япалоқ бўлиб, худди митти пластинкани эслатарди.

– Бу нима? – сўради ҳайрон бўлиб Уфқ лупани Одамбойга узатаркан.

– Одамнинг гавҳари, – деди Табиб бошини ғоз тутиб. Ҳалигина мўмингина бўлиб ўтирган Табиб айни дамда жунбишга келмоқда эди. (Қаердаки, кибру ҳаво бўй кўрсатдими, ўша ерда мен борман.) – Гавҳар одамнинг умуртқа суягида бўлади.

Икки йигит қути ёнидаги тош устига ўтирдилар. Бу ердан қутининг ичини бемалол кузатиш мумкин эди. Табиб уларга биттадан қулоқлик (наушник) узатди ва яна бир мурватни босиб, ёнбошидаги бўйра устига тиз чўкди.

Уфқ билан Одамбой қулоқликларни қулоқларига тутдилар. Бир пайт ундан узлуксиз наърани эслатувчи ёқимсиз, одамнинг миясини қулоғига қўшиб парmaловчи даҳшатли овоз эшитилди. Овоз на карнай ва на сурнайникига ўхшамасди. Аввалига улар чўчиб кетганликларидан қулоқликларни ирғитиб юбораёздилар. Аммо қизиқиш барибир устун келди-да, даҳшатли овозга яна қулоқ тутдилар. Ҳайратдан қинини тарк этмоқчидек туюлган кўзлари қути ичига қадалганди. Унинг ичи тобора ёришиб борар, бу ёруғликка кўзнинг бардош бермоғи мушкул эди. Кўп

ўтмай қулоқларига зилзила, тўфон ва бомбалар портлашини эслатувчи ваҳимали саслар урилди, гўё қиёмат қўпди (аслида ҳам Табиб қиёмат манзарасини яратишга уринмоқда эди). Уфқнинг юрагини таърифсиз ваҳм қамраётган бўлса-да, ихтиёрсиз қизиқиш туфайли охиригача сабр қилишга уринарди. Инсоннинг гавҳари – кўзга кўринмаётган нарса ўрнида кичкинагина шаффоф пуфакча пайдо бўлиб, аста-секин шишиб, катталаша бошлади. Қуръон («Қиёмат» сурасини) ўқиётган Табиб гўё ўнтаётганга ўхшар, бўғриқиб, титраб-қақшаб борарди. Аммо ҳар қанча зўриқмасин, тиловатини тўхтатгиси келмасди. Ниҳоят қути ичида одам танасининг кўкимтир шакли пайдо бўлди. Уфқ билан Одамбой қўрқиб кетганликларидан қулоқликларни шитоб олиб ташладилар-да, юзларини терс буриб, нари кетдилар. Табиб эса энди талваса ичра қалтирар, овози тобора хириллай-хириллай узуқ-юлуқ товушларга айланди-ю, ахийри хиппа бўғилди, фақатгина танаси силтаниб тураверди. Қутидаги шакл эса кичрая-кичрая кўздан ғойиб бўлди.

(Одам боласининг феъли шу-да – у иймон, динда собитлик, валийлик даъво қилади, гуноҳу савоблар ҳақида лоф-қоф уради, билимнинг фазилатидан фалсафа сўқийди ва ниҳоят ўз билимига бино қўяди-да, Оллоҳга шак келтирганини ҳам билмай, сезмай қолади, энг даҳшатлиси, буни ўзи тан олмайди. Табиб соҳиби ҳол, соҳиби каромат эди. Аммо буюк чегарадан, ҳаддан ошмоқда эди. Ҳалигина ўзи ҳузур қилиб сўзлаган қурбу қудрат борасидаги гаплар қаёқда қолди? Одамда қурб, қудрат эса Оллоҳда бўлади, деган ким эди? Ҳозир у ўз қурбига ишониб, беихтиёр Оллоҳнинг қудратига дахл қилмоқни истарди, ҳеч бўлмаганда шунга даъвогарлик қиларди. Одам шунинг учун ҳам одам-да. Мен у туфайли лаънатланган, қувилган бўлсам, унинг ўзи муҳаққақ хатокордир.)

Ниҳоят Табиб ўзига келди.

– Қурбим шунга етяпти, – деди чўзиб хўрсинаркан...

Уфқ қотиб ухлади. Тиниқиб уйғонганида кулбада Табиб билан Одамбой йўқ эди. Маза қилиб керишди-да, ташқарига чиқди. Тоғда тонг эрта отадими ёхуд тонг отганига анча бўлганмиди, қуёш барала нур сочар, олам чароғону нурафшон эди. Иккиси нарироқдаги тош устида гаплашиб ўтиришар, атрофда эса турфа жонзотлар – тулки, тоғ эчкиси, кийиклар, илону эчкэмар, калтакесак ва кирпилар, турли паррандаю қушлар анжуман қургандилар. Уфқ ҳайрат оғушида, лолу ҳайрон қолди. Шу пайт кулба эшиги ёнидаги ҳар хил ҳайвонларнинг нажасларига кўзи тушиб, бурнини жийирди. «Шунчалик авлиёсифат одам бўлгани билан фаросати йўқми, нима бало», деган гап ўтди хаёлидан, «манавилар қачондан бери турибди шекилли, олиб ташласа бўлмасмикин?» Бирдан кўксидан нимадир пастга судралиб тушгандай ғалати бўлиб кетди. (Эй, бандаи ноқис-а! Қавмингдан чиқмиш авлиё аталмишларнинг қурбу ҳолларини билмассан-да. Хаёлингдан ўтган мана шу ўй туфайли бу кеча Табибнинг файзидан топган нарсангни бир нафасда бой бердинг. Билурманки, валийлар кишиларни ана шундоқ имтиҳон этурлар. Улардан ҳатто мен ҳам қўрқаман.) У юз-кўлини ювиб, вужуди бўшашганча ҳамсуҳбатларнинг ёнига борди.

– Инсон қалби бағоят таъсирчан, некбин бўлади, – дея сўзида давом этди Табиб Уфқнинг саломига алик оларкан. – Агар у эҳтиёт қилинмаса ва ёки замона тили билан айтганда, чиниқтирилмаса, озгина нарсадан ҳам мутаассир бўлмоғи ҳамда аксинча, салгина дахлдан оловланмоғи мумкин. Шунинг учун ҳам одамлар атроф-муҳитга бепарво, лоқайд бўлишга интиладилар, яъни дилларини эҳтиётлайдилар. Акс ҳолда, инсон савдойига ўхшаб қолмоғи ҳеч гап эмас. Ахир битта япроқнинг узилиб, хокисор бўлмоғи ёхуд ўн беш кунгина яшаган нақшин гўзал капалакнинг жон бермоғи қанча фожиа!..

Рост, дея ўйлади Уфқ, одам ўзини сал бепарвороқ тутмаса, савдойига айланиши, ҳеч бўлмаганда, унга ўхшаб қолиши аниқ. Худдики Одамбойдек. Уфқ унинг аҳволини, феъл-атворини мана энди англади. Демак, Одамбой ақлу ҳуши, қалбу руҳияти чин меъёрда бўлган ҳақиқий инсон экан-да. Ё Оллоҳ, унда қолганларимиз кимлармиз? Чала одамларми? Лекин Одамбой бу гапларни фаҳмламади шекилли. Одамбой киноя ни ҳам, тагдор гапни ҳам тушунмасди. У айтилган гапнигина қабул қиларди, қабул қилганда ҳам, бутун борича, тўппа-тўғри қабул қиларди. Шунинг учун унга айтиладиган сўз иложи борича бўёқсиз, тўғрироғи, ўз рангида бўлмоғи лозим.

– Сиз кеча кўрсатган мўъжизалар Оллоҳданми ёки техника тараққиётими? – дея сўради Уфқ яна миясини гирён эта бошлаган уйқаш саволларга жавоб истаб.

– Ҳамма нарсада Оллоҳнинг иродаси бор. (Аммо ўзи худолик даъво қилишдан қолмайди бу одамизод.) – Табиб салмоқлаб гапиришга уринарди. – Аммо энди одамларнинг Оллоҳга муносабати ҳам ўзгарган. Қадимда бошқача эди: одамлар табиатдаги бирон ҳодиса ёки мўъжизани кўрибоқ ҳайратга тушган ва дарров Оллоҳга ҳамд айтган. Энди бўлса, буюк тараққиёт қўйнида (балки исканжасидадир) қолган инсон ўзлигидан буткул узоқлашиб кетди. У кўп нарсаларни техник тараққиёт маҳсули деб ўйлайди...

«Худди мен ўйлаб юрган гапларни гапиряпти-я», дея хаёл қилди Уфқ, «наҳотки шунчалар бир хил фикрлаш мумкин бўлса?»

– ...У энди «устасига қойил», дейди. Ризқ, дард, бахт масаласидагина Худога юзланади. Арақ тўла қадаҳларни уриштираркан, Оллоҳ ҳақида баҳс этади ва тилак тилайди, умидлар қилади. Гоҳо баъзилари ўша ҳолатда намозга туради. Энди унинг эътиқоду ибодати ҳам худбинлашган. Гўё ҳамманинг биттадан ўз худоси бордай... Астағфуриллоҳ!..

Ҳа, дея ўйлади Уфқ Табибнинг гапларини ўзича мушоҳада қиларкан, чиндан ҳам минг ёки беш юз йил олдинги намоз ўқиётган одам билан ҳозирги саждага бош қўяётган одамнинг хаёлидан кечаётган нарсаларда ер билан осмонча фарқ бор. Қадимги одам дунё, илм-фан ҳақида нималарни биларди-ю, Оллоҳдан нималарни сўрарди? Ҳозирги одам-чи? Шубҳасиз, фарқ беқиёс. Биргина сўралаётган молу давлат нисбатини билмоқ ҳам улар орасидаги тавофутни яққол ойдинлаштиради.

Улар табибнинг гапларига андармон бўлиб ўтирганларида, кулба томининг четига бир қарға қўниб, қайта-қайта қағиллади. Табиб сўзлашдан тўхтаб, қарғанинг овозига қулоқ тутди, унга бир муддат тикилиб турди-да, деди:

– Эшитдиларингми нима деётганлигини?

Одамбой-ку ҳеч нимага парво қилмай, ўзи билан ўзи овора жимгина ўтирарди. Уфқнинг хаёлидан Табиб чиндан ҳам қарғанинг тилини тушунадими ёки ҳазиллашяптими, деган ўй ўтди. (Шунча мўъжизалардан сўнг Табибнинг қушлар тилини билишига шубҳаланмаса ҳам бўларди.)

– Йўқ... – деди у юз-кўзларида ҳайрат акс этиб.

– Шаҳарга Афанди келаётганмиш...

Бу Уфқ учун янгилик эмасди, бироқ тоғу тошлар устидаги мана бу хилватда ҳам айнан ўша хабарни ёхуд Афандининг номини эшитганлигиданми, бир қалқиб тушди.

Чошгоҳда Одамбой иккиси шаҳар сари йўл олдилар.

11

(Кимлардир ҳамма ёқда шайтон-у, ҳамма унинг измида экан, унда Оллоҳнинг тақдири, ёзиғи қаёқда қолди, деб ёзғиришлари ҳам турган гап. Савол ўринли, демак, жавоб беришга бурчлиман.

Дейлик, масалан, киши ҳар куни ишга боради. Тиричилик деганлари бор экан, бориши ҳам шарт. У ишда ўз

вазифасига тегишли ҳар хил юмушларни ҳар куни турлича бажаради. Мазмун-моҳият, натижа бир хил, лекин ёндашув ўзгача бўлади. Ана ўша ҳар куни ишга бориб-келиши тақдирдир. Тақдир ва ҳатто мазмун-моҳият ҳам Оллоҳдан. Мен эса ёндашув ичраман, инсонни ўша манзилда ўз измимга солиб, йўлдан чиқармоққа уринаман.)

Хоқон тип-тиниқ суви шифтдаги ялтироқ чироқ шуъласида жимирлаб турган мармар ҳовуз ёқасида пляж ва ҳаммомларга мослаштирилган оромкурсида ястаниб ўтирибди. Кўзлари юмуқ. Эгнида қимматбаҳо халат, белбоғи боғланмаганидан серюнг кўкси ва сонларининг бир қисми кўриниб қолган. Олдидаги пастак столчада катта нақшинкор шишали хорижча арақ, иккита рюмка, ликопда парракланган лимон.

Нозик бармоқлари ила Хоқоннинг бўйин ва елка пайларини уқалаётган Ҳамширанинг эгнида калта қора ҳарир халат, унинг остидан сийнабанди ва авратини ёпишга уринган орти қилдек, олд қисми шапалоқдек матоҳи яққол кўзга ташланади. Силлиқ сочлари мастона ёйилган, юзи, танаси оппоқ, оёқлари узун, ҳусни жонга ўт солгувчи, вужудидан ҳар қандай эркакни ўртантириб юборишга қодир шаҳват ёғилади.

Хоқон кўзини очди. Ҳамшира буни ўзича тушундими ёки шу ишорага кўникканмиди, юмушини тўхтатиб, кафтларини билинар-билинмас бир-бирига ишқаб қўйгач, эпчиллик билан шишани тутди. Рюмкаларга арақ қуйиб, бирини Хоқонга узатди. Хоқон қиздан кўзини узмай қадаҳни қўлига олди-да, «ўзинг-чи», дегандай сузилди. Ҳамшира бир қўлида қадаҳ, иккинчисида лимон паррагини ушлаб, «сиз учун, жоним», дея рюмкасини «чўқиштирди».

– Қани, сиздан бўлсин. – Унинг сўз оҳанги ҳам эркакнинг этини қитиқлагувчи эди.

– Аввал сиз... – Хоқон қизни беозор тортқилаб, тиззасига ўтқазди.

– Вой!.. – Ҳамшира буни шу даражада ёқимли айтдики, жунбишга келган Хоқон беихтиёр унинг елкалари аралаш биқинини мижиғлади. – Оҳ!.. Мен маст бўлиб қоламан!..

– Ўша мастлигингизга жон бераман-да, жоним! – Хоқон уни қаттиқроқ қучоқлади.

Ҳамшира эрка бир қиқирлаб, қадаҳни лабига теккизди-да, қайтарди.

– Энди сиз... – У лимонни сархуш хожасининг оғзига яқинлаштирди.

Хоқон қадаҳни бир кўтаришда сипқорди, сўнг ҳамширанинг лабларига лаб босиб пича турди-да, ярим очиқ бўлиқ кўкраклари орасига юзини буркади. Қимматбаҳо атирнинг бўйидан сархуш бўлдими ёхуд нафаси қисилдими, бошини кўтариб, оташли оҳ урди ва қизнинг қўлидаги лимонни тишлаб, пишиллаганча ямлай бошлади.

Ҳамшира эса унинг кўкрагига лаб босиб, юнгларини бир-бир тишлаб тортқилади.

– Яна, жоним, яна!.. – Бунча асалсиз, асал!

Хоқон туйқус бир сўлиш олди, бошини оромкурсининг суянчиғига ташлаб, хўрсинди ва ҳасратли овозда деди:

– Одамлар ёмон бўлиб кетишди, жуда ёмон бўлиб кетишди. Одамнинг қадрига етишмайди. Бўлмаса, мен улар учун нималар қилмадим. Йўллар, кўприклар, мактаблар қурдим, уйлар бердим. Ҳеч кимга ёмонлик қилмадим. Юртимиз тинч-осуда. Улар бўлса... Ҳозиргилар шукур қилишни билишмайди. Менинг ўрнимда бошқа одам бўлгандами!.. – У тағин хўрсиниб, ҳамширанинг сочини силади. – Гоҳида «бор-ей» деб тоғу тошларга кетворгим келади. У ёқларда тинчгина мазза қилиб яшасам дейман. – Қизнинг юзини ўзига буриб, сўради: – Мен билан кетармидингиз, гўзалим? Иккаламиз...

Ҳамшира унинг пинжига қаттиқроқ суқилиб, шивирлади:

– Сиз билан бўлса дунёнинг чеккасига ҳам кетаман!..

Хоқон уни бағрига қаттиқроқ босиб, эркалади:

– Раҳмат, жоним!.. Кейин мен китоб ёзаман.

– Китоб?.. – Қиз ҳайратдан чақнаган кўзларини унга тикди. – Нима ҳақда?

– Бир одам бўлади. Унинг исми яхшилик бўлади. У ҳаммага яхшилик қилиб юради.

– Кейин-чи?

– Кейинми?.. У ёғини ҳали ўйламадим... Китоб ёзишга вақт қани-я! – Бир муддат жим қолди, ширин хаёлларидан айрилгиси келмасди...

Ниҳоят ҳамширани қучоғидан озод қилиб, ўрнидан турди. Қадаҳни тўлатиб арақ сипқорди. Сўнг кескин бир нафас чиқарди-да, халатини ечиб, қип-яланғоч бўлди.

– Энди чўмиламиз! – деди салкам ҳайқириб ва ўзини сувга отди.

Унинг овози ялтироқ девор ва шифтга урилиб, акс садо берди, чор тарафга сув сачради. Ҳовузнинг ўртасига бориб, ҳирсдан кўпчиган қизни ўзига чорлади.

– Қани, бағримга келинг, морожнам!

Қиз устидаги ҳарир халатини оҳиста сурганди, тани узра сирғалиб, оёғи остига тушди, сўнг кўкрагу белларини сийпалаб, ўзини кўз-кўз қилди. Сувга сакраш олдидан эркаловчи оҳангда деди:

– Уй қачон бўлади, султоним?

Хоқон безовталаниб, ютинди.

– Уй тайёр, жоним. Қурбонга айтсангиз ҳужжатларни беради.

– Сўздан қайтиш йўғ-а?..

– Йў-ўқ!..

Ҳамшира бир қийқириб, ўзини Хоқоннинг бағрига отди.

(Шайтон бўла туриб, бир қизиқ нарсани кузатганман: Ғарб аёллари билан Шарқ аёллари бир-бирларидан кескин фарқ қиладилар. Дейлик, шарқлик аёллар бир

«бузилсалар», шунақаям бузиладиларки, ҳаддан ошириб юборадилар. Масалан, «севаман» дея қўшиқ айтаётган шарқ (мусулмон) қизи билан ғарблик қизнинг ҳолати, афт-ангори кишига турлича таъсир қилади. Бир ҳолатда ғарб қўшиқчисининг қилиқлари эркакларнинг этини анча-мунчага жизиллатолмайди-ю, шарқ (мусулмон) қўшиқчиси бузуқдек кўринади. Шаҳвоний қиёфада (худди Ғарбдагидек) кийинган мусулмон қизининг муқомлари вужудга ўт солади. Аслида-ку, «майдонга» интилган ҳар қандай аёл (айниқса, муслималар)нинг юзидан парда кўтарилади ва менинг измимга ўтади. У энди ҳар бир ишга менинг таъсиримда ёндашади. Булардан аён бўладики, Ислом динининг, шарқона тарбиянинг улуғ бир сири бор экан-да. Очиғини айта қолай, бу тарбия аёллар вужудидаги ёвуз шаҳват итини (жину шайтонни) тутқунликда ушлаб туради ва башар аҳлини умумбузуқликдан сақлайди.) Ҳамшира айни дамда ана ўшандай алпозда – бағоят гўзал ва жон олғувчи эди. Қизнинг қилиғидан завқланиб, жунбишга келган, ҳар томонга сочилган биллурдай сув парчалари ичра қолган Хоқон бир силтаниб ўлжасини бағрига олди-да, танини ҳирс ила пайпаслай бошладики...

Хоқон идорасига асрдан кейин қайтди. У жуда бахтиёр, бардам, кайфияти хуш эди. Анча-мунча ишни бирпасда ҳал қилиб юборишга қодирдай кўринарди.

Бўсағада Қурбон кутиб олди.

– Ассалому алайкум, хўжайин, яхши дам олдингизми? – деди у букилиб, ялтоқланаркан.

Хоқон бошини қимирлатиб қўйишни ҳам раво кўрмади. Хонасига кириб, ҳашаматли столи ортига ўтиргач, олдидаги тамакидан бир дона қўлига олиши ҳамоно хиёл букилган кўйи мудом мўлтираб турган Қурбон шоша-пиша келиб, тезолов тутди. Хоқон тамакисини тутатиб, курсига ястанди. Мириқиб тутун тортди.

– Хўш, Қурбонбой, нима гаплар энди? – деди ёрдамчисига юқоридан қараб, юзида хуш кайфиятининг нуски балқди. – Одамларга мажлисни етказдингизми?

Қурбон ишчан тарзда типирчилаб, ҳисоб берди:

– Соат олтига ҳамма раҳбарларни айткизиб қўйганман, хўжайин. Кўриладиган масалалар ҳам етказилган. Йўқлигингизда бошқа биронта муҳим гап бўлмади... Энди асосий гапга ўтсам...

– Тўхтанг! – деди Хоқон кескин ва чўзиб тутун сўргач, бир қўзғалди. – Ўзимизники билан давлатникини сал ажратиб олайлик-да.

– Офарин, хўжайин! – Қурбоннинг кўзлари чақнади. – Жуда ҳалолсиз-да, ҳатто шунгаям эътибор берасиз-а...

Хушомад Хоқонга ёқиб тушди.

– Ҳа, энди биз элнинг бошидамиз-да, Қурбонбой. Ўзимиз ҳалол бўлмасак, бошқалардан нимани кутиш мумкин. Давлатнинг иши муқаддас саналади-да. – Тағин бир-икки тутун сўргач, тамаки қолдиғини кулдонга босиб, эзди. – Хўш, нима гап?

– Муродимга мия топиб қўйдим, хўжайин.

Бу гапдан Хоқоннинг кулгиси қистади. Кейин гап ўғли ҳақида кетаётганлигини тушуниб, жиддий тортди.

– Сал чиройлироқ айтса бўлмайдими шуни! – деди танбеҳ бергандай. – Қаердан топдингиз? – Ичида ўз гапидан ҳам ижирғаниб қўйди.

Қурбон гапи ёқмаганлигидан талвасага тушиб, қизариб кетди. (Хаёлида бўлса, «сенга нима ёқади ўзи, фалон?» дерди алами келиб. Ҳа-да, ахир унинг боласини ўйлаб шу кўйларда юрибди-ю.)

– Отинойининг ўғли топибди, бирга ўқишармиш...

– Қайси отинойи?.. Э, ҳалиги ғарнинг ўғлими? – Кейин «ўшаям одамми» қабилида сўради: – Рост гап эканми ишқилиб, суриштирдингми?

– Ҳа, ўзим бориб отинойининг ўғли билан учрашиб ҳам келдим. Мия тайёр, дейди.

Хоқоннинг кайфияти янада кўтарилиб, ўғли ҳозироқ тузалиб қолаётгандай шодланди. Аммо ёрдамчисига сир бергиси келмай, Хоқонлигини қилиб қўя қолди:

– Жа шов-шув қилвормаларинг тағин. Ҳар ҳолда дўст бор, душман бор... Қанча сўраяптийкан?

Қурбон овозини пасайтириброқ деди:

– Эллик минг.

«Ие, оз-ку?..», деган ўй Хоқоннинг миясини бир чимдиб ўтди, «майда одамларнинг нархиям майда бўларкан-да». Лекин тилидан бошқа гап учди:

– Отинойининг ўғлини тегишиям шунинг ичидайканми ё бу фақат миянинг нархими?

– Билмадим... – Қурбон хижолат тортиб, дудуқланди. – Буни сўрамабман, хўжайин, узр.

– Сўраш керак эди-да, Қурбонбой, сўраш керак эди. Бу отинойи деганлари жуда туллак. Ўғлиям ўшанинг боласи-да.

– Хўп, суриштириб қўяман...

Хоқон мажлисни бошлашдан олдин «Фалончи келдими? Фалончи-чи?» дея бир неча кишиларни сўраб чиқди (О-о, у жуда устаси фаранг эдики, бу ҳаракати билан ўзига қадалган нигоҳларни ва жамоатнинг унгагина боғланган жамики фикр-ўйларини чалғитиб, мажлис аҳлининг лаҳзалик андармонлиги асносида йиғилишга лойиқ қувват тўплаб оларди).

Бунақа йиғилишлар одатда дўқ-пўписа-ю сўкишлар билан ўтарди. Бу сафар ҳам шундай бўлди – Хоқон бир неча одамнинг «пўстагини қоқди». Навбат бош муҳаррирга келганда, бир оз тўхталиб олди-ю, сўнг баттарроқ тутоқиб кетди:

– Ўша ерда раҳбармисиз ўзи? Ҳов, сендан сўраяпман! Ҳалиги... нимайди?.. «Ахирмиди? Нималарни ёзиб юрибди у? «Балиқ бошидан сасийди», дебдими? Ким балиқ? Ким сасийди? Нима демоқчи ўзи у? Ўша писарингни тийсанг-тий,

бўлмаса, ўзингнинг ковушингни тўғрилаб қўяман. Тушундингми? Қанақа сасишни кўрсатиб қўяман сенларга!..

Бош муҳаррирнинг илиги қалтиради, итоаткорона бош эгиб, бир замбил лой каби жойига қулади.

Шу пайт залга шошиб кириб келган Қурбон энгашиб, Хоқоннинг қулоғига нимадир деди. Хоқон сапчиб тушди, кўзлари олайиб, нажот излаётгандай у ён-бу ёнга аланглади. Сўнг бир муддат жим тургач, аҳли мажлисга юзланди.

– Ўртоқлар! Шаҳримизга муҳтарам Афанди жаноблари ташриф буюрмоқда эканлар...

Одамлар Хоқоннинг гапига қандай муносабат билдиришни билмай, сукутда қолдилар.

– У кишини муносиб кутиб олишимиз керак, – дея давом этди Хоқон. – Акс ҳолда, номимиз бутун оламга достон бўлади (у аслида «бутун оламга латифа бўламиз» демоқчи эди, аммо негадир миясида туғилган фикр сўзга айланиши асносида ўзгариб, юқоридаги шаклга кирди). – Аввало шаҳримизнинг энг гўзал хиёбонларидан бирига Афанди жанобларининг ҳайкалини ўрнатишимиз керак. Ҳайкал ниҳоятда зўр бўлиши шарт. – Хоқон тўхталиб олди, кўзларида ўйчанлик зуҳр этди. – Дарвоқе, Афанди ҳалиям эшакда юрадими?

Зал сув қуйгандек жим бўлиб, ҳамманинг кўзи Хоқонга қадалди. Бироқ бирон кимса юрак ютиб бир нима деёлмади.

– Афанди бўлганидан кейин эшакда юради-да, – деди Хоқон ўз саволига ўзи жавоб бериб. – Демак, Афандининг ёнида эшакнинг ҳайкали ҳам бўлиши шарт.

У жавобгар одамларни бирма-бир ўрнидан турғизиб, нозик меҳмонни муносиб кутиб олиш юзасидан топшириқлар берди. Қўйингки, залда кутиб олишга ҳисса қўшмайдиган кимсанинг ўзи қолмади...

Хоқон хонасига кириб, курсисига ястанаркан, чуқур хўрсинди.

– Ишқилиб, яхшиликка бўлсин, – деди рўпарасида қўл қовуштириб турган Қурбонга боқиб, аммо уни кўрмасди. – Бу онангни эшагинг қувлагур Афанди кўринмай кетувди-ку, яна қаёқдан пайдо бўла қолдийкин-а? – Пешонаси тиришиб, бармоқлари телефон рақамларини теришга тушди.

Гўшакни қулоғига тутиб, бирпас турди. Нариёқдаги одам жавоб берди шекилли, ўзини бепарво кўрсатишга уриниб, деди:

– Ҳа, хоним, мазза қилееб ўтирибсизми? – У хотинига тегишиб, андармон бўлишни, кўнглидаги хавотирни қувишни истарди – Сизни куте-еб, денг. – Кўзлари безовта «олма терди». – Биз эса ишлаяпмиз...

Ҳар қанча ҳаракат қилмасин, хаёлида ўша биргина фикр айланаверди. Бу орада қўл ишораси билан Қурбонни чиқариб юборди.

– Янгиликни эшитдингизми? – сўради қандайдир нажотбахш жавобни кутиб.

Хотини «қанақа янгилик?», деб сўради чоғи, худди одамларни кулдиришга чиранаётган нўноқ қизиқчига ўхшаб чийиллади:

– Афанди келаётганми-иш... – Аммо дарров ҳафсаласи пир бўлиб, бўшашди. Чунки хотини «бу гапни аллақачон эшитганмиизз», – деди айнан эрининг оҳангида.

– Қаёқдан эшита қолдинглар? – сўради Хоқон «қайданам сенга гапирдим» қабилида.

Хотини жавоб қилди:

– Биласиз-ку, хотинларнинг телефон-телеграфи зўр ишлайди.

У гўшакни қўйиб, чўзиб уф тортди.

– Ҳе, ўша Афандиларинияm!..

(Қизиқ-да, бу одам Хоқон бўлса, дунёга жар солиб, элга хожалик қилаётган бўлса-ю, биргина эшак минган одамдан, яъни Афандидан, унинг ташрифидан шунчалар хавотирга тушса. Яна тағин бу Афанди деганларини ҳам-

ма таниса, одамлар унинг номи билан бир-бирларини ҳазил-мазах этишса. Ким ўзи ўша Афанди?..

Унинг кимлигини ҳаммадан кўра мен яхшироқ билсам керак, ҳа-ҳа, мен. Чунки у неча-неча асрлардан буён менга таниш, суҳбатларига гувоҳман. Эҳ-ҳе, у кимлар билан ҳамсуҳбат бўлмаган, кимларнинг қиёфаларида кўринмаган. Исмлари ҳам минг турли эди. Ишонинг, у менга яқин. Қувлиги, айёрлиги, шумлиги ва муносибларни «боплаб қўйиши» – мен каби...

Бир кеча Чингиз чўчиб уйғониб кетди. (Ҳа-ҳа, ана ўша машҳур ва ёвуз Чингизхон. Темужин ҳам дейишарди чоғи.) Хуллас, жаҳонгир жиққа терга ботиб, талвасада уйғонди. Тушига не даҳшат кирганлиги-ю, нимадан чўчиганлигини айтиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Аслида унинг ҳаёти ўзи даҳшатдан иборат эди. Буни қарангки, ўнгида ҳеч нарсадан сесканмаган, оламга соҳиблик даъвосида юрган одам тушидан қўрқса-я!..

Хуллас, Чингиз чўчиб уйғониб кетди. Юраги бўғзига тиқилиб, дир-дир титрарди. Бирпас шифтга тикилиб ётса ҳам ўзига келавермади, юрагидаги ваҳм кучайса кучайдики, пасаймади. Шу кўйи суюкли хотинини ҳузурига чорлади. (Ҳайрон бўлманг, Чингиз ҳам севган, унинг ҳам ёлғиз севикли хотини бор эди. Ахир инсон жуда-жуда ожиз мавжудот-ку. Унинг аёли эркагига, эркаги аёлига суянади, бир-бирларидан қувват олади. Ҳатто жаҳонни зир титратиб, инсон қонида чўмилган Чингиз кабилар ҳам. Менимча, баъзилар ўз ожизликларини енгиш учун ҳам ваҳшийлашади. Яъни ўзига ўзи нималарнидир исботламоқчи бўлади. Иродасининг, балки сабру чидамининг чек-чегарасини билгиси келади. Вужудидаги қўрқувни қувиш учун ҳам ўлдираверади-ўлдираверади. Охир-оқибат ортида қўрқув ва даҳшат ичидаги қонга ботган ҳаёти қолади.)

Чингиз бошини хотинининг кўксига буркаб титрайверди. Хотини меҳру шафқат ила юз-кўзларини силади.

Бу орада тонг отди. Хон хийла ўзига келган бўлса-да, юрагидаги қўрқувдан айрилолмади.

– Менга нима бўляпти? – дерди хотинининг оғушига қаттиқроқ суқилиб.

– Чарчагансан, азизим. – Хотини уни ёш боладай қучоқлаб, юз-кўзларидан ўпди. – Ҳар доимгидай тезда ўтиб кетади, қўрқма!

– Наҳотки шу тариқа ўлиб кетсам?

– Ундай дема! Ҳали сени буюк ишлар кутмоқда... Ҳозир шомонни чақираман. Бир дам солиб, руҳлардан мадад сўраб беради.

Ҳадемай, Чингизнинг рўпарасида жулдур либосдаги коҳин пайдо бўлди, бир нималарни тутатди, ваҳимали ҳаракатлар қилиб, ириллай бошлади. (Рости, мен бундан куламан: одам боласи таскин топмоқ илинжида не динларни, не одатларни ўйлаб топмайди-я. Бундай пайтларда Оллоҳ ҳам ўз ижодига ғазаб ила боқмоқдан ўзга илож тополмай қолади.)

Чингизнинг кўнгли барибир ёришмади.

Чошгоҳ маҳали ҳузурига бир мусулмонни олиб келишди. Мусулмон ўрта бўйли, юзи нурли, ихчам соқол-мўйловли эди. Кичкинагина оқ салласи ўзига жуда-жуда ярашганди, кўзлари кишига муғомбирона кулиб боқарди.

Чингиз унга боқиши ҳамоно вужудида туйқус енгиллик сезди.

– Не гап? – дея сўради у ўз кишисидан.

– Манави мусулмонни қаршидаги кентдан чиқаётганида тутдик. Тиржайишидан шубҳали кўринади.

Чингиз энди қув табассумли одамга қаради.

– Кимсан? – деди ғазабкор нигоҳини қадаб.

– Одамман, – деди у пинагини ҳам бузмай.

– Ҳар неки чоти айри одам бўлмас... – Хон ўзини дарғазаб кўрсатишга ҳарчанд уринмасин, руҳиятидаги

хастаҳоллик туфайлими, мусулмоннинг тап тортмай айтган гапидан завқи келди-да, ўзида яхшиликка майл сезди. Аммо силтаниб, амр этди:

– Боши олинсин!

Ҳайвонмижоз сарбозлар шиддат ила мусулмонга ёпишдилар.

– Тўхтанг, олампаноҳ! – деди маҳкум қув нигоҳини хонга қадаб.

Чингизнинг аҳволи яхшилик томон эврилиб борар, мусулмоннинг суҳбатидан айрилишни истамасди. Бироқ сир бергиси келмади:

– Нима дейсан?

– Магарам бу дунёни тарк этар эканман, эшагим билан видолашмоққа ижозат қилинг. Ўлганимдан сўнг уни соғ-омон ҳолда ҳалол-пок бирон-бир мусулмон одамга инъом этмоққа ваъда беринг.

Чингизнинг кулгиси қистади, лекин қайрилишга шайланган лабларини қимтиди.

– Ижозат. Ҳалиги гапингга эса ваъда бераман.

– Қуллуқ, олампаноҳ. – У сарбозларнинг чангалидан чиқиб, эшагининг орқасига чўнқайди-да, думини тарай бошлади.

Чингиз қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Бу фавқулодда бир ҳол эди-ки, барча ҳайрат ичра қолди. Унинг қаҳқаҳа отганини шу пайтгача ҳеч ким кўрмаганди.

– Бу не қилганинг, ҳей, мусулмон? – дея сўради у кулгидан тўхтамай.

– Эшагимнинг думи чигал бўп кетибди. Ҳозир тараб қўймасам, яна ким қачон тарайди бу шўрлик думни. Ҳам десангиз, эшагим думини тарашимни жудаям ёқтиради.

Хон баттарроқ кулди-да, уни озод қилишни буюрди ва ўз ҳузурида қолдирди.

Чингизхондек одамни ҳам кулдириб, дилига шафқат зиёсини сола олган бу одам Афанди эди. Шу-шу буюк

фотиҳ ҳузурида анчагача қолиб кетди. У билан узоқ-узоқ суҳбатлар қурди. Суҳбатлари асносида кейинчалик башар тарихида ёвузларнинг ёвузи сифатини олган Чингизхон сийратида ҳам ҳикмат, балки бошқалар тушуна ва ҳаттоки кўника олмайдиган донишмандлик зоҳирлигига такрор-такрор амин бўлди. Эҳтимол ёвузлик, шафқатсизлик ақлнинг пинҳон сиридир ва дарё-дарё қонлар тўккан фотиҳлар ҳам ҳикмат аҳлидандир. Ўлим – ҳикмат, буни ҳеч ким инкор этолмайди. Демак, изларида ўлим гиёҳи унган ва унга бот-бот рўбарў келган жаҳонгирларнинг донишмандга айланишлари шубҳасиз. Бир тасаввур қилиб кўринг-а, ўлим ҳаёти дунёни буткул тарк этса, яъни одамлар ўлмай қўйсалар, нима бўлади? Аёнки, ҳамма нарса ўзгариб кетади, одамлар амал қилгувчи жамики аҳкомлар ўз мазмун-моҳиятини йўқотади, тирикликдан маъни кетади. Балки олам маънодан бутунлай айро тушар. Бани башар излаган, куйлаган ҳақиқат, муҳаббат, нафрат каби тушунчалар ҳам кераксиз матоҳларга айланади. Бу ҳали ҳаммаси эмас, ўлимнинг ҳикмати беқиёс. Демак, одамлар одамзод бахтига ўлиб турсинлар, ўлмасалар, ўзларига қийин.

Демак, қонхўр фотиҳлар донишманддирлар. Чингизхоннинг мана бу гапи донишмандлик бўлмай, нима ахир? Инсоният умрининг, ҳаёт тарзининг, у яратган ва яратаётган тизиму жамиятларнинг асл қиёфаси намоён эмасми унда.

– Билиб қўй, мулла Насриддин, – деганди хон ўшанда, – аслида одамлар учун бир-бирлари ҳаётининг қизиғи йўқ. Кимлардир «халқим-халқим», деса, асло ишонма, бунинг замирида ўз манфаати ётади. Қанча кўп халқим деса, шунча кўп алдайди. Улар одамларга гапириб туриши лозимлиги учун ҳам ўша гапларни айтадилар, акс ҳолда, одамлар манфаати улар учун мутлақо аҳамиятсиз. Улар кам деганда, тарихда қолиш истагида яшайдилар.

Одамзодни қўрқув ва умид бошқаради, Афандим. Агар умид бўлмаса, у юраги ёрилиб, қирилиб битарди. Ўлим-

сиз ҳеч нарсада маъно қолмайди. Мен нечун дунё аҳлини зир титратмоқдаман, фатҳ этмоқдаман? Ўлим борлиги учун. Акс ҳолда, бир умрлик юришлариму фатҳларимда маъно қолмасди. Ўлим бўлмаса, Чингиз деган жаҳонгир ҳам бўлмасди, мулла!

Лашкари мўл ҳукмдор ҳамиша ўзига бино қўйгани тарихдан аён. Агар у атрофни тезроқ эгаллаб олмаса, бошқалар эга чиқиб қолишидан қўрққан. Оқибати эса аён: ҳукмдорлар тинмай лашкар тўплаб, тўхтовсиз урушиб келади. Одамзод қанчалик тамаддунга эришгани сари уруши ҳам шунчалик ёвузлашиб бораверади. Аммо ҳар бир ҳукмдор ўз қилмишини, урушга кириш сабабини турли йўллар билан хаспўшлайверади, ўзини оқлайверади. Кўплар бунга ишонади ҳам. Чунки одамзоднинг феъли, ҳаёти, яшаш тарзи шу-да, мулла Насриддин.

Ҳа, Афанди Чингизхон билан кўп йиллар бирга бўлди, ҳарб юришларида, жангларда, сафару суҳбатларида ёнида турди, буюк жаҳонгирдан анчагина нарса ўрганди, ҳаётнинг, инсоний умрнинг маъносини англатувчи ҳикматларни уқди. Чингиз бағоят ақлли ва совуққон одам эди.

Афанди мен билан қилган суҳбатларида бу ҳақда такрор-такрор эслагани ҳам ёдимда.

– Инсон қалби Худо ва Иблиснинг кураш майдони, жанггоҳидир, деган гапни мен илк бор Чингиздан эшитганман, – деганди бир сафар у. – Эзгулик ва ёвузлик ҳамиша инсоннинг қалбида яралади. Қай бирининг ғалаба қилиши ўшал қалб соҳибининг қурбига боғлиқ. Чунки одам ҳар қандай ёвузликни ҳам, эзгуликни ҳам энг аввало ўз кўнглида амалга оширади. Зоҳиран бажариши эса ўшал ишнинг сояси, балки эҳтирос ва ҳаяжондан бирмунча айро тушган акси холос. Қалбда кечган ҳодиса амалга оширилиш жараёнида анча сусаяди. Шунинг учун ёвузлик ёки ваҳшийликни эл кўзида қила олган одам ўз қалби-

да икки ҳисса ваҳшийроқ ёки ёвузроқдир. Зеро, у бу ёвузликни кўнглига сиғдира олган.

Чингизхон айтишича, иймон-эътиқод даражаси одамнинг қурбига доҳил бўларкан. Қурбсиз одам дунёни англаш тугул оғзида чайнаб турган емишини ҳам идрок этолмас экан. Демак, Худони англаш ёки англаёлмаслик ҳам қурбдандир.

У, мен одамзод бошига бало бўлиб келганман, дерди. Чунки бани башар ҳаддидан ошди. Ҳали тарих саҳифаларида мен ҳақимда кўп ёлғон-яшиқларни тўқийдилар, мени ваҳшийдан олиб, ваҳшийга солишга уринадилар. Бу уларнинг қурбига қараб бўлади. Илло ҳақ гапни айтиш даражаси ҳам қурбга боғлиқ. Лекин ҳар қанча қорага белашга уринмасинлар, барибир мен ёвузлик бўлиб дунёга яхшилик олиб келган зотман. Мен Худонинг қаҳриман.

Бир куни кўнгли томоша истадими, билмадим, беш одамни – мусулмон, насроний, тарсо, оташпарасту будпарастни ҳузурига келтириб, улардан сўради:

– Барчанг ўз дининг ва Худойингга содиқмисанлар?

Улар «ҳа» деб жавоб бердилар.

– Мен сенларни бир соатдан сўнг ўлдираман. Ўлдирганда ҳам ваҳшийларча ўлдираман. Шу бир соат ичида ҳар биринг ўз Худойингга жонингни сақлаб қолишини сўраб, ёлвор. Қани, қай бирингнинг дининг кучлироқ экан...

Маҳкумлар кўзлари ола-кула бўлиб, ё Чингизга ва ёки ўз эътиқодларига ишонишни билмай, сарбозларнинг зўри ила ҳар томонга кетдилар.

Турган гапки, бир соат ўтса ҳамки, ҳеч нарса ўзгармади. Фақат беш маҳкум – Оллоҳ сари беш тарафдан йўлга чиққан беш нажотталаб зор-зор қақшаб, илтижо қилавердилар. Ким билади, балки улар Яратганга тавба-тазарру қилгандирлар, умрлари интиҳосини пайқаб, сўнгги истиғфор ила машғул бўлгандирлар – буниси бандасига қоронғи. Бироқ жон талвасасида, Яратганга эмас, кўпроқ

мавҳум бир кузатгувчига ёлвориб, оҳу фиғон чекканлари рост. (Мана шу ерда мен борман ва одамлар Оллоҳ бир четда қолиб, бошқа бир соҳиби қудратни излаб қоладилар. Гўё Оллоҳ ўзиники, шунчаки ҳамроҳи, ундан ҳеч қандай нажот кутиб бўлмайдигандек тутадилар ўзларини.) Улар бирон мўъжиза рўй беришини, янаки ўзларининг фойдасига рўй беришини истардилар. Бироқ мўъжиза бўлмади. Айтилган муддат ўтгач, маҳкумлар фотиҳ қошига олиб келиндилар.

– Хўш, Худоларингга яхшилаб арз этдиларингми? – дея сўради Чингиз киноя аралаш.

Маҳкумлар жим.

– Сенлар биринг масжид, биринг черкову синагок, калисо ёки кунишда минг алпозда ибодат қиласанлар. Аниқроғи, ибодат эмас, амал бажарасанлар. Ҳар биринг ўзингнинг тўғри йўлда эканлигингни исботлашга уринасанлар. Гўё сенлар танлаган йўлдан ўзга тўғри йўл йўқдек. Мана шунисиси алам қилади. Йўлларинг турфа, аммо манзилинг бир эканлигини англамайсанлар. Ҳатто қонларинг бир хил рангдаку. – Чингиз кимгадир ишора қилган эди, маҳкумларнинг ҳар бирини биттадан мўғул тутиб, билакларига қилич солди. Қўллари билакларидан «чирт-чирт» узилиб, тирқираб қон отилди. Улар дод солдилар. Чингиз эса наъра тортди:

– Ахир ҳар биринг нинг йўлинг алоҳида-алоҳида, Худойинг ўзга эди-ку, нега қонларинг бир хил – қип-қизил? Чунки сенларга Худо ёки иймон эмас, ўз менинг керак!..

Шундан сўнг маҳкумларни суви биқирлаб қайнаб турган дошқозонга улоқтирдилар.

Чингиз хитоб қилди:

– Билмаганлар билиб қўйсин, мен дунёга Худонинг ғазаби бўлиб келганман!..

Хоқон тамаки тутатиб, чўзиб тутун бурқситди. Хаёлида эса ҳамон Афандининг ташвиши эди.

– Ҳайкални қаерга ўрнатсак экан-а?..

12

(Баъзилар мени киши кўнглига дахл қилолмайди, унга киролмайди, деб хато ўйлайдилар. Кишининг иймони мукаммал бўлса, менга осонгина хайр бера олармиш. Хайр берармиш-а! Ахир мен одамнинг қонида яшайман-ку. Ҳар не кўнгилга ғулғула солгувчи ким ахир? Ғулғула солгувчиларнинг устаси мана мен-да! Ёки кўнгилнинг теграсига Хитой деворидан улуғворроқ девор бунёд этиб, уни мустаҳкам бир қалъа янглиғ ўраб, чирмаб ташлайманки, токи ичига менинг истак-хоҳишимдан ўзга ҳеч бир нарса киролмайди. Айниқса, Раҳмоний туйғулар, майллар... Шунда ҳам менинг кучимга, қурбимга ишонмайдилар-а.

Одам боласи ўз қилмишларининг оқибатидан ожиз қолгандагина мени эслашга тушади, гуноҳлари учун мени айбдор қилишга уринади. Неки ёмонлиги бўлса, менга тўнкайди. Иблиснинг макрига йўлиқдим, дея ўзини оқламоқчи бўлгани камлик қилганидек, ўз маломатидан таскин ҳам истайди. Аслида у менинг макрим нечоғли эканлигини мутлақо билмайди. Макрим даражасини шуурида имкони қадар кашф этади-ю, ортиғига қурби етмайди.

Ҳа, мен одамларни ёмон кўраман – бундан тонмайман. Лекин Оллоҳни жуда-жуда яхши кўраман. У ҳамма нарсага қодир, ҳар ненинг соҳиби эканлигига ишонаман. Мен Оллоҳга бемисл муҳаббатим туфайли лаънатланганман. Одамга сажда қил, дея амр этилганида, Оллоҳдан бошқасига сажда қилмайман, дедим. Ахир мен нур – оловдан яралган, Оллоҳнинг ғайбига дахлдор бўлсам-у, келиб-келиб мана шу балчиқдан бино бўлган ифлос, мунофиқ, агар хонаси келса, менга ҳам сиғинмоққа тайёр тургувчи махлуққа сажда қиламанми, дея оҳ урдим. Бу мендаги кибру ҳаводан эмас, соҳибимга буюк муҳаббатим туфайли эди. Ундан кўра жаннатдан қувилмоқни афзал билдим. Балки Оллоҳга ҳам араз қиладиларми, дерсиз. Йўқ, мен

араз қилмадим. Менимча, Оллоҳнинг меҳрини, алоҳида эътиборини соғинмоқ, керак бўлса, қизғанмоқ, янаки бу муҳаббатда рашк қилмоқ фазилатдир. Ҳа, мен араз қилмадим. Оллоҳни эса лаънатлансам ҳам севаверaман. Эҳтимол бу ҳам Оллоҳнинг бир имтиҳонидир. Балки Улуғ Ажр кунида ҳамма-ҳаммаси якунланар ва мен нажотга сазовор бўларман. «Ноумид – Шайтон», дегувчилар хатокордирлар, илло Шайтон ҳам умидли. Чунки мен Оллоҳнинг қудрати, даргоҳи ва шафқати нечоғли эканлигини бошқалардан кўра яхшироқ биламан. Ахир мен Азозил отлиғ олий фаришта эдим, фаришталар жамоасига дарс берардим.

Менинг ўйу хаёлларимни ва ҳатто изтиробларимни (ҳа-ҳа, изтиробларимни) одам авлодидан фақатгина Мансури Ҳаллож тушунарди, эҳтимолки, унинг аҳволини ҳам ёлғиз менгина англардим. Уни зиндонга ташлаганларида кун-кечалар қилган адоғсиз суҳбатларимиз (унга қилган шайтоний хуружларим) ҳамон ёдимда. Одам фарзандлари ишқда девона бўлди, деган гапни кўп ишлатадилар. Ана ўша ишқда чинакам девоналикни ва ҳатто савдойиликни мен Мансурда кўрганман. У мутлақо ўзидан фориғ эди, ўзини ўзи буткул унутганди. Емасди, ичмасди, балки унга бу нарсаларнинг ҳожати ҳам йўқ эди. У ишқдан озуқа – куч оларди, Илоҳ ишқи туфайли нурга айланганди.

Зиндондаги бедор тунларида мен уни кўп бор ўзга йўлга солмоққа уриндим. Шайхларга, шариат пешволарига, ҳукмдорларга тавба қил, адашганлигингни тан ол, дедим. Қарабсанки, тез орада ўзинг ҳам шайхга, беҳисоб мурид-ларга соҳиб муршидга, дунё эгаси бўлмиш давлатмандга айланасан, дея даъват этдим. Бироқ у даъватларимга парво қилмади. Аксинча,

– Оллоҳга муҳаббат бобида ҳатто сенчалик – Шайтончалик эмасману, муршидлигим кимга керак! – дея оҳ урди. – Сен менга пирлик, устозлик қил, ҳей, Иблис! Аҳдга вафони сендан ўрганай! – деди.

Бундан ортиқ девоналик бўлурми? Оллоҳ лаънатлаган, одамзод нафратланган Иблисни ўзига пир тутмоқчи бўлди-я! Бунинг маъно-мағзини ҳеч ким англамаган ва мудом англаёлмайдилар. Балки тушунишни истамаслар.

– Ахир сени савдойи атаётирлар, ҳей, Мансур! – дея хитоб қилдим. – Бу маломатлар, хўрликлар нечун керак сенга? Одамлар қатори бўл! Тавба қил! – Қарангки, мен унга (Шайтонлигимга зид ўлароқ) яхшилик истардим. У эса, – Аналҳақ! Аналҳақ! Аналҳақ!.. – дея ҳайқирди.

Оҳ, бу наъранинг шиддату ҳайбатидан олам титраганини ҳамон эслайман.

– Эй, Иблис! – дерди у кўзлари оловли чақнаркан, бағри ўртаниб. – Оллоҳга сидқ ва муҳаббат бобида ҳатто сенчалик эмаслигимдан доғмен. Сен ахир аҳду вафонинг, садоқатнинг буюк тимсоли эмасмисен!? Башар қавми нечун буни билмайди? Зеро, Оллоҳ суйганининг бошига кулфат солиши, балолар ёғдириши ва шу билан имтиҳон этиши рост бўлса, сенинг кўргиликларинг ҳам беҳудага эмасдир. Оллоҳнинг сири ҳам, ҳикмати ҳам ўзига аён-ку...

Қасамки, унинг гапларидан эриб-эриб кетардим ва билардимки, сезардимки, олов вужудимда ихтиёримдан ташқари эврилиш, яхшиликка қайрилиш рўй берарди. Мен буни истамасдим, пешонамдаги тавқи лаънат ишонмоғимга монелик қиларди. Ҳа, Мансур одам фарзандларининг буюкларидан эди. Ўз қурби, илоҳий файзи билан ҳаттоки менга – Шайтонга, азалий қисматимга дахл қиларди. Унинг бутун борлиғидан нур тараларди. Бир кеча-кундузда минг ракат намоз ўқиган одам нурга эврилади-да, ахир. У ҳар икки намоз учун бир бор ғусл қиларди. Минг ракат намоз, беш юз бор ғусл – бу айтишгагина осон, холос. Ва лекин, жисм учун зоҳиран имконлимикан? Мансур учун имконли эди. Шул боис унинг бўз либоси вазнсиз бир ҳарир матога айланиб кетганди. Жисми эса йўқ эди. Бир кеча-кундузда беш юз бор ғусл қилган, беадад

ибодат нурига йўғрилган одамда тана қолиши мумкинми? Йўқ! У нурга йўғрилиб, нурга эврилиб борарди. Уни кўрганда дарахтлар титрай-титрай бош эгарди, майсалар оҳ уриб, пойларига суркаларди, тупроқ изларини тавоф этарди, қушларнинг чуғури зикруллоҳга, осмон Уммул Китоб саҳифаларига, булутлар қироатгўйларга, ёмғирлар эса Оллоҳ сўзи – сим-сим насиймли оҳангларга айланарди. У мавжуд эди, лекин йўқ эди. У тинимсиз Оллоҳ дерди, қалби Оллоҳга йўғриларди. Забонсиз эди, Оллоҳ лафзи ҳам ичида, ҳам ташида барқарор янграрди. У Оллоҳ деганда зиндоннинг деворлари, шифтлари титраб-титраб, қақшаб-қақшаб нурарди, қулф урилган зил-замбил эшиклари ланг очилиб қоларди. Унга нимани кўрсатиб, нелигини сўрсангиз, Оллоҳ дерди (у нарсани кўрмасди):

– Дарахт?

– Оллоҳ!

– Тош?

– Оллоҳ!

– Сув?

– Оллоҳ!

– Тупроқ?

– Оллоҳ!

– Сен кимсан?

– Оллоҳ!.. Аналҳақ!.. – дея наъра тортарди.

Чунки у йўқ эди, ёлғиз Оллоҳ бор эди. Нафасларида Оллоҳ эди. Бу хослар мақоми, мен қўрққан ва ҳатто ёмон кўрган валийлар мартабаси. Уни ҳар ким ҳам англамас. Илло Мансурни ҳам англамадилар, уни шаккокка, аҳли куфрга йўйдилар. Йўқ тилини кесдилар, йўқ оёқ-қўлларини чопдилар, бошини олиб, йўқ танини бурда-бурда қилдилар ва ўтда ёқдилар, кулини кўкка совурдилар. Мансур «иҳ» демади. Осмон «Аналҳақ», деди, ер «Аналҳақ», деди, жумлаи оламга «Аналҳақ» сочилди, «Аналҳақ» учди. Оллоҳдан ўзга ҳеч нарса қолмади. Мансур қиёматни кўрсат-

ди, буюк хабарни эслатди. Буюк Ажр кунида Мансурни не кутмоқда – уйғоқ диллар англаюрлар. Аммо мени нима кутмоқда, кимса билмас. Ўзигагина аён. Шайтон ноумид деманг, умидворман.

Ахир ўғлининг овозини эшитиб, қалқиб тушди. Бўйнидан арқонни олди. Ўзида қурб топди. Эҳтимол Афандининг келиши нажотдан даракдир?.. «Қўлингдан келганича инсоф қил», деган улуғлардан бири. У ўзига инсоф қилди – қурби етди. Яшик устидан тушиб, унга ўтирди. Қанийди бир дона тамаки бўлганида, ақлини пешлаб оларди. Нима бўлса бўлар, дерди-ю, чекиб ташларди. Кейин эса ўйларди, қадрдон ўйларини ўйларди...

Ўғли негадир бу ёққа кирмади. Балки кирмагани ҳам маъқулдир.

Ўғли қайта-қайта чақиравергач, «мен бу ёқдаман, ҳозир чиқаман», дея овоз беришга мажбур бўлди. Бу гапни айтиш асносида шуурига қуйидаги фикр урилди: «Ўғлим ким бўларкин-а? Ёлғизгина болам ким бўларкин? Журналист ёки ёзувчи бўлишига жонимни олсалар ҳам кўнмасман. Битта номи улуғ, супраси қуруқнинг борлиги етар. Яна битта ношуднинг кимга кераги бор. (Бу, турган гапки, менинг овозим эди. Бироқ кўп ўтмай, иймони ҳам тилга кириб қолди-ю.) Ношукур бўлма, Ахир! Ахир шу касбнинг орқасидан уй-жой қилдинг, оилангни боқаяпсан, фарзанд ўстиряпсан. Ўзинг, оиланг соппа-соғ. Яна сенга нима керак? Чиндан ҳам соғманми ўзи, деган фикр балқди миясида. Бироқ, бу ҳақда ўйлашни истамади... Ахир камбағаллик айб эмас. Шукур, ҳа, Худога шукур, дея наъра тортди бағри, аммо чақа санаб яшаш жонимга тегди. Неча йил ўқидим, ўргандим, ўз касбимнинг устаси бўлдим. Ростданми, дегандай бўлди шуурининг аллақайси қисми. Ношуд эмасман, йўқ, ношуд эмасман! Ўз ишимни яхши билсам, меҳнатдан қочмасам-у, тирикчилигимни тузук-қуруқ ўтказолмасам. Эл кўзида, оилам учун ношуддай кўриниб қолаётганимдан доғдаман.

Демак, мен айбдор эмасман, жамиятнинг адолат тарозусида ғирромлик бор, у дарз кетган. Зеро, меҳнатимга тўланаётган ҳақ иззат-нафсимни поймол этар даражада пастлиги рост. Ахир алифни келтак деёлмайдиган, на дунёвий ва на ухровий илмларни билмоқ тугул иккита ҳарфни бир-бирига тузукроқ уриштиролмайдиган қанча-қанча одамлар ошиб-тошиб, бой-бадавлат яшаяптилар-ку! Қани бу ерда адолат? (У азбаройи ночорлигидан ўзини оқлашга уринарди ва шу асно ҳасад чегарасидан ўтиб бораётганлигини сезмасди. Рости, одамнинг мана шу ҳолати менга жуда-жуда ёқади. Қарангки, у бойиб кетса ёки ҳеч йўқ, уй-жойини яхшилаб, тўқ яшай бошласа, жамиятнинг адолатли эканлигидан далолат бўларкан-да. Аслида унга бир дунё пул бериб қўйсангиз ҳам бир ой, нари борса, бир йилда еб тугатади, бой бўлолмайди, шу ҳолича қолади. Одам бўлиш илинжида неча йиллар китоб титкилаган, зиё излаган мана шу соҳиби ақл агар асл моҳиятга етиб, чиндан ҳам ақл топганда эди, бу даҳри дунда бирон та мукаммал жамият йўқлигини биларди. Қай бир жамият борки, унда камбағаллар ва ҳатто қашшоқлар бўлмаса? Дунё дегани, ҳаёт дегани шу! Мавжуд жамиятларнинг бошида турган ҳукмдорлар, соҳиби давлатлар ҳам одам ахир! Уларнинг орзу-ҳаваслари, боринг ки, нафслари оддий одамларникидан, дейлик, мана шу Ахирникидан юз, эҳтимолки минг баробар ортиқ бўлса, бировни ҳайратга солмаслиги керак... Ўйланг, битта ўртамиёна журналистнинг оч қолаётганлиги, базўр ошинган қўйини сотиб юборганлиги-ю ва ниҳоят ўзини осмоқчи бўлганлиги қай бир ҳукмдорни қизиқтириши мумкин? Ҳар куни юзлаб, минглаб одамлар ҳар хил ўлим топадилар – нима, бу адолатнинг бузилишими?.. Янаки тобора юқорилаб, имкону қурбга эга бўлиб бораётган одамзоднинг одамларга, ҳаётга муносабати ҳам буткул ўзгариб кетиши табиий. Улардан адолат кутгувчилар ё аҳмоқ ва ёки тамагирдирлар.

Шайтон бўлсам ҳам айтай, адолат фақат Оллоҳга хосдир. Унинг адолати шундаки, у барчага бир хил имкон беради, тўғри ёки хатарли йўлни аниқ-равшан айтиб-кўрсатиб қўяди. Ҳою ҳавасда, дунёпарастликда хатар, фақирлигу сабрда эса нажот бор. Бу очиқ-ойдин белгилаб қўйилган. Аммо одам боласи дунёга интилаверади, камбағалликдан қўрқиб, қочаверади. Оллоҳнинг адолати эса шу – ҳар бир инсонга танлаш имконини беради. Шундай экан, одам адолатни ўзидан изламоғи лозим.)

У ҳар ойлик олганида, шундоқ ҳам озгинагина пулининг бир қисмини ажратиб, сақлаб қўяр, ортидан иккиланиброқ ширин орзулар ҳам қиларди. Кўнгли бу пул жудаям озлигини сезиб, ширин орзусига эришолмаслигини билиб турса-да, сақлагани бир ёки икки йилда қанча бўлишини ҳузурли орзиқиш ила ҳисоб-китоб этарди. Аслида пули икки йилда ҳам ҳеч қанчага етмас, устига-устак, уни бир неча ой амаллаб сақларди-ю, кейин маошидан чегиргани эвазига ишхона кассиридан қарз бўлиб қоларди-да, охир-оқибат «хазинасини совуришга» тушарди. Уйида беш-ўн сўм туриши илинжида гоҳо тушлик қилмасди, оч қорни билан кечки овқатга етиб олишга уринарди ёки хонасида нон ямлаб қўя қоларди. Уйида ҳафталаб, ҳатто ойлаб гўшт ейилмасди. У сабр қилиб, ахлоқ китобларида ўқиганларига биноан яхши кунлардан, Оллоҳнинг ризолигидан умидвор бўлса-да, қалбида ҳамиша аламли хўрлик яшарди. Лекин ҳар ким қурби даражасида яшашини, ундан ҳеч қачон ортиб кетолмаслигини тушунмасди. Адолат, ҳалоллик тушунчалари ҳар инсоннинг қурбига муносиб бўлади, ортиғини талаб қилиш аҳмоқликдир. Чунки у қурбидан ортиғини ҳатто тушунмоққа ҳам қодир эмас. Баъзи ақли расо одамларнинг кимларгадир нималарнидир тушунтиролмай жиғибийронлари чиқади, шу оддий нарсаниям тушунмайди-я, деб куйиб-пишадилар. Айтилаётган гап гапирувчи учун оддий бўлиши мумкин, бироқ

бошқалар тушунмаса – бу энди уларнинг қурблари даражасидир.

Бир куни Ахир ҳамкасбларига кўшилиб, замонавий шифохонага бемор кўргани борди. Кираверишда машинадан тушаётган таниқли дин пешвосига рўпара келдилар. Унинг ёши қирқнинг нари-берисида эди. У масжидларда, газетаю телевизорларда иймон-эътиқод, ҳатто тасаввуф (хослар йўли) хусусида ваъзлар айтарди, одамларни валийлар йўлига бошларди. Хуллас, у ҳам шифохонада даволанаётган экан. Учинчи қаватга кўтарилаётган Ахир беихтиёр бир манзаранинг гувоҳи бўлди: қош-кўзи тутаган уламо йигит «супер люкс» хонасининг эшигини калит солиб очиши ҳамоно, ичкаридан бошига рўмол ташлаган дуркун жувон эркалик билан унга ёпишди. Уламо шошиб эшикни ичкаридан ёпди. Хўп, уламо ҳам одам, зўр шифохонада даволанса даволанибди-да, дейиш мумкиндир, қабилидаги гап ўтди Ахирнинг хаёлидан, бироқ халқни сабру бардошга ундагувчи тақводор учун бундайин ҳашамат жоизмикин? Боринги, пулдан кафан кийишни мўлжаллаган кимсага бу нарсалар ярашса ярашар-ку, аммо... Бунисиям майли, энг таажжублиси, уламонинг хонасидаги ёш жувон ким? Хотини бўлган тақдирда ҳам ёш уламо учун бу ерда хотинининг даркорлиги борми? Касали оғир бўлсаям бир нави эди. Қолаверса, шифохонада ҳар нечук хизмат учун ҳамшираларга етарли. Демак, турфа қулайликларга эга «супер люкс» хона кайфу сафо учун керак экан-да. Ахирнинг ўйлари, уламога ғойибона маломатлари чўзилгандан чўзилди. Лекин уламонинг қурби шунгача эканлигини, ортиғини тушуниш тугул ўйлаб ҳам кўролмаслигини англамасди. (Ўз қурби ҳам чекланган-да.) Мабодо ҳозир уламога бу ишнинг тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида гап очсангиз, энг авввало, у сизни ҳасадгўйликда айблайди (ичида албатта), кейин мансабини ўйлаб ташвишга тушади, этмиши дин аҳлига минбаъд ярашмаслигини эса хаёлига ҳам келтирмайди. Унинг шу-

ури замонавийлик либосига бурканиб бўлган, энди у аҳли дунё каби «комфорт»да «элита»лар қаторида яшашни афзал кўради – энг мазали овқатларни ейди, қимматбаҳо кийимларни кияди (оиласига ҳам кийдиради), қойилмақом машиналарни минади, давралари зодагонларча бўлади. Дин, пайғамбару авлиёлар буюрган парҳезкорлик унга энди бегона. Унинг ҳаёти шу, унинг учун ҳаёт шу, қурби шунгача холос, ортиғи унга ортиқча. Буни англамоқ лозим, шунга кўнмоқ керак. Акс ҳолда, киши савдойига айланади, ҳатто ҳалокатга юз тутиши мумкин.

(Ҳатто мен ҳам кишининг қурбига қараб муомала қиламан – ўз йўлимга сола оламан. Менга «хайр» беришлари ҳам қурбга боғлиқ. Инсоннинг қурби қолмагач, бу дунёдан кетмоқни ихтиёр эта бошлайди. Қандай дейсизми?..)

Ахир гўё ўз тақдирини изларди. Наздида, яшаб тургани унинг тақдири эмас, бировники эди, адашиб бировнинг тақдирига тушиб қолганман, деб ўйларди. (Қизиқ, бу одам дегани ақлига эрк берса, нималарни ўйламайди-я. Бировнинг тақдирига тушиб қолганмиш! Ким ишонади бу гапга? Эшитганлар фақат кулади холос.) Ахир ўзи ўйлаб топган, тўғрироғи, миясида аста-секин пайдо бўлган бу гапга чиппа-чин ишонарди. Ҳадемай кимдир, эҳтимол Оллоҳнинг мана шу юмушга масъул бўлган вакилларими, фаришталарими келадилар-у, хатони тўғрилайдилар, уни ўз тақдирига ўтказиб қўядилар. Кейин қарабсизки, ишлари юришиб кетади, ғаюрлар зулмидан (ҳа-ҳа, зулмидан), қашшоқликдан қутулади. Бош муҳаррирнинг таъна-дашномларидан, бош муҳарриру Хоқонга эш зўравонларнинг (ҳа-ҳа, зўравонларнинг. Дарвоқе, зўравон деганда, қўлида милтиқ ёки қилич тутиб уйингга бостириб кирганларгагина айтилмайди-да. Замона зўрлари, айниқса, бу юрт зўрлари зимдан иш тутадилар, сени ўлдирмайдилар ва ҳатто урмайдилар, шундай қиладиларки, ўзингни ўзинг урасан, ўлдирасан) қитмирликларидан халос бўлади.

У ташқарига чиқиб, олма остида турган ўғлига йўлиқди.

– Дада-дада, Афанди келаётганмиш! – дея бидиллади ўғли.

Орадан анча фурсат ўтди-ку, ўйлади у, ҳалиям ўша гапни унутмабди-я. Бу хабарни дадасига айтишни жуда-жуда истаган-да, шунинг учун эсидан чиқмаган, балки дадаси билан росаям гаплашгиси келгандир.

– Афанди келган бўлса жуда яхши-да, ўғлим, биз ҳам кўргани борамиз, – деди у нигоҳу кафти билан ўғлини сийпалаб, эркалатаркан. – Қани, тайёрланинг, кетдик шаҳарга.

Ўғли «уреe», дея кийимларини алмаштириш учун уйга кириб кетди.

Яхши бўлди, хаёл қилди у, кеча бош муҳаррир Давлатмирза деган фермер ҳақида мақола ёзиб келишни буюрганди. Икки камбағалнинг фарзандига суннат тўйи қилиб бераётганмиш. Йўл-йўлакай ўша қишлоққа кириб ўтади. Шу давлатмандларга ҳам ҳайронсан-да, мард бўлиб савоб иш қилаётган экан, нима зарил оламга жар солиб. Мақтангиси келса керак-да. Сўнг бир кўнгли уларни ёқлашни истади: ҳартугул шу ишни қиляптийкану, майли-да, қилмасаям биров мушугини «пишт» демасди-ю.

– Кетдикми, ўғлим? – дея овоз берди у уй томонга.

Мана, ота-бола қўл ушлашиб кўчада бормоқда. Ўғли ўзида йўқ хурсанд, чор атрофга қараб тиржайгани-тиржайган. Ахир у дадаси, дадажониси билан Афандини, ўша машҳур Афандини кўргани бораяпти-да.

– Дада, – деди болакай дадаси томон бўйлаб. – Афанди яна эшакда келганмикин? Ўзи нега доим эшакда юради, ахир ҳозир машиналар бор-ку?

Дадаси нима деб жавоб беришни билмай, кулди.

– Билмадиму, биринчидан, эшак арзон, иккинчидан, миниш осон, шунинг учун бўлса керак-да. – Шу гапни аранг эплаштирди-ю, ишқилиб яна шунақа савол бермасин-да, дея ўйлаб қўйди, унга жавоб топишни айтинг.

Ўғлининг феъли қизиқ: аввалларидадасининг ҳар бир гапига қулоқ тутар, ҳаракатларига эътибор берарди. Энди эса...

Ахир ичмасди. Кейинги вақтда кунда-кунора кечки овқатдан олдин бир пиёла ичадиган одат чиқарди. Буни кимдан ёки қандай ўрганди, эсида йўқ. Дастлаб ўғлига ва ҳатто хотинига билинтирмай ичиб юрди. Бора-бора уларнинг кўз олдида «урадиган» бўлди. Ҳамма гапларига жон қулоғини тутиб ўрганган ўғли энди унинг ширакайф ҳолда алжирашларини кўриб, олдинига ҳайратга тушди, сўнг асл феълига муқояса қилди шекилли, дадаси ичганда қандайдир нотабиий аҳволга тушиб қолишини тушунди. Бу нарса такрорланавергач, дадасининг гапларига унчалик эътибор бермасликка ўрганди. Кейин-кейин энди ўзининг иши тушсагина, аниқроғи, ўз фойдаси учунгина дадасининг гапларига диққат қиладиган бўлди. Бошқа пайтлари дадасининг асл қиёфасини англолмаганидан шунчаки «борми-йўқ» мулоқот қиларди, холос.

Ахир буни пайқагач, хижолат тортди, ичмасликка уринди. Бироқ барибир ичкилик қизиқ, сирли нарса. У ичган вақтида кўз қирига урилган, ўнг ёнида ўтирган хотини, сўлидаги ўғлининг турфа ҳаракатларини – нотабиий, эҳтимол ажабтовур қилиқларини сезиб қоларди. Буни атайлаб кузатиб бўлмайди, туйқус, кутилмаганда рўй берарди. Уларнинг ақл бовар қилмас мўъжизавий ҳаракатлари бағоят тезликда кечарди. Демак, ўйларди Ахир, бизга ёнма-ён ўзга ўлчамли оламнинг мавжудлиги аниқ. У оламда вақтнинг ўтиши биздагига нисбатан тезроқ, шунинг учун ундаги ҳаракатларни илғаб олиш мушкул. Ичкилик эса инсон миясидаги вақтга дахлдор қандайдир имкониятни уйғотиб юборади ёхуд ишга солади. Балки одамлар кўниккан ўнгу сўл елка – Раҳмону Шайтон тушунчаси шунинг замирида вужудга келгандир. (Ҳа, Ахир айтаётган бизнинг олам – жину шайтонлар олами. Одамизоднинг ичкиликни шайтоний дейиши шундан.)

У автобус бекати ёнидаги матбуот дўкони ойнасига ёпиштирилган яримяланғоч аёл суратига беихтиёр тикилиб қолди. Беихтиёрлиги шундаки, бу ҳолати ўғлининг олдида ва умуман ўтган-кетганлар кўзида ноқулай туюлиши мумкинлиги ҳақида мутлақо ўйламасди. Рангли суратдаги аёлнинг кўз қарашлари, лаблари, елкаю кўкраклари ҳар қандай эркак вужудига олов солар даражада шаҳвоний эди. Ахирнинг танасида ҳам таниш эврилиш рўй бериб, қони қизиди, нозик жойлари ёқимли жимирлади. Шунда қай вақтлардан буён аёлига яқинлашмагани ёдига тушди (кейинги пайтдаги кўйига шу ҳам сабаб эканлигини қаёқданам билсин бу содда одам). Шунинг баробарида кўнглида пайдо бўлган ғулув ўрнини уят аралаш соғинч ҳисси эгаллади. Билинар-билинмас хўрсинаркан, дўкон ортидан қўлида супурги билан ўтиб келаётган дўкончига кўзи тушди. У бу одам билан танишмиди ёки йўқми, эслолмади. Бир-икки саломлашган чиқар, қолаверса, газет-пазет деганлари унинг чўнтаги қўридан ортиб кетганлигидан ва умуман, наздида, ўқийдиган нарсанинг ўзи қолмаганидан, анчадан бери мутолаани бутунлай йиғиштириб қўйган. Демак, дўкончини танимаслиги мумкин. Дўкончи эса уни таниганга ўхшади. Лекин бир оз жилмайиш ва ҳатто саломлашиш тугул унга ўқрайди, сўнг ҳе йўқ-бе йўқ «яна ёзворманг, ёзувчи», деб қўйди тўнг овозда. Унинг бу гапи Ахирга «ҳамма нарсани ёзавериб, расво қилдинг, сени ёмон кўрмайдиган одамнинг ўзи йўқ», дегандай туюлиб, юраги «шиғ» этиб кетди. Булар ҳам Хоқоннинг одамлари-да, деган ўй миясига урилди. Энди суратдаги аёлдан ҳам, вужудидаги ёқимли жимирлашдан ҳам совиди. Оҳиста бурилиб, автобус кута бошлади. Шу пайт сўл ёқдан визиллаб келган енгил машина рўпарасида секинлади. Ҳайдовчининг ёнидаги кўзи олайган, башараси сурроқ йигит, ойнадан бошини елкасигача чиқариб олганди. У Ахирга ўқрайиб қўйди-да, қўлидаги тамакисини унинг юзига қарата чертмоқчи бўлди, аммо чертмай, ёнига ташлади ва «чирт» эткизиб туфлагач, ҳайдов-

чини туртиб, яна визиллаганча жўнаб қолишди. Ахирнинг юраги тағин шиғиллаб, иликларидан мадор кетаётгандай туюлди. Нима бўляпти ўзи? Наҳотки Хоқон уни бездириб, кўчага ҳам чиқармай қўйса? (Эҳ, одам-а, бунга Хоқоннинг нима дахли бор! Бу менинг ишим, тамом. Аҳволига боис эса вужудида, қалбида мен бино этган васваса, қўрқувдир. Истасам, одамнинг кўзига ҳар балоларни кўрсатишим мумкин. Ҳалиги дўкончини олинг: унинг феъли, боқиши ўзи шунақа, қолаверса, у Ахирни таниди ва ёзадиган инсон билан гаплашганда аксарият, айниқса, саводсизроқ кишиларнинг тилига келадиган биринчи сўзни айтди – «Яна ёзворманг, ёзувчи», – деди-ю, дарров унутди. Бундан ортиқ гапга аслида унинг ақли ҳам етмайди. Ахирнинг ҳадиги аввало «ёзмоқ» сўзидан туғилди. Хуллас, қўрққанга қўша кўринади, дегани шу. Бўлмаса, унинг йўқотадиган нимаси бор: мол-дунёси йўқ. Хўш, нимадан қўрқади? Сабаби аниқ – у руҳан таназзулга юз тутмоқда эди. Энди машинадаги йигитни эсланг: биринчидан, у маст бўлиб, кўзларидаги маъносиз совуқлик шундан эди, Ахирни мутлақо танимасди. Агар Ахир қайрилиб ортига қараганда, чиройли бир қизни кўрардики, йигитнинг барча ҳаракатлари ана ўша қизга қаратилганди. Қиз парво қилмай, юзини буриб олгач, йигит кетишга мажбур бўлди.) Яхшиси, уйга қайта қолай, бу кунимдан... Балки қутулишнинг энг осон йўли... У яна ҳужрасини, қадрдон арқонини эслади. Афанди билан кўришди нима-ю, кўришмади нима. Унинг қўлидан бирон иш келармиди? Қизиқ, Афандининг қўлидан иш келиш ёки келмаслиги кимга зарил? Унинг олдига ҳасрати тошиб, ёрдам сўрагани ёки шикоят қилгани борармиди? Тавба!.. Энг нажотбахш, ишончли чора ўша – бир неча лаҳза чидаса бас, қутулади-қолади. Ўғли билан хотини бир кунини кўрар, қайтангга, бу ношуд бедаводан халос бўлишади.

– Юр, ўғлим, қайтдик, – деди у даб-дурустдан ўғлининг қўлидан тортиб. – Афандини кўргани бошқа куни борамиз.

– Нимага-эй, дада, борвурайлик, – зорлангандек минғирлади ўғли.

– Ишим чиқиб қолди, юр. Кўп пул бераман, ўзимизнинг гузарда роса музқаймоқхўрлик қиласан. – У чўнтагидан пул чиқариб, санаган бўлди-да, ўғлига узатди. – Ма!

Қўлидаги нари борса икки-учта музқаймоққа етарди, аммо ўзини ростдан ҳам боласига росаям кўп пул бераётгандек ҳис қилди, ўғли эса бунча пулни биринчи марта ушлаётганлигидан кўзлари чақнаб, Афандиниям унутди.

Бораркан, боши ғовлаб, кўз олдини қоронғилик қоплади. (Бу пайт мен ўз қутқуимни кучайтирмоқда эдим. Уни очиқдан-очиқ ҳалокат сари чорлардим: унинг шуурига, қалбига васваса солиб, жондан кечмоққа ва шу билан фориғ бўлмоққа ундардим.) Боши, оёқлари ва ҳатто елкасига осилган қўллари зил-замбилдай туюлиб, мана-мана ерга қулайдигандек сезарди ўзини. Қулоқлари ёвуз сукунатдан ҳувиллади, гўё оламдек улкан бўшлиқ ичра муаллақ қолганди. Борки нарсалар ундан олислаб борар, ўшал олис манзилларидан унга қаттиқ тикилаётгандек бўларди. Ушламоқ, суянмоқ, ҳеч йўқ нигоҳларни ботириб, далдаланмоқ ва умуман нажот учун ҳеч нарса қолмаганди. Энг даҳшатлиси шу – ҳеч нарсадан нажот йўқ. (Мен солган қутқу туфайли одам боласи ҳатто Оллоҳни унутмоқда.) Менга нима бўляпти ўзи? Наҳотки нажот фақатгина?.. Қанийди, ҳозир хотини ёнида бўлса, унинг юз-кўзларини, бошини, бутун вужудини меҳр ила силаб-сийпаласа, сиз бизга кераксиз, деса, сиз дунёдаги энг қўрқмас, кучли одамсиз, энг зўр журналистсиз, деса, биз сизсиз яшолмаймиз, дея зорланса, фақат бу гапларни жудаям самимий, нажотбахш оҳангда айтса. У ишонса ва... Умидворлик ила ўғлига қайрилди: қанийди, бир бора юрак-юракдан «дадажон» деса-ю, унинг бағрига отилса. Фақат буни бағоят самимий... У ишонса ва... Аммо ўғли қўлидаги пул билан андармону шод эди. Маҳалла гузарига етганда, нима қиламан бола бечорани

қийнаб, дея ўйлади. Яхшиси, гузарда ўйнасин, бир тўйиб музқаймоқ есин. Бу барибир менинг тақдирим эмас, бировникига адашиб тушиб қолганман, ҳа-ҳа, адашиб тушиб қолганман. Акс ҳолда... У ўғлини гузарда қолдириб, кўчасига бурилаётганда маҳалла имомига рўпара келди. Ахир ҳамон оламда муаллақ, олис-олислардан бир ўй миясига урилди: салом беришим керак, ҳа-ҳа, салом беришим керак.

– Ассаломалайким...

– Ва алайкум ассалом, тақсир, бормисиз? – Имом кўришмоқ учун унга талпинди. – Омонмисиз?

– Раҳмат-раҳмат... – дея олди у аранг қўшқўллаб кўришаркан.

Имомнинг нурпош юзида ёқимли табассум чарақлади.

– Кейинги пайтда чарчагандай кўринасиз. Биламан, ишингиз кўп. Нима бўлгандаям ҳар замонда масжидга чиқиб турсангиз бир оз ёзиларсиз балки... – У бағоят беозор, таънасиз гапирди.

Ахир эса айни дамда дод солиб имомнинг бағригами, пойигами отилмоққа шай турар, бунинг учун унга озгина фурсату елангиз туртки кифоя эди, холос.

Имом ҳазил қилган бўлди:

– Ё ёзувчилар масжидга чиқмайдими? Аммо бу дунё ёлғонлигини, нажот фақат нарёқда эканлигини мендан яхши биларсиз.

Айнан шу гапдан сўнг унинг кўйи тағин аслига эврилди. «Нажот фақат нарёқда» эканлиги миясига тиғдай санчилди-ю, имомга «хўп-хўп», дея уйи сари шошди: нажот фақат нарёқда...

Яна ҳужрасига кирди. Наздида, онг-шуури, қалби, умуман бутун вужуди бўм-бўш эди, гўё ҳеч нарсада маъно қолмаганди. Лекин аввалгидек бўшашиб, титраб-қақшамас, барча ҳаракатлари аниқ ва қатъий эди. Дадил яшик устига чиқди. «Афанди келса-келар», деб қўйди хаёлан, «кўрмаган Афандимми». Турган гапки, у Афандини ҳеч

қачон кўрмаганди. Беихтиёр тилидан учган бу гапни нега айтди, ўзи ҳам билмайди. Балки ўзини ўзи овутмоқчи бўлдими? Ҳар ҳолда гап оҳангида «ҳеч кимдан кам эмасман, билганимни қиламан», деган маъно бор эди. Барибир бу менинг тақдирим эмас, ўйлади яна ва арқон ҳалқасини бўйнига солди, бегона тақдирда яшаб нима қилдим. Нажот ёлғиз ўша ёқда! Шу гап хаёлидан ўтиши ҳамоно остидаги яшикни тепиб ташлади. Бир силтанди-ю, арқон бўйнини қисиб, қаттиқ оғриб кетди. Оғрийдикан-а, деган савол миясига урилди. Ё хато қилдимми? Арқон тобора қисаверди, бўғзидан ҳаво ўтмаётгани учун юзи бўғриқиб, кўз соққалари ташқарига отилди, юрагида ваҳм уйғонди: тамом, энди ўламан! Типирчилаб, оёқ учларида нимани-дир излади, чамаси яшикни топмоқчи, унга тираниб, бир оз нафас ростламоқчи бўлди. Аммо яшик оёқлари етгулик масофада эмасди. Типирчилай-типирчилай чарчади. Сўнг икки қўллаб боши узра таранг тортилиб турган арқонни тутди ва бўйнини хиёл бўлса-да, бўшатишга уринди. Бироқ уринишлари зое кетди, арқон бўйнини тобора қаттиқроқ қисаверди. Аввалига кўзларидан учқунлар сачради, кейин кўз ўнгини қоронғилик қоплай бошлади, бўйни қаттиқ оғриди. Эй Худо, деган нидо кўксини ёргудай бўлди. Наҳотки ўлиб кетаверсам?! Болам!.. Ахир!.. Ахир бу менинг тақдирим-ку, ахир бу менман-ку! Бағри оҳ урди: мен адашдим, Худо, хато қилдим. Ўзинг қутқар!.. Ўзинг кечир!.. Ўғлим!.. Бўйнидаги оғриқ йўқолиб, танаси йўқлик қаърига сингаётгандай туюлди, ўзини енгил ҳис қила бошлади. Энди унга ҳамма нарса барибир, дахлсиздек эди. Ўлдим шекилли-да, деган хаёл шуурини ёқимли сийпалаб ўтди.

– Мен ҳаммани кечирдим. Ҳаммани!..

Олисда оппоқ либосли аёл кўринди – онамми, – ўйлади у.

– Онажон!.. Балки нажот кечириб яшашдадир?..

(Мана энди у мендан буткул қутулди.)

ДЕРАЗАДАГИ ОДАМ

У онасини овқатлантириб бўлгач, қўлидаги исқирт дуррасини ҳўллаб, унинг юз-кўзларини ҳафсала билан артди. Кейин иккиси ёнма-ён худди бировни кутаётгандек жим ўтирдилар. Қизиқ, дея ўйлади деразадаги одам, шу икки девона ҳам ўз ҳаётидан норизо бўлармикин, нолирмикин? Улар ҳам бахт ҳақида ўйлашармикин? Бахт деганда нимани тушунишаркин? Ўзларининг қашшоқ, юпуну маконсиз ва ҳатто савдойисифат эканликларини хаёлларига келтиришармикин? Армонлари бормикин? Ёки ҳамма қатори кўргиликлари учун бировларни айблашармикин?..

Ҳа, одамзод бошига тушаётган бахтсизлик, алам-изтиробларучун бировни айблашни, қилмишларини кимларгадир тўнкашни хуш кўради. Лекин буни барча ҳам англайвермайди, тан олавермайди. Балки шунда яшаши осонроқ кечар, енгилроқ нафас олиб, таскин топар. Мисол учун, бировнинг бошига бирон кўргилик тушди, дейлик. У қаттиқ қайғуради ва шубҳасиз, айбдорни ён атрофидан излай бошлайди, ҳатто энг яқин кишиларидан гумонсираши, хафа бўлиши мумкин. Аслида эса гумон қилганлари унинг кўргиликларидан мутлақо хабарсиз, ўз ташвишлари билан андармон чиқарлар, хабар топсалар, унга дил-дилларидан ачинишлари, қайғуришлари аниқ. Лекин у кимлардандир ўпкалаб, айбдор ахтариш асносида буни унутади, тан олишни истамайди. Одам ана ўшанда ожизланиб боради, кучсизланади. Демак, ҳаммаси Худодан, дейиш осонроқ, бу кишига куч беради, ўзига ишонч пайдо қилади.

Турган гапки, бу гапларнинг, бизнинг наздимизда, она-боладай туюлган (аслида шундайлиги аниқ) икки девонанинг хаёлига мутлақо келмаганлиги ҳам рост. Улар «таом»дан сўнг бир оз «нафас ростлагач», туриб, негадир яна келган тарафига қайтдилар. Йигит тугун-пугунларини

яна елкасига, тирсагига олди, бир қўлида онасининг чиғаноғидан тутиб, оҳиста йўлга тушдилар. Ўғлининг меҳри оғушига синган она тағин майда қадамларини бошлади... Ҳа, бу дунёда ҳамма нарса боғлиқ, узвий ва шубҳасиз, айро ҳам кечади. Киши шуни англамоғи лозим, буни англаган одам барча нарсаларга, аниқроғи, воқеликка тайёр туради, уларни осон қабул қилади. Англагувчи кимсанинг иродаси мустаҳкамланиб, кучли бўлиб бораверади, умри эса ҳикмат касб этади...

Машина тормозининг «чинқириғи» эшитилди. Хаёлчан нигоҳини мудом аллақачон кўринмай кетган она-боланинг ортидан тикиб турган деразадаги одам чўчиб тушди-да, овоз келган томонга қаради. Шоҳкўчанинг нариги бетида қимматбаҳо енгил машина қийшайиб турарди. У беихтиёр бўйнини чўзиб, яна ниманидир, балки машинани «чинқиртирган» нарсани ёки одамни қидирди. Ниҳоят машинадан ўн метрлар чамаси нарида чўзилиб ётган ўсмир болага кўзи тушди. Боланинг тана аъзолари у ёк-бу ёққа нотабиий қайрилганди. Одамлар – бирови томоша, бошқаси ёрдам бериш мақсадида у томонга югурдилар. Деразадаги одамнинг юраги шиғиллаб кетди...

13

(Пул нима? Жавоб осонгина, оддийдай туюлгани билан унга тўла-тўкис таъриф бериш бағоят мушкул. Тўғри, пул одамзоднинг яшаши, тирикчилик қилиши, ўз режаларини, орзу-ўйларини рўёбга чиқариши учун ўта зарур, муҳим восита. Мен одамзоднинг ҳали пул кашф бўлмасидан олдинги ҳаётини, ўзаро муносабатларини ҳам яхши биламан. Унинг қўйга болтани, болтани эса нонга алиштириб юрган ва ҳаётидан мутлақо рози яшаган пайтлари ҳамон эсимда. Балки аҳли одамнинг муносабатлари ўшандай қолгани маъқулмиди? Тағин билмадим. Лекин бу гапни мен – Шайтон айтмоқдаман.

Ҳа, пул инсоннинг буюк кашфиётидир, бунга асло шак-шубҳа йўқ. Чунки бу кашфиёти туфайли одам фарзандларининг ҳаёти, турмуши буткул ўзгариб кетди. Бир сўз билан айтганда, у тараққий топди, гўзал-гўзал нарсаларни бино қилди ва шунингдек, ўзига ҳам бино қўя бошлади. У буюк кашфиёти ортидан беҳисоб яхшилик ва ёмонликларни кашф этаверди-кашф этаверди, илло мудом бу кашфларидан толмайди. Аммо пул аталмиш буюк ва энди аён бўлмоқдаки, ёвуз кашфиёти унинг ўз бошига бало бўлганлиги ҳам рост. Демак, айтиш мумкинки, пул башариятнинг улкан хатосидир.

«Аёллар – Шайтоннинг тузоғи», дейдилар. Бу гапни Ислом оламининг улуғ пешволари айтган, демоқчиманки, бани башар наздида, бу бағоят тўғри гап. Ҳа-да, менинг наслим одамларни ўз домига олмоғида, янаки осон олмоғидаги энг қулай восита – бу аёл зотидир. Кейин унинг ёнига пулни ҳам қўйса бўлади. Балки у гоҳо аёллардан ҳам аввалроқ турар, аёлга алданмагани пул домига албатта тушади. Зеро, барча инсоний муаммолар, кўргиликлар пулу бойлик туфайли келиб чиқиши сир эмас. У ҳасад деган балонинг садоқатли ошносидир. Ҳасад эса...

Ахир ер юзидаги биринчи қотиллик ҳам ҳасад боис содир этилмаганмиди ?.. Янаки ака ўз укасини – жигарбандини ўлдирганди: Одамнинг катта ўғли Қобил кичик фарзанди Ҳобилнинг жонига қасд қилганди. Албатта, Қобилнинг кўнглига ҳасад уруғини солгунча, уни ўз укасининг қотилига айлантиргунча мен анай ҳаракат қилмадим, не-не заҳмат чекмадим. Кулгили бўлса ҳам айтай, биз шайтонларга одамлар осон тутадилар. Аслида бир банданинг қалбига шайтоний васваса солиш ҳазилакам иш эмас... Хуллас, ҳасад оловида жизғанак Қобил Ҳобилни ўлдирди.

Пул! Пул!! Пул!!! Наҳотки одамзод пулнинг ўрнини боса оладиган (замона тили билан айтганда, унинг эквивалентини яратиб) ва дунёда адолат ўрнатилишига омил

бўлгувчи бошқа бирон нарса кашф этолмаса?.. Унинг энг олий мавжудотлик, халифалик даъвоси қаёқда қолди? Шайтоннинг гапи бўлмаса ҳам айтай: эҳтимол дунё ва инсон вужудидаги асосий ярага юқоридаги саволдан жавобу шифо излашимиз керакдир?..

Инсон феъли турланиб-тусланишга мойил. У ёғини сўрасангиз, одам вужудида шаҳватни ва ёки ғазабу нафратни ҳам қўзғагувчи Шайтон экан, демак, Шайтон (яъни мен) ўзи истамаган ҳолда, тўғрироғи, ёмонлик, залолатни тилаб туриб, эзгуликка, яхшиликка хизмат қиларкан-да. Билиб турибман, гапларимдан ҳайрон бўлаяпсиз ва ҳатто тушунмаётгандирсиз. Айтаётганларим Ғарбнинг замонавий романларидаги узундан-узоқ тафсилотларни, мантиқсиз фалсафа сўқишларни ёдингизга солаётган бўлса ҳам ажабмас. Лекин шошилмай туринг, гапларим қуруқ иддао ҳам, мантиқсиз алжираш ҳам эмас. Ахир одамзод томонидан ҳамиша улуғлаб келинган жасорат, мардлик ҳам нафрат ва ғазаб маҳсули-ку. Унда жасорат шайтонийми? Қўпол қилиб айтганда, жазавасиз, васвасасиз мардлик кўрсатиш душвор. Шундай экан, менинг эзгуликка доҳиллигим ҳаққи рост.

Менинг ёмонлик истаб яхшилик қилишимни ушбу тамсил яна-да равшанроқ намойиш этади: бу воқеа Освенцим концлагерида рўй берган эди. (Дарвоқе, мен Иккинчи жаҳон уруши пайтида фашистлар ва уларнинг доҳийлари ичра роса давр сурганман.) Чумолилар каби тизилган оч-наҳор, озиб-тўзиб кетган одамлар бирин-кетин крематорийга кириб борардилар. Уларнинг ияклари тортилган юзларида, тубсиз ўрани эслатувчи кўзларида адоғсиз, шунингдек, ҳеч қачон кетмайдиган даҳшат зуҳурланганди. Шунга қарамай, кўпларининг тақдирга тан берганликлари аён эди... Одамларни крематорийда ёқишни ким ўйлаб топганлигини балки билмассиз: фашистларнинг мафкуравий раҳнамоси, Ҳитлернинг ўнг қўли бўлмиш Ҳеббелс «кашф қилганди». (Яхшироқ тасаввур пайдо бўлмоғи учун шуни ҳам айтайки, Освенцимда

Ҳеббелснинг яқин маслакдоши доктор Вебель мислсиз тажрибалар ўтказарди. Унинг ваҳшийликларини таърифлашга тил ожиз эди. Айтгандай, Освенцимда бир ярим миллиондан зиёд одам ёқиб ташланган.) Унингча, (уларнингча), дунёда ягона олий ирқ – орийлар, яъни немисларгина яшашга ҳақли эди. Қолган халқлар эса хас-хашагу ўтин-кўмирларга айланиши кўзда тутилганди. Шунинг учун концлагерга келтирилганлар орасидан ёш-навқирон ва соғломларини ажратиб олардилар-да (улар буюк Олмония манфаатлари учун энг оғир меҳнатларга гирифтор қилинардилар, баъзиларининг эса қонлари сўнгги томчисигача сўриб олиниб, ярадор немис аскарларига қуйиларди), қолганларининг сочлари қийилиб, ўзлари «ўчоқ»ка тиқиларди. Бу даҳшатли усулни ана ўша Ҳеббелс ўйлаб топганди... Хуллас, чумолидай тизилган маҳкумлар мўрисидан қоп-қора тутун бурқсиб турган крематорийга кириб борардилар.

«Ўчоқ боши»даги манзара янада даҳшатли эди. Бу манзарани тасвирлаш учун эҳтимол даҳшатли сўзи, аниқроғи, унинг мазмуни анчайин ожизлик қилар, зеро, «ўчоқ боши» қиёмат қойимни эслатарди. Олов пуркаётган аждаҳонинг оғзига қиёслагудек «ўчоқ» оташи туфайли юзага келган нафасни бўғар даражадаги ҳарорат ва кишини ундан икки ҳисса кўпроқ димиқтиргувчи қоронғилик аланга тилидан таралаётган қизғиш ёруғлик боис қора соя – шарпалардек кўринган одамларнинг жон талвасасида қий-чув қилиб типирчилашларига қоришиб кетганди. «Ўчоқ боши» тутунга тўлганди, бироқ у қоронғида унчалик кўзга ташланмасди. Юзларига ниқоб – противогаз кийиб олган (бу билан улар янада қўрқинчли кўринардилар) беш-олти аскар маҳкумларни бирин-сирин «ўчоқ» – ўрага суришар, гоҳо эса қарийб улоқтиришарди. «Ўчоқ»ка қулаб бораётган одамлар ваҳшат ичра шунақаям дод солиб чинқирардиларки, қани энди уларнинг овозларини эшитгувчи топилса, аксинча, уларнинг ўзларию овозлари ҳам лаҳза ўтмай олов бағрига сингиб кетарди.

Одатда болаларни «ўчоқ»қа жўнатишмасди, фақат касалванд болаларгина бундан мустасно эди... Ана, озиб-тўзиб кетган чолни «ўчоқ»қа улоқтирдилар. Ундан кейинда турган аёл нажот илинжида типирчилашга тушиб, телбаларча у ёқ-бу ёққа аланглади. (Бунақа жойда биз – шайтону жинлар маза қилардик, чунки бундай пайтда инсон кўнглига ҳар қандай қутқу ва талвасани, ваҳшийлигу шафқатсизликни солиш осон кечарди. Маҳкумлар жон талвасасида ҳар неки инсоний аҳкомлардан ҳеч бир ўйсиз, андишасиз воз кечсалар, жаллодларнинг қонлари ваҳшийлик ва шафқатсизликдан тобора, тобора жунбишга келар, охир-оқибат уларнинг дилларида ажабтовур ҳузур ҳам пайдо бўларди.) Шу пайт унинг кўзи ортидаги озғин, ҳолсизликданми ёки қўрқувданми шалвираб турган ўн ёшлар чамасидаги болага тушди. Болакай кўз олдидаги даҳшатли манзарани хотиржам кузатиб келаётгандай кўринса-да, аслида қўрқувдан адойи тамом бўлган, бунинг устига, типирчилашга ёки чинқирмоққа ҳоли етмасди. Унинг дум-думалоқ бўлиб қолган кўзлари «ўчоқ» оғзининг тусига кирганди. Қанийди, мўъжиза рўй бериб, уни шартта қўлидан тутсалар-да, одамлардан ажратиб, сақлаб қолсалар. Ахир шундай бўлиши ҳам мумкин-ку. Ажабо, ростдан ҳам кимдир унинг икки елкасидан тутди. Болакайнинг қалбидаги ожиз умид қувончга айланди – мени сақлаб қолишади, дея наъра тортди юраги. Дарҳақиқат, қўллар уни бир томонга сурди. Ҳозир ажратиб олишади, дея ўйлади у. Ие, нега «ўчоқ» томонга итаряпти?.. Боланинг елкасидаги қўллар олдиндаги талвасага тушаётган аёлники эди. У ўз жонини сақлаб қолиш учун ортидаги болакайнинг елкасидан шартта тутиб, «ўчоқ» сари итариб юборди. Бола қалбидаги умид ва қувончдан айрилишга улгурмаёқ оловга ем бўлди. Ортидан типирчилаётган аёлни ҳам улоқтирдилар. У болакайни қурбон қилиши эвазига бир ёки икки лаҳза яшай олди. Ана, сизга одам учун одам умрининг қадри. Хуллас, аёл ёмонлик истади, аммо ўз ҳаракати билан болакайга умид ва қувонч

бахш этди, натижада у бир неча лаҳзалик даҳшатли кечмишлардан халос бўлиб, жон берди. Менинг аъмолим мазмуни ҳам ана шундай.

Демак, ҳасад ва нафрат мендан бўлгани каби жасорату мардлик ҳам мендандир.

Дарвоқе, яна ҳасад ҳақида: Фиръавнни билсангиз керак?.. Ҳа, албатта биласиз-да, уни билмаган одам борми?..

Жуда катта бойлик ва имкониятлару қурблар соҳиби ҳокими мутлақ Фиръавн ўз даврининг «худо»ларига ҳасад қила бошлади. Унда ҳамма нарса бор эди ва эҳтимол шунинг учун ҳам одамлар ундан қўрқардилар, у билан ҳисоблашардилар, аммо сиғинмасдилар (балки баъзилар сиғинардилар ҳам), яъни ундан юқорида яна кимдир бор эди, у ана шунга тоқат қилолмасди. Қўйингки, унга худолик етишмасди. У ёғини айтсак, у ўзини Худо деб эълон қилиши билан энг олий зот мавжудлигини эътироф этганди. Муҳими, у ўзидан юқорида ҳеч ким йўқлигини ҳис қилмоғи лозим эди. Шунда ўзини ягона соҳиби қудрат деб биларди ва икки ҳисса ортиқ қурбга эга бўларди. Ҳамманинг – умумнинг бир кишининг хоҳиш-иродасига бўйсуниб яшаши, унга мослашиши энг улкан фожиаларнинг бошидир. Миллатларнинг, халқларнинг, қўйингки, жамиятларнинг инқирози ана шундан бошланади. Чунки ҳокими мутлақлар одамларнинг энг хавфли душманидир. Бир одамнинг кайфиятига, истакларига мослашиб яшаш, барча ҳаракатларни унга нисбатан амалга ошириш кўплаб зарур нарсаларни эътибордан четда қолдиради, чин воқелик юзига парда тортилишига сабаб бўлади. Одамзод ўз гуноҳ ва айбларини шайтонга (яъни менга) тўнкаб яшагани каби бир одамнинг иродасига тобелик кўпчиликка қулай ҳамда осон туюлиб қолади. Ана шуниси ёмон... Хуллас, Фиръавн замонида одамлар сиғинадиган худолар – бутлар сероб эди. Аммо у бундан ҳам қониқмади – шунча худолари етмагандай ўзини ҳам илоҳ деб эълон қилди, ҳадемай, ўлимга рўбарў келишини унутди. Лекин замона ҳукмдорла-

ри бу ибратни фаромуш этганларки, Худо деб эълон қилмасалар-да (энди бунга ҳеч ким ишонмаслигини ва ҳатто кулгига қолишларини яхши биладилар-да), ўзларини ундан кам кўрмаётганликлари ҳам аниқ.

(Айтгандай, биз пул ва ҳасад ҳақида гапираётгандик-а. Одам қавмининг жамики ишлари, ҳаракатлари, тутумлари шу икки тушунчага боғлиқ, фақат буни тан олишни истамайдилар, холос...)

Булут Уфққа ҳасад қилармиди? У ўзига тўқ, бунинг устига, шаҳарлик бўлса, бу камбағал қишлоқининг нимасига ҳасад қилиши мумкин, дерсиз. (Мен бор эканман, одам боласи ҳасад учун ҳамиша сабаб топади.) Ҳа, ҳасад қиларди: унинг ақлини, билимдонлигини, сардорлигини, ниҳоят Ёмғирни севишини, ўзи ҳам севикли эканлигини кўролмасди. Эҳтимол у Ёмғирни яхши кўрарди, дейиш хато бўлар, лекин курсдаги энг гўзал қизнинг Уфққа «тегишли» эканлиги уни оташсиз қовурарди. (Ҳасад учун топган сабабимни қаранг.) Демак, унинг ўзи истамаган, тан олмаган, бироқ ҳамиша қалбининг тубида пинҳон бўлган нияти шу эдики – у Уфқдан боплаб ўч олишни, тўғрироғи, уни буткул топтаб ташлашни хоҳларди. У Уфққа хайрихоҳдай кўрингани, гоҳо сийлаб тургани билан, унинг камситилаётганлигидан, арзимас чақаларга, ҳатто бир бурда нонга муҳтож туришларидан ич-ичида ҳузурланарди ва топтаб ташлаш борасидаги орзулари рўёбга чиқаётгандек ҳис этарди ўзини. Ниҳоят Булут Уфқни миясини сотишга кўндирди, онаси ва синглисининг тўкин-сочин яшашларига эришишнинг ягона тўғри йўли шу эканлигига ишонтирди. Миянинг нархи белгиланди – эллик минг доллар. Бу ҳазилакам пул эмасди. Булутнинг нияти – пулнинг ҳаммасини ўзиники қилиб олиш эди. Бу борада Уфқнинг ўзи кўмакка келди: агар пулни олдиндан бериб қўйса, ўзи эса бир неча ойга йўқ бўлиб кетса, онаси қўрқиб кетиши мумкин. Шундай экан, пулни дўсти Булутда қолдира тургани маъқул. Миясини алмаштириб қайтгач, уйига йигирма минг

доллар билан кириб боради, кейин уй-жойларини тўғрилайди, синглисини узатади ва ҳоказо. Унингча, энг тўғри йўл шу эди. Булут бу гапга рози бўлди, пулнинг бир тийинига ҳам хиёнат қилмаслигини айтди...

Бу ёқда эса Булутнинг онаси – Отинойи ўғлининг бахтли келажагини ўйлаб, турли ҳузурбахш режалар тузарди. У Дилнурага исломий қоидаларни ўргатиш баробарида (одам аҳлида «Итнинг боши мистовоқда» деган гап бўлармиди) унинг кўнглига ҳам йўл изларди – қизни ёлғиз ўғлига хотин қилиб олиб беришни кўзларди. Дилнурани унчалик ёқтирмасди. Аммо нима бўлганда ҳам у Хоқоннинг қизи эди-да. Отинойи Хоқону хотинининг муомалаларидан ўзича хулосалар чиқарар, шунданми, агар қизининг қўлини сўраса, улар ҳеч иккиланмай рози бўладигандек туюларди, наздида. Ўз хаёлларидан шоду масрур юргани етмагандек, энди у ўзини Хоқоннинг қудаси янглиғ тута бошлаганди. Қўйингки, севикли қуда сифатида топадиган иззат-икрому сийловларга ҳозирлик кўриб, ҳою ҳавас осмонида сархуш эди.

Ҳар бир одам Илоҳни ўзича англайди – буям ҳар кимнинг қурбига қараб-да. Бой-бадавлат одам билан камбағал-қашшоқ кишининг Худога муносабати бутунлай фарқ қилади: бой одам Худодан нималарни сўрайди-ю, камбағал неларни тилайди. (Романтикми ёки хаёлийроқ яшашга одатланган кишилар бўлса, фикримни инкор этишга шошилмасинлар. Ахир мен Иблисман, ҳаммасини биламан.) Бойликнинг мазасини, ҳузурини тотиб, ҳис қилган одам беихтиёр Худодан узоқлашиб боради. У кечагина ўта художўй эди, ҳозир ҳам эл қатори Оллоҳ-Худо, деб юзига қўл суриб қўяди, ҳатто намоз ўқиши мумкин. Аммо кейин-кейин куч нимада эканлигини англаб, гўё ҳеч ким билмаган ниманидир кашф қилади: энг бахтсиз ва энг қашшоқ одамлар чинакам художўй бўладилар, дея ўйлайди у. (Яна қайтараман, инкор этишга шошилманг.) Давлатманд киши ўзини ҳарчанд камтарин, худосевар қилиб кўрсатишга уринмасин, уринишлари,

шубҳасиз, сохтадир. Уни ўз хонадонида, хотини (ёки хотинлари) ҳузурида кўринг: дастурхонидаги турфа нознеъматларни кибру ҳаво ила, ўзидан фахру ифтихор этиб, олифталарча тановул қилаётганда асл башараси намоён бўлади.

Қашшоқ одам ҳам шундай: у ўта художўй кўрингани билан барча бахтсизликларию кўргиликларини Худодан кўра бориб, охир-оқибат унинг борлигига шубҳа қила бошлайди (бу ҳар бир одамнинг ичида яширин ҳолатда кечади). Агар Худо бор бўлганда менинг сабру бардошимни, тинимсиз меҳнатларимни, ибодатларимни асло сийловсиз қўймасди, демакки, у йўқ, деб ўйлайди ичида. Чунки одам – бу одам, у хатокордир.

Отинойининг Хоқонга қуда бўлиб, бойлигу мартаба орттиришдан ўзга муддаоси йўқ эди. У давраларнинг тўрига чиқишни, энг обрўли одамлардан бирига айланишни, энг асосийси, бошидан кечирган азоб-уқубатлари, кўргиликлари учун боплаб ўч олишни, ҳаммага «кўрсатиб» қўйишни истарди. Аммо айнан кимдан ўч олиш, кимга «кўрсатиб» қўйиш кераклигни аниқ билмасди. Билгани – кимдандир (ёки кимлардандир) албатта ўч олмоғи кераклиги эди. Келиним (Дилнура-да) эрка, тантиқ бўлса нима қипти, Хоқоннинг қизи-да ахир. Ёшлигига бориб бокиралигини бой берган бўлса нима? Унақалар камми дунёда? Қолаверса, ўша савил жуда унақа муҳим нарса эмас-ку. Мана ўзи не кунларни, не айшу ишратларни кўрмади. У ҳаммасига чидади, сабр қилди. Аввало инсоннинг кўнгли тоза бўлсин экан, тақдирига битганини кўра-кўра ахири Худонинг дўстига – отинойига айланди. Буям осон эмас, ҳаммаси илми, меҳнатининг ортидан бўлди. Мана энди сатта ўша покизаман, яхшиман, деган хотинларга ваъз айтади, тарбия беради. У деймиз – бу деймизу, барибир оврўполикларнинг билгани билган-да: ҳамма нарса эркин, истаган ишини қилишади.

Отинойи давру даврон сурган кезларидаги мастона давраларда кўрган антиқа киноларини эслаб, бир энтикиб қўйди. Ҳа-да, кўнгил тоза бўлса бўлди-да. Манови белига иштонбоғ боғлаган, қўлтиғининг жуни олинмайдиган хотинлар ҳаётни билармиди. Улар эрларининг кўнглини олишни ҳам эплашолмайди. Қарабсизки, эрлари бегона катакка югуриб қолади. Шундай экан, ким нима деса десину, Дилнурадан яхшироқ келинни тополмайди. Қолаверса, уни ўзи тарбиялаб олади.

Булут онасининг режаларига, ниятларига рози эди, у ҳам оламнинг таянч нуқталарини ўзича англаб етганди: одамни одам қиладиган нарсалар – бу бойлик ва мартабадир. Буларсиз ҳар қандай зўр, ақлли ва кучли инсон ҳам хорликка маҳкум. Мана, Уфқни олайлик: йўқчиликдан ўз миясини (миясини-я!) сотмоқчи. Аслида у миясини сотиб ҳам рўшноликка эришолмайди – буни Булут аниқ билади. (Балки қалбининг аллақайси бурчагида буни Уфқнинг ўзи ҳам сезиб турар.) Бўлмаса Уфқни ақл, куч бобида Худо роса сийлаган. Марду жасоратлилигини айтинг. Дарвоқе, жасорат ҳақида: бу қавмда жасорат, мардлик ҳам ўртамиёна. Ҳамиша устомон, хушомадгўй, буқаламунларнинг ошиғи олчи бўлиб келган. Булут бир воқеани эшитганди: аллақайси қишлоқда Йўлчидир деган довдироқ одам яшаркан. У кўча-кўйларда тентираб, бир нималарни ғудраниб юраркан. Гоҳо ранги униқиб, сизилган ва ҳатто яғирланиб кетган кийимларини зиёлиларча тузатган бўлиб, тузуккина маънили гапларни гапириб қоларкан:

– Ҳали шундай замонлар келадики, одамлар нон, пул, обрў-мартаба ҳақида кўпам ўйламай, қайғурмай қўядилар. Аввало қадр-қиммат, виждон, меҳр-оқибат ҳақида гапирадилар. Оддийгина айтганда, одам одамга дўст бўлади, – деркан у кўзлари чақнаб, бағри осмондай кен-

гайиб. – Мактаблар, олий ўқув юртлари, тиббий хизмат ва шу каби бошқа нарсалар мутлақо бепул бўлади, кундалик эҳтиёж моллари...

Кўплар унинг гапларини кулиб эшитаркан, ҳатто эшитмайдиганлар ҳам бор экан. Телба-да, деб қўя қолишаркан.

Йўлчидир асли ўқитувчи бўлиб, математикадан дарс берган экан. Бундан бир неча йил аввал – ширкат хўжаликлари «давр сураётган» пайтда у бир иш қилибди-ю, ҳамма ишлари чаппасига кетибди. Аслида-ку оила – бола-чақаси учун жасорат кўрсатибди-ю, (жасорат ҳар хил бўлади-да: яқинларининг оғир аҳволини яхшилаш учун қилинган ёмон иш деймизми ёки жиноятми, бу ҳам жасорат, мардлик ахир. Фақат қайси томондан қарашга боғлиқ холос) уни нотўғри тушунишибди ёки «кўпга келган тўйда» нишонга учраб қолибдими... Қўйингки, дўконлардаги ун халқнинг топиш-тутишига қараганда бағоят қиммат бўлган. Бунинг устига, ойлик ва нафақалар ўз вақтида берилмаган. Бу ёқда бола-чақаси «ейман» деб турибди. Нима қилсин? Тунда хотини билан хўжалик буғдойзорига бошоқ тергани чиққан. (Бу дегани – буғдойнинг бошоғигина қирқиб олиниб, уйга олиб келиб тозаланади.) Буғдойзорларни қуролланган мелисаю посбонлар қўриқлашаркан. (Ўшанда бошоқ териш халқ ўртасида жуда авж олганидан биронтасини ушлаб, жазолаб ибрат қилиб кўрсатишга махфий топшириқ бўлган чоғи, дарахтнинг бўшини қурт ейди, деганларидек, «иштаҳаси юҳо» турган миршабларнинг қўлига буғдойзорга биринчи бор чиққан ювошгина Йўлчидир тушиб қолибди-да. Яхшики, хотинини яширишга улгурибди. Амалдорларга шу керак экан – бир қоп бошоқ ўғирлаган муаллимни очиқ суд қиладиган бўлишибди. Судга юқори идоралардан, мелиса, прокуратура, газета ва телевидениедан вакиллар таклиф қилинибди, лекин бирорта одам у бу ишга ночорликдан қўл ургандир, сал инсоф ҳам керак-да, демабди. Судда Йўлчидирга тузуккина жарима солинибди. Сўнгра

меҳмонларга (халққа эмас) шоҳона тушлик уюштирилибди. Дастурхондаги неъматларни кўриб, ҳамманинг оғзи очилибди, чунки тушликка сарф этилган маблағга Йўлчидирникидай оила бир неча ой тирикчилик қилиши мумкин экан-да...

Йўлчидир кўчага чиқмай қўйибди. Бир куни телевизорда гапираётган Самовийга кўзи тушиб, беихтиёр сўзларига қулоқ солибди. Самовий соф халқона жайдари тилда шунақаям самимий сўзлардики, ҳар нечук инсон мум каби эрирди. У халқ манфаати йўлида амалга ошираётган ишларини, режаю орзуларини узоқ шарҳлади. Бу гаплар тирикчилик важидан толиққан, юраклари эзилиб, ғойибдан нажот кутаётган одамнинг кўнглида умид шамини ёқиши тайин эди. Дили эриган инсон бу гапларга (ахир у ўта самимий гапираётир-да) ишонмай қолмасди ва ҳатто кўзларидан ёш сизарди. Демак, аслида биз жуда яхши яшашимиз керак экану, пастдагилар иш бузуқилик қилиб, шундайин улуғ режаларни барбод этишаркан-да, дея ўйлаб қоларди. Йўлчидир Самовийнинг адолат, иймон-эътиқод ҳақидаги умидбахш гапларини юраги орзиқиб тинглади. Шундай одамнинг қадрига етмасак-а, дея ўйлади у, агар мана шу гаплар амалга ошиб қолса борми. Шундай экан, пастдаги муттаҳамларнинг қилмишларини у кишига етказиш лозим, токи бу ерларда ҳам адолат қарор топсин.

Алқисса, Йўлчидир биттаю битта ғунажинини сотиб, пулини белига тугибди-да, пойтахт сари йўл олибди. У Самовийга нафақат умумнинг дардини, балки ўз кўргиликларини ҳам тўкиб солмоқчи бўлибди.

Сарой олдидаги гулзорларда, хиёбону деворлар остида бир неча аёлу эркак хизматчилар иш билан банд эди. Уларнинг нигоҳи олма терар, бунинг устига, ўша «олма теришлари» асносида кўзларига илинган нарсаларга, айниқса, одамларга синчковлик билан тикилиб қўярдилар.

Йўлчидир сўраб-суриштириб, олий қабулга ёзиладиган жойни топди. Эртароқ келгани учун ёнбошидаги ўриндиқда кутиб ўтирди.

Оҳорсиз кийинган, юз-кўзларига турмуш заҳмати урган, ранги заҳил қишлоқи бу одам аллақачон олма тераётган нигоҳларга илинганди. Айниқса, қўлидаги рўзғорбоп халтаси – тугуни уларнинг эътиборини тортганди... Кўп ўтмай, хизматчиларга нималарнидир буюриб юрган одми костюм-шим кийган чорпахил одам ишчан тарзда у ёқ-бу ёқни кўздан кечираркан, унинг ёнига келиб ўтирди. Чала-чулпа салом бериб, хизматчиларнинг ишидан нолигандай, ўзича ғудранди. Сўнг ҳамдардона боқди-да, норози қиёфада деди:

– Шундай катта жойда ишлайдиган одамлар эртароқ келишса бўлмасмикин, одамларни куттирмай.

Соддагина Йўлчидир унинг ҳийласига лаққа туша қолди:

– Шуни айтинг. Қишлоқда бу пайтгача ярим ишни қилиб бўламиз, – деди ичида озгина ҳам қолдирмай.

– Сизга ўхшаган оддий халқ вакиллари вақт, пул сарфлаб, нажот истаб қаёқлардан келишади, – деди чорпахил Йўлчидирнинг даҳанига чўғ ташлаб. – Булар бўлса... Мана, сиз ҳам бирон зарур иш билан келгандирсиз, ахир?

– Ҳмм... – Йўлчидир аввалига ниятини айтишни истамай, нўноқларча гап чалғитмоқчи бўлди. Бироқ, озгина вақт ўтиб, тилига эрк бериб юборди. – Самовий жанобга кирмоқчиман. У кишининг айтган кўп гаплари қишлоқда амалга ошмаяпти. Кимлардир халақит бераяпти шекилли-да. Шунга... бор гапни очиқ айтгани келдим. Менимча, у киши кўп ишлардан бехабар бўлса керак... Нима дейсиз, у киши мени қабул қилармикин?

Чорпахил ўз муддаосига етганди. Шунинг учун ишлаётганлардан бирига гапирган бўлиб, шошиб ўрнидан турди.

– Албатта, қабул қилади-да, ака, – деб қўйди у нари кетаркан. – Бўпти, омадингизни берсин...

Йўлчидир ичида иши кўп-да, дея халтасини ёнбошига қаттиқроқ қисиб (унда пул бор-да), яна кута бошлади.

Ҳадемай ёнида икки барзанги йигит пайдо бўлди.

– Биз билан юринг-чи, ака, – деди бири дағал овозда.

Йўлчидирнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди.

– Нега? – дея олди аранг нафаси қисилиб. – Мен нима қилдим?

– Аввал бизнинг рўйхатдан ўтасиз, кейин бемалол бу ерга келаверасиз.

Йўлчидир иккиланиб турганди, йигитлар қўлтиғидан ушлаб, судрагудай олиб бориб, нарироқдаги машинага тиқишди. Кейин қанақадир ваҳимали хоналарга киритишди, бир муддат ёлғиз қамаб қўйишди. Юртидан махсус одамларни чақиришди. Улар бечора муаллимнинг оёқ-қўлларини чирмаб олиб кетишди. Бирон сўз дейишмади. Йўлда бошига бир нима билан қаттиқ уришди. У кўзини очганда (кейинчалик билгани) руҳий хасталиклар шифохонасида, яъни жиннихонада ётарди. Бунинг устига, халтадаги пули ҳам ғойиб бўлганди.

Мен Самовийни ҳам биламан – яхши одам. Йўлчидирни юртига олиб кетишаётганда у улкан дарпардали ҳашаматли дераза ёнида юлдузли осмонга тикилиб турарди. Қалби юрт қайғусида ҳаприқиб, олис манзилларни кўзлаб, буюк режалар тузарди.

Йўлчидир эса, изтироблари ёки хаста шуурининг қутқуси боисми, тилида бўлса-да, одамларга ҳамон умид, эзгулик улашиб юрибди:

– Ҳадемай, шундай кунлар келадики, фақатгина меҳр-оқибат, одамийлик ва ахлоқ ҳақида гапирилади, одамлар бу туйғуларни соғиниб, бир-бирларига илиниб яшайдилар. Фаҳшу зўравонлик мутлақо тарғиб қилинмайди. Мактаблар, олий ўқув юртларида ўқиш, тиббий хизмат ва бошқа кўплаб нарсалар бепул бўлади...

Булут ҳадемай қўлга киритгувчи долларларини хаёлан ҳисоб-китоб қилиб, уйига хушнуд кириб келди. Қозон-товоқ билан ўралашиб юрган онаси ҳам бағоят шод эди. Уларнинг хуш кайфиятлари бир-бирларига қучоқ очиб, табассум ҳадя этишлари ила давомлади.

– Шаҳримизга Афанди келаётганмиш, онажон, эшитдингизми? – сўради Булут хонасига кириб бораркан. – Сизни ҳам олиб борайми томошага?

– Аллақачон эшитганмиз, болам. Афандини кўргани Дилнурахонлар билан бирга борадиган бўлдик.

Булут яйраб кетди:

– Унда яхши... – деб қўйди кўйлагини ечаркан, секингина. Турган гапки, овозини онаси эшитмади.

14

Онаси Уфқдаги ўзгаришни сезар, бироқ сабабини билолмасди. Бир-икки саволга тутиб кўрди, лекин ўғли ёрилмади, дарслари кўпайиб кетганлигини баҳона қилди. Аълочиларни бир неча ойга чет элга жўнатишаётганини айтиб, суюнчилади. Она кўнглининг бир четида ёруғ милтиллагандай бўлиб, ўзини ўзи овутишга уринди. Шу баҳона Юлдузга насиҳат қилиб, беозор ғадаблаб қўйди:

– Аканг бизни деб не кўйларга тушяпти, болам. Тунов кунги гапларинг юрагида қолиб кетмасин, кўнглини овлаб қўй. Ёлғиз жигаринг ахир!..

Юлдуз шундоғам пушаймонда эди – ҳар гал акасига тўқнаш келганда уялиб, ўзини қаерга қўйишини билмай қоларди. Лекин балоғатга етган жисму жони тўкис гўзал бу қизнинг орзу-ўйлари ҳам бор эди. Унинг ишққа ташна ғуборсиз қалби пинҳона ўз шаҳзодасини кутарди, бу хаёлларини бошқалар тугул ўзига ҳам ишонмасди. Қизнинг сархуш кўйидан огоҳ эмасманми, уни турфа ғулуларга – ҳою ҳавасларга гирифтор этардим. Энг аввало, у ўзига тўқ оила-

ларнинг қизлари кияётган, йилда эмас, ойда янгиланадиган анвойи либосларни кийишни истарди. Кейин эса келишган, чиройли, машинаси бор, эпчил-чаққон йигитнинг ўзига харидор бўлишини орзу қиларди. Ана шундай пайтларда мен унинг ёнида ҳозир эдим: ўшандай йигит бор, лекин бу чекка қишлоғингда у сени қандай топсин, дердим унинг кўнглига шивирлаб, шундай экан, шаҳарга кет, ҳеч йўқ емакхоналарда хизматчилик қил. Шунда эгнингда ҳалигиндай либосларинг бўлади, шаҳзоданг ҳам осон топади... Қиз гапларимга юргандай бўларди-ю, онаси эсига тушгач...

(Сизларга бир гапни айтай: ишонинг, одамзоднинг феъли ҳеч қачон ўзгармайди. («Феъл Оллоҳдандир», деган ҳадис ҳам бор эди шекилли.) Мен умумбашариятнинг феъли ҳақида гапиряпман. Ҳа, одамзод бундан минг йил аввал ҳам худди ҳозиргидай эди. Эҳтимол қандайдир шакллари, муносабатларидаги унсурлар ўзгаргандир, бироқ умумфеъли ҳануз ўша-ўша. Ваҳшийлик, шафқатсизлик, шармсизлигу бузуқлик унинг қонида бор. Фоҳишабозлик, баччабозлик каби қилмишлар энг аввало бойлар, ҳукмдорларнинг даргоҳларида пайдо бўлган, русумга кирган. Барча динларнинг пешволари эса уларга йўл топиб, фатволар берганлар, ҳукмдорлар не ихтиёр этсалар шаръан асослашга уринганлар ва шу билан жон сақлаганлар. Бундан келиб чиқадики, ҳукмрон қавм, яъни ҳар бир даврнинг соҳиблари ўз қилмишларини хаспўшлаш, янада тўғрироғи, ўзларини оқлаш учун турли қонун-қоидалар, тақиқлар ўйлаб топадилар. Улар кашф этган «эзгулик тамойиллари» аслида ниқоб холос, оммани чалғитиб қўйиб, билганларини қилаверадилар. У ёғини сўрасангиз, турли тақиқлар аҳли ом учун бағоят зарур ҳам. Акс ҳолда, одамзод ўзлигини йўқотади.

Олдинроқ одамзод феълидаги томошага ўчлик ҳақида гапиргандим. Чиндан ҳам у томошага жуда-жуда ўч. Одамийликка ғорат солгувчи томони эса унинг даҳшатли томошалардан ҳузурланишидир.

Освенцим концлагери ва доктор Вебель эсингиздадир? Вебель фашистик ғоянинг асосчиларидан бўлмиш маймунсифат Ҳеббелснинг дўсти эди. Концлагерларни ва ундаги жамики ноинсоний тажрибаларни мана шу Ҳеббелс ўйлаб топган. Вебель иккови менга дўст эдилар. Мен улар билан ҳамиша бирга эдим. Ҳеббелс ўз болаларини ўлдираётганда ҳам... О, одамзод! Унинг худбинлигию шон-шуҳратга ўчлиги таърифга сиғмайди. Ҳеббелс болаларини ҳеч бир титроқсиз ўлдирди. Одамлар қўлларини бигиз қилиб, «Булар ваҳший Ҳеббелснинг зурриётлари», дея кўрсатмасликлари, ўч олмасликлари учун ўлдирди. Демак, у ўз қилмишларининг даражасини билган. Ана сизга инсон шууридаги эзгулик ва ёвузликнинг даражалари, нисбатлари. Мен аниқ биламан: ортиқча эзгулик ёвузлик, ортиқча ёвузлик эзгуликдир. Янаки бу мувозанатнинг бузилишидир. Ҳеббелс кабиларнинг ҳаёти ва тақдири бунинг исботи. Майли, Ҳеббелсни қўя турайлик-да, унинг маслакдоши Вебелни эслайлик.

Вебелнинг олдига томошага ўч олий табақали зодагонлар, юқори лавозимли зобитлар келиб турардилар. Вебель уларга мисли кўрилмаган, инсоннинг асабларини, юрак қувватию иродасини аёвсиз синовдан ўтказгувчи ажабтовур томошалар кўрсатарди. Масалан, баъзи кунлари очликдан силласи қуриган, озиб-тўзиб кетган, кўзлари даҳшатдан олайган маҳбус меҳмонларнинг олдига олиб кириларди. Оқ халат кийган икки хизматчи уни тиз чўктирарди-да, ўтмас пичоқ билан бўғзидан сўярди. Оёқ-қўлини боғлаб ҳам ўтирмасдилар. Буни бағоят совуққонлик ила оҳиста ва намойишкорона бажарардилар. Ширакайф меҳмонлар диққат билан кузатиб, ҳузурланиб ўтирардилар. Шўрлик маҳбус эса жон ҳолатда типирчилар, аммо қувватсизлиги боис ҳаракатлари зое кетарди. Меҳмонлар учун жон талвасасида тўлғанаётган маҳкумнинг ҳолатини, тўғрироғи, ўша жараённи кузатиш, кўриш муҳим эди. Кейин эса узиб олинган бошнинг тери-

си шилиниб, чаноқ ичидаги «ашқол-дашқоллар» чиқариб ташланар, кимёвий дорилар билан тозалангач, турли сувенирлар ясаларди. Баъзи меҳмонлар шунақа совғаларга ўч эдилар, мисол учун иш столлари устида инсон бош чаноғидан ясалган кулдоннинг туришини истаб қолардилар. (Ишонинг, бу гаплар асло уйдирма эмас. Мабодо шубҳа қилсангиз, 1945 йили Нюренбергда фашистлар устидан ўтказилган суд жараёнлари материалларини бир ўқиб чиқинг.) Энди агар одамзодга эрк берилса ва у ҳар қандай қилмиши учун товон тўламаслигини билса ёки дейлик, ҳеч қандай тақиқлар бўлмаса, унинг нималарга «қодир» эканлигини тасаввурга келтириш қийин эмас.

Аҳли башар аксарият ҳолларда ўзининг қадимги аждодларини ўта ваҳший ва ёвуз қиёфада тасаввур этади ёки ёвузлик уларнинг оддийгина ҳаёт тарзи бўлганлигига ишонтиришга уринади. Бу гапда, шубҳасиз, жон бор. Ўтмишда қилинган ваҳшийликлар ва жиноятларнинг аксарият ҳолларда жазосиз қолганлиги рост. Бу нарсалар, асосан, жангу жадаллар, босқинчиликлар ёхуд намойишкорона қатллар билан боғлиқ. Шунингдек, паҳлавон жангчиларнинг яккама-якка олишувлари ҳам бунга мисол бўлиши мумкин. Аслида ўша қатллар ҳам, яккама-якка олишувлар ҳам одамларнинг кўнгилхушлиги учун ташкил этилган. Ҳозирги кинофильмлардаги даҳшатли саҳналар ўтмишдаги томошалардан асло кам эмас. Фақат намойиш этиш шакли ўзгарган, холос, мазмун-моҳият эса бир хил. Энди, айтинг-чи, ана ўша киноларни ишлаган режиссёрларнинг Освенцим концлагерида маҳбуснинг бўғзини ўтмас пичоқ билан кесган хизматчидан ёки бу фильмларни томоша қилган кимсаларнинг доктор Вебелнинг меҳмонларидан қаери кам? Бунга жавоб бериш шарт эмас, деб ўйлайман.

Уфқ уйга келиб, онаси билан синглисининг очиқ чеҳрасини кўргач, хийла хотиржам тортди. Бироқ жигарларининг табассумлари ортидаги шафқатни, аниқроғи, ачиниш ҳис-

сини дил-дилидан сезиб турарди. Шундай бўлса-да, сўлғин юзига табассум ёпиштиришга уринди. У қалбида қалқиб турган, бўғзига бош урмоққа ҳозирланаётган сўнгги қарорини, ўз тақдирига чиқарган ҳукмини, онаси билан синглисига айтиб юбормасликни истарди. Улар билмай турганлари маъқул, пулни чет элда ишлаб топганини айтади. Қай аҳволда бўлса-да қайтади-ку, ахир. У ёғига Худо – пошшо, бирон ёмон касал юққан деб қўйишар. Булут бор-ку ахир, унга ҳамма гапни тайинлайди. Кейин нима бўлса ҳам рози, муҳими, онаси билан синглисини бахтли қилади.

У кечки овқатни еб, хонасига кириб ётди. Дунёнинг ишлари, қавмининг феъл-атвори ҳақида ўйлади: ҳеч кимнинг ҳеч нарса билан иши йўқ, барча ўзи билан ўзи овора. Бурнидан ортиғини кўришни ҳам, ҳис қилишни ҳам истамайди. Нима бу – лоқайдликми? Наҳотки ҳамма нарсага кўниш, кўникиш мумкин бўлса? Тақдирга кўниб яшаш иймоннинг энг юксак намойишими? Бу ахир лоқайдликка олиб бормайдими? Эҳ, бола-я, бу қартайган дунёнинг савдоларини, кирдикорларини манаман деган аҳли донишлар англолмай кетганлар-у, сен тушунсанг, деди хаёлан ўзини ғадаблаб. Нима бўлганда ҳам феълимиз қизиқ. Яқинда бир латифа эшитди: бир бой одам каттагина бозор қурдирибди-ю, унга киришни пуллик қилиб қўйибди. Дастлабига эллик сўм бўлган нархга биров ғиринг деявермагач, тобора ошириб бораверибди. Бозор эгаси биронта одам норози бўлишини ёки ғалаён чиқишини кутармиш-да, бозорга кириш нархини ҳар ҳафта оширармиш. Хуллас, у ўз қавмининг адолатсизликка қарши бош кўтаришини дил-дилидан истаб, шу ишни қилибди. Аммо... Аммо қавмининг феъли яна ўзини кўрсатибди – нарх ҳар қанча оширилмасин, биров ғиринг демабди. Ахири бойнинг жаҳли чиқиб, бозор дарвозаси олдига девдай бир одамни қўйибди-да, кирганнинг ҳам пулини олишини, ҳам кетига битта тепишини буюрибди. Эҳтимол шу хўрликка,

ҳақоратга чидаёлмас, дея ўйлабди. Қарангки, яна кутгани бўлмабди – одамлар кетларига биттадан тепкини еб, бозорга навбати билан аста-секин кириб-чиқаверибдилар. Хўжайиннинг ҳафсаласи пир бўлиб, ҳаммасига қўл силтаган кунларининг бирида дарвоза олдида ғала-ғовур кўтарилибди. Хўжайин «Хайрият-ей», дея қувониб, дарвоза томон шошибди. Қараса, не кўз билан кўриб, не қулоқ билан эшитсинки, одамлар кетга тепувчини кўпайтириб қўйишни талаб қилаётганмиш, акс ҳолда, навбат чўзилиб кетаётганлигини айтишаётганмиш...

Шундай экан, дея ўйларди Уфқ буларга ақлли ёки билимли одамнинг ёки миянинг нима кераги бор? Бундай яшаш учун мия даркор эмас. У ёғини сўрасангиз, қишлоқи, камбағал бир йигит немис тилини билди нима-ю, билмади нима?

Шомда бир болакай чақириб, Одамбой сўраётганлигини айтди. Кўнгли руҳга малҳам дийдорни истаб турганди – айни муддао бўлди. Онда-сонда учрагувчи сарғиш чироқларнинг хира нуридан кўзини асраш ниятида ерга қараганча Одамбойникига йўл олди. Шағалли ўйдим-чуқур кўча, эски симёғочлардаги мунглидай кўринган чироқлар, қорайган дов-дарахтлар, хокисоргина деворлар, қўйингки, атрофдаги нарсаларнинг ҳамма-ҳаммаси унга қадрдон эди. Аммо энди бу нарсалардан завқланмас, ҳатто уларга аслидан ўзгачароқ маъно беришга ҳам қурби келмасди. Энди унинг учун кўча – бу оддийгин кўча, девор ҳам оддийгина девор эди. У ҳеч нарса ҳақида ўйламасликка ҳаракат қилгани сари гўё товарга айланган миясини уринтиришдан сақланаётгандек туюларди.

Одамбой бетоб эди, бунинг устига, кўздан қолганди. Йиғлай-йиғлай кўр бўлди деганлари рост экан, кўзлари қуриб-қақшаб, сўқирга айланганди.

У ётган уй полсиз эди – ерга похол тўшаб, устига шолча солинганди. Уфқнинг димоғига зах ҳиди урилди.

Одамбой уни таниди шекилли:

– Оёқ остига ҳушёр бўлинг, ўша атрофда ҳамиша битта чигиртка айланиб юради, – деди бошини хиёл кўтарганча кўр кўзларини у томонга қадаб.

Уфқ кўришгач, унинг ёнига ўтириб, ҳол-аҳвол сўраган бўлди. (Одам деганлари қизиқ-да: ўзи нима аҳволда-ю, бировдан ҳол сўрайди. Аслида кўнглига қил ҳам сиғмайди, паймонаси тўлиб турибди-ю, гўё ҳамдардликка ўзида қурб топади. Ёлғон!.. Хаёли аллақаёқларда кезади-ю, тили «омонмисиз, эсонмисиз», дейди. Одам-да!..)

– Афанди келаётганмиш, Уфқбой? – деди Одамбой доимгидек йиғлоқи оҳангда.

– Ҳа, келаётганмиш... – Уфқ бошқа бирон сўз айтолмади.

– Очиғи, сизни шунинг учун чақирдим, хафа бўлмадингизми?

– Ие, нега хафа бўлай. Ўзи хабар ололмаганимдан хижолатда эдим. (Уфқ ҳам одамлигини қилди – Одамбойдан хабар олиш хаёлида ҳам йўқ эди.)

Одамбой жим қолди. Косасининг четлари қорайганидан олайгандек кўрингувчи нурсиз кўзлари бир нуқтада қотди.

– Кеча туш кўрибман. – деди ниҳоят сўз бошлаб. – Кенг бир водий эмиш. Ҳамма ёқ ям-яшил, қирларда алвон чечаклар. Кўзларим очиқ эмиш. – Одамбой оғир бир ютинганди, ичидан оташли хўрсиниқ чиқди. – Оппоқ кийимда эмишман. Рўпарамда ёллари тўлқиндай кўпчиган оппоқ от боғлоқлиқ турармиш. Бир маҳал қаёқдандир қоп-қора ит пайдо бўлди. У анча наридан ириллаганча югура келиб, отга ҳамла қиларди. Аммо тишламасди. От шўрлик ҳуркиб, боғлоғлиқ эмасми, ўзини ҳар томонга урар, шаталоқ отишлари юракка ваҳм солгудай эди. Ит эса чопиб нари кетарди-да, айланиб келиб тағин ҳамла қиларди... Отга раҳмим келди – кесак отиб, итни қувиб ташладим. Отнинг арқонини ечиб, бўшатиб юбордим. У оппоқ ёлларини силкитиб, шамолдай ела кетди. Мен эса шу қадар енгил эмишманки, худди от янглиғ елиб, уни қува бошлаб-

ман. Роса қувдим, лекин чарчамасдим... – У сўзлашдан тўхтади.

– Кейин-чи?.. – деди беихтиёр, унга тикилиб турган Уфқ.

– Кейинми?.. – Одамбой гўё ўзига ўзи гапирарди. – Тамом... Уйғониб кетдим, етолмадим... Қурбим етмади. Энди менда қурб қолмади, чоғим.

Уфқ нима дейишини билмай, таомилдаги гапни айтди:

– Яхши туш кўрибсиз.

– Ҳмм... – Одамбой ҳамон ўйчан эди. – Тушимнинг таъбирини Афандидан сўраб берсангиз девдим. Ахир мен у ёққа боролмайман.

Шундан кейин гаплари қовушмади. Уфқ хайрлашиб, эшикка етганда Одамбойнинг хаста овози эшитилди:

– Сизни эса аҳдингиздан қайтаролмадим. Балки энди ҳеч ким қайтаролмас...

Уфқ яна хира ёруғлик сочилган ўйдим-чуқур кўчада бораркан, Одамбойнинг сўнгги гапини ўйлади. Тавба, биларкан-да, а... Нега бўлмаса, шу пайтгача индамаганди? Кутгандир-да. Ахир айтди-ку, аҳдингиздан қайтаролмадим, деб. Демак, анча кутган. Бу Одамбой деганлари авлиё экан-да. Унинг тушини эслади: балки туши ҳам башоратдир?..

Эрталаб онаси ва синглиси билан бирга Афандини кўриш учун шаҳарга йўл олдилар.

15

(Ростини айтсам, биз – бу олам аҳлининг кўзига кўринмагувчи, одамлар таъриф берганларидек, ёвуз, қора кучлар, яъни шайтонлар, жинлар, дев ва парилар гоҳ-гоҳида (зарурат туғилганда) анжуман ҳам тузиб турамиз. Бундайин анжуманларни аҳли башар қурултой деб атайди. Хуллас, ана шундай қурултойларимизнинг охиргиси Иккинчи жаҳон

урушидан сўнг – йигирманчи асрнинг эллигинчи йилларида бўлиб ўтганди. Ҳаа, ёдимда! Қурултой бағоят эҳтиросларга бой бўлганди. Чунки бани башарнинг қилмишлари ортиб, қуюшқондан чиққани боис бизда ҳам муаммолар тўлиб-тошиб кетганди. Одамзоднинг амалларидан ҳатто шайтону жинлар лолу ҳайрон эдилар, арз этмоққа сўз, таърифига тоқат тополмасдилар. Очликда қизалоғини еб қўйган аёл ҳақида гапирган бир жин уни шу кўйга солган шайтоннинг васвасасига лаънатлар ўқиди.

– Аввалига унинг қовоқларига ботиб кетган кўзлари ёвуз чақнади, – дея ҳикоя қилганди бояги жин. – Очликдан силласи қуриб, ичаклари бураб оғриб, қорнини чангаллаб ётганида алаҳсираганиданми ёхуд тушида кўрганмиди – кўз олдида буғи чиқиб турган чўчқа боласи намоён бўлди. Унга томон қўл чўзаркан, ёнида ухлаб ётган қизалоғига туртиниб кетди. Қизчасига кечқурун, ўзи емай қанча вақт сақлаган бир тишлам олма қоқини берганди. У ҳам оч, толиққан, бироқ лўппи юзлари, кичкинтойларга хос дўмбоқ билаклари ҳамон киши завқини келтиргудай эди. Аёл эса бундан завқланмади, барибир икковимиз ҳам ўламиз, деган гап ўтди хаёлидан. Менсиз унинг яшаб кетиши гумон. Не бўлганда ҳам унинг олдинроқ ўлиши аниқ...

– Шундай экан, одамларга бўлган муносабатимизни кескин ўзгартиришимиз керак, – дея ҳайқирганди ўшанда жин. – Акс ҳолда, одамларнинг бу қилмишлари қаршисида бизларнинг жину шайтонлигимиз ҳам ҳайф.

Қурултойда бунақа арзу шикоятлар ҳисобсиз эди, чунки инсоният чиндан ҳам залолатга ботиб кетганди. Бу сафарги фавқулодда қурултой эса Яманда ўтадиган бўлди. Нега дейсизми? Чунки Дажжол деганлари ўша томонлардан чиқади, деган гаплар бор. Ахир у ҳам бизнинг қавмдан-ку. Қолаверса, унинг пайдо бўлиши қиёмат яқинлигидан далолатдир. Қиёматда эса ваъда қилинган ҳисоб-китоб бўлади, ўшанда одам фарзандларининг аҳволини кўраман – энг асосий

умид-орзуим шу. Эҳтимол қурултойдаги куйиб-ёнишларимиз Дажжолни ҳам уйғотиб, қўзғотиб юборар...

Қурултой пастак тоғларга туташган улкан даштда бошланди. Бутун дунёнинг бообрў шайтону жинлари жам бўлган бу макон – бағоят чароғон эди, гўё қуёш пастроқ тушиб, ҳовуч-ҳовуч нур сочаётгандек туюларди. Фақат паға-паға оқ булутларнинг ости қорайиб, чароғонликка соя солмоққа уринарди. Барала ёғилаётган нур булутларда тароқланиб, ялтироқ толаларга айланар, борлиққа ажиб сирлилик бахш этарди. Осмон пастлагандек кўринар, қурултойнинг меҳроби жойлашган мечал тоғлар булутларга тегиб турганга ўхшарди.

Одамзод биз шайтонларни жуда хунук тасаввур этади. Бунинг замирида Оллоҳнинг лаънати ётади, албатта. Рост, Оллоҳ бизни лаънатлаган. Бироқ одам қавмининг иблисдан ўтиб, қилмишларидан гоҳо биз ҳам ёқа тутадиганларини нега энди бадбашара, хунук тасвирламайдилар? Агар инсоннинг мантиқига биноан хулоса қилинса, иблисмонанд (инсон наздида-да) кишилар ҳам қоп-қора, думли, шохли махлуқ кўринишида тасвирланиши керак эмасми? Ҳа, майли, булар шунчаки гаплар.

Менинг назаримда, шайтонлар анча ёқимтой. Айниқса, катта-катта, думалоқ кўзлари, улар жуда қаттиқ боқади, ҳар қандай нарсани дарров илғаб олади. Бироқ жинларники унақа эмас. Уларнинг «оқ»лари ва «қора»лари бўлганидек, қиёфалари ҳам турфа – чиройли ва хунуклари бор. Улар одамларга ўхшаб кетадилар, умуман туриш-турмуши ҳам одамзодга биздан кўра яқинроқ.

Анжуманнинг аввалидаёқ арзу шикоятлар, норозилик ҳайқириқлари авж олди. Олдинига Оврўподан келган шайтон ва жинларнинг овозлари ҳамманикини босиб кетди. Улар бошқалардан олифтароқ ёхуд ялтироқроқ кўрингани билан ичлари тўла ҳасрат экан, бири олиб-бири қўйиб жириллашаверди. Ҳаҳа, одамчасига айтганда, расмана жириллашди.

– Одам, одам, деймиз, бу ёқда жин ва шайтонлар, деймиз, – дея фиғони кўкка ўрларди уларнинг. – Аслида фарқимиз ҳам қолмади шекилли. Одамлар жинларга, жинлар одамларга айланиб кетди, чоғи. Қаранг, баччахоналар қонун билан ҳимояланган ҳолда ишлаб турса. У ерга киргани ҳатто биз ҳам ҳазар қиламиз. (Жинлар ифлос жойларда яшашади, дейишади-ку.) Бокиралик деган тушунча умуман қолмади. Болалар туғилса-ю, оталарининг тайини бўлмаса, бу ҳатто бировни қизиқтирмаса ҳам. Тўғри, бу нарсаларни инсон кўнглига солгувчи аслида биз. Аммо, у бу борада биздан ўтиб кетди, бизнинг қутқуларимизга муҳтож ҳам бўлмай қолди.

Хуллас, дунёнинг барча қитъаларидан келган вакиллар бир-бирларига гал бермай, арзу ҳол эта бошладилар. Келтирилаётган далиллар бағоят даҳшатли ва жирканч эди. Ҳа, одам аҳли ҳаддидан ошмоқда. Яратгувчи бино этган ҳад унинг учун бир эрмакка, воизларнинг жимжимадор сўзига, ахлоқ китобларида битилгувчи низомий моддаларга айланиб бормоқда. Энг ёмони, у ўзига бино қўймоқда, ҳар бири Одамнинг (а.с.) авлоди бўла туриб, қандайдир насл-насаб шажараларини кашф этади-да, ўз номига тиркайди. Гўё шу билан бир нарса ўзгариб қоладигандай. Бири ўзини эшон ёки саййид, бошқаси дворян ёки князь, яна бири лорд ёхуд граф, қўйингки, ҳар бирининг кўзлаган муддаоси бир – бошқалардан фарқ қилса, фарқ қилганда ҳамки, ҳаммадан юқорида турмоқни истайди. Агар иложини топса, қонининг рангини ўзгартириб олишга ҳам тайёр. Афсуски, бунинг иложи йўқ. (Шайтон бўлсам ҳам айтай, эҳтимол Оллоҳнинг ҳикмати ҳам қон рангининг бир хиллигида яширингандир.)

Одамзоднинг ўзига олий ирқ, олий насаб қидириши, ёйинки тиркаши – бу ҳайвоний инстинктдир. Ахир ҳайвонларгина бир-биридан устун бўлишга уринадилар. У ёғини сўрасангиз, одамхўр қавмларнинг ҳам ўз ҳукмдорлари, дин пешволари, юқори мартабали табақалари бор ва улар байрамларида одам гўштининг энг мазали қисмини

ана ўша зотларга илинадилар. Бу сизга ҳеч нарсани эслатмаяптими? Ҳа, балли, ирқ, насаб талашган халқлар ҳам бир-бирларининг гўштини еган билан баробардир. Рости ҳам шу – агар одамни Оллоҳ яратган бўлса, жумла инсон илк пайғамбарнинг авлодидир, мабодо Дарвин аталмиш маймунзоданинг таълимоти ҳақ бўлса, одам аҳлининг илк аждоди маймундир. Нима бўлганда ҳам башарнинг отаси бир, яъни насаб танлашга асоси йўқ.

Одамзод тенглик, барча инсонларнинг оға-ини, қонқондош эканлиги хусусида лоф-қоф уриб, китоблар битиб, қонунлар яратади-ю, ўзи ҳар қадамда табақаланишдан толмайди ёхуд ҳеч йўқ бир-биридан айрича тафовутли эканлигини исботлашга уринади. Камтаринлик, борингки, инсонпарварлик унинг учун гоҳо керак бўлиб тургувчи тил учидаги бир нарса, холос. Ахир қашшоқ билан мулкдор, авом билан ҳукмдор орасида қанчалар фарқ бор. Уларнинг орзу-ўйлари, ҳаётга ва ҳатто Худога муносабатлари ҳам турфа эмасми? Бойлар ёки ҳукмдорлар камбағаллар, оддий фуқаролар билан ҳеч қачон ҳисоблашмайдилар, лекин ўзларини гўё ҳисоблашаётгандек кўрсатишга интиладилар. Аёнки, бою ҳукмдорлар камбағал ва ёки умуман авом егувчи нонни (номи бир хил бўлса-да) емайдилар ҳам, балки алоҳида сифатли, энг уста новвойлар ёпган нонни истеъмол қиладилар. Буни қарийб ҳамма билади, аммо ўзаро муносабатларда ва эҳтимолки, айтишга хонаси келганида ҳам хаспўшлайдилар-қўядилар. Бой ва ҳукмдорларни қўя турайлигу, дейлик, Ислом умматига мансуб дин пешволари илм истаб, мадрасалар тупроғини ялаб юрганларида қандайин феъл-ҳўйга эга бўладилару, бирон мансаб ёхуд даражага эришганларида ўзларини қандай тутадилар? Уларнинг ҳаётга, одамларга ва ҳатто Оллоҳга муносабатлари ҳам ўзгаради. Бироқ буни ўзлари тан олмайдилар ёхуд ўзларидаги эврилишни англашга ақллари қосирлик қилади. Энди уларнинг кийим-бошлари, уй-жойу емишлари ҳам буткул

ўзгаради, аҳли аёлга муносабатларини қўйинг, саждадаги ҳаракатларида ҳам оддий назарга сезилмайдиган ўзгаришлар пайдо бўлади. Ваъзлари, қироатлари эврилади.

Мен кўп ўйлаганман: Оллоҳ қашшоқларга нима учун керак? Турган гапки, ҳеч йўқ умиддан нажот олишлари учун. Янаки, мислсиз қудратли эканлиги ададсиз китобларда қайта-қайта мадҳ этилган олий зотдан нажот, мадад кутиш қандай яхши. Лекин, ишонинг, одамзодни билганим учун ҳам айтаманки, катта бойликка эга бўлган аксарият кишиларга Оллоҳ асосан ўзларини кўрсатишлари, янада тўғрироғи, (қўполроқ туюлар-ку) эрмак учун керак. Буни ўзлари ҳеч қачон тан олмайдилар, лекин уларнинг ҳаракатлари-ю, яшаш тарзларини кузатган ақл эгалари дарров сезадилар, англайдилар. Улар Оллоҳга бошқаларга ўхшаб ортиқча ялиниб-ёлвормасдан, илтижо этмасдан ҳам бойлигим билан уни рози қила оламан, деб ўйлайдилар. Фақат бу хаёллари пинҳона кечади. Одамзоднинг улуғлари эҳтимол шунинг учун фақирликни, дунёдан юз бурмоқликни тарғиб этгандирлар...

(Бу гапни мен – Шайтон айтишим қизиқ-ку!) Аслида иймон нима? Оддий сўз билан айтганда, Оллоҳнинг ягоналигига ва унинг расулига сўзсиз, шак-шубҳасиз ишониш ҳамда ҳар бир ҳаракатда Оллоҳга ҳеч бир иккиланмай итоат этиш, унинг ризосига эришишдир, шундай эмасми? Албатта шундай-да, нега ўйланасиз? Аммо бирон издиҳомдан чиқаётган дин пешвосининг қўлига тугунча ва пул қистирсалар, у энг аввало Оллоҳ ризосини, боринг-ки, шариат йўриқларини ўйлаб, уни рад этадими ёки ахир бу таомил-ку, дея, эҳтимолки хаёлан пулнинг қанчалигини ҳисоблаб, ҳеч нарса бўлмагандек кетаверадими? Турган гапки, аксариятида иккинчи ҳолат рўй беради. (Мен нега айнан дин пешвосини мисол қилганлигимни тушунган бўлсангиз керак, зеро, аҳли уламо тўғрилик, тақво, дин ва иймон хусусида ваъз айтади-да. Демоқчиманки, одамзоднинг уламоси шу бўлгандан кейин...)

Ўлим азобини ҳамма ҳам билгувчи эмас. Янаки, ҳар бир банда айрича жон таслим қилади, яъни «ҳаммани ўз оёғидан осади» (одамлар таърифида). Ўлим аччиғини Оллоҳ билур, Азроил билур ва ўлиб кўрганлар билурлар. Жон таслим қилаётган банда қошида мен ҳам ҳамиша ҳозиру нозирман. Ахир энг буюк синов ўша онда-ку! Ҳаёти дунёда ҳар турли ҳикматлар, донишмандликлар тўқиб, борингки, дунё ва охират ҳақида тинимсиз лоф-қоф урган одамзоднинг асл қиёфаси намоён бўлгувчи лаҳзалар эмасми бу. Ўлим аччиғига дош бергувчи кам, ўлим онида менинг макримдан омон қолганлар ҳам бағоят озчилик. Айниқса, ўша олиму фозиллар алдангувчидирлар. Эҳ-ҳе, мен одамзод бино бўлгандан буён жон талошида қай кўйларга тушган қанча-қанча уламо-ю қозиларни, ҳаёт ва охиратдан ваъзлар айтиб, китоблар битган не-не ақлпешаларни кўрганман. Уларнинг аксарияти менинг биринчи «ҳамлам»даёқ таслим бўлиб, иймонларини бой берганлар. Менинг ҳамлам нима ҳам бўларди: ўлим аччиғида банда бемисл ташналикдан азоб чекади, бўғзи куйиб, фақат сув сўрайди. Мана шу лаҳзалар менинг хуружим вақтидир. Мен қўлимда бир коса тип-тиниқ, муздек сув тутганча ўша одам қошига келаман. «Мана сув, дейман, уни қониб-қониб ичасан ва ором оласан. Фақат Оллоҳ йўқ, деб айт-да, иймонингни менга бер!» Шундан сўнг унинг бўғзидаги олов-оташ баттар кучаяди. Бундай пайтда аксари бандалар иймонларини жон-жон деб бир коса сувга алмашадилар. Худдики битта тугунча ёки арзимас пул учун Оллоҳ ризосини унутган каби. Мен шундай лаҳзаларни жуда-жуда яхши кўраман ва бани башар устидан роса кулиб, зафар нашъасини тотаман.

Яширмайман, Оллоҳнинг хос ва тоғдек метин иймонли бандалари борлиги ҳам рост. Уларга дахл қилмоқ мушкул. Уларни имтиҳон этмоқ ўзимни, ўз курбимни имтиҳон этмоқ ила баробардир. Дейлик, бир замон одамзодга маълуму машҳур валийуллоҳни синовга солдим: у зикруллоҳ

ила машғул, масту мустағриқ эди. Яъни зикр файзи боис фикр уммонига ғарқ ўлтираради. Мен осмонга булутлар узра булутмонанд улкан ҳарфлар ила «фалончи (яъни у) валийуллоҳларнинг буюгидир», дея ёздим-да, унинг номини гулдурос овозда бир неча бор чақирдим. Валий зот фикр уммонидан базўр фориғ бўлиб, самога боқди. Осмондаги ёзув ҳар нечук улкан эса-да, у аввалига бирон та ҳарфини ўқиёлмади, нигоҳига қадалган булутмонанд ёзув бир муддат тўзиб турди. Унга тикилиб, идроки моддий оламга қайтгачгина ёзувни ўқиди. Ўқиди-ю, кўзлари косасини тарк этмоқчидек чақнади ва «Астағфуриллоҳил азийм, қоч бундан, лаънати Иблис!» – дея ҳайқирди-да, яна зикруллоҳга берилди. У менинг макримни сезди, мен қочдим. Қанча-қанча инсонлар эса макримга алданиб, бу каби ёзувларни Оллоҳнинг ишорати, илҳоми деб ўйлаганлар, илоҳийлик даъвосини қилганлар, ниҳоят менинг ва жинларнинг измига тушиб, залолатга ботганлар. Шундайин дунё бу – ҳаёти дунё...

Одамзод бир-бирини ўлим билан жазолайди. Унинг талашиб-тортишишлари, ҳасаду адоватларининг охир-оқибати ва улар туфайли оладиган таскини ҳам ўлим. Улар бундан ўзгасини билмайдилар гўё ва эҳтимолки билишни ҳам истамаслар. Бу одам дегани бир-бировини қийнашга, изтиробга солишга, азобларга гирифтор этишга бунчалар ўч бўлмаса-я. Қаранг, ўз тузумларини қачонлардир бани башар кашф этган ва мудом кўз-кўз қилишини қўймаётган демократиянинг энг юксак кўриниши, дея тинмай лоф-қоф ураётган қавм одамзод бошига не кўйларни солмоқда. Кўплаб мамлакатларда, ҳатто ҳалиги зўравон қавм дарғалари демократик тамойиллар қўпол тарзда бузилаётганлигини таъкидлаётган давлатларда ҳам, қилинган жиноят учун олий жазо – ўлим ҳукми аллақачон бекор этилганлигига қарамай, уларнинг ўз юртларида ўлим жазосининг турфа усуллари қонунан амалдадир. Демак, бундайин ваҳшийликдан воз кечолмаётган экан, бу мамлакатда ё қуюшқондан чиққан кимсалар ҳаддан зиёд

кўпчилик ва ёки жамиятининг ўзи нобашарий бўлиб, аёвсиз ваҳшат ичра қолган. Хуллас, бу юртда одамлар бизга, биз эса одамларга менгзаб ва ҳатто айланиб ҳам кетганмиз. Яна бир ҳақиқат шуки, қаерда ҳаддан зиёд тўқчилик, исрофу ҳашамат барқарор экан, ўша ерда залолат яшар ва шайтону жинларнинг мавқеи баланддир.

Сиз электр қуввати ила қатл этилаётган кимсанинг аҳволини ҳеч кўрганмисиз? Ишонаверинг, ундан кўра қилич билан бошини чопганлари ёки отиб ўлдирганлари минг чандон яхшироқдир. Тирик одамнинг бир неча лаҳзалар, дақиқалар ичида куйиши, куйганда ҳам қоп-қора кукунга айланиши ва бу манзарани ҳукумат комиссияси аъзоларининг кузатиб, томоша (ҳатто хизмат тақозоси юзасидан бўлса ҳам) қилиб ўтириши – бу аёнки, мазкур жамият ҳамда унда яшовчи кишиларнинг инқирозга юз тутганидан далолатдир. Инсонпарвар жамият эса бу ваҳшийликка ҳеч қачон йўл қўймаслиги аниқ. Буни мен – Шайтон айтаяпман...

Қурултой аҳли инсон зотининг бундан беш баттар қилмишларини бир четдан айтавердилар, айтавердилар...)

16

Бош майдонда Афанди билан эшагига ҳайкал ўрнатилди. Чор атроф гулларга бурканди. У ер-бу ерга бахтиёр ҳаётни олқишловчи шиору чақириқлар илинган, карнай-сурнайу ноғоралар «бака-бум»га шай. Майдон одамга тўла. Эл-улус – бирови шунчаки қизиқиш, бошқаси юрагини кемирган ҳасрату афғонидан мосуво бўлиш, яна бир хиллари ўзларини қийнаган саволларига жавоб топиш илинжида, ниҳоят асосий қисми эса, ҳамма биладиган, аммо биронта одам кўрмаган машҳур Афандини узоқдан бўлса-да бир бора кўриш ниятида жам бўлган эди. Барча уни интизор кутарди. Майдоннинг тевараги гулу чечакларга мутаносиб ва уйғун тарзда миршаблар билан ўралганди. Юқоридан қараганда бир хил

кийимли посбонлар темир панжараларга ўхшаб кўринарди. Ҳеч ким бунга парво қилмас, гўё халқ миршабларга, миршаблар халққа қоришиб, сингиб кетгандай эди.

Хоқон бошлиқ аъёнлар Афандини вокзалда кутиб олдилар. Меҳмонга карнай-сурнай садолари остида қизлар гулдасталар тутдилар. Хоқон ўтган кунлар мобайнида Афандини кутиб олиш ҳақида неча марта ўйлаган бўлса, ҳар сафар у билан қучоқлашиб кўришишни режалаштириб қўярди. Лекин ҳозир қучоқлашиб кўришиш тугул қўл узатишга аранг ҳадди сиғди. Афандининг қўлини қўшқўллаб сиқиб, беозор силкитаркан, юзига ёниқ табассум ёйилди, негадир кўзлари намланиб, меҳмонни ялаб олмоқчидай талпиниб қўйди.

Афанди айни дамда эл билган Афандига мутлақо ўхшамасди: эгнига қимматбаҳо, бунинг устига, бағоят чиройли костюм-шим, қордай оппоқ кўйлак, худди ана шундай қимматбаҳо қора ялтироқ туфли кийган, бўйнига кўк бўйинбоғ тақиб, бурнининг устига ўта замонавий кўзойнак қўндирганди. (Хоқоннинг бўйинбоғи ҳам кўк эди. Шу пайт садоқатли аъёнлардан бири қулоғига шивирлади: «Афанди ўзиникидақа бўйинбоғ таққанларни ёқтирмаскан». Буни эшитиб, Хоқоннинг кўзи ола-кула бўлиб кетди-да, шошиб бўйинбоғини ечди ва бояги аъённинг бўйнидаги бўйинбоққа чанг солди. Ҳайратланарли эпчиллик билан бўйинбоғини алмаштирди.) Унинг сочи калта қиртишланган, жисму жонидан салобату ҳайбат ёғиларди. Буни қарангки, меҳмоннинг юнглари ялтираган эшагининг бўйнида ҳам капалакнусха бўйинбоғ бор эди. Аммо у хафа кўринар, соҳибига парвона одамлар қуршовида, эътиборида тураркан, уларга норизо боқарди. Албатта, бунинг сабабини Афанди биларди, холос: улар келган вагоннинг кузатувчиси ўтакетган «закончи», ўрисфеъл одам экан, Афанди ҳар қанча ялинса, ҳатто пўписа қилса ва ниҳоят пора узатса ҳам эшакни купега қўймади. Шўрлик тамбурда келишга мажбур бўлди.

Хоқон эшакнинг қиёфасини кўриб турса-да, меҳмондан юрак ютиб нима гаплигини сўролмади...

Бош майдонга бутун юрт кўчиб келганди. Бир-бирларининг елкасига елкаси теккан, супа томон умидвор кўз тикаётган одамлар гўё рўзи маҳшарнинг Аросат даштида олий ҳукмни кутаётганга ўхшардилар. Ҳозир супа узра кимдир пайдо бўлади-ю, «сен у ёққа, сен бу ёққа», дея ҳукм ўқийди. Шундан кейин ҳаммаси ойдинлашади. Унгача сабр билан кутмоқ керак.

Биз таниган ёки ҳеч йўқ бирров кўзимиз тушган одамларнинг ҳаммалари шу ерда эди. Ана, Ахирнинг ўғли, қўлида ўйинчоқ милтиқ. У катталардан бўйи паст бўлганидан нафаси қайтаётгандек бетоқатларча у ёқ-бу ёққа бўйлашга уринади. Ёнида маҳалланинг имоми, болакайга ҳадеб меҳрибончилик қилади. (Бу ёғини ҳам очиқ-ойдин айтиб қўя қолай: имом Ахирнинг хотинига кўз солган. Савоб илинжида иккинчи хотин қилиб никоҳига олмоқчи. Болакайнинг онаси ҳали ёш, гўзал эди. Шунинг учун Ахирнинг мурдаси совимай, ўғлини бир амаллаб бу ёққа бошлаб келди. Шу орқали онасининг кўнглига йўл топса ҳам ажабмас.) Болакай сон-саноқсиз одамларнинг улкан гавдалари орасидан Афанди ва Хоқон бошчилигида супага кўтарилаётган аъёнлар ёхуд атрофидаги ўзи таниган-танимаган, айтиш мумкинки, кўзига хунукроқ кўринган кишиларга милтиғини тўғрилаб, ҳафсала билан мўлжал оларди-да, оғзида «гитш-гитш», дея бирин-кетин отарди. Дарвоқе, Давлатмирзанинг девсифат қўриқчиси, талабалар ошхонасига «Афанди келяпти», дея югуриб кирган талаба, Ахирга ғалати қараган матбуот дўкони сотувчиси, машинада у томон туфлаб, сигарет улоқтириб кетган кўзлари олайган нотаниш кимса ва ҳатто берган совғаси кейинчалик Ахирнинг наздида порадай туюлган савдо ходим(лар)и ҳам шу ерда эдилар.

Болакайга милтиқни отаси совға қилганди. Ахир ўша кеча тонгга яқин туш ҳам кўрди: нураган тошдеворлари юракка

ваҳм солар даражада мудҳиш тусли хароба қаср эмиш. Қаср ҳовлисининг ўртасида қуриб, қовжираб, фақатгина ўзак шохларигина қолган, пўстлари арчилиб тушган улкан дарахт бир неча бошли аждаҳо янглиғ осмонга талпиниб, рутубатли ҳавога қоришиқ қорайиб кўринади. Ахир қаёқдандир пақир топиб, аллақаердан сув ташиб келди (ахир тушда шунақа бўлади-ку) ва дарахтнинг остига қуя бошлади. Уч-тўрт пақир сув қуйиб-қуймай дарахт кўкариб, барг ёзди – бу кўнгил эди. Атрофдаги хоналарнинг очиқ эшиклари аждаҳонинг катта очилган оғзидек, ҳозир-ҳозир ҳамма нарсани ютиб юборадигандай. Аждаҳонинг сўлдаги «оғзи»га кирилса, ичкари хиёл ёруғ, чанг босган, атрофида ис тўрлаган катта қалин тошойнага боққан яланғоч аёл юракка ғулғула солгулик узун сочларини тараб ўтирибди. Аёлнинг чанг остидаги хира акси бағоят сулув кўринади. Ахир унинг юзига боқмай, ойнадаги аксини кўриш учун чангни енги билан ишқалаб, артиб ташлади. Шу пайт, не кўз билан кўрсинки, ойнадаги соҳибжамол бадбашара ва қўрқинчли кимсага айланди. Ахир беихтиёр ортига чекинди. Бу Дунё эди... Бир замон у қасрнинг баланд девори устида пайдо бўлди. Пастда наъра тортиб, айқириб улкан дарё оқмоқда. Бирдан дарёда оқиб бораётган, тўлқинлар аро жон талашаётган одамга кўзи тушди. Нарироқда дарё узра қурилган ҳашаматли кўприк. Унинг йирик, бақувват устунлари сув бағрига санчилган. Ахир ўйланиб ҳам ўтирмади, «қутқариш керак», деди-ю, ўзини сувга отди. Лаҳза ўтмай даҳшатли, аёвсиз тўлқинлар ичра қолди. Бунга парво қилмай, бояги одам сари талпинди. Етаёзганда «Ие, ёш бола шекилли?» деган ўй миясига яшиндай санчилди. Мана, болакайнинг қўлидан тутди-ю, кўприк устунига урилди. Болакайга устуннинг темир шотисини ушлатди, аммо ўзи уни тутишга улгурмади ва янада ваҳшийроқ тўлқинлар тўлғанаётган гирдоб сари қуларкан, омон қололмаслигини фаҳмлади. Айни лаҳзада видо суратига тўлган кўзлари болакайнинг юзига тушди – у ўғли эди. «Хайрият!» деди-ю, гирдоб оғушига сингди...

Болакай милтиғини супа томон тўғрилаб, ҳамон «гитш-гитш», дея отарди. Лекин на у ва на майдонни тўлдирган одамларнинг биронтаси энг олдинда супага кўтарилаётган Афандининг эгнидаги либоси бирдан ўзгариб қолганини пайқамадилар. Унинг қимматбаҳо, оҳорли кийимлари мўъжизавий тарзда чопону белбоққа, ағдарма этигу дўппи четидан учлари тугиб боғланган атлас қийиққа айланиб, халқнинг тасаввуридаги ихчам соқол-мўйловли, кулча юзи кулдиргичли Хўжа Насриддин намоён бўлди. Шўрлик Хоқон эса бу сирнинг тагига етолмай, нуқул бўйинбоғини пайпасларди. Оломон юзида қуёш порлаган Афандини олқишлашга тушди. Шу пайт кўзидаги кўзойнак ва бўйнидаги капалакнусха бўйинбоғи ғойиб бўлиб, устидаги эгар-жабдуғига ола-була хуржун осилган эшак ўзи билан хожасига қўйилган ҳайкалга пича тикилиб турди-да, диккайган қулоқлари туйқус шалпайиб, аразлагандай нари кета бошлади. Буни энг аввало Афанди сезди. У кўз қири билан эшагини кузатаётганда унга тез-тез қараб қўяётган Хоқон ҳам нимадир рўй берганлигини пайқади. Пайқади-ю дарров сезгир шотирларга ишора қилди. Афанди улардан бурун эшагига яқинлашиб, унга қулоғини тутди. Сўнг бошини кўтариб, ҳайкалга бирров қараб қўйди-да, жилмайди. Хоқон яқинлашганда, Афанди унинг қулоғига нимадир деди. Энди Хоқон ҳайкалга ўгирилди-ю, кўзлари олайиб кетди. Афандига «ҳозир-ҳозир», дея шотирларини югуртиришга тушди.

Эшакнинг аразлаганича бор экан: нима десангиз денгу, очиғини айтиб қўя қоламан – бу эшак жонивор эркак эди. Ҳайкалда эса унинг ана ўша фазилати (агар билсангиз, Шайтон бўлсам ҳам айтай, эркаклик ҳам фазилат-да) акс этмаганди. Шўринг қурғур аъёнларнинг талваса ичида ғимирлашларини, типирчилаб, зимдан чора излашларини кўринг. Бирови пастда турган ҳайкалтарошни ғадаблаб, тезроқ ҳалиги нарсани ясаб, эшакнинг тегишли жойига ёпиштиришни буюрса, бошқаси гулдор патнисларда ба-

нану апелсингача барча танқис емишлар қоришган нарсаларни келтириб, аразчининг олдига қўйиб, тавозе ила ёқимли иштаҳа тиларди. Яна бири эса тароқ топиб келиб, думини тарашга тушди. Қайсиларидир Хоқону Афандининг қош-қовоғи билан овора эдилар.

Ҳартугул кечирилмасдай туюлган хато аъёнларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли оз фурсатда бартараф қилинди: икки-уч киши ҳайкалнинг остини мато билан тўсиб, пана қилиб турди. Ҳайкалтарош тиз чўкволиб камчиликни зудликда тўғрилади. Хоқон аъёнлари билан кўз уриштириб олгач, Афандини яна супа марказига таклиф этди. Афанди жилмайди, эшагининг қулоғига беозор шапатилаб, жойига қайтди. Қизиғи шундаки, бу воқеани пастдагилар қарийб пайқамадилар. Давлатмирза, унинг раис амакиси, Хоқоннинг хотини билан Отинойи, Булут ва Дилнура супанинг яқинида турардилар. Ҳожар эса майдоннинг «тирик панжара»га туташ ерида рўмолига бурканиб, супа томон ийманибгина мўралайди. Унинг ёнида Давлатмирзанинг офисидаги жиккак қоровул-ошпаз, ширкат хўжалигининг Уфққа ёғ бермаган омборчиси, тиллафуруш хотин элас-элас кўринадилар. Супанинг ўнг биқинида сирли жилмайиб турган Аждар сузук кўзларини Дилнурага қадаб-қадаб қўяди. Ҳижобдаги Дилнуранинг хаёли эса эшакда, тўғрироғи, эшакнинг ҳайкалига қизиқсиниб тикилади. Давлатмирза билан амакисининг айни дамдаги энг асосий орзуси эса супа устида, янада аниқроғи, Хоқоннинг яқинида турмоқ эди. Ана шунда атрофдагилар уларга ҳавас-ла боқишади, Хоқонга яқин эканликларини билиб қўйишади. Ҳали ҳайкалтарошнинг қўлидаги эшакни навбатма-навбат ушлаб туришса ҳам майлийди. Фақат супада бўлсалар бас. Бундайин бахт ҳозир бош муҳаррирга насиб этганди – Хоқоннинг ортида эди. У ичидагини кўпам ташига чиқаравермасди (ичимдагини топ-да). Бироқ ҳозир казо-казо аркони давлат орасида тураркан, қуйидаги сон-саноқсиз оломонга боқиб, вужудида мислсиз куч жунбишга келарди.

Ўзини барчадан қудратлироқ ҳис этиб, одамларга кўзлари чақнаб, ютоқиб тикилар, уларнинг катта бир тўпини шундоққина қучоғига олиб, мижиқлаб ташлашни истаётгандек кўринарди. Энди унинг учун ўтирган хонаси торлик, курсиси пастлик қилиб қолганди, чоғи. Аммо ўзига қадалган (ўйинчоқ бўлса ҳам) милтиқни кўрмасди.

Отинойи эса ёнида бир қучоқ бўлиб турган хоқонпошшанинг қўлтиғидан тилёғламалик ила тутиб, қулоғига нималарнидир гапириб, ҳирингларди. Лекин кўзи Афандида эди, унга тикиларкан, негадир ўз кечмишини – оташли, изтиробли, гоҳо хўрланган жирканч (ўз наздида эмас) кунларини ўйларди. У уйдан чиқиб кетгач, кўп ўтмай, чет элларга қатнайдиган аёл билан танишди. Аёл уни Бирлашган Араб Амирликлари давлатига бирга олиб кетди. Аёл одамфуруш экан. Бироқ буни англаб етганда кеч бўлганди – аёл уни сотиб, аллақачон уйга жўнаворганди. Шундан унинг қаро кунлари бошланди. Аввалига исловотхона бўлса нима, битта аёл қиладиган ишни уддалайман-ку, пул ишлаб олгач, уйга қайтаман, деб ўйлади. Аммо чучварани хом санаганди.

Олдинига уни уч кун оч қўйдилар, ҳатто сув ҳам бермадилар. Кейин хонага ҳамма ёғини жун босган, ниҳоятда бадбашара барзангини эргаштириб, арабий либос кийган бир аёл кириб келди-да, ҳе йўқ, бе йўқ беаёвларча шапатилаб ташлади. Уч кун ичида тинкаси қуриганди, бунинг устига, бегона юртдаги ёлғизлик изтироблари, эртаси ноаён тақдирининг мудҳиш таҳликаси юрагини эзиб адо қилганди. Шунинг учун ҳар не ишга рози турар, тезроқ бу азоблардан қутулишни истарди.

– Қаерга келиб қолганингни биласанми? – дея ўшқирди аёл нотаниш лаҳжада сочидан тортиб ўзига қаратаркан, чақчайиб. Сўнг иккинчи қўлидаги қизил паспортни силкитди.– Бу онангни уйи эмас, Амирлик! Сен фоҳишахонадасан, бизнинг айтганимизни қилибгина омон қоласан!

У талваса ичида «хўп-хўп» деб чинқирди. Шу билан (ўзининг итоати туфайли-да) азоблар ниҳоясига етгандай туюлди. (Айтиб қўяйки, бу манзил биз – Шайтонлар суйгувчи макон эди. Бу ерда бизлар эмин-эркин, одамлар айтмоқчи, кўксимизни тўлатиб нафас олардик, уларнинг кўнглига истаганча ғулу солардик. Бироқ охир-оқибат одамзоднинг қилмишларидан, чек-чегарасиз ваҳшиёна шаҳвоний истак-майлларидан лолу ҳайрон қолаверардик.) Не тонгки, бу бошланиши эди. Рост, дастлаб уни мушку анбарлар ила ювиб-тарадилар, ранго-ранг ҳарир либосларга буркадилар, анвойи таомлар ила сийладилар. Нафис бармоқли жононлар танасини ҳар куни бир неча бор турли усулларда уқалаб, хушбўй мой ва малҳамлар сурдилар. Кўп ўтмай, ойнага боқаркан, ўз аксидан кўнгли яйрайдиган, вужудида инжа майллар уйғонадиган бўлди. У тақдирга тан берганди, эҳтимол унчалик қўрқинчли эмасдир, ахир бу ердагилар ҳам одамлар-ку, деб ўйларди. Қолаверса, бокира қиз бўлса экан. Юрагидаги ваҳм шу кўйи аста-секин арийверди.

Кейин уни катта-катта рангли шаҳвоний суратлар илинган хонага олиб ўтишди. Суратларни кўриб, анча-мунча одамнинг эси оғиб қолиши ҳеч гап эмасди...

Дилнуранинг вужудида ажиб эврилиш кечмоқда эди. Кўзлари супада-ю, хаёлан ҳомиласини олдирган онларини эслади. Жисму жонида уят ҳисси уйғонди, бироқ буни ўзи англамади. Айниқса, врач ҳузуридаги лаҳзалар ёдига тушганда... (Мен эса бир банданинг, ҳа-ҳа, одамнинг менга қовушаётганидан шод эдим.)

– Шу ҳолингизга яна нималар қип келдингиз, қизим? – деб юборди у Хоқоннинг қизи эканлигини ҳам унутиб. – Ҳамма ёғингизнинг шилтаси чиқиб ётибди-ю...

– Пулингизни олганингиздан кейин жаврамай ишингизни қилинг! – деди жеркиб ва ҳам нотаниш, ҳам бир оз оғриқли, ҳам кишининг ғашини келтиргувчи сезимдан беихтиёр юз-кўзи жийирилди.

Ҳозир эса ўшандаги ҳолатини эслаб, уялмоқда эди. Айтгандай, ҳали келаётиб майдоннинг қаеридадир дўхтирнинг шарпаси кўрингандай бўлди. У ҳам келибди-да, дея ўйлаб қўйди Дилнура.

Булутнинг юзида доимгидай истеҳзоли табассум, бошини тик тутиб, кўкрак керганча супа томон тикилади. Кўзлари у ёқда-ю, хаёли Ёмғирда. Гоҳ-гоҳида аланглаб уни излайди. Лекин шунча одамнинг ичида бировни топиш мушкул. Қаерда турганлигини билса-ку бир нави – тузукроқ тикилса ажратиб олади. У бунақада қизни тополмаслигига ақли етиб, энди яқин орада қўлига тегадиган пулларни эслади. Уфқнинг миясини тезроқ сотиб олса бас, у ёғи жуда осон кечади. Ана ундан кейин Ёмғир ҳам ўзига қолади, мўмайгина пулга ҳам эга бўлади. Анови билағон эса қайтиб одам бўлмайди. (Мана сизга одамзоднинг дўстлиги: шунча апоқ-чапоқ бўлиб юришлар, сирдошона суҳбатлар, ҳамдардликлар, қўйингки, ҳамма-ҳаммаси қаёқда қолди? Ҳатто севган ёрига ҳам эга чиқишга уринмоқда.)

Хоқоннинг хотини Отинойининг ёнида тураркан, ўз дарду хаёли ила банд эди. У ўғлини ўйларди. Эрининг уринишлари туфайли қалбида фарзандининг соғайишига умид уйғонган бўлса-да, хавотири аримаганди, айни дамда барчанинг наздида, мўъжизакор, эҳтимолки, нажоткордек туюлган Афандининг эътиборидан ҳам умидвор эди. Балки ўғли шу одамнинг нафаси боис тузалиб кетар?.. Аслида у ҳар қандай воқеа-ҳодисадан, муомала қилган кишиларидан ўғлининг дардига даво – мужда кутарди...

Уфқ онаси ва синглиси билан майдоннинг ўртароғида турарди. У ҳали ўта туриб, талабалар орасида Ёмғирни кўрди. Лекин шодланмади, юраги оғирлашиб, баттар хомуш тортди. Шундоғам дарди ўзига етиб ортарди... Ие, анови – миршаблар қаторидаги «генерал-сержант»ми? Ҳа, ўша. Юзидаги дунёни ўт олиб кетса ҳам ўзгармайдиган лоқайдлик, совуқ тасқаралиги-да ўша-ўша. Ана, ўзига бе-

ихтиёр урилиб кетган одамни аёвсизларча итариб ташлади. Гўё итаргани одам эмас, бир боғ ғўзапоядек.

Бу дунё, ҳаёт деганлари нима ўзи, дея ўйлайди Уфқ. Наҳотки инсон ёниб-ўртаниб, куйиб-пишиб, бир-бирови билан талашиб-тортишиб, гоҳо бир-бирининг жонини олиб, эвазига «маза қилиб» бир ўлиб олса? Одамзод ўлиш учун яшайдими, шунча азобу уқубатларга охир-оқибат ўлиб олиш учун чидайдими? Тоғдаги учрашувда Табиб бир ҳикоят айтиб берганди: (Дарвоқе, Табиб ҳам келгандир, қаерда турибдийкин?) Оллоҳнинг валий бир қули дашту биёбонларни сархуш кезарди. Зикруллоҳдан сархуш эди у. Неча кунлардан буён туз тотмаган. Ёнида сакваччаси. Ит шўрликка қийин бўлди – у авлиё эмас-ку, қорни очади ахир. Тағинам Худо сабр берар экан, чидаяпти. Соҳиби қўлидаги асо билан дашт қумларини қўзғатиб, гоҳо саҳройи ўт-ўланларни бедор этиб кезаркан, фақат зикр ила банд. Унинг емиши – зикр, ичмиши – зикр, ютмиши – зикр. Ниҳоят толиқди, очлик ўз ҳукмини ўтказди. Оёқлари мадорсизланиб, дўнг устига чўнқайди. Асони ерга қўя туриб, бармоқлари нимагадир урилди – бу қум аралаш тупроқдан ҳосил бўлган кесак эди. Кесакни қўлига олиб, кўзига яқинлаштирди. «Ўзингга шукр, Оллоҳ», – деди лаблари пичирлаб. – Ризқнинг қаердан, қачон келиши фақатгина Ўзингга аён-да, мана, менга ҳам етказдинг». У кесакни ушатиб, бир бўлагини рўпарасида думини ликиллатиб интизор турган итининг олдига ташлади. Ит шашт билан талпинди-ю, бир-икки искаб, ҳафсаласи пир бўлиб, ортига чекинди-да, яна соҳибига тикилди. Соҳиби «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм», дея кесакни ҳузур билан чайнай бошлади. Тишлари орасидан ғижирлаган овоз чиқди. Аммо, бағоят мазали таом еяётгандек кўзлари сузилди. Ит эса ўзича ҳайрон эди, олдидаги кесакни ора-сира безовта искаб қўяркан, нима бўлаётганлигини англаёлмай, соҳибининг оғзига тикилиб тураверди. Ниҳоят соҳиби «таом»ни паққос туширди, «алҳамдулиллоҳ», деб лабларини артди.

Ҳа, бу дунё шу, ўйлади Уфқ супага тикиларкан, ҳаммаси уни қандай қабул қилинишига боғлиқ. Ҳар бир иш, воқеа-ҳодиса кишининг ўзида – ичида кечади. Ҳар бир одам борлиқни ихтиёрсиз хоҳишича қабул қилади. Эҳтимол тақдир, ёзиқ деганлари шудир. Иста, бу ҳаётни неъмат де, иста – иллат, деб ата. Ҳамма-ҳаммаси фақат ва фақат ичингда кечади. Ичингда зарур ишонч, нажотсиз қолмаслигингга эътиқод бўлса, кесакни ризқ, деб билурсан ва ниятингга етурсан... Унинг кўзлари Афанди билан Хоқонга қадалди. Тавба, Хоқон барзанги эди шекилли? Айни дамда паканага мойил Афандидан ҳам чўкиб бораётгандек туюлди. Ё мўлжални Афандига нисбатан оляптимикин-а? Оҳ, бу одамизод!..

Хоқоннинг хаёлидан туйқус хароб кийим-бошли савдойи қиёфасидаги одам лип этиб ўтди. У кўзига учқун сачрагандай бир силтаниб, юмиб-очаркан, ўйлади: бу одамни танийманми ўзи? Ё одамлар орасида кўзим тушувдими? Унинг нигоҳи одамлар аро тентиди. Шунча оломоннинг ичидан битта одамни ажратволиш осон эканми. Бироитасидир-да. Хоқоннинг вужудидаги ожиз ҳаловат ҳам шикастланиб, ўзини айбдордек ҳис қилди.

Унинг хаёлидан ўтган одам Йўлчидир эди. Хоқон уни танимасди, бироқ негадир кўзига кўринди. Аслида Йўлчидир бу ерга келмаганди ҳам.

У ёғини айтсанг, ўтирган одам билан юраётган одам учун вақт бир хилда ўтмайди. Ақлли зотлар буни асло ташбеҳ ёки фалсафий гап, деб ўйламасинлар, бунга ҳожат йўқ. Чунки бу табиат қонунлари бўйича ҳам аллақачон исботланган. Турган одам билан юрган одам учун вақт бир хилда ўтмаслигини аниқлаганда, ёруғлик тезлигини (лаҳзасига 3200 км.) билиш ва вақтни унга нисбат олиш лозим. Инсоният яратган тезлик эса бор-йўғи лаҳзасига 16 км. холос. (Аслида бизнинг ақлимиз ва тасаввуримиз учун шунинг ўзи ҳам бағоят ҳайратланарлидир). Орадаги фарқни қаранг-да. Шунинг учун бири коинотга чиқиб кетган, бири ерда қолган эгизаклар бир

вақтнинг ўзида коинотдагиси – саксонга, ерда қолгани эса ўн саккизга кириши мумкин. Бунинг сирини хос кишилар хиёлгина англайдилар, аслида ақл бовар қилмайди. Дунё шу. Одамзод эса ундан минг карра сирлироқ. Шундай экан, ҳаммаси синоатга тўла дунёни турфа сирлар оғушидаги ақлу қалб ила қандай қабул қилишга боғлиқ. Зеро, бир хил нарсани бир вақтнинг ўзида кўриб турган икки одам уни турлича англаши мумкин. Демак, ҳатто қаёқдан ҳам эмас, қандай қараш бирламчи экан... Уфқнинг шуури негадир тиниқлашиб, ўй-хаёллари теранлашиб борарди. У бу нарсаларни аввалдан билгувчи эди, лекин ҳеч қачон бугунгидек чуқур ва батафсил ўйлаб кўрмаганди. Ҳа-ҳа, ҳеч қачон ўйлаб кўрмаганди. Наҳотки шунчалар ақлли бўлсам, деган гап миясидан ўтаркан, беихтиёр жилмайди. Рост, қаёқдан қарашга боғлиқ эмас. Мана, масалан, аҳли башар ўнг елкада фариштa, чапида эса шайтон ўтиради ва одамзоднинг қилмишларини – савобу гуноҳларини ёзиб боради, дея ўйлайди. Ҳатто баъзилар давраларда ўтирганда ҳам ўнгдаги ҳамроҳида фариштани, сўлдаги одамда эса шайтонни кўрадилар. Буни тушуниш қийин. Майли-да. Аммо унда ортда нима бору, олдда не хилқат яширин? Балки ўнгу сўлга эмас, олд ва орқага боқиб яшаган маъқулроқдир. Чунки ортда Азал (Худо), олдда Абад (Худо) бор. Яъни ортда Ибтидо, олдда Интиҳо. Қолаверса, ўнгу сўлга боқиб яшаган одам худбинлашиб кетмайдими?.. Саволлар, саволлар... Бошинг ғовлайди... Менинг эса бу ёнимда онам, у ёнимда синглим, олдимда бўлса Интиҳо турибди. У зимдан жигарларига қараб қўйди. Кимдир айтган экан: ҳаёт – бу муҳаббат, демак, сев, ҳаёт – бу сир-синоат, демак, уни оч, ҳаёт – бу азоб, демак, чида, дея. У эса сева олдими? Ёмғир!.. Чиндан севганмиди ўзи уни? Сўнгги кунларда англадики, у қадар севмаган экан. Акс ҳолда, муҳаббат деганлари ҳозир унга нажот бўлмоғи лозим эди. Ёки онаси ва синглиси билан бўлиб, ўз ёғида қоврилиб, севгидан йироқлашдимикин? Балки Ёмғирни аягандир – дардига шерик қилгиси кел-

магандир... Нима бўлганда ҳам аниқ билади: у севди, сева олди.

Ҳаётнинг сир-синоатини эса тушунолмагани рост. Агар тушунганида бу аҳволга тушиб ўтирмасмиди. Демак, у сирни очолмади.

Ҳаётни азоб, изтироб деганлар юз карра ҳақ. Нафақат у, ота-онаси, синглиси ҳам ҳаёт деганларига чидаб келдилар. Ҳали яна қанча чидайдилар. У ўз режаси, тадбири билан барҳам бермоқчи бу азобларга. Онаси ва синглисининг бахти қурбонликка муносиб. Уфқ жигарларига зимдан яна қараб қўйди. Улар супа томон интиқ тикилиб турардилар, шу туришларида ҳаётлари учун бир янгилик истардилар. Эҳтимол ўзлари истамаган ҳолда нажот кутармидилар. Уфқ буни дил-дилидан ҳис этарди... Шу пайт супа улкан кемага айлана бошлади. Кўтарилиб, устидаги одамлар кичрайди. Афанди ва эшагига қўйилган ҳайкал эса баҳайбат елкан янглиғ кўкка бўй чўзди. Майдондаги одамлар бирдан тебраниб, саросимали гувуллашга тушди. Бу овозга бошқа олатасир шовқинлар ҳам қўшилди. Осмон гумбурлаб, чақмоқ чақди. Кема юксалаётганигами, осмон пастлаб бораётгандай, булутлар мана-мана елкан узра сузаётгандай туюлди. Ё Оллоҳ, қиёмат қўпдими, не бало? – дея ўйлади Уфқ. Наҳотки дунёнинг куни битган бўлса?.. Ўзининг куни-ку битиб қолганди, дунёга не бор эди? Бундан қувонсинми? Ахир жами одамизод балога гирифтор бўлади-ку. У йўқ бўлгач, бу олам ҳам абасликка юз тутади. Бу шодлик солмайдими кўнглига? (Бу менинг васвасам эди.) Мана буни бахт ва омад деса бўлади. Унинг билан бирга бутун олам асфаласофилинга жўнайди. Ҳа-ҳа, бутун олам! Тўхта-тўхта, унда онаси билан синглиси ҳам ўлади-ку. Ўлади-ку деган сўз хаёлига урилиб, юраги бир силтаниб қўйди. Ахир уларни бахтли қилмоқчи эмасмиди? Энди эса... Қолаверса, Ёмғир ҳам, қўйингки, борки яхши одамлар ҳам... Йўқ, бу ахир нажот кемаси-ку. Шу пайт ёдига Нуҳ алайҳиссалом воқеаси тушди. Юрак уриши тезлашди.

Афанди мисоли Нуҳ алайҳиссаломдек кўриниб, кема узра одамларга нажот қўлини чўзаётгандек туюлди. Бутун олам ваҳимали шовқин-суронга қоришган тўфон ичра қолди. Талвасага тушган одамлар жон ҳалпида кема сари талпиниб, остида ғимирлардилар. Кўзлари ола-кула, қўллари эса Афанди томон узалган. Нажот фақат ва фақат Афандининг оёқлари остидаги кемада эди. Уфқ онаси билан синглисининг билакларидан тутди-да, «тезроқ кемага чиқволайлик», дея олдинга ундади. Шу кетишида қаршисидаги одамларни суриб, депсилаб ўтишга ҳам тайёр ва қодир эди.

– Сенга нима бўлди? Қанақа кема, болам? – Бу гапдан ўзига келиб, онасининг бир оз қўрқув ва ҳайрат балқиган нигоҳини кўрди. Уялиб, қизарди. Нима дейишни билмай, беихтиёр:

– Кемага ўхшайдикан-а?.. – дея ғўлдиради супага ишора қилиб. – Яқинроқ борсакмикан-а...

Онасини бир амаллаб чалғитгач, яна хаёллари чувалашди. – Буларнинг ҳаммаси ёлғон, – ўйлади нигоҳи супага қадалган кўйи. Аммо супани ҳам, устидаги одамларни ҳам кўрмасди. Мен – бу мен эмас, кўриб турганларим рўё – ё ўтмиш ва ёки келажак шарпалари. Яшаётганим менинг ҳаётим, менинг тақдирим эмас. Нимадир бўлиб тақдирлар чалкашиб, аралашиб кетгандир. Ахир бундай бўлиши мумкин эмас. Агар дунёда адолат, ҳақиқат деганлари бор бўлса, ҳамма нарсанинг бир-бирига боғлиқлиги чин бўлса, мантиқ-моҳият қонуниятлари ҳам бузилмаслиги лозим. Ахир у болалигида бахтиёр эди (ҳатто отаси оламдан ўтиб кетган бўлса ҳам), бахтдан осмонга сапчирди. Аълочи эди ва шунинг учун ҳам институтга осонгина кириб кетди. Институтда ҳам олди йигит бўлди, гуруҳ «оқсоқоли»га айланди. Демак, у бахтиёр бўлиши, яқинларини ҳам бахтиёр қилиши шарт. Бундан келиб чиқадики, яшаётгани – бу унинг тақдири эмас. У ўз тақдирини топади. Эҳтимол қабул қилган қарори нияти сари ташлаган илк қадамидир. Ўзини қурбон қилади, аммо ўз тақдирига эришади ва

адолат қарор топади. У чукур хўрсиниб, осмонга қаради. Осмон оппоқ-оппоқ гулли мовий матони эслатарди, жуда кенг, чексиз эди.

– Халойиқ!.. – Бир ўктам овоз майдон узра аксланди – Афанди гапира бошлаганди.

ДЕРАЗАДАГИ ОДАМ

Унинг кўзлари тип-тиниқ самода бир муддат тентирагач, заминга қайтаркан, турфа дарахтлар узра кезинди. Барибир дарахт яхши-да, дея ўйлади, ҳам ҳусн, ҳам тоза ҳаво. Нега бунча яшилликни суймаса одам? Ёки табиатнинг ва балки дунёнинг ибтидоси бўлганлиги учунмикин?.. Энди у атрофга бепарво боқди, аммо эътиборни тортгулик, тўғрироғи, маъно-мазмун чиқаргулик бирон нарса тополмади. Нигоҳи аста-секин қуйилади. Қуйиларкан, ўзига кимдир қараб турганини ҳис қилди. Ҳис қилиши ортидан лаҳза ўтмаёқ ўша нигоҳ билан тўқнашди. Йўлакдаги оппоқ соқолли нуроний чол унга тикилиб ўтиб борар, аниқроғи, унинг тикилиши кузатишдан кўра ойна ортидаги ким эканлигини билишга беихтиёр уринаётганлигидан далолат берарди. У ўта туриб деразадаги одамни кўриб қолган, вассалом...

Қизиқ, ўйлади деразадаги одам, тепадан ҳаммани, жумла оламни кузатиш яхши-ю, аммо қуйидагилар кузатувчини кўрмаганлари дуруст экан. Мана, ҳозир у чолнинг ўзига тикилиб бораётганлигини кўриб, ғалати бўлиб кетди. Кутмаганди-да. Мен ҳаммани кўраяпману, мени ҳеч ким кўрмаяпти, дея ўйлаганди. Янглишибди. Энг ёмони ҳам шу – сени кузатиб турганликларини кўрмаслик, сезмаслик. Эҳтимол Оллоҳнинг кўзга кўринмаслиги ва ҳатто ломаконлиги ҳикмати ҳам шундадир. Унга шу фикри хуш ёқди, яхши бир кашфиёт қилгандек, ўзини бутун одамдек ҳис этиб, кўнглида анчайин ҳузурбахш қониқишни туйди ва дераза ёнидан оҳиста нари кетди...

17

Олмония шаҳарларидан бири. Уфқ бир кимсанинг етовида машинадан тушиб, ҳашаматли клиниканинг зинапояларидан кўтариларкан, беихтиёр тўхтади. Сўлғин нигоҳини осмонга бурди. Ҳамма жойда осмон бир хил, дея ўйлади сўнг, бу ерникида нур камроқми-ей.

– Эй Худо, – деди овоз чиқариб, – яна осмонни кўриш насиб этармикин? Айниқса, Ватаним осмонини... Ё бисмилло!.. – деб бир қадам босгандики, юқоридан тушиб келаётган эллик беш ёшлардаги басавлат одам кўзлари чақнаганча унга бақрайиб қараб қолди. Унинг жиддий ва ҳатто қаҳрлироқ кўринган юзида қизиқувчанлик зоҳир эди. Уфқ уни миллатдошига ўхшатди, аммо юзида куёш бергувчи истара унчалик сезилмасди. Қиёфаси эса танишдай.

– Ие, биз ёқданмисиз? – деди у Уфқнинг фикрини уққандай соф она тилида.

Уфқнинг кўзлари чақнади. Ҳозирги кайфиятига бир андармонлик топилганидан, бунинг устига, у миллатдоши эканлигидан дили яйради. Ҳар ҳолда мусофирчиликда қўққисдан ватандошингни учратиш бошқача бўларкан. Уфқ сўрашиш учун қўл узатганди, янги таниш «Ватандошлар мана бундай кўришадилар», дея қучоғини очди. Уфқ унинг кўкрагию елкаси йирик, бақувват одам эканлигини ҳис этди. Миллатдош дегани шунақа бўлса-да, деган ўй ўтди хаёлидан.

– Қачон келдингиз? – дея сўради у очиқ юз билан.

– Кеча.

– Қалай, юртимиз тинчми? Ватандошларимиз қалай, тирикчилик билан қийналиб қолишмаяптими? – Афтидан унинг саволлари кўп эди ва бундан аён бўлардики, у Ватанни анча олдин тарк этганди.

– Яхши, тинч. Худога шукур, тирикчиликлари ҳам ўтиб турибди. – Кейин ҳалитдан бери миясида айланаётган саволни берди: – Сизни қаерда кўрганман-а, ака?

Янги таниши жилмайди, аммо бу жилмайиш ортида ўкинчми, аламми яширинганди.

– Мен журналистман, ука, балки суратимни кўргандирсиз.

– Бўлди-бўлди, эсладим. Сизни танийман, мақолаларингизни ўқиганман. Сиз ҳалиги... сиёсат туфайли... – У ёғини гапиролмади, суҳбатдошини ранжитиб қўйишдан қўрқди.

– Ҳа... – дея гапни кесди янги таниши, у ҳам бу ҳақда гапиришни истамасди, чоғи. – Бу ерда қанча бўласиз?

– Билмадим... – каловланди Уфқ.

У чўнтагидан ташриф қоғозини чиқариб, узатди:

– Мана, менинг телефоним, манзилим. Агар вақтингиз бўлса, учрашайлик, отамлашайлик. Ватанни соғинганман. – Унинг кўзларида лаҳзалик изтироб балқди. – Дарвоқе, ўзингиз бу ерга нега келдингиз? Бизнесменга ўхшамайсиз?..

Уфқ пича ўйчан турди-да:

– Миямни сотгани келдим, – деди аянчли жилмайиб ва кўзлари билинар-билинмас ёшланди.

Кўзлар тўқнашди. Журналист унинг ҳазиллашмаётганлигини тушунди.

– Ҳаа, – деди у ўйчан, – ҳали мияларимизни кўп сотамиз...

Хайрлашдилар.

Уфқ бир неча поя кўтарилиб, ортига қайрилди.

– Қайтиб кўришолмасак керак, ака, – деди қўлидаги ташриф қоғозига ишора қилиб. – Узр...

– Мабодо имконингиз топилса-да...

Уни ечинтириб, обдан чўмилтирдилар, сочини қириб ташладилар. Сўнгра юмшоқ оқ либос кийдириб, операция хонасига олиб кирдилар. Операция столига яқинлашаркан, иликларида қалтироқ турди, юраги увушиб, тош осиб қўйилгандай туюлди. Бўғзи қуруқшади. Аҳволинг шу экан-ку, деди ичида ўзини ғадаблаб, тағин дунёни остин-устун қилиб юбормоқчийдинг. Киприкларининг ости ачишди, оғир ютинди. Бу тақдирни ўзимга ўзим бичдим, энди ортга қай-

тишнинг иложи йўқ. Шарманда қилма, ё Оллоҳ, куч бер! Нима, бу дунёда ўлаётган ёхуд қурбон бўлаётган биргина менми? Қолаверса, буни беҳудага қилаётганим йўқ-ку, жигарларимнинг бахти учун-ку. Кўзининг остидан томчи сизиб чиқди, яна ғилқиллаб ютиниб, тишларини бир-бирига қаттиқ босди. Сизни жуда-жуда соғиндим, онажон! Сизни қанчалар яхши кўришимни энди аниқроқ ҳис қилаяпман, она!..

Хонада юзига ниқоб тутган икки ҳамшира ғимирлаб юрганди. Унинг хаёлларини бўлиб боягидек ниқобли яна икки эркак ва бир аёл кириб келди. Уларнинг бири, каттакони бўлса керак, Уфққа яқинлашиб, елкасига қўлини қўйди. Дадил бўл, дегандай беозор силтаб, қани чиқ, қабилида ишора қилди. Уфқ энди анча ўзига келиб, таҳликалар ортидан келгувчи бефарқлик боис боши бўм-бўш бўлиб қолганди. Шунинг учун узоқ кутмади, куттирмади, «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм», дея шитоб операция столига чиқиб, чалқанчасига узала тушиб ётди. Кескин бир нафас чиқариб, танасини қулайроқ жойлаштирган бўлди. Кўкси бўшаб, энди вужудида ҳузурбахш ҳаловат яралаётганлигини сезди. Ниҳоят тепасида турган дўхтирга «тайёрман», дегандай боқди. (Менинг шайтонлигим рост, аммо айни дамда жигарлари учун ўзини қурбон қилаётган манови навқирон йигитга ачиниб кетдим. Йўқ, инсонлар наздида, яхши бўлиб, одамга айланиб бораётганим учун эмас, унинг ўз яқинлари дардида, уларни бахтиёр кўриш илинжида, яъни эзгулик, яхшилик йўлида ўзини ҳалок қилаётгани менинг оромимни олмоқда ва иблисона феълимга шикаст етказмоқда. Нима бўлганда ҳам унинг қалбида, вужудида жасорат, ўзгалар учун фидоликка ташналик мавжуд эди. Бу туйғулар мендан эмасди. Унинг қурбонлиги мазмун-моҳиятан олиймақом эди ва мен шунинг учун ҳам унга ачинардим.) Дўхтир столнинг нарёғида турган шеригига ишора қилганди, у бузилган талаффузда ўрисчалаб сўради:

– Бировга айтадиган гапингиз йўқми?

– Йўқ, – деди Уфқ кескин.

– Унда бошладик, – деди катта дўхтир ва столга яқинроқ келди.

Атрофдагилар тараддудга тушди. Қандайдир асбоб-анжомлар шақир-шуқур қилди. Тепадаги думалоқ чироқлар ёнди.

Катта дўхтир унинг пешонасини меҳрибонлик билан силаркан, гўё ўзига гапираётгандай немисчалаб минғирлади:

– Шу осиёликларга сира тушунмайман-да. Ахир мана шу сотаётган миясини ишлатиб, ундан ҳам кўпроқ пул топиши мумкин-ку. – У мижозининг немисчани тушунишини хаёлига ҳам келтирмасди.

Уфқ унга қараб ёқимли жилмайди ва соф немисча талаффузда деди:

– Бизда мия билан пул топиб бўлмайди, дўхтир. Уни фақат сотиш мумкин, холос. Қолаверса, менинг миямдан ўзга арзирлироқ сотадиган нарсам йўқ. Аслида бу дунёда мияларга пул эга чиқиб бўлган.

Уфқ дўхтирнинг мулзам жилмайганини кўзидаги лаҳзалик ёлқиндан, ниқобида ҳосил бўлган ожиз тўлқинлардан сезди.

– Узр, – деди дўхтир унинг пешонасини яна бир бор силаб. Кўзларидаги меҳр аста-секин ачинишга айланди. – Наркоз!..

Уфқнинг оғзи-бурнига махсус мурватни тутдилар. Хайр, дунё, деган ўй ўтди унинг хаёлидан. Бир-икки чуқур нафас олгач, бошида эврилиш пайдо бўлаётганлигини сезди. Шу пайт кўз ўнгида онаси билан синглиси кўринди. Улар – жисму жонидан мунислик ёғилган мушфиқ онаси, вужудини ёшлик шўх-шодонлиги-ю, қақажонлик тарк этган синглиси унга ғамгин боқиб турардилар. Иккиси ҳам жим эди, аммо кўзлари илтижо ила «Қаёққа?» деётгандай бўларди. «Мен тезда қайтаман», деди у хаёлан, «сизларга бахт олиб келаман, онажон». Жигарлари қўл силкидилару, зумда оқликка сингдилар. Энди ким кўринаркин, деган савол урилди шу-

урига ва шунинг ортидан Ёмғир кўрингандай бўлди-ю, бирон сўз демай лип этиб кўздан йўқолди. Ҳатто унинг юзию нигоҳидаги маънини уқишга ҳам улгурмади. Шуниси унга алам қилди – бирпасгина шошмасанг нима қиларди-я, Ёмғир, дея бағри ўртанди. Бирдан кўз олдида юзи баттарроқ сурлашган Булут пайдо бўлди. У Уфқни масхараларди чоғи, тинмай қаҳқаҳа урарди. Нега куласан, демоқчи бўларди Уфқ жиғибийрони чиқиб. «Мен сени алдадим. Алда-ади-им! – дерди Булут кўзларини ёвуз олайтириб. – Энди пулларинг ҳам, Ёмғир ҳам меники бўлади. Ҳа-ҳа, меники бўлади! Мен бу онларни қанча кутдим-а!..» Уфқ сапчиб ўрнидан туриб кетишга уринди. Лекин қимир этолмади. Ие, менга нима бўлди, – дея ўйлади у шуурида Булутни ғадаблашни бошларкан. Аммо сўзлари тилига чиқяптими-йўқми билолмади. Наҳотки мени алдадинг? – дерди у юраги ловуллаб. – Ахир биз дўст эдик-ку, аблаҳ! Мен сенга ишониб ҳамма нарсамдан айрилдимми, ит?!.. Ёки бу тақдирмиди?.. Шу пайт нимадир жуда қаттиқ қасирлади. Уфқ нима бўлганини англолмади. Булут эса мудом кулганича «Ҳа, тақдир эди, тақдир!» – дея кўздан йўқолди. Оламни қулоқларни ёргудай шовқин-сурон тутди. Бу тўфон ва мислсиз ваҳшат ила тобора шашт олаётган денгиз тўлқинларининг овози эди. Дунё гўё денгизга айланганди. Ҳатто осмон ҳам денгизга қўшилиб кетгандек, унинг қора-қизғиш қуюқ булутлари денгиз тўлқинлари янглиғ тебранардилар. Тўфон даҳшати ичра одамларнинг оҳ-ноласи, фарёдлари ҳам эшитиларди. Чинакам қиёмат қўпгандек. Уфқ буларнинг барини кўриб, эшитиб турар, қиёмат шунақа бўларкан-да, дея унинг борки даҳшатини идрок этишга уринар ва беихтиёр охири нима билан тугашини кутарди. Бир замон улкан қоялар мисоли кўкси шишаётган баланд-баланд тўлқинлар ичра улардан-да ҳайбатлироқ кема кўринди. Кеманинг йирик елканлари каттакон аждаҳонинг қанотлари янглиғ тўлқинлар зарбини итариб ташлади. Елканлар остидан эса тўлқинлар бағрини ёргудай тилим-тилим нур таралмоқда.

Нур оғушида қолаётган кеманинг атрофи аста-секин осудаликка йўғрилиб, тўлқинлар нур ҳалқасига урилар ва худди зирҳ деворга урилгандай парчаланиб, ортга қайтарди. Тўфон ичра жон талашаётган одамларнинг баъзилари ва айрим жониворларгина тўлқинлар кўмагида нур ҳалқасидан ошиб, кемадаги осуда маъвода омонлик топардилар. Нажот боиси Нуҳ (алайҳиссалом) ва унинг кемаси эди. Уфқ энди ўзини осуда маъво ичра кўрди. Кема ёнбошига нур толаларидан тўқилган нарвон илинганди. Уфқ унга оёқ қўйиб, юқори кўтариларкан, нурларнинг асоси – Нуҳ (алайҳиссалом) сари қўл чўзди. Нажот яқин эди...

Олам жимжит бўлиб қолди. Ҳамма ёқ оппоқ эди, ҳа-ҳа, фақат оқликдангина иборат эди. Бу қойим оқликдан айро икки оқиш шакл кўринар ва улар мавжуд сокинликка номутаносиб равишда қимирлаб, тебраниб турардилар. (Бу икки оқиш шакл чет эл сафарида «йиқилиб», мажруҳ бўлиб, узоқ даволаниб, ўз юртига беш ойдан сўнг қайтган Уфқнинг тепасида нолон турган онаси билан синглиси эди. Унинг ранги оппоқ, кўзлари ғилайланиб маъносиз боқарди. Оёқ-қўллари эса жонсиздай шалвираб қолган, гоҳи гоҳида беўхшов ва ҳатто мақсадсиз силтаниб қўярди.)

Хоқоннинг ўғли эса осуда маъводан айро тушиб, ўзини даҳшатли шовқин-суронларга қоришиқ тўфон – тўлқинлар ичра кўрди. Аммо бу ҳолати узоққа чўзилмади. Тўфон ваҳшатини ҳали тузукроқ туюб улгурмай, қулоқлари остида нимадир қаттиқ қасирлади. Бу қасирлаш ортидан кўз ўнгида қаҳқаҳа ураётган сур бир башара пайдо бўлди. Башара уни масхара қиларди:

– Бу тақдир, ҳа-ҳа, тақдир! – дея ҳайқирарди у. – Мен бу онни қанча кутгандим-а... Сени алдадим, алдадим!..

– Кимни алдадинг, ҳей, сен?.. – дея сапчимоқчи бўлганди, кўзлари очилиб, тепасида интизор турган йўғон гавдали, юзи бужур эркакни ва бақалоқ аёлни кўрди. – Сизлар кимсизлар? – деб юборди у беихтиёр таҳликали овозда.

Ўғлининг кўз очганидан қувониб, Худога шукур деб турган Хоқонпошша унинг гапини эшитиб, бир сапчиб тушди. Хоқон эса ўғлининг пешонасини силаб, унга маъюс термиларкан, ишнинг бу ёғини ўйламаганлигини тушунди. Лекин барибир ўғлининг ўнгланаётганлигидан қувонди. Ҳа, Муродимнинг рангига ранг кириб, билаклари кучга тўлиб борарди...

У ҳадемай чет тиллар институтига ўқишга киради (аслида унга ҳаммаси – институт ҳам, дарслар ҳам таниш эди). У ерда Ёмғир билан Булутни кўриб қолади. «Сен кимни алдадинг?» – дея ёқасидан олади Булутнинг... Тушларида эса ҳар кеча мушфиқу интизор бир аёлни ва кўзларида юлдуз порлаган қизни кўради...

ХОТИМА ЁКИ ЭНГ ОХИРГИ ГАП

Шу билан ҳикоям ниҳоясига етди, биродар, аммо гапим тугагани йўқ. Зеро, Қиёматни орзиқиб кутаётган ва бўйнида энг оғир тавқи лаънат ила то рўзи Маҳшаргача одамизодни йўлдан оздиргувчи ҳамда бундан чексиз фахру ифтихор ҳис этган мен – Иблис ҳам (аввал айтганимдек) ўшал Ажр онидан умидворман. Биламан ва ишонаманки, ана ўшанда одамзоднинг ҳам, менинг ҳам кимлигимиз аён бўлади. Чунки Оллоҳ дунёни аёвсиз залолатга ботирган мана шу махлуқни – Одам наслини мендан ортиқ кўрди. Охир-оқибат бунга, шубҳасиз, ойдинлик киритилиши ва адолат тантана қилмоғи лозим.

Тўғриси, мен одамга айланаяпманми ёки одам менгами, билмайман. Энди ишимизу вазифамиз ҳам бир хил бўлиб бораётгандек. Рост, мен йўлдан оздиргувчиман, не йўл, неки усул ила бўлса-да одамзодни ёмонлик сари етаклайман, яъни мен дахл қилган одам борки бир балога гирифтордир. Унинг нафс аталмиш ошноси бор экан, менинг юмушим тобора-тобора осон кечаверади. Хўп, менинг-ку қисматим шу экан, лекин мақталган аҳли одам мендан аъломи? Гиёҳвандлик балосини (бу менинг гапим эмас) кашф этиб, уни тобора такомиллаштириб, ҳатто гўдакларга пуллаётган ва сон-саноқсиз «ярим одамларни», ногиронларни бинога келтириб, оммавий савдойиликни тарғиб этаётган ҳам одам-ку, ахир. Хўш, унинг мендан нимаси ортиқ? Балки фириб ва ёвузликда ортиқроқдир...

Одам боласи мана шу ҳолига яна олий мавжудотликни, адолатни даъво қилади. Ахир ёвузлик ва залолатни

яратувчи унинг ўзи эмасми? Аслида у ҳар бир ишини эзгулик даъвосида амалга оширади. Узоққа бормайлик, яқин ўтмишда оламни қон-қора қақшатган Адольф Ҳитлерни (уни ва унинг маслакдошларини бир неча бор эслаган бўлсак ҳам) олайлик: у ўз ғоя ва амалларининг бошланишида, балки ундан кейин – дунёнинг ярмини маҳв этиб, миллион-миллион одамларнинг ёстиғини қуритганда ҳам ёвузлик қилаяпман, дея ўйлаган дейсизми? Асло! Аввало у дунёни насли нотайин одамлардан, ўзи айтмоқчи, чиқиндидан, мараздан тозалаб, олий ирқ – орийлар ҳукмронлигини жорий этмоқчи бўлган. Бу ғоянинг нимаси ёмон, бу ахир яхшилик-ку! Фақат тозалов аёвсиз қатли омга, мисли сиз вайронагарчиликка сабаб бўлган, холос. Ҳа, Ҳитлер ҳам одам, уни ҳам она туққан. Ўшанда миллионлаб одамлар унинг оташин нутқларини жон қулоқлари билан эшитишган, китобларини берилиб ўқишган ва сўнгра тўда-тўда бўлиб унга эргашишган. Тўғри, бу васваса онларида менинг ҳиссам ҳам катта бўлган. Аммо улар одам эдилар-ку! Мени лаънатга йўлиқтирган, ўзлари Оллоҳ томонидан мақталган одамлар эмасмидилар! Мен шунисига куяман. Агар шу эзгулик бўлса ёки беш йиллик уруш келтирган оқибатлар эзгулик тантанаси бўлса, дунёда менга иш қолмагани рост.

Биттагина қуролни топиш баҳонасида бутун бир давлатга ғорат солиб, одамлар, энг даҳшатлиси, гўдаклар устидан бомба ёғдирган ва буни олам кўзига адолат тантанаси деб кўрсатган, унинг устига, бу қирғину қабоҳатларни индамай томоша қилиб турган ҳам одам аҳли эмасми? Уч-тўртта нобакорни йўқ қилиш ниятида яна бир бошқа давлатни бомбалар билан текислаб ташлаган ҳам одамлар-ку. Ишонинг, инсоният ҳалокат ёқасида, зеро, у ўз қурбидан ортиғини даъво қила бошлади.

Одам товуқнинг бўйнига пичоқ тортаётганларида, қонга дош беролмай дарров кўзларини юмиши мумкин,

лекин инсон қирғинига бамайлихотир, ҳатто киприк қоқмай қараб ўтираверади. Шунинг учун одамизод дунёси жар ёқасига келиб қолдики, энди у Ҳитлерлар урчиётганига, қайта-қайта оламга келаётганига ҳам парво қилмай, эзгулик ҳақида хаёл сураверади. Унинг (Уфқ айтмоқчи) ақли пулга, қалби турли-туман техник қурилмаларга, ҳис-туйғулари эса анвойи қулайлик(комфорт)лар оғушидаги ҳузур-ҳаловатга айланиб бормоқда.

Менинг келажакни кўра олишимга балки ишонарсиз, балки ишонмассиз. Бироқ, шуни аниқ айта оламанки, техник тараққиёт туфайли инсониятнинг ҳис-туйғулари, тўғрироғи, ҳис қилиш даражаси тобора чекланиб бормоқда. Одамизод, қўпол қилиб айтганда, расмана кулиш ва расмана йиғлаш неъматидан, завқидан йироқлашмоқда. Албатта буни ўзи сезмаяпти, сезолмайди ҳам. Бир эътибор беринг-а, авлодлар алмашуви нақадар ўсди ва уларнинг феъллари орасидаги тафовут ҳам ниҳоятда кескинлашмоқда. Мисол учун, ота табиатдаги бирон ҳодисадан таъсирланиб, кўзига ёш олса, ўғли ҳириглаб ўтиради ва ҳатто кўнгил торларини чертгувчи ўшал воқеликни масхаралаши ҳам мумкин. Аслида буни исботлашга уринишнинг ҳожати йўқ. Худди шу каби яқин кунларда (балки йилларда десак маъқул бўлар), инсониятнинг техник имкониятлари ва қулайликлари янада такомиллашади. Бундан бир неча йил аввал ҳатто одамнинг тасаввурига ҳам сиғмаган уяли алоқа нимайкин, дердик. Ҳадемай ўзаро алоқада бирон воситанинг кераги бўлмай қолади. Инсонга Оллоҳ берган ва юқорида айтганимиздек, тобора йўқолиб бораётган, аслида жуда ҳам нодир ҳамда нозик ҳис-туйғу торлари деймизми ёки толаларими, энди коинотда юлдузлардай сочилган сон-саноқсиз сунъий йўлдошлар (станциялар)нинг ўзига хос унсурларига айланади. Қўлингизга телефонни олиб, рақам териб ўтирмайсиз, гаплашмоқчи бўлган кишингизни ва айтадиган фикрин-

гизни хаёлингизга келтирсангиз бас. Коинотдаги нозик қурилмалар сизнинг махсус кодингиздаги маълумотни дарров илғаб олади-да, тегишли одамга етказади. Сиз гаплашишни истаган киши ҳам маълумотни мияси орқали қабул қилади ва худди сиз каби сўзсиз, хаёлан жавоб беради. Олам сокин, осуда бўлиб қолади. Шуур ва кўнгиллардаги азалий барқарор туйғулар, ҳиссиётлар ўрнини турфа маълумоту ахборотлар эгаллайди. Ҳамма ёқ жимжит... Ниҳоят кун келиб, севги ёшидаги бир йигит боши узра учиб юрган оппоқ капалакни кўриб қолади ва беихтиёр оҳ уриб юборади. Тўсатдан бағридан «о-ҳҳ» деган сас отилиб чиқади, холос. Лекин лаҳза ўтмай, атрофида назорат идораларининг учиб юрувчи машиналари пайдо бўлади-да, уни тутиб, олиб кетишади. Чунки унинг биргина оҳи коинотдаги ададсиз қурилмаларнинг фаолиятига тескари таъсир қилиб, ишдан чиқариши ва оламни ҳалокатга олиб келиши мумкин бўлади. Балки ишонмассиз...

Аммо инсониятнинг кўкси тобора шишиб, кўпчиб бормоқдаки, ишқилиб ўшал биргина оҳни уриб юбормасин. Дунёнинг ўт олиши ана шундан бошланади.

Яъни... Мана, масалан, мен – Шайтон, сизларга турфа одамларнинг ҳаётидан, боринғки, тақдиридан ҳикоя қилиб бердим. Бу одамларнинг бойи ҳам, камбағали ҳам, олиму омиси ҳам, иймонлию иймонсизи ҳам, аёлу эркаги ҳам бор. Айтинг, улар не кўйларда яшамоқдалар? Ўзларини ўзлари нималарга гирифтор этмоқдалар? Мен бирон-тасининг кўзига кўриндимми, қўлидан ушлаб бирон ёққа етакладимми? Айтинг, ахир! «Иблис инсоннинг қонида яшайди», деган гапни эшитганмисиз? (Бу гапни Муҳаммад (саллаллоҳи алайҳи васаллам) айтган.) Демак, ҳамма нарса одамнинг ичида кечиши рост. Энди юқорида айтганим – коинотдаги сон-саноқсиз қурилмаларни эсланг. Мен инсон учун ана ўша қурилмадай гапман. Яъни ҳадемай моддий ва руҳий тараққиёт натижалари тўқнашади...

Одамизод ана ўшанда оҳ уради... Қолаверса, мен инсон учун шунчаки таскин воситасига айланиб бормоқдаман. Барига гўёки мен айбдорман ва одамлар бунга кўникди. Бошларига тушаётган ва эҳтимолки, тақдирларига битилган ҳамма-ҳамма ишлар, воқеалар табиий эҳтиёж, оддий бир ҳолга эврилаётгандек. Балки бу яхшидир, ҳартугул борига, демакки, тақдирга кўниб яшаш дуруст фазилат-да. Бироқ...

Бироқ мен биттаман ва шунингдек, жуда кўпман – ҳисобсизман. Билган одам учун мана шунинг ўзи буюк ҳикматдир. Ҳа-ҳа, шундай. Савол беришга ёки ўзингизча хулоса чиқаришга шошилманг. Инсон бир фикрга келиши, бирон ишга киришиши асносида, янада тушунарлироқ айтсам, у ёки бу ёққа оғишининг энг сўнгги онида фақат ва фақат ўзи бўлади, яъни унинг қайси томонга юришига ҳеч ким аралашмайди. Ҳатто Оллоҳ ҳам уни ўша лаҳзада ўз ҳолига қўяди, дахл қилмайди ва шунинг учун бу дунё имтиҳон дунё саналади. Чунки жумла коинотнинг Соҳиби одамга қай томонга юришини аввал – ибтидода айтиб қўйган. Ҳа, инсон ўзи билан ўзи ёлғиз қолади. Шундай экан, одамзод, агарки, ҳалокатга юз тутаётган бўлса, бунга фақатгина ўзи айбдор.

Мен Иблисман. Мана, иблисона ҳикоям ҳам ниҳоясига етди. Сизнингча, мен фақатгина ёмонлик истагувчи ва ёмонликка йўллагувчиман. Қолгани ўзимгагина аён. Ушбуни ўқиш ёки ўқимаслик, эшитиш ёки эшитмаслик сизнинг ишингиз. Фақат ушбуга зиғирча ёлғон қўшмадим, ишонинг...

Тағин ким билади, эҳтимол мени эшитмаганингиз маъқулдир. Лекин сўнгги лаҳзада барибир ёлғиз ўзингиз қоласиз, шуни унутмасангиз бас!

МУАЛЛИФДАН

Агар бардошингиз етиб, ушбуни ўқиб чиққан бўлсангиз, мана энди муаллифнинг ҳам икки оғиз сўзига қулоқ тутишингизни сўрайман.

Эҳтимол романимнинг бошидаёқ Иблис тилидан ҳикоя қилганим учун энсангиз қотгандир, ғашингиз келгандир, қўрқиб кетгандирсиз ва ҳатто мендан нафратланган-дирсиз. Илтимос қиламан, хулоса чиқаришга шошилманг. Лекин, шуни ҳам тан олиб айтаманки, хоҳлаганингиздай хулоса чиқаришга ҳақлисиз. Чунки дунё турфа ранглардан иборат бўлганидек, одамлар ва уларнинг феълу дунёқарашлари ҳам хилма-хилдир. Жумладан, сиз билан менинг ҳам.

Ёруғ оламда Эзгулик ва Ёвузликнинг кураши абадий. Бу ҳақиқатни не-не улуғлар не-не усулларда айтиб, битиб ўтмаган. Бироқ унинг ниҳояси йўқ, бўлмайди ҳам. Оддий бир қаламкаш сифатида мен ҳам ўз фикрларимни, изтиробу ўйларимни айтмоққа ҳақли эканман, бунинг усулларини, ўқувчини ўзига тортиши мумкин бўлган қирраларини излашга, топиб, ундан фойдаланишга-да ҳақлиман. Шу маънода мен одамзодга Ёвузлик, яъни Иблис тарафидан боқишга, уни тафтиш қилишга уриндим. Қани, Иблис – ёмонлик гапирсин-чи, нима бўларкин, инсон қиёфаси не алпозда кўринаркин? Ахир аҳли одам ўзини ўзи мақтайвериб чарчади, чоғи. Нега энди Эзгулик ҳеч йўқ бир бор Ёвузликнинг тарафини олмаслиги, йўқ-йўқ, тўғрироғи, ўзини ўзи намойиш (балки фош) этишни Ёвузликнинг ўзига қўйиб бермаслиги ке-

рак? Агарки у бор экан, эҳтимол унинг айтар гапи ҳам бордир. Мен мана шуни назарда тутдим.

Биз ҳамиша васваса ичрамиз – қувонганимизда ҳам, ғам чекканимизда ҳам, курашганимизда ҳам ва ҳоказо. Айтинг, Уфқнинг онаси васваса ичра эмасмиди? Ахир у ўғлини қутқариш учун нималар қилмади. Ёки илмининг кучидан васвасага тушиб, Оллоҳнинг ишига аралашмоқчи бўлган Табибни олинг. Хоқон, Ахир, Отинойи, Дилнура кабиларнинг эса ҳар бир қадами васвасадир. Яъни одамзод васваса ичрадир. Фақат васвасанинг даражалари бор ва улар турфа. Демак, унинг тўхталиши, ўзини тутиб, боринғки, таниши учун бир «Тутқич» лозим. «Агар, дейди Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд, Абдухолиқ Ғиждувоний ҳазратларининг фарзандларидан (издошларидан, муридларидан) биронтаси бўлганда эди, Мансур Ҳаллож минбаъд дорга тортилмасди». Оллоҳ кечирсину, унинг бу ҳоли ҳам жазба, васваса чангалида кечган эди. Яъни «Тутқич» бўлганида ҳатто валийлар султони Мансур Ҳаллож шу кўйга тушмасди. Бу инсониятнинг қисматига ҳам уйғундирки, ана ўшанда у Иблисни танийди ва эҳтимолки, ахири Иблис кераксиз бир нарсага айланиб, унутилар ҳам. Хўш, ўша «Тутқич» – нажот нима бўлиши мумкин? Одамзод ана шуни изламоқда. Беихтиёр изламоқда. Уни топса, нажотни ҳам топади.

Инсониятнинг асосий фожиаларидан бири нимада? Динларнинг кўплигида, эътиқодининг турфалигида эмасми? Яна эҳтимолки, бани башарнинг эътиқоди бир, сиғинар қибласи ягона бўлса, Иблиснинг ҳожати қолмас?.. Балки ҳақиқий Қиёмат одамзоднинг минг турли кўринишларда бўлиниб-бўлиниб кетаётганлигидадир?..

Шулар эди муддаом...

Ер шарининг икки қутбида улкан музликлар мавжуд. Улар она заминимизнинг тафтини олиб, совитиб турган-

дай. Акс ҳолда, агарки Оллоҳнинг ана шу ҳикмати бўлмаса, Ер тилкаланиб, оловлар ичра қоларди.

Назаримда, одамзод ҳаётининг ҳам икки қутби бор. «Тутқич» ана ўша қутбларни англамоқлик ва мувозанатни сақлай олмоқликдадир. Эҳтимол шунда васваса чекинар... Балки ушбуни мен ҳам васваса ичра битгандирман?..

Барча айтганларим учун Оллоҳдан авфу мағфират, Иблиснинг ёмонлигидан ҳифзу ҳимоят сўрайман! Омин!

26.08.2005 й.
27.07.2009 й.

МУНДАРИЖА

Қисса

Ўлимнинг ранги.....4

Ҳикоялар

Уруш.....102
Урушнинг давоми.....109
Айрилиқ.....117

Роман

Қурб.....123

Адабий-бадиий нашр

Наби Жалолиддин

УРУШНИНГ ДАВОМИ

Қисса, ҳикоялар ва роман

Ижодий гуруҳ:

Муҳаррир *Санжар Турсунов*
Бадиий муҳаррир *Иззат Йўлдошев*
Техник муҳаррир *Татьяна Харитонова*
Мусаҳҳиҳ *Доно Тўйчиева*
Саҳифаловчи *Сурайё Раҳмедова*

Нашриёт лицензияси рақами AI № 290. 04.11.2016
2021 йил 11 мартда босишга рухсат этилди.
Бичими 84x108 $^{1}/_{32}$. Times New Roman гарнитураси.
Офсет босма. 17,64 шартли босма табоқ. 13,7 нашр табоғи.
Адади 3000 нусха. 76 - рақамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида.

Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.
100128 Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.

Телефонлар: (371) 241-25-24, 241-83-29
Факс: (371) 241-82-69

www.gglit.uz **info@gglit.uz**

22.100 c.

НАБИ ЖАЛОЛИДДИН

УРУШНИНГ ДАВОМИ

Уруш балосини одамзоднинг ўзи ўйлаб топган. У ҳайвоний инстинкт – зўравонлик, эгалик, куч билан, не қилиб бўлса-да, енгиш унинг "бош вазифаси".

Ёзувчининг урушда иштирок этиши икки ҳисса фожиа. Зеро уни умр бўйи таъқиб қилади. Урушда иштирок этишдан кўра у ҳақида ёзиш оғирроқ. Шунинг учун ҳам уруш кўрган, уни умр бўйи лаънатлаб, бонг уриб ўтган, ўтаётган ва инсонлик рутбасини сақлаб қолган ёзувчиларга ҳар қанча таъзим қилсак арзийди.

18+

G.AFUR G.ULOM NOMIDAGI NASHRIYOT-MATBAA IJODIY UYI

ISBN 978-9943-6450-6-6